

САИД АҲМАД

ТОШЛАРДА ҚОТГАН ҲАЙРАТ

Адабий ўйлар, хотиралар, ҳикоялар



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2006

84(5Ў) 6
С 21

Саид Аҳмад.

С 21 Тошларда қотган ҳайрат: Адабий ўйлар, хотиралар, ҳикоялар / Саид Аҳмад. - Т.: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – 208 б.

Ўзининг қувноқ, оромбахш ҳикоялари ва салмоқли романлари билан Сиз азиз ўқувчиларнинг меҳрини қозонган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ушбу китобида бугунги кунда қалам тебратаётган таланти ўзбек шоир-ёзувчиларининг ижоди, ижодкорлик маҳоратлари борасидаги муаллифнинг кузатганлари, берган баҳоси кенг ёритилган. Шунингдек, Тоғай Мурод, Шавкат Раҳмон, Неъмат Аминов каби ижодкорлар ҳақидаги хотиралари ҳам китобдан ўрин олган. Адибнинг қувноқ ҳикоялари, публицистик мақолалари ҳамда ўзи ҳақида замондошларининг яратган адабий портретлари китобга сержилолик бахш этган.

ББК 84(5Ў) 6

X 4702620201-32 2006
M 352 (04)-2006

ISBN № 5-635-02442-4

© Саид Аҳмад, Фафур Гулом
номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2006 й.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАДГА

Муҳтарам Саид Аҳмад ака!

Сизнинг ҳаётингиздаги қутлуғ кун – табаррук 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган бетакрор сўз санъаткори, заҳматкаш адиб сифатида билади ва қадрлайди. Юртимизда сеҳрли қаламингизга мансуб гўзал романлар, ранг-баранг қисса ва ҳикоялар, саҳна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқчил ва теранлиги билан адабиёт мухлисларининг меҳрига сазовор бўлган.

Миллатимиз руҳининг бадий ифодаси бўлмиш «Уфқ» романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намоиш этилаётган «Келинлар қўзғолони» драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаётини, унинг яқин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда ажодларимиз кўрсатган матонат ҳақида Сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Сизнинг букилмас ирода ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган мана шу озод замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу, одам яхши ният йўлида сабру қаноат билан меҳнат қилса, албатта бахтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Қадрли Саид Аҳмад ака!

Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматида ўтаётган умрингизга умр қўшилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқоли, ёшларимизнинг меҳрибон устози бўлиб юринг.

Чексиз эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
2000 йил, 10 июнь



АДАБИЙ УЙЛАР

БЕШИГИНИ ТОҒЛАР ТЕБРАТГАН ШОИР

Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳарён қизил, сориг, яшил.

Алишер Навоий

Тиниб-тинчимаган олимлар қилни қирқ ёриб, етти ухлаб
тушимизга кирмаган ғаройиб мўъжизалардан бизни огоҳ
қилмоқдалар.

Яқинда япон ва немис олимлари биргаликда ранг, нур,
овоз ва ҳидларнинг оғирлигини ўлчайдиган мослама яратдилар.

Табиатда мавжуд бўлган жамики ҳидларнинг, рангларнинг,
овозларнинг оғирлиги бир-биридан кескин фарқ қилар экан.

Ҳамма нарса, жонли, жонсиз, ер, дарахт, одамлар, сув,
ҳаво, ҳайвонлар, паррандаю даррандалар ўзларидан ҳид
таратадилар. Уларнинг салмоғи бир хил эмаслигини аппарат
исбот қилиб берди.

Бу фавқулудда кашфиётнинг парфюмерия саноатидан
кўра шеъриятга кўпроқ алоқаси борга ўхшаб туюлди.

Бошқа соҳалар қатори шеъриятнинг ҳам ўз тош-тарозуси,
ҳар бир байтнинг ўз салмоғи, вазминлиги — вазни бор.

Чинакам санъаткор шоир яратган шеърлардан баҳорий
боғлар нафаси, саратон қиздирган тошлардан қайноқ офтоб
бўйи, шаршаралар тўзонидан дарё иси анқиб туради.

Ранг — бу тасвирий санъат деб аталмиш соҳанинг мулки.
Тоғларнинг қуёшга терс тарафида туман чулғаган ҳавойи
гунафша ранг соялари рассомлар томонидан аллақачон
абадиятга муҳрлаб қўйилган, деб ўйлаймиз. Йўқ. Рассом
бўёқларини кўтариб яна тонгни кутиб олгани чиқади. Ўша
тоғ, ўша тонг, ўша туман, ўша нур билан соялар ўйини. У
қуёшни, сояни, туманни янгидан кашф этади. Шаббодада
титраётган баргларнинг офтоб нурига тўқнашиб чалаётган
чақмоқли қарсақларини эшитади. Ўзини кўради.

Яхшилаб қулоқ тутинг! Гиёҳлар оламнинг ибтидосидан
интиҳосигача тинмайдиган қўшиғини бошлаяпти.

Рассом тун манзарасини кузатади. Ўша тоғ, ўша ён-бағирлар, ой ҳали чўққидан ҳатлаб ўтгани йўқ. Чўққига урилиб қиличдек ялтираётган муздек нури энди рассомдан бошқача ранг сўраяпти.

Ушбу мақолани ёзишимга тоғли бир шоирнинг достони сабаб бўлди.

Паркент пойтахтимизнинг биқингинасида. Бу манзилда буюк инсонлар қадам изи қолдирганлар. Бу тоғ сўқмоқларидан Искандар Зулқарнайн ўтган деган ривоятлар бор.

Бобур қувфинга учраган пайтда шу тоғлардан макон топган. Унга ҳамроҳ бўлган Ҳофиз Кўйкий Ҳиндистонгача уни кузатиб қўйган.

Буюк Фафур Фулом ҳар гал Паркентда дам олиб қайтганда, «Бечора ўпкама Паркент ҳавосидан запрафка қилиб келяпман», деб кулиб қўярди.

«Шарқ Юлдузи»ни варақлаб ўтириб, паркентлик шоир Маҳмуд Тоировнинг «Отамнинг ўкинчи» деган достонига кўзим тушиб қолди. Мен бу шоирнинг шеърларини жуда яхши кўрардим. Достони ҳам албатта яхши ёзилган бўлиши керак, деб ўша заҳотиёқ ўқишга киришдим. Бошимни кўтармай бир зарб билан ўқиб чиқдим. Очиғини айтсам, ҳузур қилдим. Тоғ ҳавосидан нафас олгандек бўлдим.

Бунақа достонни жилғаларнинг шаффоф сувидан ичган шоиргина ёзиши мумкин, деган хулосага келдим.

Фикран теран, ҳикматга мойил ижоди кўпчиликнинг ҳусни таважжуҳини ўзига қаратган шоирнинг боз устига яна қайтадан мухлиси бўлиб қолдим.

Унинг ҳаммага ёққан достонида назм билан наср алмашилиб туради.

Шоир қадим достончилик анъаналарини уйғотиб юборгандек бўлади. Унинг ўртаниб куйлаган фарёди назмдан насрга ўтганини сезмай қоламиз. Гўё ҳали ҳам шеър ўқиётганга ўхшайверади.

Маҳмуд завқ-шавққа тўлган бахши бўлиб Алпомишлар, Барчинойлар, Гўрўғлилар, Зулфизарлар даврасида ўтириб, қулоғига попук тақилган, мунчоқлар осилган дўмбирасини кайф билан тебратиб-тебратиб чертаётгандек бўлади.

Халқ достончилигига эътибор кучайган, бахшилар қадр топаётган айни пайтда Маҳмуднинг бу достони бахшиларимизга жўравозлик қилди.

Маҳмуд Тоировнинг «Ҳақни таниб» шеърӣ тўпламини
варақлаяпман. Бири биридан яхши, ўқиган сари ўқигинг
келадиган шеърларидан ҳузур қилаяпман. Шеърлардан олган
роҳатимни ўқувчи билан баҳам кўрсам дейман. Сизнинг
руҳсатингиз билан китоб аввалидаги «Кўзимда кўкарган
гулмисан, шеърӣят» деб аталган қисқагина шеърини ўқиб
бераман:

Тупроқнинг тилини кулол билмайди,
У ахир гулгамас, лойга ийлайди.
Қарқуноқдан булбул чиқмаса чиқмас,
Ҳамма тангри берган тилда куйлайди.

Нақадар тиниқ ва гўзал, нақадар содда ва таъсирли
садрлар.

Иккинчи шеърдан жиччагинасини ўқийман.

Болари боғларнинг болин тугатмас,
Яратган сахийнинг молин тугатмас.
...Оламдан ранг олмиш чехраи зарди,
Дунёни қаритган одамнинг дарди.

Қилни қирқ ёрадиган шеърхонга бу гапларим малол
келаётганга ўхшаяпти.

Шеърнинг яхшилигини биз ҳам билиб турибмиз, бола
эмасмиз. Яхшини яхши дейиш ҳамманинг ҳам кўлидан келади.
Аммо нимаси яхши, нега яхши, ана шундан гапиринг, деб
оғзимни пойлаяптилар.

Бунақа сўроққа жавоб бериш учун соатлаб гапириш, ёзиб
тушунтириш учун қанчалаб қоғозни қоралаш керак. Шунда
ҳам жавобингиздан шеърхон қоникмайди. Нега, деб тура-
веради.

Сиз «Муножот» куйини тушунтириб бера оласизми? Йўқ.
У сўз билан айтиб бўлмайдиган олам. Ҳар кимнинг юрагида
ўз «Муножоти» бор. Уни айтиб бўлмайди. Айтганда ўзиники
қилиб, ўз дард-аламларига қориштириб, кўз ёшлари билан
ювиб, энтикиб-энтикиб, фарёд уриб айтади.

Нега Навоий яхши ёзади? Нега Бобур ҳам яхши ёзади,
деган сўроққа жавоб топиб бўладими?

Мен Маҳмуд шеърларидан олган таассуротларим билан ўртоқлашмоқчиман, холос. Унинг ижодига ўнг кўз билан қарайдиган мухлис сифатида балки ортиқча маҳлиё бўлаётгандирман. Бунинг учун узр сўрайман.

Гунча қувонч ичсин булбул комидан,
Бизлар май ичамиз сукут жомидан,
Эй дил, бўзлайверма элнинг номидан,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Демишлар қарғага тарона ёқмас,
Ношуд нолийверар, замона ёқмас,
Ўчган чирогингни бегона ёқмас,
Элнинг элагидан ўтганлар айтсин.

Меҳр — кўзлар ичра кулган бир чечак,
Вафо — ҳар бир мўмин ахтарган эртак,
Жафо — ҳар қаричда унгучи чечак,
Меҳру вафо истаб кетиб бораман.

«Ҳақни таниб» тўпламида ўқувчини адаштирадиган, техник чалкашликлар кўп (Бу нашриётнинг айби).

Китоб аввалида шоирнинг дастлабки илк шеърлари киритилган. Китобнинг сўнгида берилган шеърлари билан уларни солиштирсангиз икковининг маҳорат даражаси бир хил эканига шоҳид бўласиз. Ўқувчида шоир ўша биринчи шеърлари даражасида қолиб кетган экан, деган нотўғри таассурот қолади.

Бу ҳол Маҳмуднинг 2002 йилда босилган «Сайланма» сида аниқ кўринади. Сайланмада ҳар бир шеърнинг ёзилган пайти, йили, оий, куни албатта кўрсатилган бўлиши керак. Бу «Сайланма»да эса шу тартиб бузилган.

Аммо Маҳмуд шеърлари қачон ёзилган бўлишидан қатъи назар дилбар, ўқишли, ўқувчини завқлантирадиган, ўйга толдирадиган, ўқиб бошқаларга гапириб юрса арзийдиган шеърлардир.

Маҳмуд Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг Тошкент вилояти бўлимига раҳбарлик қилади. Вилоятнинг деярли ҳамма туманларида китобхонлар билан ёзувчиларнинг учрашувларини ўтказиб туради. Булардан ташқари, у туманда чиқадаган «Паркент тонги» газетасига кўп йиллардан бери

муҳаррирлик қилади. Ҳозирги кунда жуда ноёб бўлиб қолган қоғоз масаласи, газетага обуна қилиш ишлари унинг кўп вақтини олади.

Маҳмуд ҳар қандай тиғиз пайтда ҳам шеър ёзишга вақт топа олади. Мамлакатимизда чиқаётган газеталар Маҳмуднинг шеърини кутадилар. Улар учун туркум шеърлар юборади. Радио-телевидение ҳам Маҳмуд ижодига бефарқ қарамайди. Шеърларини, кўшиқларини тез-тез эфирга узатадилар, зангори экранда машҳур сўз усталари ўқиб эшиттирадилар.

Маҳмуд Тоиров кўшиқ жанрининг ривожига катта ҳисса қўшаётган шоирларнинг пешқадамларидан бири бўлиб қолди.

Айниқса, халқимизнинг севикли хонандаси Юлдуз Усмонова билан ҳамкорликда яратган кўшиқлари «Наврўз» ҳамда Мустақиллик тантаналарида доимо ижро этилади.

Шеъриятда ранг, нур ва ҳиднинг салмоғи ҳақида туркум мақолаларим учун Маҳмуд шеърларидан мисол ахтармадим. Чунки унинг ўзи ҳам, фаолияти ҳам, ҳаёти ҳам Паркент деб аталмиш атир бўйли рангин бир юртнинг ҳамма хусусиятларини омихта қилиб ўзига юқтирган ўғлони. Энди уни ортиқча таъриф-тавсифлардан холи қилсак ҳам бўлади.

КИТОБ ДЕГАНИ АНА ШУНДОҚ БЎЛСА

Кечадан бери ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Йўқчилик ва тўқчилик» китобини ўқияпман.

Раҳматулла билан Нозимахон иккови фарзандлари — Беҳзод ҳамда Элзоднинг бири биридан ширин гапларига андармон бўлиб, ҳар қандай қийинчиликка қарамай умидлар, орзулар билан яшайдилар.

Бу асарни ниҳоятда тотув, меҳр-муҳаббатга йўғрилган оила тўғрисидаги дoston деб аташга тилим бормади. Дostonларда икки севишганни бир-биридан жудо қиладиган ёвуз кучлар бўлади.

Бу оила шу қадар мустаҳкамки, уни мутлақо емириб бўлмайди. Эр-хотинни боғлаб турадиган муҳаббат занжирига ҳар кун бир узилмас ҳалқа уланиб бораверади.

Олди-қочди романларга ўрганган китобхон, «оббо, буёғи диққатвозликка ўхшайди-ку», дейиши мумкин.

Ўқувчининг китоб олдидаги, муаллиф олдидаги масъулияти унинг сабр-бардоши билан баҳоланади. Биз «ёнидан» бепарвогина ўтиб кетган, орқада мунғайиб қараб қолган биргина сўз вақтики келиб бу қилмишимизни юзимизга солади.

Қовушгандан буён икки фарзанд кўргунча кўрпа кўтариб ижарама-ижара кўчиб юрган, ижарахўр кампирнинг зуғумларига чидаб яшаган шу оилага ниҳоят кўп қаватли «дом»дан уч хонали уй тегди.

Бор бисоти, йиққан-терган «мулки» битта таксининг юкхонасига жо бўладиган рўзгор бу уйларга урвоқ ҳам бўлмасди. Уйларини улар ўртасидаги меҳр-муҳаббат тўлдириб турарди.

Эр-хотин ишдан қочмайдиган, деҳқон тили билан айтганда, «кафтида ҳам, товонида ҳам кўрти бор» инсонлардан эди.

Нозимахон аввалига машинка босиб пул топади. Чеварликка ўқиб, бу ҳунарнинг нозик томонларини эгаллагач, «Мошиначи Нозимахон» бўлиб оғизга тушади. Шаҳарнинг бойвучча аёллари фақат унга кийим тиктирадиган бўлиб қоладилар.

Раҳматулла эса илмий ишини ташлаб, армияда орттирган шофёрлик ҳунарига қайтади. Энди у қайсидир идоранинг «РАФ» автобусини миниб идора ходимларини ишга обориб, ишдан опкелиб юради. Бу идорада Виктор Андреевич — Витя амаки деган қўли гул дурадгор ишлар эди. Кўп ичганидан икки марта ранда тортганидаёқ ҳансираб қолар, бакуватроқ, қобилгина ёрдамчи излаб юрарди. Раҳматулла билан Витя амаки шу жойда топишиб қолишди. Одамларнинг гапларига қараганда, Витя амакининг велосипеддан тортиб бузилган эски атом бомбасиниям тузатиш қўлидан келар экан.

Витя амаки Раҳматуллани ёнига олди. Шаҳарда пулнинг сассиғига ётолмайдиган бойваччалар тоза ҳаво олиш учун катта маблағ сарф қилиб тиклаган дала боғларида Витя амакига фин ҳаммоми қурдирадилар. Виктор Андреевичдек ҳаммом қурадиган устани топиб бўлмасди. У жуда сахий, ҳалол одам эди. Тушган пулни Раҳматулла билан тенг бўлишарди. Раҳматулла ишга қизиқиб кетиб уйга кам келадиган, кўпинча кийим алмаштиргани келадиган бўлиб қолган эди.

Витя амаки Раҳматулланинг уйини кўргани келганда сахийлиги тутиб, дала ҳовлидаги ишларни вақтинча тўхта-

тиб, Раҳматулла билан шу уч хонали уйни таъмирлашга киришиб кетади.

Нозимахон усталарнинг оғзига ёқадиган таомлар пишириб турди. Қандоқки бўёқ керак бўлса, зумда ҳозир қилди.

Тўрт кун деганда шу пайтгача кирганни ютаман деб оғзини очиб турган учта хона нодир музей залларига ўхшаб кўзни яйратадиган ҳолга келди. Деворларга арабий гиламлар осилди. Болгар, югослав, немис мебеллари хоналарни чинакам музейга айлантирди.

Нозимахон билан Раҳматулла орзу қилган ҳамма ниятларига етдилар. Ҳатто сутранг «Жигули» ҳам олдилар. Раҳматулла бола-чақасини шу машинада қишлоғига олиб борди. Тоғларни, охири кўринмайдиган узумзорларни, анжирзорларни кўрсатди.

Энди эр-хотиннинг армони қолмади.

Уй тўйи Нозимахон ўйлаганидан ҳам зиёда бўлди. Буни Муаттар Зокировна, Лобархону Сусанна Владимировналарнинг кўзларидан билди. Сусанна Владимировна унинг қулоғига: «Эртага уйда бўлинг, телефончилар келишади, пул-мул бериб ўтирманг, ўзим рози қилганман», дейди.

Бешинчи қаватдагилар ҳам шунча йил «дом»да бирга яшаб биринчи марта ўз оёқлари билан зиналарни босиб Нозимахонлар «этажи»га қадам изи қилдилар.

Улар бешинчи қаватдан чиқинди ташласалар тўппа-тўғри ахлат машинасига тушар, ўша заҳотиёқ пашша қўндирмай олиб кетиларди.

Ўзлари ҳам лифтда ғир этиб, эшиги очиқ тайёр турган машина қучоғига келиб тушардилар.

Ноз-неъматлардан столларнинг бели майишиб кетди. Самарқанду Марғилондан қариндош-уруғлар, ёр-биродарлар, Раҳматулланинг бир эмас, учта ишхонасидан келганлар ва Нозимахоннинг мижозлари учта хонани тўлдирдилар.

Нозимахон бахтиёр эди.

Раҳматулланинг отаси кетар чоғи: «Ҳай, омон бўлинглар. Уйинг худди магазинга ўхшаб кетибди. Ҳозир замон тўқчилик, ҳамма нарса бор, сизлар йўқчиликни кўрмагансизлар... Лекин йўқчиликка бардош берса бўлади-ю, тўқчиликка билмадим-да», деди тагдор қилиб.

Уйқусиз кечалар, бирваракай уч идоранинг хизмати, югур-югури Раҳматуллани ҳолдан тойдирган эди. У ўтирган

жойида мудраб кетар, оғир, зил қовоқларини кўтаришга ҳам ҳоли қолмасди.

Ана шундай оромсизлик, уйқусизлик, тинимсиз меҳнат ўз ишини қилди. Раҳматулла катта йўл бўйида, машина ичида бу оламдан кўз юмди. У йўқчилик билан тўқчилик оралиғида тагига етиб бўлмас сирли оламини ташлаб кетди. Нозимахон марҳумнинг йигирмасига икки юз кило гуруч дамлаб, етти маҳаллага ош бермоқчи...

Катта еб, катта ичиб ўрганган, ҳар қадамда пул топадиган Нозимахон беш минг сўмлик бриллиант тўғноғич тақадиган, шу билан ҳаммадан бадавлатлигини намойиш қиладиган аэропорт кассири кепатасига тушиб қолмасмикан, «тўқчилик» деб аталмиш оролнинг фуқаросига айланиб кетмасмикан, деган бир андиша ўқувчини ўйлатиб қўяди. Тўқчиликнинг оғир синовларига бошида эри йўқ Нозимахон дош бера олармикан...

Тупканинг тагидан учиб келган лайлак ҳам эри йўқ хотиннинг томига тезак ташлар экан. Ҳусни бир жаҳон бойвучча тул хотин кимларнинг иштаҳасини қўзғатмайди? Атрофида лабини ялаб, сўлагини ютиб тамшанадиганлар кўпайиб кетмасмикан?

Қолаверса, бошқа давлатнинг дахлсиз жойидек бешинчи қават уни ўз қомига тортиб кетмасмикан?..

Бу уч хонали «музей» Раҳматулла билан файзли эди. Энди бу муздеккина хоналарда Нозимахон қандоқ яшайди? Унинг ўзи қанча меҳнатлар билан, қанча орзулар билан, умидлар билан ташмалаб келган шу буюмларнинг бири бўлиб қолмасмикин?

Энди у дунёда энг ҳалол, энг покиза инсон — Раҳматулла ёди билан яшайди. У жонидан суйган шу сабийларни унга ўхшаган қилиб тарбиялайди. Нозимахоннинг эндиги умри шу болалар билан Раҳматулла хотираси билан ўтади. Шу болалар билан овунади.

Нозимахон ёнида эри, бағрида болалари билан масъуд ўтказган кунларини эслаганда мижжаларида туриб қолган ёшларни киприк қоқмай тутиб турарди.

Бундай меҳр-вафо билан йўғрилган юракни энди ҳеч ким забт қилолмасди.

Ушбу китобга кирган «Дўстим Эсонбой», «Фуломгардиш», «Бир оқшом эртаги», «Уч юз олтмиш тўрт кун», «Бадантарбия»

ҳикоялари ҳам аввал тилга олинган воқеаларнинг мантиқий давомидек, айтиб чоғда, уларда янги-янги инсонлар тақдири пайдо бўлади.

«Йўқчилик ва тўқчилик» туркумидаги асарлар ёзилаётганда яна бир ёзувчи, Хайридин Султоновнинг қадрдон дўсти, хизматдоши, маслакдоши Мурод Муҳаммад Дўст ҳам ўз ҳамюртлари ҳақида «Галатепаликлар» туркумига кирган қиссаларини ёзган эди.

Албатта, Хайридин билан Мурод икки хил ёзувчи.

Хайридин ўйчан, теран мулоҳазаю мушоҳадалари билан Муроддан ажралиб туради. Мурод эса гоҳ узиб оладиган, гоҳ ўқувчини яйратадиган нимтабассум билан ёзади.

Барибир уларнинг асарларида баъзан ошқора, баъзан пинҳона бир яқинлик сезилиб туради.

«Дўстим Эсонбой» ҳикоясини ўқиганингизда қандайдир бир майин ёруғлик, одамга хуш ёқадиган мулойимлик танингизга сингиб кетаётгандек бўлади. Яхши одамлар борлигидан ёзувчининг қувончи, меҳри барқ уриб туради. Эсонбой сингари инсонларга ишониш, уларга суяниш жуда зарурлигини таъкидлайди адиб.

Эсонбой одам ажратмайди. Ҳаммамиз бир одаммиз, дейди. Бу тушунча унинг ҳаёт тарзига айланиб кетган.

«Бир оқшом эртаги» деб аталган мунг тўла ҳикоя қанчалар гўзал, қанчалар таъсирли, қанчалар фожеий!

Ҳикоя қаҳрамонининг икки кўзи кўр. Ҳамма уни Қори ака дейди. Орқаваротдан эса «Кўрқори» деб атайди.

У одамлар орасида бўлишни истайди. Худо берган жиндеккина овози билан (овоз демаса ҳам бўлади) тўй-ҳашамларда даврага тушиб қўшиқ айтгиси келади. Унга ҳадеганда гал беравермайдилар. Гали келганда эса «Яшанг, қори ака, сиздан бошқа ҳеч ким ўлмасин», деб очикдан-очик мазах қиладилар. «Қори ака, қисқароқ қилинг, даврани жудаям музлатворманг», деб кулги қиладилар.

Худо ургани пайғамбар ҳассаси билан туртади, деганларидек Қорининг мияси шикастланган, ақли ҳам кирарличикарли эди. Таъна-дашномларга парво қилмай ашуласини айтаверади. «Э, жўнатвор, тўртта қатламани бериб» деган гаплар унга таъсир қилмайди, «Ишқиди мени волаю ҳайрон яратибдур...» деган ўзи севган қўшиғига маст-аласт йигитлар

кулоқ солмайдилар: «Нима қиласиз бунақа мужмал қўшиқларни айтиб, бизга «Елписе»ни айтинг...»

«Биров худонинг бандаси, биров бандасининг бандаси» деб пичирлайди. У уйига қайтаркан, ирғай ҳассасини чертиб, ўша ҳирқироқ, ёқимсиз овозда аста хиргойи қилади:

Эй сарвиноз, гулшани сарви малоҳати...

Фам-андухга, ҳасрат-надоматларга тўла бу ҳикояни ўқиб дил-дилимдан Қори акага ачиниб кетдим.

Қайси гуноҳи учун одамларнинг таъна-дашномларига қолиши керак? Ахир, у одамларга интиляпти. Мен ҳам шулар сафида бўлсам, деяпти. Одамлар уни кўксидан итаришяпти.

У ҳеч кимнинг дилини оғритмаган.

Абдулла Қаҳҳор «Синчалак» қиссасида худди Қори акага ўхшаган эси кирарли-чиқарли бўлиб қолган девонани «Одамнинг чиқиндиси бўлмайди» деб, ўзига мос хизмат топиб берган.

Қорини ҳақорат қилаётганларга ҳеч ким «қўйинглар, шу ҳам худонинг бир ожиз бандаси» демайди.

Унга бўлган бу хил муносабатлардан мижжаларимда ёш тўпланиб қолди.

«Дўстим Эсонбой» ҳам, «Фуломгардиш» ҳам, «Бадантарбия» ҳам шунчаки ёзилган ҳикоялар эмас, моҳир рассом томонидан «асли»га қараб чизилган сувратлардир.

«Уч юз олтмиш тўрт кун» ҳикоясини қандоқ айтиб беришни билмайман. Бу ҳикояни Хайридин авжи кучга тўлган, авжи завқи танига сиғмай қолган пайтда ёзганлиги билиниб турипти. Бир адабиётшунос олим билан гаплашиб унга пича таъна қилгандек бўлдим.

— Нега «Йўқчилик ва тўқчилик» китобини тилга олмай-сизлар, нега уни тарғиб қилмайсизлар?» деб таъна қилганимда, у: «Бу асарлар тўғрисида ўз вақтида фикр билдирганмиз», деб жавоб қилди.

Ажаб! «Ўз вақтида» дегани нима дегани? Агар газета мақоласи тўғрисида сўз кетаётган бўлса бошқа гап эди. Газета мақоласи бир кунда эскиради. Ўз вақтида фикр билдирмасангиз, кечикиб қоласиз.

Ахир, «Йўқчилик ва тўқчилик» ниҳоятда гўзал, ҳамишаликка қоладиган санъат асари-ку! Китобга кирган баъзи ҳикояларнинг ёзилганига йигирма йилдан ошай деяпти.

Шунча вақт ўтиб бирон марта эсланганини билмайман. Адибнинг «Ё, Жамшид!», «Бир қамар сиймо», «Кўнгли озодадур» асарларида тасвирланган одамлар ниҳоятда аниқ, ниҳоятда эсда қоладиган, мукаммал образ даражасига етган қиёфалардир.

Хайриддин ким билан гаплашса, ўша заҳотиёқ қачон, қаерда, нима тўғрисида гаплашганини албатта дафтарчасига ёзиб қўяди. Ҳатто гаплашган одамнинг алоҳида белгиларини ҳам чизиб қўяди.

Унинг бу одати ҳали-ҳануз давом этипти.

Баъзан уни телеэкранда кўриб қолганимизда ҳам албатта қўлида дафтарча ва қалам бўлади. Албатта, бир нималарни ёзиб ўтиради.

Биз тилга олган ҳикоялардаги қаҳрамонлар ҳам қиёфаси «асли»га қараб чизиб олинган кишилардир.

Уйда, Паркентдаги ҳовлисида сақланаётган ўнлаб, балки юзлаб дафтарчалар унинг бисоти, бойлигидир. Бу варақлардан, худо унга умр берсин, Хайриддин ҳали қанчалаб ажойиб асарлар яратади.

Хайриддин Султонга катта шуҳрат келтирган «Бобурийнома» китоби тўғрисида гап айтмоққа тилим бормайди.

Бу ҳақда китоб муаллифи билан йўл азобини бирга тортганлар айтсин. Саҳроларда бир қултум сувга зор бўлган, миналар кўмилган далалардан жон ҳовучлаб ўтган, қароқчиларга чап берган, Андижондан машинага ўтириб то Маккайи Мукаррамагача шу машинада минг хил тўсиқ, минг хил қаршиликларни елкама-елка енгиб ўтганлар гапирсин.

Навий бобомиз, Бобур Мирзо, Ал-Фарғоний, Ҳусайн Бойқаро, оташнафас Машраб ҳамда Лутфийларнинг қабр тошларини топиб, уларнинг руҳларини шод қилган дўстларимиз гапиришсин.

ЖОМДАН ЧИҚҚАН ЁЗУВЧИ

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст 50 ёшга кирибди. Албатта бу — одамни ҳайрон қолдирадиган янги гап эмас. Яшайвергандан кейин элликка эмас, етмиш-саксонга ҳам кираверади. Мана, биз ҳам саксонни уриб қўйиб деб турибмизку. Гап унинг қандоқ яшаб, нималар қилиб, юртига, одамларга қандоқ хизмат қилиб эллик ёшга кирганида.

Муродни яхши биламан. У экологик тоза бола. Чаққонгина, гапдонгина, оз-моз «айёргина» уагинам тўғрисида, албатта, яхши гапларимни айтаман.

Менинг ҳам ўзимга яраша дўст-душманларим бор, улар «Қариганингда ўзингдан ўттиз йил орқада қолиб кетган одам (Мурод менадан ўттиз йил кейин туғилган) тўғрисида ёзишинг шартми?» дейдилар. Шарт! Биродарлар, шунини ёзмай, кимни ёзаман. Мен боя Муродни «айёргина» бола дегандим. Айёр бўлмаса, уруш тугасин, шу уруш етказган жароҳатлар битсин, кейин туғиламан, деб пайт пойлаб ўтирмасди. У 1949 йилда, тинчлик замонининг дастлабки фуқаролари қатори дунёга келган.

У пайтларда Сталиннинг чирмандаси роса тобига келган, чертсанг-чертмасанг тараклайдиган пайтлар эди. Мактаб болалари «Сталин менинг дадам» дейишарди. Галатепалик бир мактаб боласи «Менинг дадам иккита» деб шеър ёдлаётганда дадаси эшитиб қолиб, э, ҳали шунақами, деб хотини билан бир ҳафта гаплашмай қўйганди.

Худонинг меҳрибончилигидан ўргилай, Муроднинг тили чиққанда Сталин нариги дунёга равона бўлганди. Омади келган Мурод битта, ўз дадасининг боласи бўлиб катта бўлди.

Мен Мурод туғилган Жомга, у ўйнаб катта бўлган Галатепега ҳам бормаганман. Лекин кўрганман. Галатепалик ажойиб покиза инсонлар билан суҳбатлашмаганман. Аммо, танийман. Ўттиз-қирқ одам орасида битта галатепалик бўлса, дарров таниб оламан.

Умрида ҳолва емаган бир одам бозорда ҳолвани татиб кўриб, сотувчига «Жуда ширин экан, эси йўқ, шундоқ нарса-ни сотиб пулига нима олиб ейсан?» деган экан.

Жомдек, Галатепедек сўлим, жаннатнинг филиалини ташлаб бошқа юртларга қочганларга қараб, шундоқ юртни ташлаб қандоқ юрт топдинг, бу тоғлар, яшил ўрмонлар, шарқираб, тошдан-тошга урилиб тушаётган жилғалар тушларинга кирмайдими нодон, дегинг келади.

Мурод аввал Тошкентда, кейин Москвада ўқиб юрган кезларида бир он бўлсин қадрдон она қишлоғи кўз олдидан кетмади. Боши булутни салла қилган чўққилари, ҳаммаёқни қор босганда дон тополмай, эшиги очиқ қолган ошхоналарга, қўйхоналарга емак излаб келган какликларнинг маъюс овоз-

лари, сахар пайти хонадонларда пиширилаётган сут ҳиди, арча шохлари ёқилган тандирларга ёпилган хаамири сутга қорилган нонларнинг димоқни қитиқловчи ҳидлари унга уйқу бермасди. Галатепа томон талпинарди. Қувликни билмаган, дўлвор, меҳнаткаш ҳамқишлоқларининг соғинчи... Уни ана шу соғинч ёзувчи қилди. У сўз билан юрт сувратини чиза бошлади.

Шу соғинч «Галатепага қайтиш» деган қисса бўлиб қоғозга тушди. Шу соғинч «Дашту далаларда» бўлиб, «Мустафо» бўлиб, «Галатепа қиссалари» бўлиб адабиёт дарёсига келиб қуйилди.

Машҳур созанда Абдуқодир найчи шогирдларига: най чалаётганинда қўшиқ сўзларини ичингда такрорлаб тур, қўшиқда тасвирланаётган манзараларни кўз олдинга келтир, деб ўргатар эди. Мурод ҳам бу қиссаларни ёзаётганда Галатепа манзараларини, содда, қувликни билмайдиган ҳамқишлоқларининг чехраларини кўриб турарди. Нон ёпаётган Гулсара момонинг тандир яллиғида қизиб кетган зирагига кафтида тез-тез муздек сув босаётганини, онасини эмаётган бузоқнинг елинни ийдириш учун дўнг пешанаси билан туртишини, йилига энг камида икки мартадан, керак бўлса-бўлмаса лой қордирадиган, бирон йигирма йил кўйиб берса, бутун бошли қишлоқдан минг-минглаб гувала қуйдириб Галатепани теп-текис қилиб қўядиган Мустафони, салт отини сабабсиз сотиб қўйиб, пулига иккита оқ эшак олганидан пушаймон бўлиб юрган Фуччи чавандозни, кўчқор сўйганда керакли жойини ўзига олиб қўядиган Болта қассобни, Ибодилла махсумдан тортиб Пиримқул молиягача ҳамма-ҳаммаси кўз олдида, мени ёз, мени ёз, деб тургандек бўларди.

Буларнинг ҳаммаси тирик одамлар. Улар Галатепа деган мамлакатнинг фидойи фуқаролари эди.

Муроднинг қиссаларини, айниқса, Давлат мукофотига сазовор бўлган «Лолазор» деган гўзал романини ўқиганда Галатепа тарафларга кўчиб кетгинг келади. Ибодилла махсум, Мустафо, Райимали оқсоқол, Файбаров, Фуччи чавандозлар билан дўст тутингинг келади.

Адабиётнинг, тўғрироғи, ёзувчининг энг буюк вазифаси ўз халқини бошқа халқларга кашф қилиб бериш. Уларнинг меҳрини уйғотиш. Агар шу нуқтадан туриб қарасак, Мурод Муҳаммад Дўст ўз вилоятдан нарига йўл тополмайдиган

баъзи маҳаллий «классик»лардан кескин фарқ қилади. У мулло ёзувчи. Кенг ва қамровли фикр қилади. Зарур гапларни билиб-билиб айтади.

Илгарилари ўрисчага уста ёзувчиларга ҳавасим келарди. Негадир улар XX аср охирига келиб тутдек тўкилиб қолишди. Чунки улар бошқа тилда ўйлаб, бошқа тилда фикр қилиб ўзбекчага ўхшатиб ёзишарди. Ёзганлари гўё бошқа тилдан ношуд одам таржима қилган жўнгина бир нарса бўлиб қоларди. Ўз халқининг ёзувчиси бўлиш учун Фафур Фуломдек сўзни ўйнатадиган, файласуф Ойбекдек ўзбекона фикр қиладиган, Қодирийдек ўз тилининг энг майда зарраларигача кўраоладиган ва уни ўқувчисига рангин бўёқларда еткази оладиган, Қаҳҳордек тўппончанинг ўқидек қисқа ва ўткир тил эгаси бўлиши шарт. Тил билмаган ёзувчи орқа этагини ёпиб адабиётдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетгани маъқул.

Бу жиҳатдан Мурод ўта миллий ёзувчи. Айниқса, унинг «Мустафо» қиссасида тасвирланган кишилар ўқувчининг хотирасига маҳкам ўрнашиб олади.

Қиссада тасвирланган кишилар бири бирига ўхшамайди. Ёзувчи уларнинг ҳар бирига алоҳида тил, алоҳида хулқ-атвор берган. Уч ака-ука Пиримқул молия, Эшмамат, Мустафо – улар бошқа-бошқа олам. Пиримқул молиянинг хотини Саломат ёши анча қайтган хотин. Лекин у чимилдиқдан чиққан келинчакдек ясан-тусанни канда қилмайдиган, андаккина беҳаё жувон. Мустафонинг хотини Гулсара эса, фақат, фақат меҳнатни билади. У Мустафо учун яшайди. Ҳар ишда унга тиргак. Мол-қолга қарайди. Экинларни суғоради. Керак бўлганда чопиқ ҳам қилади. У ҳавойи гапларни билмайди. Уйим, жойим деган хотинлардан.

Муроднинг деярли ҳамма қиссаларида Ибодилла махсумнинг ҳовузи тасвирланади. Бу ҳовуз ҳаммага керак. Ҳамма ундан бирдек сув ичади. Ҳовуз шундоққина Мустафонинг уйи тўғрисида. Бу ҳовузни Галатепанинг «Оби замзами» деса арзирли. Бу ҳовуз Галатепанинг Қора денгизи, Иссиқ кўли, Каспий денгизи. Бу ернинг одами қай юртга борса даставвал шу ҳовузни соғинади. Ибодилла махсум ҳадеб экинига сув очадиган, бўлар-бўлмасга лой қорадиган Мустафога, ҳой, бу ҳовуз энангни маҳрига тушганми, сувга қачон тўясан, бунақада ҳовузни Оролга ўхшатиб қуритасан-ку, деб ҳазил қилади.

Дарвоқе, Галатепанинг номи тўғрисида. Аслида у Галатепа эмас, бу номни ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст қўйган. Бу жойни биров Фаллатепа деса, бошқаси Фалватепа дейди. Ким қандоқ хоҳласа, шундоқ айтаверади.

Гапимнинг аввалида Муродни ўттиз йил орқада қолган дегандек гап қилган эдим. Тавба қилдим, хато қилган эканман. Боласи тушмагурнинг оёғи узун экан, ўзидан катта кўп ёзувчиларга етиб, баъзиларидан ўтиб ҳам кетибди. Фафур Фулом айтгандек, «Ҳаётда ташланган қадам эътибор» экан.

Ҳозир Мурод Муҳаммад Дўстда эллик ёшли йигитнинг қуввати, олтмиш ёшли оқсоқолнинг ойнак тақмайдиган синчков кўзи, етмиш ёшли отахоннинг донолиги барқ уриб турипти.

Энди саксон ёш масаласига келсак, мени ҳаммавақт «отахон, отахон» деб юрган Муродга айтинглари, шошмасин. Мендан ўтиб кетаман деб уринмасин, агар шундоқ қилса илло-билло рози эмасман. Эски китобларда «Атодин олдин юрмоқ хатодир», дейилган. Шу гап эсидан чиқмаса бўлгани.

1999 йил, 9 апрель

АТИР БЎЙЛИ ШЕЪРЛАР

Гоҳида хотиржам яшагим келар,
Кузак шамоллари барғни ўйнайди.
...Жимгина яшашга, қулдек яшашга
Оппоқ сочли онам — Ватан қўймайди.

Шарифа Салимова шоира. Шоира бўлганда ҳам унча-мунча шоиралардан эмас. Унинг мунис, ифор исли шеърларини кўз юмиб эшитсангиз ғам-андухдан холи бўлган ўзбек аёли бўй-басти билан намоён бўлади. Курашларда юлқиб олинган бахтини бор овози билан қуйлайди.

Шукрим элга умедлар,
Тилу, тариху, шон қайтди.
Қафасда қонга бўялган
Эркнинг қуши омон қайтди.
Қуёшдан қамашган кўздек,

«Зам-зам»да ювилган юздек,
Яна от устида ўзбек —
Улуғ соҳибқирон қайтди.
Туғ қадаб қалб деворига
Қушу булбул диёрига,
Улуғ эрк ихтиёрига
Ҳамма мулки Турон қайтди.

Шарифа Салимова Олий Мажлис депутаты. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Оила ва аёллар муаммолари» билан шуғулланувчи комиссиясининг раисаси. Ўзи мансуб бўлган «Миллий тикланиш» партиясининг энг фаол аъзоларидан бири ҳамда шу партиянинг Тошкент вилояти кенгашининг тиним билмас котибаси.

Булар — шеъриятдан анчагина узоқ, жиддий, жуда ҳам жуддий масалалар билан шуғулланадиган соҳалар.

Тонгдан ишга чопаман карахт,
Ўсаверар армонли дарахт,
Бўғзим бир бўшатақол вақт,
Мен онамни кўргали борай.

Уй ишлари туганмас юмуш,
Чала уйқу, чала қолган туш,
Чаппор урар соғинч номли қуш,
Мен онамни кўргали борай.

Хархашаси ортган гўдагим,
Тинмай қўлим тортган гўдагим,
Ризқин менга ортган гўдагим,
Мен онамни кўргали борай.

Жавондаги ғариб китоблар,
Ўқилмаган мунглиғ хитоблар,
Дилда увол кетган шитоблар,
Мен онамни кўргали борай.

Кулиб-кулиб ҳол сўрган Дунё,
Ёш умримдан бол сўрган Дунё,
Томиримдан қон сўрган Дунё,
Мен онамни кўргали борай.

Шарифахоннинг бошида каттакон рўзғори бор. Бир этак бола-чақаси бор. Қозон-товоғи бор. У ҳам аёл, ахир. Кир ювиши, дазмол босиши, невараларининг оғзига ёқадиған хонаки, ширин пишириқлар тайёрлаши керак. Идиш-товоқларни ювиши, болаларини боғчага, мактабга вақтида кузатиб қўйиши керак.

Улар ивирситиб кетган хоналарни мазза қилиб, бир чиройли жилмайиш билан, бошини тебратиб-тебратиб йиғиштиради. Улар ечиб ташлаган кийимларни ҳидлаб-ҳидлаб деразадан қараб қолади.

Бу худо ярлақан хотин кишининг пешанасига битилган азалий роҳатдир.

Шарифа Салимова ҳали ҳам фикрини банд қилган лавозим юмушларидан, рўзғор икир-чикирларидан ортиниб қачон ижод қиларкан, деб ўйлайман.

Оила юмушларининг бир томонига эркак киши елка тутиб бермаса хотин кишига қийин бўлади. Шунини айтиб қўяйки, бу масалада биз Хуррам поччадан ёлчиганмиз.

Хуррам почча фан одами. Бағри кенг, меҳмоннавоз, одам тортар инсон. Олмон тилининг етук мутахассиси. Шарифахон билан биргаликда олмон халқ эртақларини аслидан ўзбек тилига таржима қилган, «Етти оққуш» номли китобни болажонларимизга туҳфа қилган жаҳонгашта олим.

Шарифахон етимхоналарга тез-тез бориб туради. Ота-оналари тирик бўла туриб хабар олмасликларидан куйиниб кетади. Қани эди, оталари, боболари эрталаб келиб, тур болам, деб уйғотса, сени бозорга олиб бориб ҳандалаклар олиб берай, музқаймоқларга тўйдирай, деса...

«Эҳтимол, жуда тез, йиллар оша менинг бу маҳзун хаёлларим рўёбга чиқар, ҳозирча эса, тумшуғида гул тишлаган турналар маҳзун учадилар. Етимхона гўдақларининг нигоҳларига битилган шеър эса улардан-да маҳзунроқ.

Кундуз ёстиғимда қуёш ухлайди,
Тунлар ёстиғимда кўз ёш ухлайди»,

деб ёзди шоира улар қалбига ўз шеърларини...

Қўш бешик тебратиб ухломмаган келиним пича мизғиб олсин, деб қайнананинг ўзи алла бошлайди.

Ўғлининг қони орқали оқиб ўтган унинг алласидан эгизаклар маст бўлиб, пишиллаб ухлаб қоладилар.

Боланг кўпайгур, деган дуо аслида Паркентдан чиқмаганмикан?

Бу тоғлар орасида офтоб ўчгунча сурнай билан дўмбира овози тинмайди. «Бешик тўйи» бўлаётган ҳовли остонасига сурнайчи белбоғини ёзиб, амма-холаси ховадор, деб хитоб қилади.

– Шу яхши кунларга атаган топган-тутганларингизни белбоққа сочинглар, – деб қийин-қистовга олади.

Сурнайчининг ўғли ҳар хил ўйинлар кўрсатади, оёғини осмондан қилиб кафтини ерга тираб юради. Лампамой хўплаб гугурт чақиб учқунига пуфлайди. Оғзидан паға-паға аланга чиқазади. Хонадон эгаси унинг устидан турли қандлар сочади. Шу кунга асраб юрган «соқолли попуқлар»ни бошидан сочади. Болалар уларни талашиб-тортишиб териб қочадилар. Сурнайчининг боласига тахи бузилмаган янги дўппи кийдирадилар, белига шоҳи белбоғ бойлайдилар.

Сурнайчи тўдаси бу хонадондан оладиганини олиб, бир девор ажратиб турган яна бир хонадон остонасига белбоғини ёзади.

Бу маросимлар кўпинча кўзилатиш – тўл пайтига тўғри келиб қолади. Маросим ўрмалаб тоғ оралиғидаги от-улов боролмайдиган қишлоқлар ораларига кириб кетади. Анча пайтгача сурнай, дўмбира, ҳа, балли, деган овозлар қулоққа чалиниб туради.

Шу кезларда тоғли чорвадорларнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой «баракат» фасли ҳисобланади.

Шарифа Салимовага шундай баҳор кезларида шеърлар кўшиқдек қуйилиб келаверади:

Маним бўғзимдаги кўшиқларим сен,
Алладан чайқалган бешиқларим сен,
Дунёга очилган эшиқларим сен,
Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор!

Яшил ўзанларга сиғмас дарёйим,
Ғаниматим менинг, ишқли дунёйим,
Халқим тилларидан тушмас дуойим,
Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор!

Қора қишлар ортда, боғларда қолди,
Армонлару ғамлар зоғларда қолди,
Баҳор бўлмаган қор тоғларда қолди,
Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор!

Қалдирғочлар келди қошлари қора,
Булбул севган гулга яна парвона,
Эй, жумлаи жаҳонга бирдайин она,
Яна мени йўқлаб келдингми, баҳор!

Кейинги пайтларда сувнинг тозалигиданми, ҳавосида қандайдир фойдали моддалар борлигиданми, бу жойларда эгизак болалар кўп туғилаяпти. Тоғ ораликларига кирсангиз чақалоқ ҳиди гуп этиб димоғингизга урилади.

Тонг ёришмаёқ оппоқ това тошларни ёввойи саримсоқ барглари билан ишқаб ювиб қўядилар. Офтоб қиздира бошлаганда яна шу тошлар устига чақалоқларнинг кечаси ҳўл қилган қўйлақчаларини ювиб ёйиб қўядилар. Буталарнинг кертилган шохчаларига ясатилган арчадек қилиб ўғил сумаклар илиб ташланади.

Сурнайчи-дўмбирачилар қори эриб бўлмаган тепаликдаги чўпонлар кўрасида пайдо бўладилар.

Бунда бир сахий, танги чўпон йигит уч ўғил устига худодан бир қиз ҳам сўраб нолалар қилган экан. Ноласи худога етиб хотини беш ярим килоли паҳлавон қиз туғиб берибди.

Қувончдан ўзини йўқотган чўпон меҳмонларнинг киссасига пул тиқиштирар, ёнбағирдан эчкиларни ҳайдаб чиқиб шуларнинг ҳаммаси сизларга, деб даврада гандираклаб юарди.

Кексагина бир отахон, чўпоннинг қайнатаси бўлса керак, кўёвига энди бас, ичманг, деб насиҳат қиларди.

Паркент чироқлари кўчаларни кундузгидек ёритган маҳал сурнайчи-дўмбирачилар тоғ томонидан уч қўй, йигирма етти эчки ҳайдаб ўтдилар.

Паркент хўрозлари икки бор чақириб хотиржам пинакка кетган пайт Қуёш энергияси шаҳарчасида инкубатордан чиққан манқагина бир хўроз қичқиришни тинмай машқ қилади (уни «детдомский хўроз» деб атайдилар).

Тун жимжит. Узум қоровулларининг тиқ этган товушни эшитадиган пойлоқчи итлари ҳам ором уйқусида. Демак,

узумзорга бегона ораламаган. Уфқ ранг тортишига ҳали анча бор.

Кун қизигига қолмай, саҳар пайти анжир олиб кетадиган машиналар шаҳар бўсағасидаги бозорча олдида тўпланиб қолади.

Паркент ДАН ходимлари уларни, сассиқ бензининг курсин, шаҳар ҳавосини бузади, деб ичкарига киритмайдилар.

Паркентликлар анжир териб қўйган тоғораларини бировга бермайдилар.

Бунақа тоғоралар кунига ўн беш-йигирма марта анжирга тўлиб, яна шунча марта бўшайди. Бунақа йирик, тиллодек сап-сариқ анжир фақат Уйғуристоннинг Қашқар шаҳрида бўлади, дейишарди. Бориб кўрганман у анжирларни, Паркент анжирининг укаси деса-ку бўлмас, жияни деса тўғри чиқар.

Хуррам почча хонадонида ҳали чироқ ўчмаган. Почча қандайдир дарсликни немисчага таржима қилаяпти. Бериги хонада шоира опамиз оппоқ қоғозга тикилиб, қаламни тишлаганча ўй ўйлаб ўтирибди. Почча унга халақит бермаслик учун шиппақда юриб нариги хонада ухлаётган болаларининг устини ёпгани ўтади.

Ниҳоят оппоқ қоғозга шеър тўкила бошлайди:

Дунё ўнгингга боқ, ўнгингда Раҳмон,
Ўнгингда барқ урар равзайи ризвон.
Ўнгингдаги йўллар бошлар арш томон,
Ўнгман, деб алдаган сўллар қўрқитар.

Ё раб бу савдолар ҳайрон қиладур,
Юрак-бағримни хўп вайрон қиладур,
Хаёл даштларида сарсон қиладур,
Туби тимсоҳ тўла кўллар қўрқитар.

Нечун бу гул хомуш паришон дойим,
Бир ўксик, бир синиқ, бирда мулойим,
Яшил умри сариғ куз или қойим,
Очилмайин сўлган гуллар қўрқитар.

Шоира ошхонадан кўк чой дамлаб чиқади. Хуррам поччага бир пиёла қуйиб жойига келиб ўтиради. Яна қоғозга тикилади. Яна қоғозга шеър тўкила бошлайди:

Умр гулшанининг баҳори кетди,
Булбуллари кетди, Ватан кетмади.
Ҳусн қалъасининг оҳори кетди,
Фурурлари кетди, Ватан кетмади.

Кетди ёр-дўстлар, жўралар кетди,
Юрак меҳробидан Ватан кетмади.
Саралар кетди, оқиллар, тўралар кетди,
Юрак меҳробидан Ватан кетмади.

Тонг ғира-шира оқ торта бошлаган, фонус кўтарган кишилар анжирзор оралаб қолишди. Дераза ортидан шарпа кўринди. Кимдир дераза рафига бир лаган анжир қўйиб кетди.

Шоиранинг хаёли бўлинди. Беихтиёр дераза олдига келиб қайси сахий қўшни экан бу, деб ташқарига бўйлади.

Ҳар бири гижда нондек билқиллаган, шабнам лабини сўриб, шира тортиб чиқазган анжирлар иштаҳасини кўзгади. Беш-олтитасини тахсимчага териб ювиб чиқди. Эр-хотин тонг маҳали мириқиб анжирхўрлик қилишди. Ширадан бармоқлари бири-бирига ёпишаётганидан икковлари ҳам ташқарига чиқиб кўл ювиб келишди. «Чойнакпўш» кийдирилган чойнакдан қуйиб ичилган чой анжир ўртаган томоқларига малҳамдек бўлди.

Яна жимлик. Яна қалам тишлаб қоғозга тикилишлар...

Шоиранинг қалами қоғоз устида равон юриб кетди.

Қайда қолди гўзал ҳайратлар —
Гўдакликнинг маъсум ишончи.
Ёмғир, сенми куз осмонидан
Юзларимга сирғалган томчи?
Қайда қолди у гўзал дўстлар,
Шафтолининг гулидай хушрўй...

Бу тонг шоирага иккита ажойиб шеър ҳада қилди. Хуррам Раҳимовнинг ёзув столида бир ўзбек муаллимининг дарслик китоби немис забонида тилга кирди.

Мана шундай қувончлар учун ухлмасанг, тунларни бедор ўтқазсанг арзийди.

Шеър қувончи, китоб қувончи ҳар қанча қувончлардан қувончлидир.

ДУНЁНИ КАФТИГА СИҒДИРГАН ШОИР

Дунё кафтга сиғмайди. Бу жуда оддий гап. Бу жуда жўн гап. Дунё дунёга сиғмайди-ку, кафтга сиғадими? Билиб қўйинг, дунё дунёларга ҳам сиғмайди.

Ҳай, майли. Қўйиб берсангиз, шоир халқи нималар демайди.

Қўлимда шоир Усмон Бекнинг «Дунё кафтга сиғмайди» деган китоби.

Уни кафтимга қўйиб кўраман. Китоб муқовасининг сатҳига олтига гугурт қутиси сиғар экан (атайлаб гугурт қутиларини зичлаб қўйиб ўлчаб кўрдим).

Шоир тушмагур қизлар эртаю кеч тикиладиган ойначадек саҳифаларга нималар битди экан, деб беписандлик билан ўқий бошладим:

Гоҳ йўқлардан бор қилади бир оғиз сўз,
Гоҳ борга ҳам зор қилади бир оғиз сўз.
Топиб айтсанг шоҳлар ўпар пешанангни,
Қопиб айтсанг хор қилади бир оғиз сўз.

Лоқайдлигимдан, нописандлигимдан хижолат бўлиб яна ўқийман:

Мен Чотқол кўксида яралган куйман,
Шудрингларга кўнглим чайиб улғайдим.
Жўшқинлик тиладим шалолалардан,
Харсангларга исмим ёзиб улғайдим.
Овлоқ дараларда ўчмаган изим,
Ўтсам ёшлигимсан, деб жилмаяр ним.
Этракданмас, тоғдан, хув тизим-тизим,
Чинакам юрт сеҳрин туйиб улғайдим.

Фалати аҳволга тушдим. Уни писанд қилмаганимдан пушаймонлар едим. Шоир боладан беодоблигим учун ичимда унсиз узр сўрадим:

Элим десанг эмраниб айт,
Чарх уриб айт, тебраниб айт.
Турсанг ҳамки қил учида,
«Элим», дема тил учида.

Манави офтобдек яшнаб турган, алангасининг тафти юзга урилайтган сатрларни ўқиб «қойил!» деворгим келди.

Ҳижрон босиб келар, ўртада соғинч,
Ҳайқира олмакка лойиқ сўзим йўқ,
Шеърдан бўлак ҳеч не бўлолмас овунч,
Навий сингари Қаро кўзим йўқ.

Шоирда нима бор қалбидан бўлак,
Унга тупроқ кавуш, гул барги кўйлак,
Муҳаббат бобида мен ҳали гўдак,
Навий сингари Қаро кўзим йўқ.

...Гоҳ ўксиб кетаман танҳолигимдан,
Гоҳида кўксимга тўлади фикр,
Бобо йўлин тутган боламан, ахир,
Навий сингари Қаро кўзим йўқ...

Китобдаги жуда кўп кўчирмаларни мўлжаллаб энг яхши сатрлар, ноёб ўхшатишлар, жони бордек нафас олиб турган байтлар тагига чизиб кўчириб олишга тайёрлаб қўйганман. Китобчада белги қўйилмаган бирон шеър қолмаган.

Шеър мухлислари, ҳаммасини қоғозга туширасиз шекилли, худога шукур саводимиз бор, ўзимиз ўқиб оламиз, дейишлари аниқ.

Гап шундаки, китоб атиги 2000 нусха чоп қилинган. Нақ 500 нусхасини паркентликлар илғорларга совға қилиш учун олиб қўйганлар. 200 нусхасини Усмон Бекнинг ўзи архив учун ҳамда дўстларга эсдалик ёзиб бериш учун олган. 100 нусхаси босмахонадан то китоб савдоси идорасига келгунча «йўқолган». Вилоятлар учун юборилганларини ўша ёқлардаги «катталар» китобхонадан олиб, жаримасини олдиндан тўлаб қайтиб бермаганлар.

Мен китоб ололмаганлар пича бўлса ҳам шеърлардан баҳраманд бўлсинлар, деб кўпроқ кўчирмалар олаётган эдим. Уларга, майли топсанглар ўзларинг яна бир марта ўқиб оларсизлар, деб қўяқолдим.

Шеърятда ранг, ҳид, овоз, нур ҳамда сояларнинг салмоғи — оғирлиги тўғрисида ёзаётган туркумга Усмон Бек шеърларидан мисоллар олмоқчи эдим. Бу ниятимга ета олмадим.

Кафтдек кичкинагина китобча тўғрисида ўзидан ўн баробар қалин китоб ёзишим керак экан.

Унинг шеърлари Паркентнинг анвои нурлари, хушбўй ҳидлари анқийтган, қушлар сайрашига омихта муножотлари, ранги ҳам билиниб турган сарин еллари китобчанинг ҳамма саҳифаларига сепиб юборилгани боис уларни йиғиб ололмадим.

Айтадиган гапларим кўп. Арқоннинг узун, гапнинг қисқа си яхши, дейдилар.

Шу доно гапга амал қилиб, Усмон Бекнинг яна битта шеъри билан гапимни тугатаман.

Бор бўлишсин дўстлар, ошналар,
Улар борки эзмас пошналар.
Суягучи тоғлардир улар,
Суянчи йўқ ниҳол сингайдир.
Устозим бор мақтовга арзир,
Унга йўлдош ҳамиша Ҳизр.
Бўлмаса гар кимда устоз, пир,
Елкасига шайтон мингайдир.
Айтадиган сўзим кўп ҳали,
Айтажакман келганда галим.
Мен тупроқдан олганман таълим,
Кўкка боқсам кўзим тингайдир.
Одамзоднинг ёмони бўлмас,
Ёмонига омонлик бўлмас.
Тоғ ҳидидан қўшиқ айтсам маст,
Чўпон тошга чиқиб тинглайдир.
Омон бўлинг тингловчиларим,
Улар менинг олтиним, зарим.
Уларга шеър ўқиган сарим,
Юрагимда гуллар унгайдир.

Саҳар пайти кимнинг деразасида нур кўринса, билингки, бу уйда шоир яшайди.

Илоё чироғинг ўчмасин, шоиргинам!

НАЖОТ ФАРИШТАСИ

Бу жойда буюк сокинлик. Япроқлар ҳам шитирламайди. Қушларнинг ҳам чуғур-чуғури тинган. Ҳатто чумолининг оёқ товуши қулоққа чалингудек.

Бу сокин масканда телевизор фақат икки маҳал — «Ахборот» ва «Время» пайтида қўйилади. Дарахт сояларидаги скамейкаларда, сўлим айвонларда ёзувчилар ижод билан банд.

Бу жимжитликда фақат бир ном тинимсиз такрорланиб туради.

— Жумагуул!

— Жумагуул!

Жумагул йигирма икки йилдан буён шу даргоҳда ҳамширалик қиладиган дилбар, ёқимтой, юз-кўзларидан меҳр ёғилиб турадиган ширингина қозоқ қизидир.

Зулфия опа уни Сора Эшонтўраевага «Нажот фариштаси» деб таништирган эди.

* * *

Боғ этагидан «Жумагуул», деган овоз келяпти. Бу оқсоқол ёзувчимиз Назир Сафаровнинг овози. Демак, у кишининг қон босими кўтарилган. «Фаришта» отахон томон кетади. Қайтишда уни чорбоғи олдида Пиримқул Қодиров кутиб турипти. «Фаришта» бир йўла унинг рафиқаси Софияхонга укол қилиб чиқади.

У қайтиб энди ярим йўлга келганида, чап томондаги чорбоғдан Асқад Мухторнинг неваралари овоз берадилар.

Жумагул йўлни кесиб дарахтлар орасидан энгашиб ўтиб, Асқаднинг ҳовлисига киради.

Асқаднинг ранги оқариб кетган. Аммо у азоб чекаётганини сездирмасликка уринади. Жумагул унинг билак томирини ушлайди.

— Оғажоним, сизни ким хафа қилди? Парво қилманг, кенг бўлинг...

Жумагул сувга волакардин томизиб ичиради. Қандайдир таблетка юттиради. Асқад аста-секин ўзига келади. Юзларига қон югура бошлайди. Жумагул унинг биллагидан қўлини олмай, томир уришини санаб турипти.

Ўзига келган Асқад гапга тушиб кетади.

— Сиз борсиз — кўнглим тўқ. Сизни кўришим билан дардим қочиб, дилим ёришиб, қандайдир илиқ-иссиқ гаплар айтгим келади. Сиз кўкдан тушган малаксиз, малойикасиз. Агар менда ҳуқуқ бўлса, сизга мана шундай номлар қўярдим.

Ойсулув, Айгирем, Олгиной, Фариза, Шўлпоной, Кунсулув, Қарлиғаш, Шилбарсаш, Лочиной, Сулув бика, Маржанай, Турнакўз...

– Вой оғажоним-е, Жумагул отим ёқмаяптими? – дейди у кулиб.

– Ёқишга-ку ёқади-я, аммо сиздек кўкдан тушган малакка битта ном камлик қилади-да.

Асқад топган жавобидан ўзи ҳам қувониб кетади.

Жумагулнинг бири биридан чиройли, ақлли, меҳнаткаш, ўғилдан афзал тўрт қизи бор.

Кенжа қизи Гулнур энди ўн саккиз ёшга кирди. У Боровский номидаги билим юртини бу йил имтиёзли диплом билан битирди. У уч йиллик ўқиш давомида бешдан паст баҳо олмади.

Гулнур врач бўлмоқчи. Шу ниятда у Тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Элмира Тошкент тўқимачилик институти-ни муваффақият билан тугатган. Ҳозир у икки боланинг онаси.

Гулмира Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультетида таҳсил олди. Ҳозир Қибрай тумани банкида компьютерда ҳисоб-китоб ишларини олиб боради.

Гулнора эса билим юртининг иккинчи курсини тамомлади.

* * *

Уч қаватли бино олдида Шухратнинг икки невараси баробар «Жумагул опа» деб чақирарди.

Шухрат кўпдан бери бетоб эди. Қамоқ азоблари, китобларига ҳужумлар, камситишлар, хўрлашлар ўз «ишини» қилганди. У гапиролмасди ҳам, бирон сатр хат ёзолмасди ҳам. Хотини Турсуной ая эрига куя-куя юрак касалига чалинган, касали хуруж қилган пайтларда шу Жумагулнинг доридармонлари билан ўзига келарди.

Шухрат қалтироқ қўллари билан Жумагулнинг бошини силаб миннатдорлик изҳор қилмоқчи бўлади.

Кунни билан Жумагууул! Жумагууул! – деган ном ҳавода учиб юради.

Уни тунда безовта қилмаслик учун кечаси ичишга доридармонларни олиб қоладилар. Дард хуруж қилганда нималар қилиш кераклигини сўраб-суриштириб, билиб оладилар.

Барибир қозоқлар маҳалласида уни тинч қўйишмасди. Ё бирон келинчакни тўлғоқ тутиб қолади, ё бирон қарияни юраги безовта қилади.

Шундай пайтларда, албатта, Жумагулни уйғотиб олиб кетадилар.

Мен унга, «Бунақада ўзингиз ҳам дардга чалиниб қоласиз-ку, — дейман. — Ўзингизни, болаларингизни ўйламайсизми?»

— Шунақа ҳаётга кўникиб кетганман. Ўн олти ёшимдан ҳамширалик қиламан. Халқ севган артист Шукур Бурҳонов тез-тез шамоллаб турарди. Унга банка қўярдим. Бир гал банка қўйиб бўлганимдан кейин бўшаган банкаларни йиғиштириб олиб чиқиб кетдим. Бошқа ишларни бажариб палатага келсам Шукур ака «Жумагул қизим, бўйнимнинг орқаси ачишяпти, қараб кўр, нима бўлди экан», деб қолдилар, қарасам битта банка олинмай қолиб кетган экан. Аламдан йиғлаб юбордим. Шунда Шукур ака, «Йиғлама қизим, докторга айтмайман», деб мени юпатмоқчи бўлди.

Бу гапдан кейин баттар йиғладим.

Энди яна бир халқ артисти Наби Раҳимовга банка қўйишим керак.

Санъат ва адабиёт арбоблари ҳам махсус касалхонага, ҳам адабиёт жамғармаси поликлиникасига бириктирилган эдилар.

Жумагул ўша кезлари ҳар икки томоннинг хизматини бирдек адо этарди.

— Наби оға ҳаддан ташқари озғин. Танаси бир, суяги бир теридан иборат, холос. Ҳар қанча уринсам ҳам банкани ёпиштиролмайман. Бир марта ичига нафас тортса, банкалар қасир-қусур қилиб тўкилиб кетади.

— Менга қара, Жумагул. Докторинга айт, ё дори ичирсин, ё укол қилсин. Минг уринма банка қўёлмайсан, — дейдилар.

Устозим профессор Аъзамхўжаевнинг ўғитларини сира эсимдан чиқармайман. «Сен билан биз жуда нозик одамларни даволаймиз. Улар олдида эсанкираб қолма. Ўзингни йўқотиб қўйма, нина ушлаган қўлинг қалтираб беморни қийнаб қўяди. Дадил бўл», дер эдилар.

Устозимнинг мана бу гаплари ҳали-ҳали қулоғимдан кетмайди:

— Академикларнинг, депутатларнинг, генералларнинг томирини ушлаб кўрасан. Орқасига банка қўясан. Сен менинг

энг ишонган ёрдамчим бўлишинг керак. Сенга ишонаман, қизим. Кўзингга қараб дилингда нима борлигини биламан. Кўзинг тоза, беғубор...

Машхур кинорежиссёр Комил Ёрматов жон таслим қилаётганда билак томирини ушлаб тургандим. Юрак уруши борган сари секинлашиб, умри сўнаётганини аниқ билиб турибман.

Орадан икки кун ўтиб Аъзамхўжаев менга: «Қизим ўлим қанақа бўлишини ҳам кўрдинг. Беморни ташлаб қочиб кетармикансан, деб ўйлаган эдим, йўқ, қочмадинг. Ироданг кучли экан», деб елкамга қоқиб қўйдилар.

* * *

Жумагул ўша ёшлик йилларини, биринчи марта бемор билан юзма-юз келган пайтларини эслаб юради.

Мен эса бу ижод боғимизга кимлар келмади, кимлар кетмади, деб ўйлайман. Мана шу шилдираб оқаётган ариқ бўйида, липанинг қуюқ барглари соя ташлаган жойда Анна Ахматовани, Ольга Бергольцни, Мариетта Шагинянни, Вера Инберни, Мухтор Авезовни, Собит Муқоновни, буюк ёзувчи Алексей Толстойни, Николай Тихоновни, Константин Симонов, Алексей Сурковни кўрганман.

Мухтор оғанинг Москвада бўлиб ўтган етмиш йиллик тўйида қатнашган қозоқ ёзувчилари Олмаотага самолёт бўлмаганидан Тошкент аэропортида қолиб кетадилар. Одил Ёқубов билан иккимиз ярим тунда ош дамлаб, қозони билан аэропортга олиб чиққанмиз.

Бу бизнинг қозоқ дўстларимизга бениҳоя муҳаббатимиз, ҳурматимиз ифодаси эди.

Мухтор Авезов номидаги академик театр ижодий жамоасига мана шу боғда тўкин дастурхон ёзганмиз.

Собира Майқонова, Асанали Ашимов, Раимбек Сейтметов, ёзувчи ва драматург Қолтой Муҳамеджонов, романнавис Абдужамил Нурпеисов, шоира Хонбиби Есенқораева ҳамда бошқа элликка яқин санъаткору ёзувчилар «ўзбек ва қозоқ ижодкорларининг дўстлиги ҳеч қачон завола билмасин», деб кетма-кет қадаҳ кўтарганлар.

Бу жони ва қони бир-бирига сингишиб кетган дўстликни ҳеч қайси шоир Фафур Фуломчалик таърифлай олмаган.

Қорабайир ёлларини пойгаларда тарайман,
Мақтанмайман, чин айтаман, бир чамалаб қарайман,
Айтисувда Собит билан тортишувга ярайман,
Жон қозоқнинг оқинларин дўстиман, яқиниман.

Саримойдай сўлқилдаған фоз ўмовли қизларнинг,
Олтой бўркни қинғир қўйган қошлари қундузларнинг,
Женгем десам жонга яқин, синглим десам яхшироқ,
Ойна булоқ умри каби умри бўлсин ярқироқ.

Бир чорвамиз, бир қозонмиз, бир ўчоқмиз, бир олов,
Ўртамизда дастурхондек ёзилгандир кенг яйлов,
Ўзбек эли ўз оғам деб ўтрик сўзламас қозоқ,
Жекем десам жонга туташ, иним десам яқинроқ.

«Нажот фариштаси» деб аталмиш қозоқнинг дилбар,
ёқимтой, назокатли қизи Жумагул Қосимова баҳонасида
кўнгилда навбат кутиб турган шунча гаплар бор экан.
Миннатдор ўзбек ёзувчилари унга дил-дилдан узоқ умр,
бири биридан ширин, бири биридан доно тўрт қизига,
набираларига чинакамига инсоний бахт ва остонаси тиллодан
уйлар тилаб қолади.





ХОТИРАЛАР

ҚАНОАТДА САИДА ФИЛЧА БЎЛУРМИ, ҲАЙ-ҲАЙ

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг эллигинчи йилдаги котибият йиғилишларидан бири «халқ душманининг хотини» Саида Зуннуновани уюшма аъзолигида қолдириш ё қолдирмасликка бағишланди. Йиғилишга ўша пайтдаги уюшма раҳбари раислик қилди. У одам оламдан ўтиб кетди. Менинг бу гапларим ўлган одамга тош отиш бўлиб қолмасин. Лекин адабиётимизга тегишли гап бўлгани учун унутилиб ҳам кетмасин.

Раис Саидани тик турғизиб қўйиб, терговчилардек сўроқ қила бошлади:

– Нима учун шу пайтгача халқ душмани – эрингиздан воз кечмадингиз? У Совет ҳукуматининг душмани, аксилинқилобчи, буржуа миллатчиси. Қани, сизнинг коммунистик эътиқодингиз? Қани, сизнинг Совет давлатига садоқатингиз? Шу кунларда сиз орган биноси атрофида айланиб юрибсиз. Ёзувчилар шаънига доғ туширяпсиз. Котибият аъзолари эрингиздан воз кечишингизни талаб қилади.

– Ундай қилолмайман! – деди Саида қатъий қилиб.

– Эрингдан кеч! – деди Фатхуллин.

– Акс ҳолда сиз билан битта уюшмада туrolмаймиз! – деди Назир Сафаров.

– Ўзидан сўраб ўтираемизми! Уюшмадан ҳайдаш керак, вассалом, – деди Милчаков.

– Сизлар менга эрингдан кеч, акс ҳолда уюшмадан ҳайдаймиз, деган шарт қўйяпсизлар. Мен ҳам битта шарт қўяман, хўп десанглар, эримдан воз кечаман.

– Гапиринг, қандай шарт? – деди раис.

– Эримни менга кўрсатишсин. Мен халқ душмани эдим, деб ўзи айтсин. Ана шундан кейин ундан кечаман.

– Бунинг сира иложи йўқ.
 Саиданинг ўжарлиги тутди.
 – Ҳеч қандай ташкилотнинг, ҳеч қандай кишининг бунга аралашигга ҳаққи йўқ.
 – Э, қамалиб кетасан, хоним!
 Раиснинг гапи оғзида қолди.
 – Мен сизга хоним эмасман. Бу гапни ресторанлардан топган хотинингизга айтинг. Мен шоира Саида Зуннуоваман.
 Раис ўрнидан сапчиб туриб кетди.
 – Ҳа, қизмисан...
 – Одобсиз. Эссиз, сенга шоир деган ном.
 Саида шундай дедию шарт ўрнидан туриб эшик томон юра бошлади. Раис орқасидан қичқирди:
 – Уюшма гувоҳномасини ташлаб кет. Уюшмадан ўчирилдинг...
 – Бу гувоҳномани буюк Ойбекнинг покиза қўлидан олганман. Сенинг қўлингга бермайман.
 Саида мажлисни ташлаб чиқиб кетди. Почтахонага бориб, раис номига аламли хат ёзди. Бошқа бир конвертга уюшма гувоҳномасини солиб, кадрлар бўлимига жўнатди.
 Шу билан Саида Зуннуова уюшмадан оёғини узиб кетди.
 Биз ҳали никоҳдан ўтмаган эдик. Бу гапни ўша кунги мажлисда айтганда балки бунчалик бўлмасмиди. Саида айтмади. Айтса, ана эридан кечди, деб овоза қилишарди. Ё бўлмаса у қонунни бузиб никоҳсиз яшаган, деб гап тарқатишарди.
 Биз беш йилдан кейин, мен қамоқдан келганимдан кейин 1955 йилнинг декабр ойида ЗАГСдан ўтганмиз.
 Уюшма раҳбари ҳамма ташкилотларга Саида уюшмадан ҳайдалган, ишга олманглар, нашриёт ҳамда редакцияларга Саиданинг шеърларини босманглар, деб хабар юборган эди. У қаерга борса иш йўқ деб жавоб қилишарди. Газета-журналлар шеърларини қайтариб беришарди. Охири, у Ўзбекистон компартиясининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи олдига боради. У «халқ душмани»нинг хотинини совуқ кутиб олади. Гапларини эътиборсизлик билан эшитади. Ишни ўзинг топ, деб гапни қисқа қилади. Шунда Саида иккита дипломни унинг столига отади (У Андижон Давлат ўқитувчилар институтини, Ўрта Осиё Давлат университетини битирган эди).

– Партия ичкарида ўтириб қолган ўзбек аёлларини жамоат ишига жалб қилиш учун, паранжидан озод қилиш учун курашяпти. Майли, ўша, ишга жалб қилинган аёллар ташлаган паранжини мен ёпинганим бўлсин. Икки дипломли шоирани паранжи ёпинишга мажбур қиляпсиз.

Саида шундай дедию чиқди-кетди. Орқасидан икки киши чиқиб, уни қайтариб олиб кирдилар. Бўлим бошлиғи маориф вазирлиги билан гаплашиб қўйган экан.

– Вазирликка боринг, тайинлаб қўйдим, иш беришади, – деб айтди.

Саида эртасига вазирликка боради. Унга шаҳардан жуда олисда, учта трамвайда борадиган корейслар мактабига рус тилидан дарс беришга йўлланма берадилар. Саида рус тилига нўноқ эди. Айниқса, корейсларга рус тилини ўргатишга чоғи келмасди. У кўчага чиқиб, йўлланмани йиртиб ташлайди-да, уйга келиб марҳум отаси совға қилган тилла соатни бозорга олиб чиқади, уни сотиб, пулига эски «Ундервуд» деган ёзув машинкасини сотиб олади.

Нашриётда ишлайдиган таниш машинисткалар ўзлари пул ишлаш учун олган қўлёмалардан унга берадилар. Саида Мухтор Аvezовнинг «Абай» романини кўчириб олиб боради. Машинистка унга 600 сўм пул беради.

У уйда, кечалари ухламай қўлёмаларни кўчиради, олган пулига рўзгор қиларди.

У собиқ Марказий комитетининг партия комиссиясига шикоят ёзди. Комиссия бу шикоятни Ўзбекистон компартиясига юборди. У шикоят ёзгани учун яна қийнов-қистовга олинди. Ана қамайди, мана қамайди, деб Тошкентда яшайдиган андижонликларнинг уйларида ётиб юрди.

Саида 1952 йилда бирлашган нашриёт босмахонасига корректор бўлиб ишга киради. У партия аъзолигига номзод эди. Номзодлик муддати ўтиб, энди ҳақиқий аъзоликка ўтиши керак эди. Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилотидан бирлашган нашриётга хат юборади. Унда Саида Зуннуновани партиядан ўчириш қатъий талаб қилинган эди. Нашриёт директори В. Архангельский уюшма талабини рад қилди. У Саидани кабинетига чақириб, «Қизим, сени уларга талонга ташлаб қўймаймиз. Ҳозир нашриёт учун янги бино қуриляпти. Сени қурилишга агитатор қилиб тайинлаймиз. Сени ишчилар,

курувчилар кўрсин. Меҳри тушсин. Сени шулар ҳимоя қилишади», деб тайинлайди. Ана шундан кейин Саида ҳам корректор, ҳам қурилишда агитатор бўлиб фаол ишлай бошлайди. Уларга газеталар, лекциялар ва албатта, ўзининг янги шеърларини ўқиб беради. Навбатдаги партия мажлисида бирлашган нашриёт яқдиллик билан уни партиянинг ҳақиқий аъзолигига ўтказадилар.

1954 йилнинг бошида Архангельский уни чақириб:

— Москвадан парткомиссия вакили сенинг ишинг юзасидан текшириш ўтказгани келяпти. Ўзинг биласан, Сталин ўлгандан кейин қама-қамалар, одамларга турли туҳматлар кескин камайиб кетди. Билишимча, комиссия вакили сени ҳимоя қилса керак. Илтимос, ортиқча талаблар қўйма. Ишни текшириб вакил кетади, рақибларингга танбеҳ беради. У кетадию сенга азоб берганлар шу ерда қолади. Уларга ўчакишма, — деб насиҳат қилади.

Биринчи май куни парткомиссия вакили уни марказқўмга чақиради. Ҳамма шод, байрам кайфиятида. Саидага байрамни ҳам татитмайдилар. Ўша куни беш соат тортишувдан кейин, вакил бор ҳақиқатни билиб олади. Туҳматчиларга қандай жазо беришимизни истайсиз? Сизга тўрт йил азоб берганлар жазосиз қолмаслиги керак, дейди вакил.

— Ҳақиқат юзага чиққани уларга бериладиган ҳар қандай жазодан ортиқ, — деб жавоб қилади Саида.

Ўша кунларнинг гувоҳи бўлган олим Ҳафиз Абдусаматов «Миллий тикланиш» газетасининг 1996 йил 27 февраль сониде босилган «Вафодор» мақоласида жумладан шуларни ёзади:

«...1953 йиллар эди. Икки масъул ходим фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг директор ўринбосари кабинетига кириб келишди ва эшикни ичидан бекитиб қўйишни сўрашди. Улар менга бир катта папкани узатиб: «Бу халқ душмани Саид Аҳмаднинг хотини Саида Зуннунованинг асарлари, уни яхшилаб, синчиклаб ўқиб, ўз фикрингизни айтасиз. Шунинг ҳам айтиб қўяйликки, душман хотинидан соғлом, гоёвий бақувват асарлар чиқишига ишонмаймиз», дейишди. «Нега бундай хулосага келдингизлар?» — деган саволимга, «Душман хотини душман эканлигига ишонч ҳосил қилдик», деган жавобни олдим. Улар: «С. Зуннуновага эрингдан воз кеч, бундай одам сенга дўст бўла олмайди, иснод

келтиради, деб уқдиришимизга қарамасдан ўжарлик қилиб, туриб олди, асло уни «ҳақиқат»га ишонтириб бўлмаётибди», деб шикоят қилишди. «Биз чора кўришга мажбурмиз»... Улар мендан уч кундан кейин фикр айтишимни талаб қилишди.

Барча ишларимни йиғиштириб бу «топшириқни» ўз муддатида бажариб қўйдим. Ўша давр ўлчови билан қараганда С. Зуннунова асарларида сиёсий-ғоявий хато йўқ эди. Бу гапни эшитган бояги икки ходимнинг сочи тикка бўлиб кетди, қовоқлари осилиб тушди. «Биз сизни адолатли, объектив, ёш, талантли олим десак, бизнинг ишончимизни оқлолмадингиз, мабодо Саид Аҳмад ошнангиз эмасми, Зуннунова билан яқинлигингиз йўқми?» деб сўроққа тутишди».

Сиқувлар, турткилашлар бир қадар пасайгандек бўлади. Архангельский орага тушиб уни «Пионер» журналига ишга оладилар. Мен озод бўлиб келганимда у шу журналда ишлаётган эди.

1959 йилда Саиданинг «Сўқмоқлар» қиссаси «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинади. Бир гуруҳ ёзувчилар қиссага ҳужум уюштирадилар. Уюшма ҳайъатида муҳокама қиладилар. Қиссани совет воқелигига зид, ҳаётни бузиб кўрсатган, деб айблайдилар. Матбуотда «Аттанг» деган мақола эълон қилинади. Марказқўм ҳайъатида Саида масаласи муҳокама қилинади. Саида ўша кезларда оғироёқ бўлганидан уни бюро мажлисига чақирмайдилар. Бюро ҳам «Сўқмоқлар»ни зарарли асар деб топади.

Саида учун яна ҳамма йўллар беркилади. Радио, телевидение, матбуот Саидадан юз ўгиради.

Бу хил муносабат менга ҳам таъсирини ўтказди. Асарларим босилмайдиган, телевидение ҳам, радио ҳам асарларимни эшиттирмайдиган бўлди.

Шундай қийин бир пайтда бизни Яшин ака чақириб қолди. Қисқагина учрашувимиздан кейин биз учун матбуот эшиги беркилгани маълум бўлди.

– Мафкура бўлими бошлиғи Нишоновга учрашайлик, аҳволни тушунтирайлик, – дедим.

– Нишонов билан иш битмайди. Энг юқорига чиқиш керак, – деб маслаҳат берди Яшин ака. – Бир уриниб кўраман. Биринчи билан учраштиришга ҳаракат қиламан.

Эрталаб соат тўққиздан то кеч соат бешгача марказқўм эшигида ўтирдик. Тинкамиз қуриб, чарчаб, ҳолдан тойдик. Олим Ҳафиз Абдусаматов ўша ерда ишларди. Эрталабдан бери шу ерда интизор бўлиб ўтирганимизни деразадан кўриб турган экан. Олдимизга чиқиб, нима иш билан келганимизни сўради. Шундан кейин у бутун жавобгарликни бўйнига олиб киришимизга рухсатнома олиб берди. Ичкарига кириб, биринчи котибнинг қабулхонасида икки соатча ўтирдик. Котиба кириб биз келганимизни айтганда ҳам ичкарига чақирмади. Охири унинг ҳам уйига кетадиган пайти бўлди. Аммо бизни кўришга тоқати йўқ эди. На илож, бир умр кабинетда ўтиролмайди-ку. Бизни ичкарига чақиришга мажбур бўлди.

У бизни жуда совуқ кутиб олди. Нима мақсадда келганимизни у албатта биларди. Шунинг учун гапни чалғитиб, кўриқ ерларни ўзлаштириш соҳасида қилинаётган ишлар, сув омборлари қурилишлари тўғрисида бир соатга яқин гапирди. У тез-тез соатига қараб қўяр, кетақолсаларинг ҳам бўларди, дегандек бизга алоқаси йўқ гаплар билан тинкамизни қуритарди.

— Гап шундоқ. Сурхондарёга кетишим керак. Бошқа гапларинг бўлмаса сизларга жавоб, — деди у ўрнидан ярим кўтарилиб.

— Биз учун ҳамма йўллар беркилди. Сабабини билолмаяпмиз, — деди Саида.

— Ўзингиз биласиз, шу адабиётдан бошқа тирикчилигимиз йўқ. Китобимиз чиқмаса, газета-журналлар нарсаларимизни босмаса, тирикчиликни қандай ўтказамиз. Сиздан ёрдан сўраб келдик. Йўлларимизни очиб қўйсангиз.

Бу гап унга малол келгандек бўлди.

— Бу ишларга менинг қандай алоқам бор. Бирон номаъкул иш қилгандирсизларки, йўлингизни беркитишган. Устозингиз ёрдам бермадими?

У устозинг деб Абдулла Қаҳҳорни айтаётган эди.

— Биз курортларга бормасак. Сайру саёҳатлар қилмасак. Бирдан-бир борадиган жойимиз ёзувчилар боғи. Ўзингиз биласиз, Абдулла Қаҳҳорнинг боғи шундоққина дарвоза олдида, салом бермай ўтишга андиша қиламиз.

Саидахоннинг гапи таъсир қилди шекилли, сал юмшади.

– Кўришманглар демайман, кўришинглар. Аммо у одамдан эҳтиёт бўлинглар. Қаҳҳор яхши одам эмас. Унинг этагидан ушласанглар косаларинг оқармайди. Ўша ерда Уйғун яшайди, Воҳид Зоҳидов яшайди. Ўшаларникига боринглар. Улар соф инсонлар.

Ўзининг қанчалик ёлғон гапираётганини ўзи ҳам сезиб турарди. Мен ҳам бир-икки оғиз гапириб қолдим.

– Энди мени қамамайдими? – дедим.

– Йўқ, – деди у.

– Тўрт йилдан бери босмага тайёрлаб қўйилган китобим чиқмаяпти. Териб тайёр қилиб қўйилган. Агар шу китоб чиқмаса биз, билмадим, нима еб, нима ичамиз.

– Айтаман, чиқазишади, – деди у.

Тахминан ўн бир соат кутиб учрашганимиз, халоскоримиз деб ўйлаганимиз – раҳбар олдидан қуп-қуруқ бўлиб чиқиб кетдик. Китобим ҳам чиқмади. Матбуот эшиги берклигича қолди.

Украинада бир қиссам босилдию, жонга оро кириб рўзғорни бир нави бутлаб олдик.

Нима учун бунақа муносабат бўлаётганини Саидахон билан икковимиз жуда яхши билардик.

Ёзувчилар уюшмасида Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи муҳокама бўлди. Муҳокамага алоҳида рўйхатга киритилган кишиларгина қатнашди. Яшин ака мени ҳам рўйхатда бор, деб ўйлаб, ўқиб тайёрланинг, деб қўлёзмани берди. Икки кун ўтириб ўқиб чиқдим.

Муҳокамада биринчи бўлиб Уйғун гапирди. Сўзларидан қўлёзмани чала-чулпа ўқигани билиниб турарди.

– Ўзинглар биласизлар, – деб гап бошлади у. – Уйимнинг шундоққина олдидан трамвай ўтади. Кечасию кундузи уйқу бермайди. Жуда нотинч жой. Сизнинг романингизни ўқийганимда, ўлай агар, трамвай ўтганини мутлақо билмадим.

Уйғун роман муҳокамаси баҳона раҳбар-муаллифга тилёғламалик қилиб ва шу билан бирга янги уй сўраётган эди.

Шундан кейин Воҳид Зоҳидов сўз олди. Унинг гапларидан романи мутлақо ўқимагани билиниб турарди.

– Сиз чинакам маҳоратли совет ёзувчисисиз. Қаҳрамонларингиз ўзингизга ўхшаган пок одамлар. Ўқиб туриб нақадар гўзал фуқароларимиз бор, деб қувониб кетасан киши. Бу романингиз ҳам аввалгиларидек қўлма-қўл бўлиб кетишига аминман.

Унинг ялтоқланаётганини, ёлғон гапираётганини муаллифнинг ўзи ҳам билиб турарди. Аммо Зоҳидовнинг бежама гаплари хуш ёққанидан мамнун илжайиб ўтирарди.

Муҳокама охирларида менга сўз беришди. Кўпдан қолмай мен ҳам озроқ мақтаган бўлдим. Кейин қўлёзмада нотўғри ишлатилган сўзларни айтдим. Бунақа нотўғри сўзлар жуда кўп эди. Уларни рўйхат қилиб олган эдим. Шулардан атиги бештасини айтдим. Муаллиф пешанасини тириштириб гапларимни эшитган бўлди.

Охирида муаллифнинг ўзи гапирди. Ҳаммага миннатдорчилик билдириб, менга таъна қилди.

– Сиз романни бир марта ўқибсиз. Икки марта ўқишингиз керак эди.

Ёшлик қилибми, гап келганда отангни ҳам аяма, деган ақидага амал қилибми, икки марта ўқиганда хато сўзлар тўғри бўлиб қолмайди-ку, деб юбордим.

Олтмишинчи йилларнинг бошида Саидахоннинг «Соч» деган шеъри «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинди. Шеърда у ўзбек аёлларига соч ярашишини, ҳуснига ҳусн қўшишини, баъзи аёллар сочларини кесиб ташлаганликлари тўғрисида ачинаиб ёзганди. Шеър охирида «Э худо, мени соч кесишдан асра» деган сатр бор эди. Шеър кўпчиликка ёқди. Аммо марказқўмдаги масъул бир одамга ёқмапти. Тошкентда чиқадиган жами газеталарнинг муҳаррирларини чақириб шеърни муҳокама қилади. Саида коммунист бўлатуриб худога нола қиляпти, дейди. Ва ҳамма муҳаррирларни ҳушёр бўлишга чақиради.

Бу гап тез тарқаб кетади. Саида шеърим муҳокама бўладию мен билмайман, деб хуноб бўлади. Уюшмада ўтган очиқ партия мажлисида алам-ситам билан гапиради. Катта-катта газеталарга муҳаррирлик қилаётган кишилар «Миша ака»га нега зарба бермадилар, деб айтади. Ўша масъул раҳбарни она тилида яхши гапиролмаганлиги учун уни «Миша» деб чақиришарди.

Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йили «Уфқ» романим Давлат мукофотига тавсия қилинди. Рўйхатда Шайхзоданинг «Улуғбек» драмаси ҳам бор эди. Ўша йили икки собиқ «халқ душмани» рўйхатга киргани учун ҳеч кимга мукофот берилмади. Мукофотга қўйилган асарлар тўғрисида матбуотда фикрлар эълон қилинарди. «Уфқ» тўғрисида Абдулла Қаҳҳорнинг мақоласи босилди. У мақола охирида: «Уфқ» тенгқурлари орасида ялтираб турипти», деб ёзганди.

Романимнинг мукофотдан қолиб кетишига қисман шу жумла ҳам сабаб бўлди. Абдулла Қаҳҳор «тенгқурлари» деганда раҳбарнинг ҳам романини кўзда тутган эди. Бизнинг жаддимизга қолиб, бошқалар ҳам мукофотдан мосуво бўлишди. Келаси йили Шайхзоданинг номини ўчириб, Шукур Бурҳоновга Улуғбек роли учун мукофот берилди.

Олтмиш олтинчи йили Саидахон эллик ёшга тўлиши муносабати билан уюшма унинг юбилейини ўтказишга қарор қилди. Саидахон вилоятларга китобхонлар билан учрашувга бориши керак эди. Ёзувчи дўстлар билан Самарқанд ва Бухорога бордик. Марказқўмдаги бир масъул шахс учрашув қилманглар, деб тайинлаб қўйган экан. Қайтиб келдик. Саидахоннинг туғилган юрти Андижонга бордик. У ерга ҳам телефон қилиб, юбилей ўтказилмасин, деб тайинлаб қўйилган экан. Андижонликлар бари бир ўртачагина бўлса ҳам юбилей қилдилар. Куйганёрдаги боғимизда Саидахоннинг кўнглини кўтариш учун жуда катта тўй қилдик. Тўрт юздан ортиқ одамга дастурхон ёздик. Тошкентдан дўстларим, Саидахоннинг шогирдлари — қирқ кишига яқин ижодкорлар келишди. Ўша кезлари Саидахон жуда озиб кетганди. Икки йил ичида унинг катта энаси, онаси, синглиси, куёви вафот қилган, булардан ташқари, тинимсиз ҳужумлардан адоийи тамом бўлганди. Ана шу кўрган ғамларини унутсин, деб бутун топган-тутганларимни сарф қилиб тўй қилган эдим. Ана ўшанда у узоқ йиллардан бери энди чеҳраси ёришган эди. Яхшиям шундай қилган эканман, бир йилга қолмай уни ўзи оламдан ўтди.

Саидахон баъзан эзилиб кетган пайтларида, бу дунёга фақат азоб чекиш учун келган эканман, деб ўкиниб қўярди.

Ҳатто тўйимиз бўлган куни у келинлик либосини мотам либосига алмаштирган эди.

Қирқ тўққизинчи йилнинг 28 ноябрида — тўйимиз куни Саидахоннинг 17 ёшга кирган биттагина ўғил укаси Насибжон оламдан ўтган эди. Онаси Сабохон ая қизининг тўйида яйраб-яшнамай, Андижонга қайтиб кетди.

Ўша куни Сабохон аянинг бир боласига Тошкентда никоҳ ўқилди, бир боласига Андижонда жаноза ўқилди.

Бундан ортиқ даҳшат бўладими?

Мана энди, биргина кечирган кунларимизни, ҳамма кўргиликларимизни эслаб ўтирибман. Қандоқ оғир мушуқларга бардош берди бу кичкинагина жон. Аёл кишида шунчалик бардош, шунчалик ирода бўлишига ўзим гувоҳ бўлмаганимда ишонмасдим.

Шунча йиллар ўтиб, ўша бадном бўлган «Сўқмоқлар» қиссасини қайта ўқийман. Дўстларимга сизлар ҳам ўқиб кўринглар, деб илтимос қиламан. Улар қиссани ўқиб, бугунги кунни ўттиз йил олдин кўриб ёзилган гўзал асар, деб баҳолайдилар.

Саидахон вафот қилган куни Шароф Рашидов уйга телефон қилди.

— Қачон, қаерда шундоқ бўлди? — деб сўради.

— Эски шаҳардаги касалхонада, — деб жавоб қилдим.

— Бошқа касалхона қуриб кетганмиди? — деди газаб билан.

— Икковимизни ҳам имтиёзли шифохонадан чиқариб юборишган, — деб жавоб қилдим.

Рашидов анча вақтгача жим бўлиб қолди. Кейин:

— Қандоқ ёрдам керак бўлса олдимга кел, — деб гўшакни жойига қўйди.

Энди менга ҳеч қанақа ёрдам керак эмас эди.

Орадан бирон ой ўтиб, мени Рашидов чақирди. «Қирқ беш кун» романим маъқул бўлганини айтди. Фақат, бир кишига кўп ўрин берганим ёқмаганини гап орасида шаъма қилди. Суҳбат охирида у Саидахон олдида қарздор эканини, ундан узр сўрамоқчи бўлганини, афсуски, шу нияти амалга ошмай қолганини айтди.

Саидахоннинг бахти ҳам, орзу-умидлари ҳам, қувончи ҳам шу биттаю битта қизи эди. Ухласа бошида ўтирарди. Юрса орқасидан эргашарди. Боғча ё мактабга кетган пайтларида ечган кийимларини ҳидлаб юрарди. Унга атаб қанчалаб шеърлар битганди.

...Қизим қўшиқ куйлайди,
Ё капалак қанотин ели тегди юзимга,
Ё ёшлик бағридаги хаёл аралаш уйқу.
Бир қатра шабнам бўлиб термуламан қизимга,
Бир қатра шабнам қилиб қўйганди мени туйғу.

...Биласанми, қизим, бу коинотда
Онанинг орзуси қучмаган бахт йўқ.
Онанинг хаёли етмаган бўшлиқ,
Онанинг хаёли тўхтаган вақт йўқ.

...Жаҳон менинг бағримдами ё мен жаҳон бағрида,
Юз баҳорнинг елларими сочларимни силаган.
Минг гулшаннинг гулларидан роҳатбахш бу қўлчалар
Бахтга кўмиб юрагимни, юзларим эркалаган.

Саидахон шу биттагина қизининг бахтини кўролмайдунёдан кетди. Университет дипломини олганини, тўйини, невараларини кўрмади. Ҳаёт уни ёлчитмади. Қисқагина умри курашларда ўтди. Хужумлар, туҳматлар, маҳрумликлар уни буколмади.

Саидахон саранжом-саришта аёл эди. Ҳамиша рўзғорнинг бут бўлишини истарди. Эшикдан меҳмон кириб келса қувониб кетарди. Топган-тутганларини дастурхонга қўярди. Абдулла, Эркин, Ўлмас, Неъмат, Ўткир, Носир, Худойберди, Анварларни ўз укасидек қўрарди. Улар келганда бутун пазандалигини ишга солиб, ширин таомлар пиширарди. Дастурхон устида уларга янги шеърларини ўқиб берарди.

Ҳалимани, Ойдинни, Мукаррамани жуда яхши қўрарди. Уларнинг шеърларини қувониб-қувониб ўқирди. Булар мендан ўтиб кетди, қандоқ яхши, дерди. У ҳеч қачон яхши шеър ёзганларга ғашлик қилмасди. Худди ўзи ёзгандек қувониб кетарди.

Саидахон оламдан ўтганда эшик олдида бел боғлаб турган Ўлмасни, Эркинни, Неъматни, Ўткирни, Носирни кўрганимда суянсам бўладиган укаларим борлигидан таскин топган эдим.

Алихон тўра Соғунийни Саидахон ўзига пир деб билганди. Устознинг завжаларини ўз онаси қаторида биларди. Назаримда у Соғунийнинг хонадонига руҳан покланиш учун борарди. Бу даргоҳ сажда қилса арзигулик нурли хонадон эди.

Саидахон ҳою ҳавасларга берилмади. Минбарларга интилмади. Оташин нутқлар ирод қилмади. Бир чеккада, жимгина яшади. Жимгина оламдан ўтди.

Шундай дейману ноҳақликка қарши бош кўтарган, аёл номига доғ туширмай пок сақлаган, жуда кўп аёлларга намуна бўлса арзигулик умр кўрган, хўрликларга, ҳақоратларга қарши исён кўтарган, букилмас бир аёл кўз олдимда туриб олади.

Кичкина битта кўчага номини қўйишга арзитмаган ўша пайтдаги раҳбарларимиздан хафа бўлиб кетаман. Биттагина кўчада поклик тимсоли бўлиб номи турса арзирлик аёл эдику у.

У кўрган азобларнинг ўндан бирини ҳам ёзолмадим. Ёзмоқ – яна ўша аламли йилларни хотирада жонлантирмоқ демак. Кимларнингдир шаънига тегмоқ демак. Ўзимни ўзим, кечиримли бўлиш керак, деб юпатаман... Кўрган азобларимиз кўз олдимга келиб, наҳотки, ёруғ кунларимизни зимистонга айлантирган кимсаларни кечириб бўлса, дейман.

Шундай сиқилиб кетган пайтларимда унинг шеърларини ўқийман. Улардан таскин топаман.

Йиллар ҳатто сочдан рангни ўчирди,
Ҳуснига ташлади нурсиз бир соя.
Аммо хаёлингга етмайин кучи
Ўзимга бутунлай берди ниҳоят,
Лекин сен чўчима, ўйларингни мен
Фақат ўн саккизда туриб эслайман.
Фақат ўн саккизда юриб эслайман,
Ўн саккиз ёшдаги йўлларингни мен.

1997 йил

ТОҒАЙ МУРОД – СЎЗ ЗАРГАРИ

Ҳеч бир ёзувчига ўхшамаган ажойиб адибимиз Тоғай Мурод ўн беш йил Паркентда яшаб ижод қилди. Паркентнинг сўлим Кумушкон томонлари қайсидир жиҳатлари билан у туғилиб ўсган олис Сурхоннинг Хўжасоат қишлоғини эслатиб турарди. Хўжасоатда иссиқлик қирқ етти даражага етади. Кумушконда эса ўттиз икки-ўттиз беш даражадан ошмайди.

Тоғай юртининг нафас олсанг бўғзингни куйдирадиган қайноқ ҳавосини, мабодо устига чиқиб бир дам тик турсанг калишингни эритиб юборадиган оловдек қизиган тошларини соғиниб ўшаққа талпинаверарди.

Тоғай «Отамдан қолган далалар» романини Паркентда ёзди.

У ҳаммавақт юртини соғиниб яшайди. Йилда бир марта она юртини айланиб келмаса, қайноқ ҳавосидан нафас олмаса кўнгли жойига тушмасди.

Олисда туриб ёзган асарларида одам юрагидек уриб турган соғинч ҳисси оппоқ қоғоз бетига томчилади.

Тенгдош болакайлар билан қувлашиб катта бўлган, кўз очиб оламни таниган Хўжасоат билан Ваҳшивор адирлари бир зум бўлсин кўз ўнгидан кетмади. Тоғайнинг жисми Паркентдаю кўзи, қалами она юртида бўлди. Паркент билан Хўжасоатни боғлаб турган соғинч роман бўлиб қоғозга қуйилди.

Шунда соғинчнинг ҳам иси, ранги, вазни бормикан, деган ўйга бордим.

Ушалмаган армонларини, тортган жабру жафоларини ичида ёнаётган оловларга қориштириб яшаётган, ҳатто тилаб олган неварасига ҳам, уй остонасигача қадамига поёндоз ёзиб, ёр-ёр билан тушириб олган, келин бўлиб келинлик гаштини сурмаган, меҳнатдан боши чиқмаган, аламларини ичига ютган, умри забунликда ўтаётган келинига ҳам нафрат билан қарайдиган Болхин момо қайдин пайдо бўлди?

Адабиётимизда бунақа образнинг биринчи марта юз кўрсатиши эди.

Романда ўқувчи қалбини ларзага соладиган ҳолатлар жуда кўп.

Дехқонқулнинг хотини адолатсизликларга, бу ёлғон сунъий дунёга, аёл деган шаън-шавкатини сўндирган, топтаган, роботга айлантриб қўйган шўрога исён бўлиб ўзига ўт қўяди.

Дехқонқул хотини эртаю кеч бағрига босиб яшаган бешикни олиб, энди бу хонадонда фарзанд туғилмайди, дейди. Гўдак бош қўйган ёстикчадан, қўлбоғдан, гаврапўшдан сут ҳиди гупиллаб келиб турарди. Дехқонқул бир зум ҳушидан кетгандек чайқалади. Бешикни чордоққа опчиқиб кетаётганда унинг ҳаммаёғига шеърлар, қўшиқлар битилганини кўриб

қолади. Шунда у бу хонадон кимни йўқотганини билади. Биринчи марта юрагида санчиқ сезади.

Романнинг шу жойларини ўқиётганда китобхон фарёд уриб юборади.

«Ойдинда юрган одамлар»даги бутун умрини фарзанд орзусида яшаб ўтказётган фариштадек покиза, нурга йўғрилган бу қарияларга «От кишнаган оқшом»даги Зиёдилла чавандоздан ўтадиган бирон руҳий ҳолатнинг бўлиши мумкин эмас.

«Ойдинда юрган одамлар»ни ўқишингиз биланоқ сизни аллақандай сирли-сеҳрли ойдин кеча бағрига олади. Ичингизга ажиб бир нур ўрмалаб киради. Дилларингизни ёритиб юборади.

Тоғай бир-бирисини бобоси, момоси дея атаб умр ўтказётган бир жуфт оқ каптардек покиза инсонларни ойдинда, ой нурига ўраб тасвирлайди. Оқибат ушбу жуфтнинг ўзи ҳам, сўзи ҳам, фикри ҳам, туриш-турмуши ҳам ойнинг кумуш нурларига йўғрилиб кетади.

Тоғай Мурод қиссаларини ўқир эканман, янги бир ёзувчи билан учрашгандек бўламан. У кечаги ҳаммани қойил қолдирган «Юлдузлар мангу ёнади» ёки «От кишнаган оқшом» қиссаларини ёзган Тоғайга ўхшамайди. «Ойдинда юрган одамлар»ни бошқа Тоғай ёзган деб ўйлайсиз.

Ёзувчиларга аввалги асаридан қолган ҳаяжонларини унутишлари қийин кечади. Қисман бўлса ҳам ўша ҳис-ҳаяжонларни беихтиёр такрор қилаётганларини ўзлари сезмай қоладилар.

Тоғай ўзини ўзи такрорламайди. У асар иштирокчиларини бугун бошқа маконда, бошқа шароитда, бошқа руҳиятдаги, бутунлай бошқа савдоларни бошидан кечираётган инсонлар ҳаётини мавзу қилиб олади.

«Юлдузлар мангу ёнади» қиссаси Сурхон полвонлари ҳаётидан олинган. Унда «Ойдинда юрган одамлар»дан, «От кишнаган оқшом»дан бирон руҳият кўчиб ўтмаган. Чунки аввалги бир-бирини такрорламаган қиссалар бу асарга заррача бўлсин таъсир кўрсатмаган. «Юлдузлар мангу ёнади» ўзига ташқаридан таъсир юқтирмаган мутлақо «экологик тоза» асар. Асар қаҳрамонларининг ниҳоятда тиниқ, ниҳоятда эсда қоладиган тили, ўз дунёқараши, ўз қисмати бор. Улар ўқувчининг хотирида бир бутун шахс сифатида сақланиб қолади.

Асарни бунақа қилиб ёзиш қийин, бениҳоя қийин. Тоғай янги асарини эълон қилганда табриклаган дўстларига яна битта қиссани ёзиб қўйдим, деб қувончини билдиради.

Ўша «яна битта қисса» ҳадеганда битавермасди. Бирон беш йил ўтиб матбуотда пайдо бўлади. Шу беш йил давомида Тоғай «битган» асарини ўнгидан чапига, чапидан ўнгига ўқиб, саҳифаларини тимдалаб-тимдалаб, ишлайверади. Ҳар бир сўзни заргар тарозида тортиб, жумлаларнинг узун-қисқалигини ўлчаб, саҳифаларнинг тинкасини қуритарди.

Шунча йил ёзувчилик қилиб ҳали Тоғайдек қўлёзма устида узоқ ишлайдиган ёзувчини кўрмаганман.

Бир суҳбатимизда Тоғай: «Мен ҳеч кимдан кўрқмайман. Ҳар қандай зўравон билан тикка олиша оламан. Аммо китобхондан кўрқаман. Ўлай агар жуда кўрқаман», деганди.

«Юлдузлар мангу ёнади» деган биринчи қиссаси унга жуда катта шухрат келтирди. У қўлма-қўл бўлиб ўқилди. Бу қиссани Тоғай ўз танасидан чиқиб кетиб, ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору ёзларни, қишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унутиб бир дарвеш қиёфасига кириб, далли девона бўлиб ёзган.

Ундан шу қиссани қандай ёзганини эслай оласанми, деб сўраганимда, у жиндек ийманиб, ўнгимда эмас, тушимда ёзгандекман, деб жавоб қилганди.

Тоғайлар авлоди асли Фарғона томонлардан. Чор ҳукумати Туркистонни забт қилганда Тоғайнинг ўта тақводор бобоси Жамолиддин бобо сурбет, ахлоқсиз чор зобитлари томонидан оёқ ости қилинаётган, минг-минг йиллик урф-одатлар, водий аҳлига хос бўлган покизалик топталаётганида Симда (Сим Фарғонанинг қадимги номи) иславоthона очилганидан, ҳар қадам қовоқхона (кабак) бўлиб кетганидан, кофир зобитлар мусулмон аёлларига ҳирс билан тикилаётганларидан дили оғрийди.

Энди у Фарғонанинг пок суви, ризқ-насиба берадиган тоза тупроғи ҳаром бўлди, деб бола-чақаларини олиб боши оққан тарафга кетади.

Тақдир тақозоси билан бу дарбадар оила чўлларда сарсон-саргардон бўлиб Сурхоннинг Денов тарафларида қўним топади. Сурхон ҳам босқинчиларга тўлиб кетганини кўриб дунёдан кўнгли совийди.

Жамолиддин бобонинг ўгли Сурхони Ақраб босмачиларга қўшилиб, ҳақоратлар, камситишлар учун, кечирган дарбадарликлари учун, бу дунёдан ирганиб яшаётган отаси учун чор ҳукуматидан ўч олишга аҳд қилади.

Ўзбекнинг бойликларини ташиб кетаётган, олтинларини қоплаб орқалаган босқинчиларни кўз очирмай ўққа тутаверади, ўққа тутаверади.

Инқилоб бўлиб, энди кўксимизга шамол тегади, деганлар тилларини тишлаб қолдилар. Чоризм бошлаган талончиликни Шўро ундан ўн чандон ошириб давом эттирди. Бухородан вагон-вагон тиллолар Москов томон кета бошлади. Хонадонларда кўз қорачиғидек сақланаётган ноёб буюмлар, минг йилларнинг нари-берисида ёзилган, фанга, тарихга алоқадор қўлёзмалар ташиб кетилди. Кўмондон Фрунзе билан Куйбишев Бухорони шип-шийдон қилди. Будённий эса, Бойсунни талади...

Мен ўзим учун, балки адабиёт учун Тоғайни мана шу «Юлдузлар мангу ёнади», «От кишнаган оқшом» қиссалари баҳонасида кашф қилгандирман.

Ўзбекистон ёзувчиларининг пленумида ҳамманинг назаридан нари сурилган, гўё адабиётимизда қўлга илинадиган ҳеч нарса йўқ, деб турганларида катта, мўътабар минбарда туриб Тоғай Муроднинг «Юлдузлар мангу ёнади» ҳамда «От кишнаган оқшом» қиссалари кейинги йилларда яратилган асарларнинг энг яхшиси, деб баралла айтганман.

Буни Тоғай ўлиmidан роппа-роса бир ой аввал «Маърифат» газетаси мухбири журналист Ҳулкар Тўймоновага берган интервьюсида миннатдорлик билан эслайди.

«Ҳурматли ёзувчимиз Саид Аҳмад бир китобингизга ёзган сўзбошида «Тоғай Мурод адабиётга тутаб эмас, ёниб кирди», деб ёзди. Сиз ушбу баҳони қанақа қабул қилдингиз», деган сўроққа шундай жавоб қилади.

«Мен бу гапни Саид Аҳмадона мардлик ва ҳалоллик, деб қабул қилдим. Айрим адиблар асаримни ўқиб «Қадам олишингиз ёмон эмас», «Тенгдошларингиздан кам эмассиз», «Анаву асарингизни ўқиса бўлади» қабилида ёқтирмагансимон гаплар қилди. Ҳатто «Адабиётга аралашиб қолибсиз? Обба сиз-е», дегувчи ичи қора ёзувчилар ҳам бўлди. Саид Аҳмад

эса «Тоғай Мурод ўзбек тилини куйлатди. Ўзбек тилининг жами жилваларини офтобга солиб кўрсатди», деб ёзди. Ҳар бир асаримни ҳалоллик билан кўз-кўз этиб улуғлади. Саид Аҳмад ана шу ҳалоллиги, ана шу мардлиги учун, мана, тўқсон ёшни қоралаб бораяпти».

Болхин момонинг эри Сурхони Ақраб ҳали ҳам Шўро билан олишиб ётибди. Бойликларни Москов томон ташиб кетаётган Шўронинг ҳали у еридан, ҳали бу еридан ўққа тутаяпти. Ҳалигача оқ-қорани фарқ қилмайдиган ўғли Деҳқонкул эса тупроқни ялагудек бўлиб, бурни ерга теккунича жонини Жабборга бериб ишлаяпти. У фақат ишлашни билади. Ҳосилни ким олаяпти, бу билан иши йўқ. Иш мени бахтли қилади, деб ўйлайди, бу содда Ўзбак.

Болхин момо хонадони бундан буёқ рўшнолик кўрмаслигини билади. Шўрога ўқ узган босмачининг неваралари энди оёқ остида ўксиб яшашга маҳқум, деб билади. У бутун танини нафрат, алам, изтироб жингиртоб қилиб ташлаган ожиз-нотавон бир банда.

Болхин момо худди мана шу қиёфада адабиётда пайдо бўлди.

Деҳқонкул хотинининг ўзига ўт қўйганини сохта ҳужжатлар билан расмийлаштираётган район катталарига қарши боради. «Бу хотин гулхан ёнидан ўтаётганида тасодифан ёниб кетган», деган ҳужжатни кўриб ғазабга келади. Исён кўтаради.

Район раҳбарлари энди Деҳқонкулнинг ўзига ҳужум бошлайдилар. Туҳматчи сифатида уни қамоққа тикадилар.

Гдлянчи-ивановчилар ҳўлни ҳам, қуруқни ҳам баробар ёндираётган пайтлар эди. Деҳқонкул қамоқхонада инсон боласи чидаб бериши қийин бўлган азобларга гирифторм бўлади. Терговчилар унинг «содда»лигидан фойдаланмоқчи бўлиб район, область, республика раҳбарларига туҳмат уюштирмоқчи бўладилар.

Кўпинча Деҳқонкулнинг даласига раҳбарлар келиб туришар, қилаётган ишларидан ниҳоятда қувонардилар. Мукофот тариқасида, шу бола ҳам дунё кўрсин, одам танисин, деб пленумларга, қурултойларга чақирришарди. Озми-кўпми мукофотларга ҳам лойиқ кўришарди.

Энди терговчилар унга раҳнамо бўлган раҳбарларни илантириш пайига тушадилар. «Палон вазирга қанча пора бергансан, палон секретарга нима совға қилгансан?» деб талаб қила бошлайдилар. Ўзи содда бўлгани билан иродаси кучли Деҳқонқул уларга бўйин бермайди.

Охири шу бўладики, бегуноҳ покиза инсон узоқ муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, белгисиз «борса келмас» томонларга жўнатиб юборилади.

Деҳқонқул охири марта даласига қарайди. Қувонч билан, бу йил пахта мўл бўлади, деб юборади.

Оёғинг ҳам, ризқ-насибанг ҳам бу далалардан узилган. Энди бу сен «жавлон» урган далаларни кўриш йўқ. Болаларингни, дунёдан «тўйган» онангни ўйласанг-чи, деб қичқиргинг келади.

Ҳосил кўп бўлса колхоз бадавлат бўлади, одамлар тўқ бўлади... деб кўнглидан ўтказяпти шекилли...

Э, содда ўзбак, сен қачон бадавлат бўласан, қачон болаларингни қорни тўяди, дегинг келади.

Йўқ, Деҳқонқул бу гапларга тушунмайди. Шу далаларни ўзиники, ўзини шу далаларники, деб билади.

Сўз устаси, сўз заргари Тоғай Мурод анаву чинорларнинг илдизларидек чуқур илдиз отиб кетган ер боласининг ҳеч қайтарилмас қиёфасини чизган...

Деҳқонқул олис юртларда йўқ бўлиб кетар. Аммо унинг руҳи севган далаларида шамолдек айланиб юради. Тонги эпкинларда силкинган яшил япроқларни ғойибдан қўл чўзиб сийпалаётгандек бўлади.

«...Насим ошна, Момоқиздан улуғини кўрмадим!»

Ҳар эр кўнглининг қиз кўнглига айтадиган гаплари бўлади. Кўнглида шу гапи бўлмаган йигит — йигит эмасдир. Шу гапни қайсидир йигитдан интизор бўлиб кутмаган қиз ҳам қиз эмасдир. Бунақалар дунёга келдим, деб юрмасинлар!

Биров бу гапни бир сўз билан айтади, биров кўп сўз билан, яна биров айтолмай қолади...

«Насим ошна, мен ўз гапимни Момоқизга айтолмай қолдим...

Насим ошна, Момоқиз кўнглимининг туб-тубида яшайди. Уни биров, ҳатто Тиловбердининг онасиям билмайди. Мен Момоқизни уйқуларимда кўраман, у жилмайиб қараб туради.

Кўзимни очсам уй зимистон, ёнимда Гиловбердининг онаси ётган бўлади. Ай онаси, Момоқиз келди, мен уни кўрдим, дегим келади, деёлмайман.

Сахармардондан тўриқни миниб ўзимизнинг қадрдон қирларга йўл оламан. Ҳайрондарадан от соламан».

Бўри полвон бу гапларни Насимга, Момоқизнинг эрига айтяпти. Бўри полвон умр бўйи унга қанча яхшиликлар қилди. Ўз жигаридек ишонди. Юрак сирларини яширмади. Ҳатто уни Момоқизга воситачи қилиб қўйди.

Насим эса унинг ҳасрат тўла сўзларини атайлаб унга етқазмасди. Аксинча Момоқизга ўзи муҳаббат изҳор қиларди.

Неча йиллардан бери илҳақ бўлиб, интизор бўлиб кутган Бўри полвоннинг бир оғизгина дил сўзини эшитолмай, кута-кута кўзлари толган Момоқиз бўзлаб-бўзлаб, охири Насимнинг кўксига бош қўяди.

Ҳозир Бўри полвон бу гапларни тап тортмай Насимнинг бақрайиб турган беҳаё кўзларига қараб айтяпти. Кўнглида ҳамон Момоқиз муҳаббати яшаётганини айтяпти.

Бўри полвон юрагида Момоқиз муҳаббатининг қадам излари умрбод муҳрланиб қолганди.

Тоғай Муроднинг қиссаси Сурхон полвонлари ҳақида тўлиб-тошиб ёзилган асар бўлиши билан бирга у буюк муҳаббат достони ҳамдир.

Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов Тоғай Муроднинг халқ олдидаги, адабиёт олдидаги ҳалол хизматлари учун «Халқ ёзувчиси» деган унвон билан тақдирлади, уни Абдулла Қодирий номидаги баланд даражали мукофот лауреати деган унвонга лойиқ кўрди.

Тоғай она юртининг камалакдек етти ранги акс этган хонатлас мисоли сувратини чизиб кетди.

Тоғай Сурхоннинг мунгли ва шу билан бирга шўх, жўшқин қўшиқларини кўйлаб ўтди.

ЯХШИНИНГ ЁДИ

Орифхон Одилхонов компас миллиларини ўзига тортиб турган Паркентнинг қутби эди. Баланд тоғларию тошқин сойлари билан, азамат чинорларию сайроқи қушлари билан, бошига лачак ташлаб, бир учини тишлаб, юзини кўрсатмайдиган оҳу

кўз қизлари билан, одамга хуш ёқадиган сарин эпкинлари-ю, савр пайти оламини ларзага солиб гулдирайдиган момақалди роқлари билан, қиличдек чақнаган чақмоқлари билан, ҳамма-ҳаммаси шоир Орифхонники эди. Жами Паркент Орифхонники, Орифхон Паркентники эди.

Паркентга йўл олган шоирлар, ҳофизлар, рассомлар Орифхон томон оқиб келаверардилар.

Орифхон Одилхонов ана шундай одамохун, атрофига ўзидан-ўзи одам тўпланиб қоладиган, файзли, истарали шоир, одамтортар инсон эди.

Унинг ўнлаб қўшиқларини атоқли ҳофизлар хонишида эшитиб, ўзгинасини кўриб суюниб кетардик. Ҳали-ҳануз Паркент саёҳатига отланар эканмиз, унинг кулиб, кулдириб турган ёқимтой чеҳраси бизни бағрига чорлайверади.

Минг йилдан зиёд яшаётган Паркент чинорларига берган умрнинг жиччагинасини худойим шу шоиргинадан дариг тутди-я, деб ўйларга толаман. Шунда, кетадиган боланинг тили ширин бўлади, деган сўзга ишониб қоламан. Орифхон тили ширин, фанимат инсон эканини қайдан билибмиз.

Орифхон дафтарига териб олган гулдаста оҳангларни, хушбўй гиёҳларнинг исларини, анвойи рангларини ўзи билан олиб кетмади. Уларни қиёмат қарзи бу, деб яна Паркент устидан сочиб, Искандардек қўли очиқ кетди.

ДИЛИНИ АЛЛОҲ ЁРИТГАН ВАЛИЙ

Ўшда дунёга келиб, Фарғонанинг Чимёнида кўним топган Хўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо Қўқон мадрасасида таҳсилни тугатиб, аввал Паркентда бир муддат ором олиб, кейин Чимёнга кетмоқчи бўлади. У бу юрт таърифини кўп эшитган, бир кўрмакни дилига тугиб қўйганди. Агар имкони топилса, шу жойларда муқим яшаб қолиш илинжи ҳам бор эди.

Табиатнинг жаннатоса сўлим гўшаси уни бутунлай ўзига ром қилиб қўйди. Тоғлардан, ёнбағирлардан, тошлар орасидан сизиб чиққан эритилган кумушдек жилғаларни фақат тушдагина кўриш мумкин эди.

Бир кун, атиги биргина кунда ўзига шунчалар маҳлиё қилган манзаралар унинг бутун ижодига етгулик рангларни,

кўзни қамаштирадиган нурларни, қушларнинг ҳеч қачон қулоқдан кетмайдиган хонишларини инъом қилганди.

Тошкент томонлардан от-аравада, извошларда тинимсиз одам келиб турадиган гавжум бу жойда ором тополмаслигини билди.

Хувайдо дунё ташвишларидан холи бўлган сокин бир гўшада умргузаронлик қилмоқчи эди. Бўлмади.

Хувайдо Чимёнда мактаб очиб ва яна ота касби касиблик билан рўзгор тебратади. Хувайдойи Чимёний деган тахаллус билан элга танила бошлайди. У мумтоз шеърятнинг ҳамма йўлларида ғазаллар битарди. Ишқ тўлғонишлари, ошиқ-маъшуқларга таскин берувчи ғазалари Кўқон мадрасасида таҳсил олаётган пайтларида устозлар назаридан ўтган, уларнинг оқ фотиҳаларини олган ижод намуналари эди.

Хувайдо ғазаларидан қониқмасди. Нимадир етишмаётгандек бўлаверарди.

У «золимлик ва мазлумлик», «бойлик ва қашшоқлик» сабабларини билмоқчи бўлади. Халқнинг аҳволига ачиниб ғазаллар бита бошлайди. «...Дариғо ҳайф, одам бир-бирин қадрига етмас», деб жойнамоз устида йиғлаб-йиғлаб кўзёш тўкиб Аллоҳга нолалар қилади. Шунда қандайдир илоҳий бир нур кўксига тушиб дилини ёритгандек бўлади. Кўксини босиб ётган оғир тош бирдан ғойиб бўлиб енгил тортади. Бу валийлик муждаси эди. Бирдан Яссавиёна ғазаллар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади.

У Аллоҳ назарига тушганини ўзи сезади. Навоий айтганидек, Хувайдо Шайхул Машойих — Шайхлар Шайхи Хожа Аҳмад Яссавийга ғойибдан қўл беради. Яссавий булоқ сувидан ичган чўмичда у ҳам ихлос билан сув ичади.

Тасаввуф тариқати энди унинг Аллоҳ даргоҳига элтувчи маслак йўли бўлиб қолади.

Паркент тоғларида кўзларига қуйилган анвойи ранглар, қулоғига чалинган оҳанглар, димоғига ўрнашиб қолган хушбўй ислар энди ғазалларига кўча бошлайди.

Ихлосмандлар кўпайгандан кўпайиб, сокин Чимён зиёратчилар билан гавжум бўлиб кетади. Хувайдонинг ғазалари оғиздан-оғизга ўтиб, узоқ-узоқларга тарқай бошлайди. Энди Хувайдо Чимёнинг Яссавийси бўлиб қолади. У мол-дунёга ҳирс қўймади. Ота касби касибчилик қилиб, мактабдорлик

билан рўзгор тебратади. «Золимлик ва мазлумлик», «бойлик ва қашшоқлик» сабабларини ўрганиш унга катта сабоқ бўлади. Уни тасаввуф тариқатига олиб келади.

У ўздан кейин ўтган Гулханий, Фурқат, Мужрим Обид, Муқимий ва Ҳамид Олимжонлар ижодига жуда кучли таъсир кўрсатган.

Шоир Мавлавий Сирожий, Бону, Салоҳиддин Соқиб каби ўз замонасининг зукко шоирлари, зиёлилари Ҳувайдо наслидан таралганлар.

Тасаввуф тариқатининг фаол тарғиботчиси пири комил даражасига етган Ҳазрат Ҳувайдойи Чимёний 1780 йилда Чимёнда вафот қилди.

Дунёнинг олис юртларидан Ҳазрат Ҳувайдойи Чимёний ётган мақбарани тавоб қилгани, хоки-покини кўзларига суртгани келаётган ихлосманд зиёратчиларнинг қадами узилмайди.

САҲНА СЕҲРГАРИ

Шундай комик артистлар бўладики саҳнага чиқиб, индамай турса ҳам томошабин кулаверади. Гапирса ҳам, гапирмаса ҳам, юрса ҳам, юрмаса ҳам гурра-гурра кулги...

Шу баҳона аввал кулги тўғрисида жиндек гаплашайлик.

Бинойидек давраларда ҳазил-хузулларга аралашиб юрган баъзи ўртоқларимиз амал курсисига ўтиргандан кейин кулишни ўзларига ор биладилар. Кулса, гўё обрўси тўкилиб кетадигандек. Шу тариқа у узоқ йиллар амалдор бўлиб, охири қариб, пенсияга чиқади. Энди орқаси амал курсисидан узилган. Яна давраларга кириб ҳазил-мутойибаларга аралаша бошлайди. Кулмай ўтказган йилларига пушаймонлар ейди. Бутун бир умрни маза қилмай, яйрамай, ичида тўпланган ғуборларни чиқариб ташламай яшаганини сезади. Энди куч-қувват кетган, қарсиллатиб кулолмайди. Бир амаллаб кулса худди йиғлаганга ўхшаш овоз чиқазади.

Кулги одам боласига бир эҳтиёж. Кулги — соғломлик, кулолмаслик — хасталик аломати. Марҳум оқсоқолимиз Йўлдош Охунбобоев: «Соғ одам кулади», деб бекорга айтмаган.

Замон ниҳоятда жиддий. Одамлар асабий. Қаердадир атом бомбаси портлаган, қаердадир сел қанчалаб одамларнинг

ёстиғини курутган, қаердадир одам одамни отяпти, қаердадир ер қимирлаган, минг-минглаб одамлар тупроқ тагида қолган, қаердадир кимёвий қуролдан сон-саноқсиз одам заҳарланган, бу томонда Орол қурияпти...

Бу гаплар фақат газета саҳифаларидагина эмас, телеэкранда рангли тасвирда ҳам кўрсатилияпти. Экранда ўлимларни, ёнғинларни, қирғинларни кўрган томошабин кечалари алаҳсираб чиқади. Эртасига у тажанг, асабий бир кайфиятда хизматга боради.

Кинода уруш, театрда уруш, телевизорда уруш...

Одамлар кулгини унутиб қўйишяпти.

Мабодо бирон театрда комедия қўйилгудек бўлса залга одам сиғмай кетади. Комедия баҳона икки соатгина олам ташвишларини унутиб, таранг тортилган асабларини бир оз бўшатиб олади.

«Олтин девор» комедияси саҳнага чиққанига йигирма йилдан ошди. Ундан кейин ёзилиб саҳнага чиққан жиддий асарлардан ўттиздан ошиғи тўрт-беш мартадан ўйналиб, саҳнадан тушиб кетди. Улар қанақа асарлар эди, кимлар ўйнаган эди, кимлар ёзган эди, аллақачон одамлар унутиб юборишган. Аммо «Олтин девор» кечагина саҳнага чиққандек яшяпти. Бу нимадан? Кулгига чанқоқликдан.

Чўлпоннинг ўттизинчи йилларда «Гулистон» журналида «Қизиқлар» деган бир мақоласи босилган эди. У республика-мизда яшаб ўтган ва барҳаёт қизиқчилар тўғрисида ажиб бир завқ билан ёзган эди. Йигирманчи-ўттизинчи йилларда Ҳамза номидаги академик театрида бениҳоя талантли комик артистлар бўларди. Улардан бири Ҳожи Сиддиқ, бири Миршоҳид Мироқилов эди. Чўлпон бу санъаткорлар тўғрисида ёзаркан, Ҳожи Сиддиқ ўлимига бир неча дақиқа қолганда ҳам Мироқиловга ҳазил қилиб ўзи ҳам кулиб, уни ҳам кулдирганини айтган эди.

Бугунги кунда халқимизга астойдил хизмат қилиб келаётган ажойиб, ёқимтой артистимиз Фани Аъзамовдир.

Ушбу мақоланинг бошида айтилган биринчи сўз шу санъаткорга тааллуқлидир. Аъзамов саҳнага чиқиб индамай турса ҳам залда гурра-гурра кулги бўлаверади.

«Олтин девор» йигирма йилдан ортиқ саҳнада, дедик. Мана шу Фани Аъзамов бош ролни ўйнамаганда спектакль

шунча умр кўрармиди? Менимча, йўқ. Нега? Неғалиги шуки, Эркин Воҳидов асардаги Мўмин ролини айнан Фани Аъзамов учун ёзган эди. Аъзамовнинг ижодий имкониятларини ҳисобга олиб, юришини, гапиришини, ҳаракатларини кўз олдига келтириб туриб ёзган эди.

Фани Аъзамов театрда ўтказган олтмиш йил давомида юзлаб ролларни ўйнади. Ўйнаганда ҳам қойил қилиб ўйнади.

Мен уни биринчи марта ўттиз бешинчи йили Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» пьесасида колхоз секретари Ақилмирза ролини ўйнаганда кўргандим. Ана ўшандан бери унинг мухлиси бўлиб қолганман. Эллик йилдан ошибдики, ҳамон ўша роли кўз олдидан кетмайди. «Қалтис ҳазил»даги қоровул Мамарасул роли даҳшатли уруш йилларида юраклари ғам-андуҳдан пора-пора бўлганларга бир мадор бўлганди.

Уни юздан ортиқ асарда роль ўйнади, дедик. Шундан беш-олтитасигина бош роль бўлган бўлса бордир. Аммо тўқсонга яқини сахнада бир ё икки марта кўринадиган роллар. Фани Аъзамов мана шунақа кичкина ролларда талантини намоиш қилган. Томошабин бош ролни ижро этган артистни унутарди-ю, атиги икки марта сахнада кўринган Аъзамовни унутолмасди. Гаплари қулоғига қуйилиб қоларди. Бир неча кун у айтган гапларни такрорлаб юрарди.

«Бой ила хизматчи» спектаклида Аъзамов икки марта кўринади. Фақат «дунёйи бо умид, таъзияни ташлаб келгандик», дейди. Шу, холос. Аммо томошабин таъмагир одамларни масхара қилганда худди шу гапни айтади.

«Қалтис ҳазил»да у бошдан-оёқ иштирок этса ҳам фақат битта гапни такрорлайди. У айтмоқчи бўлган гап охирига етмай қолади. «Воскресний бозорида жужурлик қилганимда...» Шу. Бошқа гап йўқ. Ана шу яримта гапи билан у бутун спектаклни ёритиб туради.

Бирон хонадонга келин тушса хотинлар «келин мунча совуқ, бор-йўқлиги билинмайди», ёки «мунча истаралик экан, бир ҳовли бўлиб юрипти», дейишади.

Чинакам санъаткор ҳам бир ўзи сахнани тўлдириб юриши керак. Машҳур артист Аббор Ҳидоятлов сахнага чиққанда орқасида декорация бор-йўқлиги билинмасди. Фақат ўзи кўринарди.

Ғани Аъзамов ҳам шунақа. У саҳнага чиқиши билан томошабиннинг икки кўзи унда бўлади. У гўё томошабинни сеҳрлаб қўяди. Қулоғини қашиса ҳам, пешанасини уқаласа ҳам кулги бўлаверади.

Марҳум Халқ артисти Раҳим Пирмуҳаммедов ҳам шунақа эди. У кинода ҳеч қачон бош роль ўйнамаган.

Биринчи ўзбек овозли киноси «Қасам»даги ялангоёқ милиционерни, «Алишер Навоий»даги ошпаз Абулмаликни, «Ибн Сино»даги табибни, «Маҳаллада дув-дув гап»даги хўжалик мудирини образларини эсланг. Булар бир неча дақиқа экранда кўринади, холос. Аммо умр бўйи эсда қоладиган ажойиб образлардир.

Мана шу ажойиб санъаткор бирон комедияда бош роль ўйнашни орзу қилиб ўтиб кетди. Кўпинча бизникига келиб мени комедия ёзишга даъват қиларди. Кинода тажрибам йўқлигидан у кишининг илтимосини бажара олмаган эдим. Жаҳоннинг энг машҳур киноартистлари билан беллашадиган бу санъаткор олдида қарздор бўлиб қолганимиздан ўксинамиз.

Ғани Аъзамов ҳам кўпдан бери, мен ҳам бирон асарда бош роль ўйнасам яхши бўларди, деб орзу қиларди. «Олтин девор»даги мўмин образи унга қанот берган эди. Мен Ғани ака учун махсус «Куёв» пьесасини ёздим. Асар қаҳрамонига ҳам Ғанивой деб ном бердим. Бу санъаткорнинг жами ижодий имкониятларини ишга солишни ният қилдим. Пьеса битгунча неча марталаб ўзига ўқиб бердим. Пьеса битиб, репетиция пайтларида ҳам у кишидан қутулмасдим. Манаву сўзга жиндек кўшинг, манаву сўзни калта қилиб беринг, деб туриб олаверди. Охири бир куни кўлига пьесани бериб, ўз ролингизни ўқинг, оғзингизга қараб гапларингизни тузатаман, дедим. Яхшиям шунақа қилган эканмиз, ёзган гапларим унинг оғзидан бошқача, жонли, оҳангли, кулгили бўлиб чиқаверди. Шу тариқа Ғани образига жон бағишладик.

Кейинги пайтларда комик артистлар сафи аста-секин кенгайиб бормоқда. Марҳум, бениҳоя талантли комик артист Ҳасан Йўлдошев кўп жиҳатлари билан Ғани Аъзамов услубига яқин ижод қиларди. Томошабинлар меҳрини қозонган Обид Юнусов, Эргаш Каримовлар устоз санъаткор Ғани Аъзамов сабоқларидан баҳраманд бўлганлар.

Халқимизнинг сеvimли артисти Фани Аъзамов бугун ўзининг саксон ёшлик умрини нишонляпти. Мана шу саксон йилдан олтмиши саҳнада юз минглаб томошабинлар кўз олдида кечди.

Уни севган, санъатини ардоқлаган ихлосманд томошабинлар кўпинча бир гапни афеус билан таъкидлашади.

Олтмиш йил давомли қарсақлар билан, гурра-гурра кулгилар билан юзлаб образ яратган сеvimли артистимиз ақалли бирон марта тақдирланмади. Унинг ўнлаб шогирдлари кўксини қатор-қатор орденлар безади. Тенгдошларининг костюмлари орден кўплигидан бир томонга оғиб кетадиган бўлди. Аммо Фани Аъзамов дўстларининг мукофотларидан қувониб юраверди...

Гап мукофотда эмас, албатта. Ҳар қалай қилган яхши хизматларинг тақдирланса, руҳинг кўтарилади. Мен ҳам тақдирга лойиқ бир иш қилибман-ку, деб ўзингни юпатасан.

Ҳурматли Фани ака!

Халқ меҳридан баланд мукофот бўлмайди. Сиз ана шу мукофотга сазовор бўлган бахтли артистсиз. Залдаги тўхтовсиз қарсақлар, деворларни зириллатадиган кулгилар Сизни аллақачон лауреат қилиб қўйган.

Биз мухлислар Сиздек ажойиб артистимиз борлигидан ғурурланиб юрайлик. Сиз эса санъат қадрини биладиган халқингиз борлигидан қувониб яшайверинг.

Қувноқ кулгилар, бир-бирига уланиб кетадиган олқишлар ҳамроҳингиз бўлсин, ҳурматли Фани Аъзамов!

1989 йил, 26 август

НЕЪМАТНИНГ НУРЛИ ИЗЛАРИ

Неъмат жигарим, сен ҳам юрагимнинг бир парчасини узиб, одамга тўймас йўқликка кетдингми?

Ўзинг севган ва сени севган китобхон халқимизнинг жуда баланд даражалик сўз устаси, битта қарагандаёқ, сувратини хотирасига чизиб оладиган моҳир сўз рассоми эдинг.

Тетапоя қилиб адабиёт кўчасининг бошида пайдо бўлганинда қоқилмасин, йиқилмасин дея адабиёт деб аталмиш сўнгсиз йўлнинг бош бекатида сени кутиб олгандим. Ана шундан бери бир-биримизни ялаб-юлқаб, ёнма-ён туриб қалам қитирлатиб келяпмиз.

Сен бора-бора ҳажв сардори бўлиб кетдинг. «Елвизак», «Ёлғончи фаришталар» бугунги адабиётимизнинг дурдона асарлари бўлиб қолди. Шамси Тўраевич, Баширжон Зайнишев, Вафо Агтор, Қиёмхон, Қирмизхонлар сингари яхлит қуйма образлар сенинг чинакам портрет устаси, унча-мунча ижодкорларга насиб қилмаган ноёб сўз рассоми эканингни намойиш қилди.

«Юмшоқ пластинка» деган кичкинагина, атиги бир варақли ҳикоянг буюк Зошченко ҳамда машҳур Остап Вишнялар қаторидан сенга жой олиб берди.

Неъмат, бу дунёдан бўйнингда қарз билан кетмадинг. Аксинча, сени вояга етказган, ажойиб ёзувчи қилиб тарбиялаган халқингдан рози бўлиб ва уни ўзингдан рози қилиб кетдинг.

Сендан йирик роман ва қиссалардан ташқари «Тилла табассумлар», «Лабиховуз хандалари», «Қирқ учинчи почча», «Туғилган куним қани?» сингари китобларга жамланган юзлаб ичакузди ҳангомалар қолди.

Неъмат дунёдаги мусулмонлар учун муқаддас бўлган бешта Шариф шаҳарнинг бири – Бухорои Шарифда туғилганидан чексиз гурурланарди.

Мустақил Ўзбекистон ҳукумати унинг адабиёт ва матбуот соҳасидаги хизматларини қадрлаб орден ва медаллар билан мукофотлади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан шарафлади.

Неъмат кетди. Ер бетига ўчмас излар қолдириб кетди.

Азизим, уагинам, қабрингда тинч ёт!

Алвидо, алвидо, эй дўст!

ҚЎШИҚ СЕҲРИ

Самарқанд дарвоза чорраҳасида бири биридан сўлим тўртта чойхона бўларди. Эрта баҳордан то кеч кузгача чойхона сўриларида одамларга жой етишмасди.

Самоварчилар бир-бирлари билан басма-бас ўйнаб, сўриларга ипак гиламлар, атлас якандозлар тўшардилар. Бири хитой чойнагига чой дамласа, бири гардин чойнакка дамларди. Бири граммофон қўйса, бири газ ёқарди.

Ҳаммасидан Тўйчи ҳофиз тушган чойхонага одам сиғмай кетарди. Чойхўрларни ўз томонига оғдирмоқчи бўлиб бошқа бири Марғилондан Юсуф қизиқни олдириб келарди.

Биз, болалар то уйқумиз келгунча катталардан дакки еб, ҳофизларнинг катта ашула айтишини томоша қилардик.

Кечаси ойдинда супада ётиб гузарда айтилаётган қўшиққа қулоқ солардик. Тошкент у пайтларда жим-жим шаҳар эди. Қоронғи тушиши билан тик этган овоз эшитилмасди. Иккитагина заводнинг шовқини бу томонларга келмасди.

Ана шундай сокин оқшомда олисда айтилаётган қўшиқни тинглаш ниҳоятда гаштли бўларди.

Ой нурига чўмилган азамат тераклар шовуллайди. Ариқда сув қўнғироқ чалиб, чулдираб оқади. Дарахт шохида мудраган мусича уйқусираб бир дам қанот қоқади-ю, яна жим бўлади. Осмони фалақда юлдуз учади. Унинг нурли чизиғи анча пайтгача ўчмай туриб қолади.

Девор орқасида ошиқ хўроз қанот қоқади, кейин бор овози билан қичқариб юборади. Узоқ-яқинда хўрозлар жавоб қайтаради. Яна жимлик. Энди беғубор ҳавода ҳофизнинг юракларни ўртовчи шаффоф товуши сузиб юради.

Бу манзаралар, бу товушлар қулоқларимга ўрнашиб қолган. Сехрга йўғрилган сокин тун манзаралари хотирамда бир умр қолиб кетган.

Нечун бугун буларни эслаяпман?

Кеча оқшомда Таваккал Қодировнинг қўшиқларини эшиттиришди.

Бу ажойиб ҳофиз қўшиқларининг чинакам мухлиси бўлганимдан биронтасини лоқайд эшитолмайман.

Таваккал Қодиров катта авжга чиққанда кўзни юмиб, дунё ташвишларини бир дам орқага ташлаб қулоқ солинг. Биллур қадаҳнинг жарангидек тебраниб-тебраниб оқаётган товушлар мафтун этади сизни, кўнгил қаърида қолиб кетган, аллақачон унутилган хотиралар аста уйғона бошлайди. Биринчи муҳаббат, биринчи ҳаяжон, бир умр топиб бўлмас йўқотишлар, тақдир йўллари эритиб берган – аллақандай нурлар бағрида яшириниб ётган истиқбол тонглари яна ёриша бошлайди. Оҳанглар қўлингиздан етаклаб аллақачон яшаб ўтган мўътабар зотлар ҳузурига бошлаб боради.

Қўшиқ тинади. Кўзни очасиз-у, анча пайтгача ўзингизга келолмай гангиб туриб қоласиз.

Таваккал Қодиров қўшиқларини тинглаганимда ҳамма вақт ана шундай ҳолга тушаман.

Унинг эл оғзига тушганига ўттиз йилдан ошди. У ўттиз йилдан бери қўлида рубоб билан юрт хизматини қилади. У қўшиқ айтган давраларга, тўю томошаларга файз кириб кетади.

Неча юзлаб қўшиқ ишқибозлари тўпланган томоша залларида у ашула бошлаши билан жимиб қолади. Паст, бир оз бўғиқроқ бошланган қўшиқ силкиниб-силкиниб тиниқ торта бошлайди. Шаффоф, беғубор пардаларга кўтарилади. Овози шундай тиниқиб кетадики, гўё кимдир биллур жомни муттасил чертиб турибди, деб ўйлайсиз.

Таваккал қўшиқ бошлаганда, авжни олаётганда тингловчи ташвишланиб туради. Чунки у ашулани жуда баланд пардадан бошлайди. Бор кучини, бор овозини ишга солиб айтади. Бундан кейинги ашулага ярамай қолса керак, чарчаб қоляпти, деб ўйлайсиз.

У ҳар гал янги қўшиқни бошлаганда овози ҳам янгиланганга ўхшайди. Ўзининг айтишича, ўн биринчи қўшиқдан кейин овози очилармиш. Ўн иккинчи қўшиқ бошланганда ишқибозлар: «Ана энди Таваккалнинг овози пишди», дейишади.

Шунинг учун ҳам у аввал овозини тоблаб кейин даврага киради.

Қардош Тожикистонда бўлиб ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлигининг якунловчи концерти сира ёдимдан чиқмайди.

Концерт чор атрофи баланд тоғлар билан ўралган Душанбе шаҳрининг олтмиш минг киши сиғадиган стадионида бўлган эди. Биронта бўш жой йўқ. Кўпчилик тик туриб қолган.

Стадион ўртасидаги супада Таваккал қўшиқ бошлади. Гувиллаб турган стадион бирдан жимиб қолди. Унинг овози аста қанот қоқиб, кўкка томон интилган қушдек тебраниб-тебраниб баландлайверди.

Унинг овози залворли тоғларга бориб урилаётгандек, аксадо бўлиб қайтаётгандек эди.

Стадион ҳамон жим. Шаҳар устида фақат Таваккалнинг овози сузиб юрарди.

Бу гапларим муболаға эмас. Аини ҳақиқат. Биз, ўн кунлик қатнашчилари шундай санъаткоримиз борлигидан ўшанда қанчалик қувонганимизни айтмоқчиман, холос.

Ўшанда кўшиқ тугаши билан стадион яна гувиллаб оёққа турди. Қарсак устига қарсак... Таваккал энди ўзининг энг севиб айтадиган «Ўхшайдику» кўшиғини бошлади. Стадион унга кўшилди. Шунда қизиқ бир воқеа юз берди. Кўшиқни баробар бошлаган олтмиш минг киши авжга келганда бирдан тўхтаб қолди. Ҳеч ким авжга чиқолмади. Фақат Таваккал тиниқ шалоладек овози билан авжни олди. Кўшиқ охирида стадионда бир тиниқ шалоладек, момақалдироқ гумбурлагандек олқишлар янграб кетди.

Бир воқеани тез-тез эслаб тураман. 1960 йилда Водилда сайл бўлган эди. Ўртада Таваккал кўшиқ бошлади. Шу пайт Шоҳимардон тоғлари устига қора булут ёпирилиб кела бошлади. Шамол-тўполонда дарахтлар силкинади. Азамат чинорлар тебраниб инграганга ўхшаш овоз чиқазади. Тепага келган булут шатир-шутир қилиб томчилай бошлади-ю, бирдан жала қуйиб кетди. У кўшиқни тўхтатмади. Бир аёл ўртага тушиб Таваккалнинг бошига соябон тутиб турди. Тоғ этакларида момақалдироқ гумбурлайди, чақмоқ чақади. У ҳамон авж пардада ўртаниб-ўртаниб кўшиқ айтади. Рубоб пинғиллаб қолди, доира пўкиллаб қолди. Аммо санъаткорнинг овози «нам тортмади». Ҳамон тиниқ, ҳамон беғубор овози момақалдироқ билан басма-бас ўйнаётгандек бўларди.

Водил тепасидаги булутлар бош олиб тоғлар орқасига ўтиб кетди.

Белбоғини бошига ёпиниб олган бир чол беш-олти ёшлардаги неварасини етаклаб ўртага тушди.

– Яша болам. Момақалдироқдан зўр чиқдинг. Мана шу неварамнинг пешанасидан бир силаб қўй, сенга ўхшаган ҳофиз бўлсин.

У боланинг пешанасидан ўпиб қўйди.

Мен Таваккал Қодировни баъзан рассомга ўхшатаман. Рассом турли ранглар билан одам суратини чизса, Таваккал оҳанглар билан сурат чизаётганга ўхшайди. У кўшиқ айтаётганда турли одамлар қиёфаси кўз олдидан ўтаверади. Гоҳ мунгли, гоҳ шодон кишиларнинг овозлари эшитилиб туради. Турли манзаралар намоён бўлади.

Таваккал шундай санъаткорки, у айтган кўшиқни бошқа ҳофиз айтолмайди. «Ўхшайдику»ни, «Бизни ташлаб»ни биронта хонанда айтганини билмайман. Бу каби кўшиқлар фақат унинг овози учун яратилгандай.

Устоз санъаткор Жўрахон Султонов ҳам шунақа нодир ҳофизлардан эди. Унинг ижросидаги қўшиқларни ҳеч ким унга етказиб айтолмаганди. У айтган қўшиқларни фақат Таваккал Қодировгина айтолади, холос.

СЎНГГИ НАФАС

Самарқанд бозоридан бир жуфт марварид тут кўчатини сотиб олган эдим. Уларни кўча деворига жуда ҳам яқин қилиб экиб қўйдим. Ернинг кучлигиданми, ё офтобрўлигиданми кўчатлар жуда тез амал олиб, шохлари девор ошиб ўтди. Уч йилдаёқ ҳосилини кўтаролмай қолди.

Плётка остида ўстирилган кулупнайлар ҳали ранг тортмай менинг тутларим япон пилласидек бели ингичка бўлиб ширага тўлди.

Умрида тут кўрмаган бир латвиялик мухбир «бу оқ малина бўлса керак», деб ўйлади.

Тонг отар-отмас тутхўрларнинг овозлари эшитила бошлайди. Мол боқиб юрган болалар, автобус йўловчилари, мактабдан қайтаётган ўқувчилар то қоронғи тушгунча тут тагидан кетмайди. Одам кўплигидан чумчуқлар, олақанотлар яқин келолмай осмонда чирқиллаб айланади.

Оёқ остига тўкилган тутларни супураётган эдим (супурмасам асфальтга ёпишиб йўлларни ювмаса бўлмайдиган қилиб қўяди).

Дарвоза олдида шоир Шавкат Раҳмоннинг қораси кўринди. У жуда узоқ жойдан ҳаллослаб югуриб келган бўлса керак, нафаси тиқилиб қийналиб гапирарди.

– Келинг, келаверинг, – дедим унга. – Ҳозир сизга бир пиёла қайноқ чой куйиб бераман. Томоғингизни ҳўллаб оласиз.

Шавкат чой ичмаслигини айтди.

– Ҳар йили тут пишиғини интиқ бўлиб кутаман. Кўча деворингиздан ошиб ўтган шохлардан беш-олти дона тут териб едим. Рози бўлинг, жон ака. Шу гапни айтиш учун атайин остонангиздан ҳатлаб ўтдим.

– Мингдан-минг розиман. Ўтиринг, пишган-пишганларидан ўзим териб бераман.

Шавкат ўтиришга унамади. Қандоқ ҳансираб кириб келган бўлса, ўшандоқ қисқа-қисқа нафас олиб чиқиб кетди.

Бир тоғорача тут териб Шавкатнинг боғига олиб ўтдим. У жуда безовта эди. Тинимсиз йўталар, ўпкаси бўғзидан чиқиб кетгудек бўлиб қийналар, ўзини қўярга жой тополмасди.

– Паркентга олиб борайми? Тайёр машина бор. Зора тоғ ҳавоси дардингизни енгиллатса, – дедим.

Шавкат Паркентга икки-уч марта борганини айтиб, манзараларига маҳлиё бўлиб, қимиздек ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олганини, энди асло қайтиб келмайдиган хотирадек бўлиб қолганини афсус-надоматлар билан айтди.

– Биласизми, умрим тугаб боряпти. Энди у жаннат жойларни кўраманми, ким билади, дейсиз. Бу дунёдан норизо бўлиб кетаётганим йўқ, ҳар қалай дилимдаги гапларимни оз бўлса ҳам айта олдим. Айтолмаганларимни дафтарларим қатида қолган армонли ўксик шеърларим айтади.

Умри ғанимат бўлиб қолган чорасиз одамнинг мунг тўла кўзларига қараб туриб, уни бадном қиладиганнинг тили кесилиб, ўзи оёқ остида тепкиланиб бир ит мақомида ўлиб кетгани маъқул эмасми...

Шавкатнинг сўнги кунларини кўрмагансиз. Мен кўрганман.

Боғ қўшни – қадрдонлари нечоғли мушкул бўлса ҳам унинг дардини енгиллатиш чорасини излардилар.

Энди бунинг иложи йўқ. Шавкат бедаво дардга йўлиққан эди. Унга зуғум қиляётганларга, ҳеч бўлмаса энди уни тинч қўйинглар, наҳотки сизларда заррача одамгарчилик, бир инсоний сезги йўқ, деб қичқириб юборгим келади.

Тепамизда ўтирган, шу ишларга бош-қош бўлаётган «опахонларга»: «Ахир сиз ҳам аёл зотидансизлар-ку. Вужудингизнинг қаеридадир мудраб ётган аёллик ҳиссини уйғотинг», деб уларни инсофга қақираман.

Афсус! Тошга ёмғир кор қилурми, дегандек бу гаплар бесамар кетганди.

Тўрт кундан бери мени Марказқўмга чақириб Шавкат Раҳмоннинг Совет сиёсатини бадном қиладиган шеърлари тўғрисида салбий бир мақола ёзишимни талаб қиляптилар. Шавкат қандайдир шубҳали адабий оқимлар таъсирига тушиб қолган эмиш. Баъзи бир адабиётшунос олимлар уни мақтаб, кўкларга кўтариб йўлдан адаштирган эмишлар. Бугунги газетани кўрдингизми? Узоқ Хоразмда туриб бир шоир Шавкат Раҳмонни фош қилган. Сиздек катта ёзувчининг сукут сақлаши уят эмасми?!

– Сукут сақламоқчи эмасман. Сиз айтаётган ўша мақоладан ўттизинчи йилларнинг қўланса ҳиди бурқсиб турипти. Мен бундай...

«Катта опа» оғзимдаги гапимни юлиб олди.

– Ўқидим, ниҳоятда зарур гапларни айтибди. Ҳақ гапларни айтибди.

– Унақа деманг. Сиёсатимизни инкор қиладиган бу мақола учун Шарафиддинов партия олдида жавоб беради. Сиз эса ҳали йўлга кирмаган гўдакдек улар орқасидан эмакляб юрибсиз. Сиз кўзи очилмаган беғуноҳ боласиз. Сизни фанимларимиз ихтиёрига ташлаб қўёлмаймиз.

– Қўйинг! – дедим. – Мен ҳеч қачон сиз тарафда турмаганман. «Шахсга сифиниш» даври ўтиб кетди. Фақат бир қаричгина бўлиб думи кўриниб қолди, холос.

«Катта опа» яна оғзимдаги гапимни юлиб олди.

– Сиз оқу қорани ажратолмаяпсиз. Айёрлик қилманг. Бу боши бузуқларни фош қилишда сизга суянамыз.

– Кечирасиз. Бунақа масалада менга суянманг. Мен бутунлай бошқа одамман. Қамоқ лагерларида, КГБнинг одиночка – якка камераларида ҳам бунақа қоғозларга имзо чектиролмаганлар. Бу хил зўравонлик билан бировга айб ёпиштириш замонлари ўтиб кетди...

«Катта опа» мени таслим бўлишимни кутарди.

– Яхшилаб ўйлаб кўринг. Кейин пушаймон бўлиб, афсусланиб юрманг. Билиб қўйинг, бу қайсарлигингиз ўзингизга қимматга тушади. Сиз яхши билан ёмонни фарқ қиладиган фаҳмли одамсиз. Шарафиддиновнинг «Бир тилда гаплашайлик» деган мақоласини...

Бу гал мен унинг оғзидаги гапини юлиб олдим.

– Ўқидим. Бунақа ҳалол мақолани фақат мард одам ёзади. Қани эди юрак ютган шунақа адабиётшунослар кўпроқ бўлса.

– Унақа деманг, – деди «катта опа», – адолатли сиёсатимизни инкор қиладиган бу мақола учун Шарафиддинов партия олдида жавоб беради.

– У аллақачон партия билетини улоқтириб ташлаб, елкасидан босиб турган юкдан халос бўлган.

«Катта опа» нима дейишини билмай довдираб қолди.

– Сиз пок одамсиз. Қаршингизда ўз эътиқодидан кечган бир бебурд одам безрайиб турибди. Наҳотки унга айтадиган гапингиз йўқ...

«Опахон» тўнини тескари кийиб олди. «Биздан шафқат кутманг» деб «ишга киришди». Ўша куннинг ўзидаёқ «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталаридан, «Табассум»дан ҳикояларим олиб ташланди. Телеминиатюраларим тўхтатилди. «Муштум»нинг ҳайъат аъзолигидан чиқарилдим. «Келинлар кўзғолони»ни намойиш қилиш тўхтатилсин!» деган буйруқ бўлди.

Энди улар оғир хасталик азобини тортаётган Шавкат Раҳмонни бадном қилишимни сурбетлик билан талаб қила бошладилар.

— Шу топшириқни бажарсангиз, сизга яна матбуот эшигини очиб берамиз. Ўжарлик қилсангиз энди аяб ўтирмаймиз.

Бу гаплар менга малол келди. Шунча йил қамоқларда юриб бунақа жирканч қоғозларга имзо чекмаганман.

— Мана, қаршингизда муқаддас партия билетини улоқтирган бевурд одам турибди, — деди у. — Наҳотки айтадиган гапингиз йўқ?

— Бор, — дедим. — Мен ҳеч қачон сиз тарафда турмаганман. Шарафиддинов бу мақолани ниҳоятда одиллик билан ёзган. Бунинг учун унга раҳмат айтишим керак...

Мустақиллик бўлиб Шавкатнинг ҳам елкасига офтоб тегди. Чин истеъдодларнинг қадрига етадиган замонлар келди. Шавкатга ҳукуратимиз шарафли унвон берди. Энг яхши шифохоналарда даволаниш ҳуқуқига мушарраф бўлди.

Афсуслар бўлсинки, Шавкатнинг дарди кучайиб, даволаб бўлмайдиган ҳолга келди.

Шавкат ўлаётиб ҳеч кимга илтижо билан зорланиб боқмади. Бу ёруғ дунёни ўзимиз билган мағрур Шавкат Раҳмон бўлиб ташлаб кетди.

ҚАСАМ

Шавкат Раҳмон деган
бир ўжар шоир,
бир куни қайтадан яраладими?
Ҳаётим маънисин жуда кўп ўйлаб,
сайладим сўзларнинг
сараларини.
Ҳар бир сўз
юз сўзнинг ўрнини босар —

Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик.
Ҳар бир сўз етажак юзта умримга,
ҳар бири бахш этар
руҳимга шодлик.
Ҳозирлик кўраркан буюк сафарга,
пуштиранг пардали минглаб дарчадан
мўралаб ўтирган минглаб сўзларни
қолдириб кетаман энди барчага.
Аслида атиргул бўйин таратган
бу ўйноқи сўзлар меникимасдир.
Менга нондай зарур,
қиличдай кескир,
заҳардай мард сўзлар бўлсаёқ басдир.
Сайладим сўзларнинг сараларини,
курашлар шамоли кирди назмимга.
Юртимни кезаман,
энди ҳар нарса —
эгилган нарсалар тегар ғашимга.
Энди ишлаш керак бу кенгликларда,
токим сўйламасин ёлғонни ҳеч ким,
токим буюк тоғлар салтанатида
эгилган бошларни қиличлар кессин!

ИККИНЧИ ФРОНТ

Редакциянинг узун, нимқоронғи коридоридан кетяпман.
Очиқ эшиклардан менга қадрдон кишилар кўринади. Улар
столга бағриларини бериб, қаламнинг тўмтоқ тарафини лабга
босганча деворнинг аллақерига тикилган ҳолда ўй ўйлашяпти.

Биламан. Бу ҳолат менга болалигимдан таниш. Улар кеча
қаергадир боришган, кимлар биландир учрашишган. Ҳозир
ўша хотира, ўша манзарани қоғозга туширмоқчилар.

Бу хоналарда менинг ҳам ёшлигим кечган.

У пайтларда деразамиз тўғрисида фонтан шовулламасди.
Редакциямиз томига ўрнатилган радио карнайи тагига кунига
бир неча марта одам тўпланарди-ю, жимгина тарқаб кетарди.

Олисан — жанг майдонларидан нохуш хабарлар келиб
турарди. Ҳамманинг қулоғи радиода. Совинформбюродан
кўнгилни кўтарувчи хабарлар кутардик. Ҳамма нарса фронт
учун, бутун куч душманни мажақлаб ташлашга сафарбар
қилинган кунлар эди.

Эрта билан ҳамма ўз хонасида бўларди. Кеча ташлаб чиққан шаҳар кўнгилиларимизни вайрон қилган, гўё бу шаҳарни тутиб қололмаганимизга биз газетчилар айбдордек бир-биримизнинг бетимизга қараёлмасдик.

Ҳаммамизга отахон бўлиб қолган Вали ака хоналарга бирма-бир кириб бугун ким қандай материал бериши кераклигини айтиб, ўз хонасига кириб кетар, то тушликкача эшигини очмасди.

Ҳар куни ишга келганимизда бир стол бўшаб қоларди. Дўстларимиздан кимдир жангга жўнаб кетарди.

Бир литучкамизда редакторимиз Ҳожиакбар Фуломов менга шундай деган эди.

– Ахир, сиз кулки ҳикоялар ёзиб юрасиз. Ёзинг. Одамларни кулдирадиган, бир нафас бўлса ҳам одамлар кўнглидаги айрилиқ доғини қувадиган ҳикоялардан ёзинг. Дарров чиқазамиз.

Шу кезларда, биров боласидан қора хат олган, бировнинг боласи ярадор бўлган, бировнинг эри дом-дараксиз йўқолган.

Афсуски, мен редакторнинг топширигини бажаролмадим. Бунақа пайтларда қизиқроқ гап айтиш, бировни кулдириш осон гап эмасди.

Борган сари газета иши қийинлашиб борарди. Газетамиз тўрт саҳифадан икки саҳифага тушиб қолди. Қоғоз танқислигидан ҳозиргидек оқ қоғозга эмас, сариқ, қалин «кепак қоғозга» босиларди.

Редакциямизнинг савлати бўлган полвон қиёфа Салоҳ Ҳасан чўкиб қолди. Вали ака урушдан олдин тикдирган оқ шимини то биринчи қор тушгунча кийиб келарди. Ҳуснда ҳаммамизнинг ҳавасимизни келтирадиган Мансур Юсупов бирдан қариб қолди. Секин-аста ишларимиз юришиб кетди. Душман Москвадан улоқтириб ташланди. Смоленск, Киев, Минск бирин-кетин озод қилина бошланди. Ана шундай кезларда Вали аканинг «учинчи смена иши» бошланарди. Кўча чироқларини энергосбит электр қувватини иқтисод қилиб ўчириб қўярди. Вали ака қоронғи кўчаларда пиёда кезиб таржимон Шербек Алиевнинг уйига бориб, ундан кейин Қашқар маҳалласига ўтиб машинисткамиз Лутфихон Муҳамедовани уйғотарди. Қўшинларимиз шаҳар озод қилган куни редакцияда иш қизиб кетарди.

Газета кечаси соат икки яримларда тайёр бўлиб, босиш учун муҳаррир имзо чекарди. Ана шундан кейин уй-уйимизга кетардик. Редакцияда фақат муҳаррир ўринбосари Рихси Соҳибоев билан бўлим мудир Мақсуд Қориев қоларди.

Олий Бош Қўмондоннинг шаҳар озод қилингани шарафига чиқарган буйруғи соат ўн иккидан ошганда (Москва вақти билан) эълон қилинарди.

Газета босилиб бўлган. Таржимон йўқ. Уйига кетган. Ҳарф терадиган линотипнинг қўрғошини совуб, қотиб қолган. Вали ака муҳаррир хонасига кириб ҳукумат телефонида энергосбитга қўнғироқ қилади. Қўшимча электр қуввати сўрайди.

Редакциямиз бунақа пайтларда иккинчи фронтни очгандек бўларди. Озод қилинган шаҳарни яна бир бор озод қилгандек жанг қиларди.

Кечалари уйқу нималигини билмаган Мирлатиф Миртемировни, Тўра Содиқовни, Вали Алломовни, Аҳмад Исмоиловни, Рихси Соҳибоевни, Шербек Алиевни, Лутфихонни, кўзини боғлаб қўйсанг ҳам хато қилмай ёзадиган машинистка Гулсум опани эрталаб толиққан, худди ҳозиргина жангдан чиққан солдат қиёфасида кўрардик.

Редакция ишлари шу қадар қийинлашган эдики, ҳазилмутойиба йўли билан айтганда, ходимларимиздан Ҳабиб Нуъмон билан рассом Воробейчиков чидамай фронтга «қочиб» кетган эдилар.

Ўша кунларни эслаганимда беихтиёр кўз олдимга мархум устозларим Вали Алломов, Ҳожиакбар Фуломов, Зафар Диёр, Амин Умарий, Мақсуд Қориев, Мансур Юсупов, Ҳотам Икромов, дўстим Тўра Содиқов келади.

Холбек ака қорайиб, Зафар Диёр озиб кетган. Фақат биргина Бек ака ҳали ҳам аввалгича эди.

Муҳтарам газетамизнинг эллик йиллик тўйида уларнинг руҳи шу коридорларда, шу хоналарда кезиб юргандек.

Зинадан негадир дўпписини бошидан олиб чиқадиған, ажиб зукко шоир, ҳаммамизнинг муҳтарам муаллимимиз Фафур Фуломнинг табаррук номини тилга олмай бўладими. Фафур ака одатига кўра, ўнг елкасини сал олдинга кериб, қўлидаги папирোসини ташлашга жой излаб алпон-талпон кириб келиши, сал мақтанганнамо ёнидан шеър чиқазиб, ўз кўзойнаги қолиб Шоаҳмад Шораҳмедовнинг кўзойнагини

тақиб тик турганча шеър ўқиб бериши ҳали-ҳали кўз олдимда турибди.

Белорусия партизанлари вакилларига Тошкентда ишлаб чиқарилган самолёт совға қилиш маросимини ёзиш менга топширилган эди. Бу мақола учун редакция мени беш минг сўм пул билан мукофотлади. Шу куни мукофотни ювдик. Яъни «Ухо-горло-нос»га мукофот пулини сарфладик.

Шайхзода. Бу ном уруш йиллари газета саҳифасидан тушмасди. Шайх ака қутлуғ айёмларда редакцияга тонг палласи келарди. Топ-тоза, деразалари очилиб шамоллатилган хонани тутунга тўлдириб шеър ёзарди-да, стол устидаги ойнага қистириб кетарди.

Мен ёшлик йилларимнинг жанговар даргоҳи, биринчи машқларимга ўз саҳифасидан жой берган муҳтарам газетамни ҳеч қачон унутолмайман. Менинг ёзувчилигим шу даргоҳда шаклланди. Шу даргоҳ йўлланмаси билан бориб, азамат Фарҳод ГЭСининг пойдевори қўйилишига гувоҳ бўлганман.





МАНЗАРАЛАР

ТҶҲ МАВСУМИ

Андижоннинг кўп қувончли тантаналарида яйраганман. Минг тасанно деса арзиғулик тўйларида ажиб хушовоз хонандалар хонишини эшитганман.

Бу тўйларда шеърхонлик, назокат тўла аскиялар, йигитлар ижро этган «Андижон полкаси» сира-сира эсимдан чиқмайди.

Гурунч курмаксиз бўлмайди деганларидек, баъзи қолоқ, ўтмиш сарқитларига муккасидан кетган кишиларнинг тўйларига ҳам борганман. Ана шулар тўғрисида гапирмоқчиман, кўрганларимни уч қиссага бўлдим.

Бу қиссаларда бирорта қўшимча гап йўқ. Ҳаммаси рост. Худди фотоаппаратда олингандек тасвирлашга уриндим.

БИРИНЧИ ҚИССА

Бошқа юртга борсам ухлаёлмайдиган одатим бор. Сурнай товуши уйғотиб юборгандан бери меҳмонхона остонасида папирос тутатиб ўтирибман.

Энди ғира-шира бўлиб тонг ёришиб келаётган эди, кеча мен билан самолётда учиб келган ҳамроҳим кўзини ишқай-ишқай зинадан тушиб келди.

– Уйғониб қарасам, жойингизда йўқсиз, – деди у ҳамон уйқу қарахтлигидан чиқолмай. – Юринг, юринг тўйга олиб бораман. Тез бўлинг.

Бу тарафларнинг тўйини кўп кўрганман, боргим келдию унга эргашдим.

– Тўй кеча бўлиб ўтган. Ҳозиргиси нон едиси.

Шаҳарнинг Умарбек гузари тарафга қараб юрдик. Уч юз чоқли кекса-ёш аралаш ўша тарафдан келишарди. Ҳаммасининг қўлтиғида тўрттадан нон.

– Нон бозори шу тарафдами? – дедим ажабланиб.

– Йўқ, – деди ҳамроҳим. – Тўйдан келишяпти-ку.

Тўйхонага ҳам етиб келдик. Кичкинагина ҳовли экан, меҳмонлар ичкарига сифмагандан ташқарида яна икки юзча киши туриб қолган эди.

– Қачон кирамиз? Жуда одам кўп-ку!

– Тандири чоғроқ шекилли, – деди ошнам мени хотиржам қилиш ниятида.

Шу пайт ичкаридан нон қўлтиқлаган кишилар турнақатор бўлиб чиқиб кела бошлашди. Эринмай санадим. Икки юз ўн тўрт киши чиқди. Ҳаммасининг қўлтиғида тўрттадан нон. Ҳозир тандирдан узилганлиги шундоққина билиниб турибди.

Ҳай, ичкарига кирдик. Айвону уйларга, ҳовлидаги сўриларга, столларга, оёқ тарафга, ерга брезент тўшаб жой қилинган. Тонг отган бўлишига қарамай электр лампалари ҳали ҳам ёниб турарди. Кўчадаги столбадан олинган бўлса керак, уни маҳалла монтеридан бошқа киши эплаб ўчиролмайди.

Дастурхонда турли мева-чевалар. Ширинликдан кўра, қатлама кўпроқ эди. Кеча базм бўлгани шундоққина билиниб турибди. Ичкиликдан бўшаган шишалар яшиқларга солиниб бурчакда тахлоғлик турибди. Девор тагидаги икки пақир тўла ейилмай қолиб кетган кабоб, сомса каби закускаларни пашша талаяпти.

Юқорида икки кўшиқчи, уч созанда:

Ҳофизо ширин калом сўзла тилинг борича,

Ноғиҳон етса ажал тил сўзга келгай-келмагай,

деб хониш қилиб туришибди.

Ичкари уйдан юзини пешанабоғи билан тўсган ўрта яшар хотин ҳофизлар олдига устига қийиқ ёпилган патнис кўтариб борди.

Ашула авжга чиқди-ю, тўхтади. Хотин патнисдан тўртта тўн олиб созандаларга кийдирди. Тўртта тугунда нон, қатламанни олдиларига қўйди. Хотин бир жўра атласни қўйнидан чиқариб рубобчига узатар экан, нимадир деб айтди.

– Кечасидаги базмда раққосаси ҳам бор экан шекилли. Атлас ўшанинг ҳаққи, – деди ошнам.

Бир косадан маставани ичиб, ўрнимиздан турдик. Остонада сават-сават иссиқ нон турарди. Чиқаётганларга бир кекса тўрттадан нон бериб турибди. Менга ҳам тўртта нон тегди. Қўлтиққа қисиб ташқарига чиқишим билан ҳайрон бўлиб қолдим. Узун кўча бўйлаб яна уч юздан ортиқ киши ичкарида жой бўшабини кутиб туришарди.

ИККИНЧИ ҚИССА

Уйқусизлик, саҳарда ейилган овқат зўрлик қилдими, бўшашиб ўрнимга ётдим. Ҳали кўзим илинмаган эди, эшик тақиллади. Очдим.

Остонада бундан тўрт йил аввал Кисловодскда бирга дам олган ошнам турарди. Бу одам ваҳима касалига учраб, асабларини даволатиш учун курортга борган эди. У шошиб турган экан, гапни қисқа қилди.

– Боя нон едида кўриб қолдим. Жуда яхши бўлди. Бугун қудамиз куёв чақирди қиляпти. Бирга борамиз.

У курортда юрганда ўғлини уйлантирмоқчи эканини кўп гапирарди. Ваҳима касали ҳам шу тўй тайёргарлиги орқасида пайдо бўлганини айтган эди.

– Ўша учрашганимиздан бир йил кейин ўғилчани уйлادим. Бор-йўғимдан ажрасам ҳамки, тўйни катта қилдим. Участкани сотиб тўй қилдим. Ҳозир микрорайонда икки хонали секцияда турибман. Аммо тўй яхши бўлди. Мевачева, келиннинг кийимларига унча қийналмадик-у, аммо ичкилик билан артистларга кўпроқ кетди. Участканинг пулини асосан шунга сарфладим. Майли, шавла кетса-кетсин, обрў кетмасин. Бугун бирга бўламиз.

Дўстим тайинлаб чиқиб кетди.

Тўй ўтганига уч йил бўлган. Аммо куёв билан қайнана ҳалигача юз кўришмаган.

Соат иккида ошнам келиб олиб кетди. Йўлда қудаси кимлигини сўрадим.

– Бир бева хотин, аллақайси идорада уборшица. Қурби келмай чақиролмай юрган эди. Мавруди энди келди. Келиним уч бола туғди. Аммо ўғлим ҳали қайнанасининг остонасидан ҳатлагани йўқ. Бугунга насиб қилган экан. Етмиш киши билан борамиз.

Етмиш йигит (ёш болалар бу ҳисобга кирмайди) кўча тўлдириб кетяпмиз. Олдинда бўйнига шоҳи қийиқ боғланган оқ қўй. Қўйнинг тўрт оёғига қўнғироқ тақилган.

Қуданинг уйи олдида беш-ўн киши қўл қовуштириб кутиб олишди. Остонадан то айвонгача ёзилган оқ пойандоз устидан куёв бола юриб ўтди. Шундан кейин пойандоз талаш бўлиб кетди.

Эркак дастурхончи ҳар биримизнинг олдимизга биттадан патнис олиб келди. Бояги дастурхончи йигит ҳар биримизнинг олдимизга биттадан ароқ, биттадан вино қўйиб кетди. Дастурхон қатлама, чучвараларга тўлди. Корзинка қилиб сўйилган тарвузлар, гул қилиб тайёрланган закускалар келди. Бесабрроқ йигитлар таклифсиз ичиб олишди.

Рубобчи ҳаммадан олдин битта шишани бўшатди. Ашула авжга чиқди. Мастава келди. Кетма-кет ош тортилди.

Ана шундан кейин ичкари уйдан кетма-кет тугун чиқаверди. Етмиш тугун, етмиш кишининг олдига қўйилди. Куёвга жерси пальто, дўппи, туфли, отасига макентош, куёвнинг икки укасига биттадан балонье плаш қўйилди. Менга текканига секин кўз ташладим. Тўртта нон, иккита қатлама, иккита беламор папироти, битта гугурт, битта даст-рўмол.

Кайф билан тўйхонадан чиқдик.

— Ёлғизқўл хотин шунча нарсани қайдан олди экан?

Ҳамроҳим аввал бир уҳ тортиб, кейин жавоб қилди:

— Бечора шунинг учун ҳам уч йилдан бери куёви билан юз кўришолмайди. Ҳали бўйнида учта бешик тўйи турибди. Ўзи саксон сўм маош олади. Ишдан кейин келиб уч йил уриниб мана бу қийиқларни тикди. Ёзда гектарчиларга қўшилиб пиёз экди. Жияни колхозда, ўшанинг томорқасига шоли экди. Уч йил шу алпоз меҳнат қилиб, бугунги куёв чақирдининг харжини тўплаган. Ундан ташқари, уборшица бўлиб ишлайдиган идорадаги хотинлар билан лотерея ўйнаб уч юз олтмиш сўм пул тўплади.

Мен қўлтиғимдаги тугунда бу мунис онанинг уч йиллик пешана тери борлиги, қийиқ гулининг кунгираларида унинг қанчалар кўз нури борлигини ҳис қиламан.

УЧИНЧИ ҚИССА

Андижонда Зайнобиддин деган бир ўқитувчи ошнам бор эди. Ўғлини уйлантираётган экан, тўйга айтиб келиб қолди. Йўқ деёлмадим.

Уйини топиш қийин бўлганидан тўйга сал кечикиб борибман. Келинлар келиб базм авжига чиққан экан. Келин тараф эллиқдан ортиқ хотин билан келибди. Ҳаммаси бола етаклаб келган. Қуда тарафдан келган болага чурқ этиб гапириб бўлмайди. Агар нари тур десангиз қудаларга тегиб кетади. Оғзидан она сути кетмаган ёш болани ҳам иззатлаб ичкилик қўйилган дастурхонга ўтказишга мажбурсиз. Маҳалла болаларининг ҳаммаси шу ерда.

Бундай пайтларда андижонликлар бир усул ўйлаб топишган. Кўпинча шу усул тўйларда оз бўлса ҳам тартибга сабаб бўлади.

Тўй эгаси даставвал киночи билан гаплашади. Прокатга бориб эрталабгача очиқ майдонда кино қўйиб беришни илтимос қилади. Авжи тўй бўлаётган пайтда маҳалланинг нариги бошидаги бирон овлоқ майдонда болаларни қизиқтирадиган жосуслар тўғрисида, уруш тўғрисида кино қўйилади. Битта лента тўхтамай тўй тугагунча айлантирилaveрилади. Болалар тўйни ташлаб кинога чопишади. Кейинги пайтда бу усул ҳам қўл келмай қолган. Болалар «Бу кинони телевизорда кўрганмиз», деб яна тўйхонага қайтиб келишади. Стол тагидан эмаклаб бориб келин-куёв олдидаги шишагача қўл чўзиб олиб кетаверадилар. Шу болалар дастидан на қўшиқ эшитиб бўлади, на табрик сўзларини.

Мен борган тўй ҳам худди шундай бўлди. Тўй эмас, бозор, поезд келиб тўхтаган вокзалга боргандек бўлдим.

Қаттиқ чарчаганимдан Зайнобиддинга чап бериб аста чиқиб кетдим. Барибир меҳмонхонага келиб ухлаёлмадим. Қоқ ярим кечагача карнайларнинг ғат-ғати, магнитофонларнинг тумов қўшиқлари тунни бедор ўтказишга сабабчи бўлди.

Барибир уйқу зўр нарса экан, ухлабман.

Қаттиқ бўкирик, гумбирлаш товушларидан уйғониб кетдим. Сапчиб ўрнимдан турдим. Деразадан ташқарига қарадим. Кўчада капотига духоба ёпилган бир «Волга», бир автобус,

устига кўрпа-тўшак, шкафлар ортилган бир юк машинаси турарди. Автобус деразасидан икки карнайчининг боши чиқиб турибди. Тинмай гатиллайди. Чирманда гумбирлаб турибди. Соатга қарадим. Учдан ўн дақиқа ўтган экан.

Ошхона қоровули билан самоварчи кўчанинг икки бетигаги электр столбасига сим тортиб йўлни тўсиб қўйибди. Машиналар ўтолмай тўхтаб қолган экан.

Келинни олиб кетаётган «Волга»дан бир хотин тушди. Йўлтўсарларга биттадан чорси, биттадан дастрўмол берди. Шундан кейин йўлдан симни олиб ташлашди. Машиналар йўлга тушди.

Икки-уч юз метр нарида яна шундай тўсиқ бор экан. Машиналар тўхтади. Тагин қийқириқ, яна гат-гат...

Билмадим, тонг отгунча келинни олиб кетаётган карвон неча жойда тўхтади экан. Ҳарқалай эрталабгача гат-гат тинмади.

Мен ҳам уйқудан кечиб меҳмонхона балконида ўтириб олдим.

Тонг отди. Магнитофонлар тумов қўшиғини бошлади. Кўчадан нон қўлтиқлаган кишилар ўта бошлади...

1971 йил, 9 сентябрь

УХЛАЁТГАН ЙЎЛБАРСЛАР

Далалар хувиллаб қолди. Ёзи билан қарсак чалган барглари куз шамоллари учириб кетди. Яланғоч новдаларда ҳурпайган қуш уялари мунғайиб, учирма қилган жўжаларини соғиниб хўрсинади.

Шошқалоқ ариқлар энди ювош тортиб, тошлар пинжидан паноҳ излайди.

Йилнинг бўз бола фасли ўтиб кетди. Ҳар бир гиёҳга куч берган, новдалар елкасини ризқ-насиба иси келиб турган қайноқ қўллари билан силаган офтобнинг дами қайтди. Энди у чўгдек қип-қизил новдалар орқасидан қоғозга томган ёғдек хира кўринади.

Тўрақўрғону Уйчи узумзорлари, Фирвону Камарсада анжирзорлари устига кўрпа тортди. Фақат Косон нокзорлари, Янгикўрғон олмазорлари билан шимариб қиш бўронларига кўкрак кериб турипти.

Деҳқоннинг елкасидан кетмон тушди. Энди у бозиллаб турган печка ёнида жужуқларини тўнига ўраб, кўпдан соғинган гўдак исидан масту аласт бўладиган ҳаловатли дамлар келди.

Радиоузеллар юлдуз кўзи сузилмай «Фалончиникига ош-ге-е-е...» деб тўйга чорлайди. Кўча тарафдан гурс-гурс қадам товушлари эшитилади, девор орқасида ёнкўшни тандирга ўт қалайди. Сал ўтмай ҳаммаёқни иссиқ нон ҳиди тутиб кетади. Кимдир сут пиширяпти. Дунёда чўян қозонда кўпириб қайнаган сут исидек роҳатижон ҳид бормикан?

Ҳаммаёқ оппоқ. Далалар, боғлар, томлар оппоқ. Йўловчиларнинг елкаларига, салафанга ўраб кийилган чувт дўппиларга, ҳатто раисбуваларнинг мўйловларига ҳам оппоқ қоринган.

Тоғлар уйқуда, сойлар уйқуда.

Сойларни қутирган йўлбарсга қиёслаш мумкин. У уйғоқ пайтида яқинига одамни йўлатмайди. Уни маст уйқуда ётган пайтида занжирлайдилар.

Ўзбекнинг «ишни уйқусида бос» деган гапи бор. Бу гап атайлаб наманганликлар учун айтилганга ўхшайди.

Чодаксой, Фавасой, Олмоссой, Пошшаотасой, Косонсой, Резаксой, Чортоқсой каби ўн иккита сойнинг ҳар бири биттадан кучга тўлган йўлбарсдир.

Ҳозир бу «йўлбарслар» маст уйқуда. Улар шу ухлаганча март охирида кўзини очади. Очадию йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни парчалаб, кўприкларни бузиб далаларни пайҳон қилади.

Мана шу қайсар сойлар Наманган далаларига 850 миллион куб сув беради. Бунақа нақдина хазина бошқа биронта вилоятга насиб қилмаган. Лекин наманганликлар учун шу ўн икки йўлбарс оғзидан насиба олиш осон бўлмайди.

Рўзғордаги биттагина ҳуркович сигирни соғиш учун елкасини қашламасанг, яғринига шапатилаб эркалатмасанг елинига яқин йўлатмайди. Ўн икки қутурган йўлбарсни ўзингга ром қилишинг учун отанг яхши, онанг яхши, деб елкасини силашинг керак, минг хил байту ғазал ўқиб йўлга солмасанг бир зумда сени доғда қолдириб кетади.

Баҳор тошқинларида ўзанидан чиққан сойларнинг ҳар бири юк машинасидек келадиган бетон тўсиқларни елкалаб

қирғоққа отган пайтларни Косонсойда, Чортоқда, Поп билан Янгиқўрғонда ўз кўзларим билан кўрганман.

Бир умрга етади, ҳар қандай зарбани писанд қилмайди, деб қурилган темирбетон кўприкларни гугурт қутисидек кафтида ўйнатадиган, темир йўл изларини соч ўримидек бураб ташлайдиган телба сойлар Наманганда кўп.

Наманган сувчиларига ота-боболари «Мушкул ишни уйқусида бос», деб васият қилиб кетганлар.

Тоғлардан, адирлардан қутуриб келадиган ўн икки «Йўлбарс» кўз очмай туриб йўлига ғов ташлаш керак...

Тошкентдан Наманганга телефон қиляпман. Аҳвол қалай, эси йўқ тентак сойлар тўполон қилмаяптими, деб сўрайман.

Э, хотиржам бўлинг. Наманганликларга бунақа ишлар чўт эмас. Ҳозир ўн икки сувчи биттадан «йўлбарс» миниб, елкасини қашлаб, яғринини силаб, у ёққа бурил, бу ёққа бурил, деб чавандозлик қилиб юрибди. Наманган сувчиларининг отагинасига раҳмат деганим эсингиздами? Ҳозир, шу топда ёзаётган мақоламга «Йўлбарс минган «чавандозлар» деб ном қўймоқчиман.

ТИНИҚЛИК

Ўчоқларда ўт ўчиб, сумалак қозонлари совуди. Энди тут оқариб келяпти. Бағрига минг хил дармон дори жойлаган мўмиёи асил бу тутлар ҳовуч-ҳовуч бўлиб оёғингиз остига тўкилади.

Оналар бемор болаларига қараб, шу болагинам тут пишиғига етиб олсайди, деб тилак тилайдилар. Улар, тутга оғзи текканлар йил бўйи дарддан фориг бўлишларини биладилар.

Эртанги гилос қизариб қолди. Кулупнай ранг тортяпти. Термиз ҳандалаклари ёш боланинг дўпписидек бўлиб қолди. Ургут, Бахмал тоғлари сўқмоқларида равоч орқалаганларнинг қораси кўриняпти, Задарё шопипояларини қуршаган симёғочлардаги қатор сават уяларга олис юртлардан лайлақлар қайтиб келишди. Тинимсиз ноғора чалиб, ҳали кавакдан чиқмаган бақаларни чақришяпти.

Дов-дарахт оппоқ гулларини тўкиб бўлди. Новдалардаги ғўраларнинг олди каптар тухумидек бўлиб қолди. Андижоннинг бесабр болалари аччиқ олманинг бетига қизил югурмай

туриб шохдан-шоҳга сакраб қолишди. Лолақизғалдоқдан кўрпа ёпинган Нишон чўлларида кокилдор турналар қурултойи бошланди. Кўрилаётган масала ниҳоятда «жиддий» бўлса керак, адирнинг энг баланд ерида икки турна соқчилик қилиб турипти.

Денову Шеробод тарафларда ипак қуртига барг кесиш бошланди. Ҳар йили умид билан новда қўядиган тутлар тана-сига яна болта тегди. Улар алам билан дала ўртасида мушт тукканча қолдилар.

Янгигина уруғ қадалган дала бошида деҳқон қумғон қайнашини кутади.

Оҳ, оҳ, қумғонда дамланган кўк чойни бир ҳўпламасиз, дунёга келмасиз. Айниқса, белбоққа тугулган, салгина суви қочган нонни ботириб есангиз, минг йиллик дардингиз тер билан чиқиб кетганини билмай қоласиз. Кесакдан омонат ясалган ўчоқ тагида хазон тутайди. Ундан ўтган йилги ҳосил кузининг ҳиди анқийди. Беҳи ҳиди ҳам, олма ҳиди ҳам шунда.

Айтишларича, булбул ғунчанинг гул бўлиб очилишини кутиб сайраб-сайраб тонг маҳали ухлаб қолар эмиш. Ғунча булбулнинг кўзи юмилганда гул очармиш.

Даласига уруғ қадаган деҳқон қанча пойламасин ғафлатда қолади. Уруғ унинг кўзи илинганда унади. У лола кўрпасига бурканган адирларга термулиб турган бир пайтда чигит ундан пинҳона ердан бош кўтарди. Бошига асаларининг қанотидек юпқа бир кесакни дўппи қилиб ерни ёриб чиқди. Деҳқон уни кўрмади. Ниҳол бошидан дўпписини олгандагина уни кўрди. Ана шундан кейингина саф-саф бўлиб чигитлар ерни ёриб чиқавердилар, чиқавердилар, минглаб, ўн минглаб, юз минглаб, миллионлаб ниҳоллар ер бетида намоишга чиққан солдатлардек саф тортдилар...

Қишлоқ кўчаларидан юрганингизда кампирларнинг овозини эшитасиз:

– Ҳой, болам, олтингугурт сепмай туриб ток ошига барг узиб бер.

Шаҳарлардаги домлардан яна кампирлар овозини эшитасиз.

– Ҳой, болам, балконга ҳадеб чиқаверма, қалдирғоч шифтга уя қурапти, чўчитиб қўясан. Ундан кўра пастга тушиб тўрттагина ғўра топиб кел, келин аянг бошқоронғи бўлиб

ўзини қаерга қўйишини билмай ўтирипти. Шаҳаргинадан айлана-я, ҳаммаёқ чинор бўлиб кетди. Келинчақларга жавр...

Осмон четида булут пайдо бўлади. Сузиб келиб аста томчилай бошлайди. Шошилмай, узоқ, эзиб, худди элакдан ўтказаетгандек майдалаб ёғади.

Тўйга, учрашувга отланганлар йўлакдан чиқолмай осмондан кўз узмайдилар. Эзма ёмғирдан нолийдилар. Шунда кексалар тилга киришади:

– Болам, осмондан обираҳмат ёғяпти. Ризқ ёғяпти. Ошон ёғяпти.

Булут ҳам ёғадиганини ёғиб, ўтиб кетади. Майсалар, дарахтлар ҳўл. Ердан, барглardan, майсалардан бир ажиб ҳид анқиб кетади. Бу ҳид умрингга умр қўшади, ғамларингни кўксингдан қувиб чиқаради, ухлаган орзуларингни уйғотади.

Ўтиб кетган булут бошини тоғ-тошларга уради. Гумбурайди, чақмоқ чақади. Сал ўтмай ўнгирлардаги баҳайбат тошларнинг ёриқларидан айқириб бўтана сув оқиб келади. Бу сув тоғ ёввойи асалини, мўмиёни эритиб олиб келади. Кеч амалга кирган тоғ олмалари, олчаларининг гулларини олиб келади. Ариқлардан тирик, табиий, ростакам атир ҳидини қирғоқларга пуркаб оқади.

Бир ойгина бўлди, бутун Шарқ ўлкалари Наврўзи оламни шод-хуррамлик билан байрам қилганига.

Зайниддин аканинг лимонхонасида ҳалим пиширилди. Ойбек музейида зиёратчиларга сумалак тортилди. Қува районининг жами хўжаликлари бир бўлиб бу байрамни алоҳида қувонч билан нишонлашди.

Мен Наврўз бошланган куни Қувада эдим. Адирдан Марҳаматга борадиган йўл ёқасидаги хиёбонларга ўн минглаб қуваликлар энг сара кийимларини кийиб, ювиниб-тараниб чиқишган. Водийда қанчаки хонанда, созанда, раққоса бўлса, ҳаммаси шу ерда. Чирмандалар авжда, қўша-қўша микрофонлардан хилма-хил қўшиқлар таралиб турипти. Шоирлар басмабасга шеър ўқишади. Битта сўрида аскиябозлик, яна биттасида латифагўйлик, четроқдаги сўрида ветеран оқсоқоллар кўрган-кечирганларидан шошилмай гаплашишади. Кекса ҳам шунда, ёш ҳам шунда. Ўсма қўйган ҳам шунда, сурма қўйган ҳам шунда. Ошиқ ҳам шунда, маъшуқ ҳам шунда. Сочини кесган ҳам шунда, майда ўрган ҳам шунда.

Ўнлаб қозонда сумалак вақирлаб қайнайди. Кўчма тандирлардан кўксомса узиляпти.

Наврўз байрамига йигирмадан ортиқ сайёр дўкон хизматда. Бу ёйма дўконларда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Бир вақтлар анқонинг уруғи бўлган пахта гулли чойнак-пиёлалар қалашиб ётибди. Бир неча дўконда атласнинг минг хил тури бор, офтобда товланиб, кўзни оламан, дейди.

Ўрта яшар бир аёл атласларга қараб армон билан дейди:

— Мен атлас киядиган пайтларимда булар қаёқда эди. Аҳмоқнинг оғзида, пошшонинг газнасида эди. Франция ҳам, Гермон ҳам атласга тўйди. Энди буёғи ўзимизга қолди. Келин туширганимда битта саккиз тепкени икки юзга, битта шахмат атласни уч юзга олгандим. Замонангдан ўргилай, энди ўша атласларни ўз баҳосига ҳам олишмаяпти. Ўн йил олдин бўлмайдими-я, бир яшнатиб кийиб йигитларни куйдирардим. Энди мендақаларга одмироғи дуруст.

Бу Наврўзда қозоқ ҳам, тожик ҳам, татар ҳам бир опасингил, бир оға-ини тўй-тўйлашяпти.

Сочини Қувага хос учи пилик қилиб майда ўрган, қошининг ўртасига эгар қилиб ўсма қўйган қизлар чуғурлашиб боришади.

— Юринглар, қизлар, тожикларнинг сумалагидан ялаймиз.

— Шошилманглар, аввал қозоқларнинг бўғирсоғидан татиб кўрамиз.

— Йўқ, аввал қримча чебуреки еймиз.

Етти-саккиз жойга тикланган очиқ саҳналар атрофида минг-минглаб одам. Навбатма-навбат қозоқча, русча, тожикча, озарбайжонча кўшиқлар янграйди, гулдурас қарсақлар остида раққосалар томошабинларга таъзим қиладилар. Бу ерда сен қозоқ, сен тожик деган гап йўқ. Бир-бирларини ялаб-юлқаб тўй-тўйлашяпти.

Хушовоз хонанда Таваккал Қодиров саҳнада. Неча минглаб Наврўз қатнашчилари момақалди роқдек гулдураб уни олқишладилар. Бирдан жимлик бошланди. Ҳофизнинг аввал сал хирқираб турган овози бирдан тиниқ тортди-ю, ҳаммани ўзига сеҳрлаб олди. Далалар, адирлар, боғлар устида қанотини таранг ёзиб кўшиқ уча бошлади. Таваккал катта авжни кўтарди. Оҳ, бу авжни ҳали бирон ҳофиз кўтаролмаган. Бу авж гоҳ кўнғироқдек жаранглайди, гоҳ шаршарадек қуюлиб

юракларингизнинг ич-ичига киради. Энтиктиради, хўрсинтиради, бутун вужудингизга аллақандай куч, журъат, шижоат, бир майинлик қўйиб яна адирлар томон сузиб кетади.

Қўшиқ тугайди. Одамлар бир қалқиб олади. Гумбурлаган олқишдан дарахтлар ҳам бир силкингандек бўлади...

Колхозчилар пахтадан даромад қилмай қўйди, деб кўп гапирамиз. Фарғона сафаримда бу гапга жуда ҳам ишонгим келмади. Ўша Наврўз куни мабодо вертолёт билан тепага чиқиб қарасангиз ҳайратдан ёқа ушлаб қолишингиз аниқ. Еру кўкни «Жигули» босиб кетган. Янада баландроқ чиқиб қарасангиз, назарингизда Кува адирларини тилла кўнғиз босиб кетибди, деб ўйлайсиз. Ўша ғуж-ғуж «Жигули»лар орасидан чиқиб кетиш учун салкам икки соат сарсон бўлдим десам муболага қияпти, деб ўйламанглар, биродарлар. Катта даромад қилмаса бу сарф-харажатларни улар қайдан олишарди.

Албатта, қуваликлар пахтадан ҳам, анордан ҳам яхши ҳосил олиб, яхши даромад қиладиган омилкор деҳқонлигини алоҳида айтиш керак.

Азада қўшиқ айтиб, рақсга тушилмайди. Тўю ҳашамларда уввос солиб йиғланмайди. Тўйда, байрамда байрамга мос гаплар айтилади.

Мен байрам, баҳор кайфиятида бўлганимдан дилимни яйратган манзаралар, учрашувлар тўғрисида тўлиб-тошиб гапиряпман. Одам боласи дилидаги дардини кимгадир тўкиб солгиси келгандек қувончларини ҳам ким биландир баҳам кўргиси келади. Мана шу қувончларимни сиз билан бўлишим келди, азиз ўқувчим.

Юз йилдирки, инсоният Наврўзни бирдамлик, биродарлик, ҳамдардлик байрами деб нишонлайди. Бу байрам табиат гулга, гиёҳларга тўлган, одамлар қалбида энг эзгу ниятлар уйғонган, инсоннинг яшагиси, узоқ-узоқ яшагиси келган ажиб бир фаслда нишонланади.

Мамлакатимизда хурлик деганимиз, кечаги кундан қолган кўнгилсиз, дилни хира қиладиган ҳодисаларни хотираларимиздан қувиб чиқариш, бизни бир жойда тўхтаб қолишга тортган турғунлик қолдиқларини супуриб ташлаш, бир-биримизга рўй-рост гап айтиш, жамики тадбирларимизни очиқ, ошкора ўртага ташлаш пайти келди, деганимиздир.

Кунни кеча бўлиб ўтган халқ депутатлигига сайлов жамияти-мизнинг янги босқичга кўтарилганини намойиш қилди. Бугунги кишилар Сталин давридаги тили боғланган ночор, Брежнев давридаги мўмин-қобил кишилар эмас. Дилидагини очиқ-ошкора айтадиган, ҳар қандай бюрократияни аёвсиз фош қиладиган, ҳар қандай муҳим-номуҳим масалаларни демократия асосида ҳал қилишни талаб қиладиган фаол курашчан кишилардир.

Бугун байрам тантаналарида болакайлар кўлида силкиниб келаётган турфа гуллар, одамлар чеҳрасидаги табассумлар ҳаққи, далада, гўзаси атрофида парвона бўлаётган кўли қадоқ деҳқонлар ҳаққи, тили дуодан тинмаган оналаримиз ҳаққи, энди оёғи ерга тегиб олис йўлга отланган гўдақларимиз ҳаққи аҳил бўлайлик. Ахир, умр дегани инсонга бир марта берилади. Шу умрни эзгуликка сарфлайлик. Ҳар бир қилган меҳнатимиз тинчлик йўлида ташланган бир қадам бўлсин! Шоирларимизнинг кўкси илҳомга тўлсин. Ҳофизларимизнинг авжи баланд бўлсин! Қизларимиз бир чиройли келин, ўғилларимиз вафодор кувё бўлсин. Далаларимиздан қут-барака аримасин, омборларимиз ғаллага, дастурхонимиз ноз-неъматларга тўлиб кетсин. Уни текинтомоқ, порохўр, пасткашларга олдириб қўймайлик.

Ерда, осмонда, хонадонларда, боғларда, далаларда баҳорий бир тиниқлик кезмоқда.

Илоё шу тиниқлик қалбларимизга кўчсин!

БЎЗ БОЛА ДАРЁ

Биз кўп нарсаларни кўрамиз. Кўрамузу эътибор бермаймиз.

Учқўрғон деган жой тўғрисида нималар биламиз? Нафақат Фарғона водийси, балки бутун Марказий Осиё халқларининг ризқи рўзи шу Учқўрғонда эканини биламизми?

Учқўрғон чор ҳукумати боёнларининг ҳам кўзини ўйнатган эди. Бир неча ўрислар Учқўрғондан ер сотиб олиб пахта экмoқчи бўлишди. Эпложмай пулга куйиб келган жойларига қайтиб кетишган эди. Инқилобдан кейин доҳий ҳам Учқўрғон даштларидан минглаб десятина ер ўзлаштирилиб пахта экилсин, деган буйруқ чиқарди. Унинг ҳам буйруғи юлдуз кўрмай жон берди, яъни иш бошланмай туриб ўлда-жўлда қолиб кетди.

Ўз элининг фидойи ўғлони Усмон Юсуповгина бу қийин вазифани шараф билан адо этди. Қирқ беш кунда 270 километрли канал қаздириб Учқўрғондан то Конибодомгача Норин сувини етаклаб келди.

Бу галги Наманган сафаримни вилоятнинг сув манбаларини ўрганишга бағишладим.

Вилоят сув хўжалигининг раҳбари Ҳақимжон Ҳошимов илтифот қилиб менга ҳамроҳ бўлди.

Шимолий Фарғона канали бўйлаб кетяпмиз. Учқўрғондан бошланган 141 километр узунликдаги бу канал Уйчи, Наманган, Тўрақўрғон, Чуст, Поп далалари оралаб қардош Тожикистоннинг Ашт туманигача йўл юриб 80 минг гектар пахтазорларни, ғаллазорларни, боғ-роғларни суғоради.

Яна Учқўрғонга қайтамиз. Ён қўшнимиз Қирғизистон ҳудудидан ўтиб Норин ГЭСи жойлашган Шамоллисой посёлкасига борамиз.

Норин айқириб оқяпти. Бу азамат дарё тоғлар бағридан силқиб чиқиб тошларга урилиб, шаршаралардан қуйилиб, миллиард-миллиард кубо сувни бағрига олган Тўқтағул денгизи косасини тўлдиради. Баҳайбат парракларни айлантиради.

Чарчаш билмас бу бўз бола дарё салгина йўл юрмай, ҳали нафасини росламай туриб яна бир тўсиққа дуч келади. Бу Курупсой гидростанцияси. У яна парракларни айлантириб электр қуввати ҳосил қилади.

Энди ўзи парвариш қилган сердарахт боғлар оралаб бориб оролга қуйилади. Шу билан меҳнаткаш Нориннинг олис тоғлардан бошланган шарафли йўли поёнига етиб ором топади.

ОҚ СУТ ВА ОППОҚ НУР

Яқинда Пойтуққа боргандим. Бозор кунини эди. Улфатларимиздан бири тирсагимдан ушлаб тўхтатди.

– Шу ерда бир табаррук онахонимиз бор. Зиёрат қилиб чиқайлик.

Унинг таклифига йўқ деёлмай рози бўлдим. Кўпчилик бўлиб Тўрткўл кўчасига бурилдик. Янги қурилган уйнинг икки тавақали эшик остонасидан ўтаётганимизда шерикларимнинг юзида, кўзида аллақандай ҳаяжон бордек эди.

Яшил рангга бўялган қўшқанот сўрига чиройли гиламча тўшалган. Ўртада хонтахта. Атрофида якандозлар. Пиллапоя олдидаги табуреткада оппоқ самовар париллаб қайнаб турипти.

Ховлида ҳеч ким йўқ. Бизнинг гўнғир-гўнғир гапимизни эшитиб айвонга барваста бир келин чиқди. Шеригим қуломимга шивирлади:

– Невара келин.

Келин биз билан саломлашди-да, нима учун келганимизни дарров пайқаб, сўрига таклиф қилди. Хонтахтага каттакон патнисда нон қўйди, қўлтиғига қисиб олиб келган қутидан чой дамлаётганда менга қаради.

– Балки меҳмон оқчой ичмаслар.

Мен қанақаси бўлса ҳам ичаверишимни айтиб, уни тинчитдим. У яна ичкарига кириб кетди.

Бир маҳал у сочлари оппоқ бўлиб кетган кичкинагина кампирни даст кўтариб биз томонга қараб келарди. Ҳаммамиз ўрнимиздан турдик. Бир-иккимиз сўридан сакраб пастга тушдик ҳам. Келин уни сўрининг якандоз қалин тўшалган бурчагига авайлаб ўтқазди. Орқасига болиш қўйди.

– Ая, сизни тавоб қилгани меҳмонлар келишибди.

Кампир лабларини сал қимирлатиб қўйди.

– Аям яхши кўрмайдилар.

Кампир келини қўйган чойнакни олиб тимискиланиб пиёлани топди-да, чой қуйиб ўзи бир хўплади. Кейин худди шундай шошилмай бизга ҳам чой қуйиб узатди. Пиёлани мен гўё ҳозир учиб кетаман деб турган капалакни ушлаётгандек эҳтиётлаб олдим-да, ажиб бир ихлос билан хўпладим.

Кампир биздан ҳол-аҳвол сўради. Нарх-навони суриштирди. Усмонали билан Эсоналидан хат олиб келдингларми, деб қолди. Келин унинг орқасига ўтиб ҳа, денглар, деган ишора қилди.

Шеригим кеча хат олиб келиб берганини айтиб уни тинчитди. Келин жавобдан қаноатланганини имо-ишора билан билдириб, кампирнинг елкасига тушиб қолган дока рўмолини кўтариб қўйди. Унинг оппоқ сочлари рўмол орасига яширинди.

Ундан узр сўраб кетмоқчилигимизни айтдик. У узоқ пичирлаб дуо қилгандан кейин кетишга қўзғолдик. Ғалати ҳислар билан кўчага чиқдим. Бу кампир ким, нима учун уни зиёрат қилдик, билолмасдим. Йўлда шеригим айтиб берди.

– Бу она бир юз тўрт ёшга кирган. Йигирма икки бола туққан. Ҳаммаси саломат. Азамат йигитлар, полвон қизлар. Болалари ҳам чевара кўришган. Ҳали биздан сўраган Усмонали билан Эсонали деган ўғиллари фронтга кетиб икковидан ҳам қора хат келган. Кампир бундан беҳабар. Ҳамон болаларини кутади. Ким келса, Усмонали билан Эсоналидан хат олиб келдингми, деб сўрайди. Районнинг ярим аҳолиси унинг болалари, неваралари, чеваралари, куда-кудағайлари. Бир қизиқ одати бор. Қизларини ўзимизнинг райондан ташқарига узатмайди, келинни бўлса бошқаёқдан олади. Шу кампир туфайли районимизнинг аҳолиси кўпайган. Унинг онаси ҳам, бувиси ҳам худди шундай қилишган экан. Энди кўзи кўрмай қолди. Ўтган йили кўрарди. Кўрадиган пайтларида келинларини нақ қовурарди. Рўзғор тутишни ўргатгани-ўргатган эди. Олдига чой келтирса, албатта, қопқоғини очиб четига қарарди. Агар жиндак жойи доғ бўлса, ичмасди. Ювдириб бошқатдан дамлатарди. Агар келиними, қизими хонтахтага бағрини бериб ўтирса уришиб ташларди: қаддингни кўтариб ўтир, аёл кишининг қадди алифдек туриши керак. Агар биронтаси башарасини тириштириб гапирса балога қоларди.

– Бунақада икки кунда қариб қоласан. Тўғри гапир.

Балки ўзининг қадди букилмай юз ёшдан ошгани ҳам, башарасига ажин тушмагани ҳам шундандир. Оппоқ дастрў-молга ўсма ўраб, кўзойнагига кўшиб кўксига босганча неваралариникига борарди. Юриши ҳам жуда енгил эди. Аммо ҳеч кимникида ётиб қолмасди. То ўрнидан туролмай қолгунча ҳам ҳасса тутмади. Қаддини букмади.

Бугун ўша кампирни яна эсладим. Кўз олдимга унинг оппоқ сочлари, ажин йўламаган юзлари, букилмаган қадди келди.

Бу табаррук онани менга Фарҳод тоғи этагидаги бир кичик бино эслатди.

Бу ерда ҳам бир табаррук она бор. Мен уни кўпдан танирдим.

Бир минг тўққиз юз қирқ иккинчи йилда мени тақдир шу даргоҳларга етаклаб келган эди. Олисда уруш чақмоғини чақарди. Бу ерда одамлар тоғ билан, дарё билан олишарди. Кўксиди ҳижрон дарди билан тош кўпоритарди. Ҳар бири Фарҳод бўлиб тоғ қулатишарди.

Худди шу ерда одамларнинг мушкулини осон қилиш учун, азамат гигантлар қадини кўтариш учун бир электро-станция қурилган. Уни кичик Фарҳод дердилар. Кичкинагина, пачаққина шу станциянинг бўйнига жуда оғир ишлар юкланганди.

Бир томонда бош тўғон қуриляпти. Бир томонда каттакон ГЭС биноси қад кўтаряпти. Яна бир томонда металлургия комбинати... Сон-саноқсиз одамлар яшайдиган ертўлаларни ёритиш, минглаб насосларни юрғизиш, қанчалаб моторларни айлантириш шу кичиккинагина, заифгина станциянинг гарданида эди.

Аммо у чарчамасди. Кечани кеча, кундузни кундуз демай ишларди.

Кечалари чўл бағрига нур пуркарди, тоғ чўққиларига нур отарди. Чарчаб қоларди, чарчардию яна кучаниб, бор кучини сарф қилиб ишларди.

Шу станция юз минглаб одамнинг ишини қиларди. Танларини офтобда куйган одамлар унга ажиб бир ҳурмат билан қарашарди.

У металл комбинатини тиклади. Сирдек ўжар дарёга бузилмас ғов солди. У ҳеч қачон қудрати сўнмас электростанция қурди. Поёнсиз чўлларга сув берди. Ўлкага қуёш яратиб берди.

У ана шундай она эди. У нур туғди. У қувват туғди. У пўлат туғди.

Ҳар гал Бекободга борганимда бош тўғонда туриб бундан йигирма саккиз йил муқаддам юрган йўлларимга қарайман. Тўғон дарвозасидан отилиб қуйилаётган дарё сувининг тўзонлари бетимга урилади. Қуёш нуруни синдириб беқасам камалак яратаётган тўзонлардан ўша йилларни кўргандек бўламан. Электр пайвандларнинг чақмоғи шу камалакларга сингиб қолгандек туйилади.

Чап томонда, девқомат тўғон, осма кўприклар олдида гугурт қутисидек бўлиб қолган ўша «кичик Фарҳод»га кўзим тушди.

Шу ором уйқусига толган станцияни Пойтуқда кўрганим ўша юз ёшдан ошган онага ўхшатаман.

Ҳар икковингизга буюк ихлос билан бошим пойингизга етгунча таъзим қиламан, онажонлар!

ОРЗУЛАР ЯРАТГАН АСР

Шириндан аччиғи кўп XX асрнинг тугашига икки ҳафта қолди. Ўтаётган шу юз йилликнинг саксон йилига ўзим шоҳидман. Бир кун кулсак — уч кун йиғлаган, бир кун тўйсак — уч кун нонга зор бўлган пайтларимиз кўп бўлган.

Мен туғилган 20-йил бир қулдорнинг қўлидан иккинчи қулдорнинг қўлига ўтган пайтларимиз эди.

Ер — эканники, деган шиор ўртага ташланган йиллар эсимда. «Аmmo ер-ку эканники экан, ҳосили кимники?» деб сўраб бўлмасди. Сўраганнинг ковушини Сибир томонга тўғрилаб қўйишарди. Тил-забони бор, хат таниганлар бир кечада йўқ бўлиб қоларди. СССРда ҳамма баробар, ҳуқуқи қонун билан ҳимоя қилинади, дейишди. Аммо ҳаммага берилган паспорт колхозчига берилмасди. Ҳукумат, колхозчи далани ташлаб кетиб қолади, деб қўрқарди. Меҳнат қобилиятини йўқотганларга нафақа тўланарди. Аммо колхозчига тўланмасди.

Ўзбеклар — болажон халқ. Негадир сира кўпаймасдик. Тирикчиликнинг ночорлигидан, қама-қамаларнинг авжига чиққанидан халқнинг кўпайиши сезилмасди. Ҳукумат хотинларга туғинглар, тилла медал берамиз, ўнтадан ортиқ бола туғсанглар, қаҳрамон бўласизлар, деди. Шу гапга ҳам ишондик...

Қодирий айтганидек, бир зумгина мозийга қайтиб кўрдим. Аср охирига етиб, орқага бир ўгирилиб қарадим. Шунда одам боласи яшайверар экан-а, ўлмаган қул кўраверар экан-а, деган хулосага келдим. Ёшлигимни зулукдек сўрган зўравон асрга наҳотки шундай дейишга тилим борса. Мен уни йўқликка ташлаб кетаман.

Бутун умидим, орзуларим, дилимга тугилиб қолган энг яхши ниятларим — дарвозасидан офтоб чиқиб келаётган янги XXI асрда ушалишига ишонаман.

Баъзи ўртоқлар ношукур бўлма, ўтган асрнинг охирида бинойидек яшадинг-ку, ҳуқуқий давлатга асос солинди-ку, фуқароларимизда ҳаётга муҳаббат, шу Ўзбекистонни менинг Ватаним дейишдек ғурур пайдо бўлди-ку, республика шу ўн йил ичида мустақилликка етишди-ку, одамларда шу Ватанни гуллатиш ҳисси жўш ура бошлади-ку, дейишлари мумкин.

Тўғри, биз 10 йил олдин янги асрга қадам қўйган эдик. 10 йил олдиноқ шу азиз Ватанимизни губорлардан тозалаб, янги аср остонасига олиб келган эдик.

Дарвозаси очилиб келаётган Янги аср болшевиклар ваъда қилган мавҳум коммунизм эмас, бизнинг реал истагимиздир.

Бугунги балоғат остонасида турган ёшлар Янги асрнинг бахтли фуқаролари бўладилар. Истагим – улар бошига уруш кулфати тушмасин. Мустақил Ўзбекистоннинг бахтли фуқаросиман, деган гурур ҳеч қачон уларни тарк этмасин. Зулм-зуғум деган, инсонга ёт бўлган одатлар уларга йўламасин. Янги аср фуқаролари тўқ яшасин, аҳил яшасин. Оталари қон эвазига, азоблар эвазига барпо қилган ушбу эркин, гўзал давлатимизни кўз қорачиғидай асрасин.

XXI аср рўёбга чиққан орзулар асри бўлади, деб умид қиламан.

ОЛАМ РАСТА БЎЛГАН ФАСЛ

Баҳор бу – дов-дарахт, жами жонзот раста бўлган фасл. Йигитлар ўзларига оро берадиган, қизлар қовоғи солиқиб чиройли тортган, эшик тирқишидан кўчага бот-бот мўралайдиган фасл.

Қизлар севганлари билан қочиб кетадиган фасл.

Буни халқ раста фасли, бўй фасли дейди.

Ҳали росмана «уйғонмаган» йигитларни «нораста» дейдилар.

Бўйдоқ деган гап бор. Бўй бўлиб уйқуси, тушлари бузиладиган, тонггача алағда бўлиб юлдуз санаб чиқадиған, аммо биронтасининг этагини ҳидламаганларни бўйдоқ деб атайдилар.

Бўй – паст-баландлик эмас, балоғат ёшига етгани, вужудидан одамзотни маст қиладиган ҳид-бўй таратадиган йигитни бўй йигит, қизни бўй қиз дейдилар.

Гул нега чиройли? Жазмани ниначини чорлаб хуснини намойиш қилиш учун чиройли.

Гул нега хушбўй? Тиним билмас ошиғи асаларининг бошини айлантириш, уни йўлдан уриш учун, маст-аласт қилиш учун хушбўйдир.

Қизлар кўпинча бодом, ўрик, шафтоли гулларига омихта бўлган рангда пардоз қиладилар. Айни шу ранг йигитларни маст-аласт қилади.

Бир асаримда «ўн етти ёшга кирган қиз ўткан кўчадан баҳор ҳиди келади», деб ёзган эдим. Билиб-билмай айткан ўша гапимни «бўй қиз ўткан кўчадан» дейиш керак эканига ақлим етмаган.

Қиз кўз нуруни тўкиб кашта тиккан рўмолчасини севганига бераркан, «энди сиз кечаси бош қўйиб ётадиган муаттар ёстигингизни совға қилинг», деган эмиш.

Юзига тошкан бўжамаларини тошойна олдида ситиб чиқараётган қиз юзларимдан ҳуснбузарлар тезроқ кетиб силлиқ бўлақолса, деб шошади.

Ҳой тентак қиз, мунча шошасан. Сен шу бўжамалар билан кўҳликсан. Уларга тегма! Кўзларингнинг сузилиши, ҳасратнадомат билан хўрсинишларинг, кўзингга дунё жаннат бўлиб кўриниши, кимлигини ҳали ўзинг билмаган бир валломатдиловор йигитни қўмсашинг ҳам шу бўжамаларнинг «иши»-дир.

Атиги бир соатгина умр кўрадиган капалак қанчалаб километр нарида бошқа шаҳардаги маъшуқасига ҳаводан ҳид юборади. «Кувёв капалакнинг ўзи йўқ, аммо юборган «ҳидномаси» етиб келган шу олис жойда «никоҳ базми» бўлади. Ана шундан кейин отасидек санокли дақиқалар ҳаёт кечириб насл қолдириб кетади.

Жамики мевали дарахтлар ичида биргина анжир гулламаздан, бўй таратмасдан, асаларию капалакларга зор бўлмасдан ҳосил тугади.

Эрта келган куз шамоллари гулларини силкитиб нектарларини тўзғитиб ёмғир ноёб гавҳар чанглари ювиб юборади. Ўшанда арилар уяларига бош эгиб, қуп-қуруқ қайтиб келадилар.

Ниҳоят, эритилган тилладек сап-сарик сўлқилдоқ анжирлар пишади. Ёзи билан бир мартагина ҳолинг не деб хабар олмаган асаларилар бетини ювиб улгирмай туриб анжирлар тепасига элдан бурун ҳозирга нозир бўлиб етиб келадилар. Боғбонлар: анжир ширага тўлди, ана бурни оқяпти, дейдилар.

Кеч кириб қоронғи тушганда ҳам асаларилар «лабига учуқ тошган» анжирларни топиб келадилар. Тонг саҳарлаб шабнам ювган энг ширин шарбатини сўриб келадилар.

Баҳор раста бўлганлар фасли. Уйқуси қочган бўй йигитлар фасли. Ўз бўйидан ўзи маст бўлган мастона қизлар фасли.

Биргина бефаҳм мусича гулга бурканган баҳорга, ёз пишиқчиликларига, ширага тўлган ёз неъматларига бепарво.

У тумшуғи тегиб турган каҳрабо узумларни, қанотлари устига дув-дув тўкилган марварид тутларни ҳам чўқимайди. Унга тўкилган ушоқ бўлса, бас. Бу ношуд дурустроқ ин қуришни ҳам билмайди. Дарахт шохига тўрттагина чўп опчиқиб омонатгина қурган инида хурпайиб бағрини босиб тухум туғади. Тухуми чўп орасидан ерга тушиб чил-чил синади.

Тандир тепасида мудраб ётган мушук сакраб тушиб тухумни маза қилиб ялаб кетади.

КУЗ МАНЗАРАЛАРИ

I

Саратон жазирамаларида тинкаси қуриган одамлар: Тезроқ куз кела қолсайди, деб уни интиқлик билан кута бошлайдилар. Мана, ўша соғинтирган олтин куз ҳам келди. Ариқ бўйлари зах тортди.

Шафақранг барглар қуршовида қолган дарахтлар кундуз куни ёқилган машъалага ўхшайди.

Айниқса, ўрик барглари бир бошқача тусга кирганки зеҳн солиб қаранг, кимдир ўрикзорга сонсиз-саноқсиз машъала ёқиб қўйган. Тўкилган қип-қизил барглар ёнаётган шу дарахт пойига биров ноз-неъматга тўла дастурхон солган...

Оловдек ловуллаб турган қип-қизил бир туп ўрик тагида ўсган мажнунтол шу ёнаётган барглар орасидан ўтиб, унга эгилиб қараяпти. Гўё лаганни тўлдириб кимдир помидор тўрагану энди устига жуда ҳам майда кертилган кўкпиёз сепиб қўймоқчи.

II

Бу йил кузнинг этаги жиққа ҳўл келди. Худойи таоло шунча сувни осмонга қачон опчиқиб қўйган экан. Ёмғир ёғавериб, жонимизга тегиб кетди. Ҳаво илиқ. Куртаклар кўз очаман, деб типирчилаб турибди.

Ҳали олдинда гупиллаб ёғадиган икки-уч хавфли қор бор. Тарновлар бўйнига осиладиган сариқ сумалак, олти кун дов-дарахтни қақшатадиган аямажуз навбат кутиб турибди.

Наҳотки, бу йилги новдаларда бўртиб қолган куртакларни ҳам аямажуз муз тили билан ялаб бужмайтириб кетади.

Табиатга бош эгмаймиз, уни бўйсундирамиз деган валло-матлар қани?

Боғбон чаккасига қўшалок гилос қистириб, чойхонага чиқади. Чойхўрлар гилосни омонлик деб кўзларига суртадилар. Ана ўшанда боғбоннинг чеккан азиятлари бирдан ёзилиб кетади. Ўрикзорларга зеҳн солиб қарасангиз, кимдир ҳар бир туп ўрик тагига бахмал дастурхон ёзиб меҳмон кутаётганга ўхшайди. Артилган шишадек тип-тиниқ осмонда беозор сузаётган лайлак гоҳи-гоҳида данак чақаётгандек овоз чиқазиб кўяди.

Фафур ака тонг оқармай уйғонарди. Ёшлар кўли кўриниб турадиган болахонасида тонгги товушларга қулоқ солиб ўтирарди. Ҳали тонг ёришмай «қора саҳар» пайти чумчуқ уйғонади. Чирқиллаб бошқа чумчуқларни уйғотади. Тун бўйи ухламай ов қилган, яқиндагина уйқуга кетган мушук чумчуқларнинг шовқинидан уйғониб кетади. Бу беодоб чумчуқларни тунука томни даранглатиб қувиб юборади. Мушукнинг тунукани даранглатиб, чумчуқ қувишидан энди ит уйғониб кетади. Бир-икки марта эринибгина ув тортади-ю, лунжини олд оёқлари устига қўйиб яна уйқуга кетади. Шундан кейин бир дамгина олам тинчиб қолгандек бўлади.

Кўлнинг нарёғидан Зухур полвоннинг учта медалли хўрози бор овози билан қичқиради. Унга Фафур Фулом туғилган куни композитор Сулаймон Юдаков совға қилган ялангбош хўроз нотага монанд оҳангда жўр бўлади.

III

Ерда, чумоли уясининг оғзида тупроқ уюлиб қопти. Кечаги ёмғирда чумоли уясини сув босган. Энди тошқиндан зарар кўрган оилага бошқа чумолилар «гуманитар ёрдами» кўрсатмоқдалар.

Ўғри зағизғон қўшнимизникидан совун ўғирлаб, ҳовлимиз устидан олиб ўтди. Бир дақиқагина хушбўй атир совун ҳиди биз томонга тўкилиб қолди. Табиат бундай рангларга, овозларга, ҳидларга тўлган пайтда буюк Фафур Фулом тинч туролармиди?! Бу анвойи рангларни кўриб, хилма-хил товушларни эшитиб, жўшиб кетарди.

Яхши қизлар ўргангизда
Ким йўқотди лабда ранг,
Бир келиб ишқомдаги
Ўғри шивирғондан сўранг.

Ёки манавундоқ шеър тўқиб юборарди:

Ерда қолган парваришсиз
Бунда гулбеордир,
Бўй чўзиб ҳатто чаманга
Етмайин ҳам зордир.
Битта гултожихўроз
Шўрликка жиндак ёрдир,
Бу чаман атрофида
Сафбаста бир сарбоз экан.

Ойбек домла айтганларидек, Фафур Фулом ўзбекнинг хўроз шоири эди.

СОҚЧИ ТУРНА

Жиззахга кирмай янги айланма йўлдан кетмоқчи эдим. Шамол орқадан эсаётгани учун машинанинг суви қайнаб кетди. Моторни совутиш учун капотни очиб қўйдим. Тепада шамол гувиллаб, хас-хашакларни шитирлатиб, учириб ўйнарди. Олти-етти метрча баландликда қимирламай ҳайкалдек қотиб турган турна орқасидан чиқиб қолибман. Гувиллаб эсаётган шамол унинг кокилларини силкитиб ўйнарди. Ҳатто ўзини ҳам учириб юборгудек бўлиб тебратарди. Орқасида турганимни турна сезмасди. Бир юмронқозиқ устимдан юриб, юзларимни муздек оёқлари билан босиб ўтди. Сесканиб кетдим. Аммо овоз чиқазмадим.

Пастда, шамол эсмаётган сокин яйловда ўттиз-қирқ турна доира ясаб, ўртада лекторларга ўхшаб у ёқдан-бу ёққа юраётган сардорларининг «гапларига» жимгина қулоқ солиб турардилар. Уларнинг доираси шу қадар аниқ эдики, ҳатто паргар билан ҳам бунчалик аниқ чизиб бўлмасди. Сардор уларга нималар деяётган экан. Йўлда қаерда қўниб ўтишларини айтяптими, билмадим. Сардор биз тушунмайдиган тилда узоқ «гапирди». Ким билади, панд-насихатлар қиялтимикин?

Зах ўтиб оёғим увиша бошлади. Ўрнимдан туриб, қаддим-ни ростладим. Турна бунни сезиб қолди. Безовта «қуре-қуре» деб осмонга талпинди. Турналар тепасига келиб яна «қуре-қуре»лаб икки-уч марта айланди. Сардор пинагини бузмай «гапи»ни тўхтатмади.

Охири гапи тугади шекилли, зарб билан ҳавога интилди. Тепадан туриб турналар тўдасига яна нималардир деди. Шундан кейингина доира бузилди. Турналарнинг ҳаммаси кўтарилиб, сардорни ўраб олишди.

Агар Сулаймон пайғамбардек уларнинг тилларига тушунсак, кўп сир-синоатларни билиб олардик. Асалариларнинг доноликлари ўз «Малика»ларига содиқликлари, оиладаги тартиб-интизом одамлар учун ҳам бир ибрат бўлишини билиб олардик. Чумолилар-чи? Ишчи чумолилар, текинхўр чумолилар, озиқ-овқат ғамлайдиган омборчи чумолилар, жонини фидо қиладиган разведкачи чумолилар... Эҳ-ҳе, оёғимиз тагида ғимирлаб, тирикчилик қилаётган митти жониворлар олами тўғрисида нималар биламиз?

Тўзғиб кетган турналар ўз жойини аниқ биладиган солдатдек жуда тез сафга тизилиб, узоқ-узоқларга учиб кетдилар. Уларнинг қайчи шаклидаги сафлари аста-секин кўздан йўқолди. Охири кўм-кўк самога сингиб кетди.

УЙҒОНГАН ГУЛ

Куйганёрдаги боғимда шийпонга чиқиб, Қорадарёнинг айқириб оқишини томоша қиламан.

Кейинги кунларда дарё қирғоғини чумчуқ босиб кетди.

Канал мироблари суви қочиб, очилиб қолган оролчаларга шоли экишган. Ҳозир улар ўриб олган боғ-боғ шोलиларни шундоққина шийпон тагидан орқалаб ўтадилар.

Чумчуқлар тўкилган шоли донларини талашиб-тортишиб чўқиб юрадилар.

Уларга қоғоздек оппоқ бир чумчуқ аралашиб қолган. Бошқа чумчуқлар оқ чумчуқни бегонасираб чўқиб ҳайдайдилар. Охири уни ташлаб учиб кетадилар. Оқ чумчуқ эса улардан қолмайди. Қанчалик чўқиб ҳайдамасинлар, барибир ўзини тўдага ураверади. Ажаб! Бу қандай сир-синоат бўлди?

Уруш арафаси эди. Бозордан карнайгул кўчатларини олиб келиб ҳовлига эккандим. Шу гулнинг ҳидини ниҳоятда яхши кўрардим. Кўпчилик уни назарга илмай қўйган. Маҳаллада ҳам, районда ҳам ҳеч ким карнайгул экмасди. Оқ, қизил, зангори, сариқ, тарғил гуллар орасида биттаси амиркон ковушдек қоп-қора бўлиб очилди. Ҳиди ҳам бошқача. Айниқса, бошига офтоб тушганда ажиб бир ҳид ҳовлини тутиб кетарди. Кўшниларим бу ҳид қайдан келяпти, деб ҳовлимизга бош суқадилар.

Уруғини чумчуқ чўқиб кетмасин, деб кечгача қўриқлайман.

Демак, бундан кўп йиллар олдин қаердадир шунақа гул бўлган. Ўзига мос иқлимни кутиб ётган. Шундай бир шароит бўлгану уйғониб кетган.

Урушдан олдин, «Огонёк» журналида негр бола туққан оқ танли бир ёш аёлнинг бола кўтариб турган суврати босилган эди.

Оқ танли машҳур насли тоза миллионер оиласида бунақа бола туғилиши Вашингтонда кўп шов-шувларга сабаб бўлган эди. Аёлни бузуқликда айбладилар. Авлод шажарасининг сўнгги бўғинига доғ туширган деб ундан юз ўгирадилар.

Эл олдида бош кўтаролмай қолган миллионер шажара китобини варақлайди. Бундан уч юз ўттиз йил аввал бобоси қора танли бўлгани тўғрисидаги ёзувга кўзи тушади.

Ажаб! Оқ чумчуқ, қора карнайгул, қора танли чақалоқ. Тасодифми. Нима?

Буюк Фафур Фуломнинг:

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонайи хуршид, —

деган сатрлари қулоқларим остида жаранглаб кетди.

ПАРКЕНТ ТОШЛАРИДАГИ БИТИКЛАР

Тоғ йигитлари лочин бўлади. Қиз олиб қочиш уларга ота-боболаридан қолган удум.

Энди уларга нима бўлди? Нега ланжлик қилишяпти? Ёки йигит қизни эмас, қиз йигитни олиб қочадиган замонлар келдими?

* * *

Аёллар қабоқларига, кўз остларига қора буюёқ суртиб ҳинд аёлларига ўхшамоқчи бўладилар.

Паркент тоғларидан бозорга ўрик олиб тушган қизларнинг кўзларига қараганмисиз? Осмон ранг кўзлари атрофига парвардигорнинг ўзи қора ранг суртиб қўйипти. Бу қайсар, айтган жойидан кестирадиган аёлларни йўлдан чалғитиб бўлмайди. Аксинча, эҳтиёт бўлмасангиз ўзингизни йўлдан уриб қўяди.

* * *

Шарифа Салимованинг Ҳасан-Ҳусан камалагидек рангин, анжир лабидан томган шарбатдек татимли шеърларини ўқиб, бу сўлим Паркентнинг тайёр суврати-ку, деб юборибман.

* * *

Паркентнинг ингичка бел ҳусайнисидан бир донасини кафтингизга қўйиб яхшилаб қарасангиз, қаҳрабо парда остида ялакат мағзини яшириб эгизак кутаётган келинчакни кўргандек бўласиз.

* * *

Яхши қизлар ўргангизда,
Ким йўқотди лабда ранг.
Бир келиб ишқомдаги
Ўғри шивирғондан сўранг.

Фафур Фуломнинг бу сатрларини Паркентдан бошқа жойда ёзиб бўлмайди.

* * *

Паркентнинг майизга айланган қора кишмишидан биттасини пешанасига ёпиштириб «индейский келин бўлдим», деб ойна олдида қувонган боғча қизларини кўп кўрганман.

* * *

Сен унақасан, сен бунақасан, деб Тоғай Муроднинг жиғига тегаверманглар. Жаҳл устида Зиёдилла калнинг қирмоч дўпписини бошингизга кийдириб қўйса, додингизни кимга айтасиз?

Тоғайни мақтамай туринглар. Ҳозир авжи арпа пишган пайти. Бўйига бўй қўшилиб, сал анақароқ бўлиб қолиши мумкин.

* * *

Хайриддин Султоннинг таржимаи ҳолини ўқиб туриб сесканиб кетдим. «Хайриддин Мадриддин ўғли» деб очиқдан-очиқ ёзиб қўйипти. Искандар Зулқарнайн қўшинларига суқилиб Испаниядан келган мадридликлардан эмасмикан, деган фикрдан бутун вужудим музлаб кетди. Шундоққина денгиз соҳилидаги ажойиб шаҳарни ташлаб бизнинг тоғларимизда нима қилиб юрипти? Албатта «дакументини» текшириш керак.

Илова: Юқорида қайд қилинган, ҳали фанга номаълум ҳужжатлар ёзувчи С. А.нинг шахсий архивида сақланмоқда.





ҲИКОЯЛАР

БИР СИҚИМ ХАНДОН ПИСТА

Искамейка узра ўлтирса нечалар роҳат қилиб,
Кавшимиз лойи билан биз устида ётмоғимиз.

Тавалло

Эркақдир, аёлдир, ёши бир жойга борганда боладан чиқиб қоларкан. Қимизхон билан Усмонжон ҳам худди шунақалардан эди. Уларнинг болалари уйли-жойли бўлиб кетишган. Келинлари билан тил топишолмай рўзгорини бўлак қилиб қўйишган.

Қимизхон ҳар дам олиш куни невараларини қанчалик орзиқиб кутса, кетишларини ҳам шундоқ бесабрлик билан кутарди.

Бола деган у-буга тегмаса, идиш синдирмаса, бола бўлади-ми! Улар шкаф тепасига чиқиб полга сакрашганда жавондаги идиш-товоқлар жаранг-журунг қилиб кетади. Остонага ташлаб қўйилган ҳўл латтага оёқ суртмай уйга киришади. Кечгача кўчанинг ярим тупроғи уйга киради.

Неваралар эсларини таниб олгунларича ана шунақа эдилар. Энди уларнинг овозлари дўриллаб, юзларига ҳуснбузар тошган, кафтларига туфлаб тошойна олдида сочларини силашади.

Қимизхоннинг эри Усмонжон қўйдек ёввош одам. Гап сўрамасанг кечгача ундан садо чиқмайди. Қимизхонни озода дейиш кам, жуда озода дейиш ҳам тўғри келмайди. Уни «супер» озода, яъни фирт озода, деса тўғри бўлади. Уларнинг уйлари ёғ тушса ялагудек. Ёстиқ жилдлари, кўрпа ғилофлари оҳорлаб дазмолланган. Усмонжоннинг таъбири билан айтганда, бу уй — уй эмас, балниса.

Усмонжон отпуссага чиққан. Ишхонадаги казо-казолар ёзда отпусса олиб, Усмонжонга ўхшаган пиёдаларнинг отпуссаги қиш чилласига қолган. Бир ҳисобда шуниси ҳам дуруст. Ташқарида совуқ қақшатиб турипти. Оғзингдан чиққан ҳовурдан олдиндаги одам кўринмайди. Бозордаги олма-

анорлар тошдек қотган. Деҳқонлар ўраларини очмай совуқ қайтишини кутишяпти. Бир кило сабзи одамнинг баҳоси. Кўчага чиққан эркакларнинг мўйловлари қиров бойлаб моржга ўхшаб уйга қайтишяпти. Туфласанг, тупугинг ерга қарсиллаб тушади. Эшикларнинг ташқари томонидаги тутқични ушласанг, қўлингни чиппа олади. Бундай пайтда кимга қийин, постдаги мелисага қийин. Шундоқ совуқда қайси эсини еган кўчага чиқади.

Қимизхон бугун ишдан вақтли қайтди. Ишхонасидаги иссиқ сув қувури ёрилиб, хоналар совуб кетипти.

Эр-хотин аптекадек топ-тоза уйда ҳузур қилиб ўтиришарди. Эшик тепасидаги қўнғироқ шитоб билан жиринглади. Усмонжон шу совуқда қайси эсини еган одам келди экан, деб эшикни очди. Остонада шоп мўйловли, семиз бир киши ҳансираб турипти. Орқасида эллик ёшлардаги қора духоба қўлбола камзул кийган, икки лаби бичилган хотин, худди диаграммага ўхшаш бўйи бири-биридан баланд уч ўғил бола, сочининг учига пилик тақилган беш ёшлардаги қизча турарди. Уларнинг оёқлари остида иккита чамадон, икки-учта сумка, ичига нимадир солинган қоп. Мўйловли киши икки оғир чамадонни учинчи қаватга кўтариб чиққунча терга пишиб кетган. Бурнидан, иягидан чак-чак тер томарди. У ҳозиргина пешана терини артган қўлини узатиб, Усмонжоннинг панжаларини пилчиратиб кўришди. Ундан гуп этиб офтобда қолган хом тери ҳиди келди.

– Парпивой акам сизга кўпдан-кўп дуо дедилар.

Усмонжон бу, Парпивой дегани ким бўлдийкин, деб ўйлаб қолди. Бундан бир ярим ойларча олдин водийдаги шаҳар маиший хизмат комбинати чиқарган маҳсулотларнинг сифатсизлиги тўғрисида тушган аризаларни текширгани борганди. Комбинат идораси тўғрисидаги ҳовлида тўй бўлаётган экан. Уни ҳам қўярда-қўймай олиб киришди. Қимизхоннинг овқатига ўрганган Усмонжон дастурхонга қўл урмади. Сочик билан пашшаларни кўриб ўтирди. Тўй эгасининг кўнглига келмасин деб, тақсимчадан бир сиқим хандон писта олиб чақиб еди. Бутун бошли тўйдан егани шу бўлди.

Тўй эгаси ҳукуматнинг дўконида сотиладиган бодрингга ўхшаш узун, шу бодрингдек гавдаси эгилган киши экан. Сухбат асносида у кишининг исми Парпивой экани, олис

бир райондаги бўрдоқчилик базасида қатнаб ишлайдиган бош ахрайник экани маълум бўлди. Улар чиқиб кетишаётганда Парпивой Усмонжонга ана энди қадрдон бўлиб қолдик. Бир дастурхондан насиба едик. Бундан буён бир-биримизникига борди-келди қилайлик, деб унинг адресини ёзиб олганди.

Усмонжон ўйини ўйлаб бўлгунча меҳмон йўлакка кириб бўлган эди.

Мўйлов чамадонларни бурчакка қўяркан:

– Парпивой ака, Усмонжонникида бир-икки кун туриб, суҳбатини олинглар, жуда бамаъни одам деб тайинлаганлар, хайрият уйда экансиз, – деди. – Ўша сиз тўйда чақиб еган хандон пистадан бозорга бошқа келмай қўйди. Усмонжонга бир-икки кило юборай деб Парпивой ака икки-уч марта бозорга тушиб чиқдилар. Унақасидан келмапти. Ўша тўйда икки чўнтагини тўлдириб, солиб берсам бўларкан, деб кўп афсусландилар.

Ўзбекчилик, келган одамни кет, деб бўлмайди. У гаранг бир алпозда уларни катта хонага бошлаб кирди. Ошхонадан чиққан Қимизхон нималар бўлаётганига ақли етмай ҳайрон бўлиб турарди. Мўйлов унга, яхшимисан келин, дея ичкарига кириб кетди. Улар қор кечиб келишган эди. Этикларига илашган қор иссиқ уйда эриб, полда кўлмакчалар пайдо бўлди.

Усмонжон хотинига нима дейишни билмай серрайиб турарди.

– Хотин, емоқнинг қусмоғи ҳам бор, деб бекорга айтишмаган. Емай ҳам ўлай, бир қисим хандон писта чақиб егандим.

Қимизхон чой олиб кирди. Мўйлов чойнак қопқоғини очиб, ия, памил экан-ку, келин тўқсон бешдан дамла, деди. Қимизхон чой олиб кираётганда димоғига аллақандай қўланса ҳид урилди. У худди ўрада ачиб қолган селитрали сабзи ҳидига ўхшарди. Қимизхон қайтишда бурнини кафти билан тўсиб ўтди. Бурчакда бели букчайиб ётган этик қўнжидан қатирмачоқ бўлиб кетган пайтава осилиб ётганини кўрмади.

Мўйлов чой устида Тошкентга келишдан мақсадини айтди.

– Шу десангиз, Усмонжон укагинам, бир жиянимиз чақувдан қамалиб қолган. Базадан ўн битта новвосни сотган дейдими-е, семиз новвослар ўрнига озгин қари сигирларни алмаштириб қўйган дейдими-е, ишқилиб бола бечора тухмат балосига йўлиқиб, қамалиб ётибди. Шунга передача беришга

келдик. Овқатни шу ерда пишириб оборамиз-да. Гўшт ола кетай, десам, Парпивой ака, ундай қилманг, Усмонжон хафа бўлади, дедилар. Кейин, Усмонжонга айтгин, прокурорми, судми, мелиса бошлиғими, ишқилиб шулар билан гаплашсин, деб тайинладилар.

Кеча ишхонада рўйхат билан гўшт беришган. Усмонжонга ҳам икки кило текканди. Қимизхон гўшт билан картошка қовуриб олиб кирди. Мўйлов қайноқ гўштни оғзига соларкан, ия музлаган гўштмиди, деди. У ҳай, майли, деди-ю столдаги арақни пиёлага тўлдириб ичиб юборди. У ичдими, ичига қўйдими, Усмонжон билалмай қолди.

– Укам, бошқа йўқми?

Усмонжон хижолатлик билан «йўқ» деди. Шундан кейин Мўйлов чамадондан бир шиша олиб очди.

– Танишиб олганимиз яхши бўлди. Уч-тўрт кун отамлашамиз. Усмонжон укам, биз Парпивойга куёв бўлишдан ташқари шогирд ҳисобидамиз. Базада мен у кишига сменшикман. Уйда ўн битта новвос, йигирма еттита қўй, тўртта бия бор. Емдан қийналмаймиз. Базада бари бор. Ем дейсизми, комбикорм дейсизми, серобгарчилик. «Жигули»нинг юкхонасида кунига икки марта шаҳар ҳовлига ем опкелишимиз бор. Буни қаранг, мустақиллик шарофати билан биз бечораларнинг ҳам елкамизга офтоб тегиб қолди. Шу дейман, ҳукумат мелисаларни ҳам йўқ қилса эди, ишлар юришиб кетарди.

Суҳбатдан маълум бўлдики, Мўйлов Парпивойга куёв ҳисобида экан. Нима бало, кеч уйланганми, болалари ҳали ёш. Кеч фарзанд кўрган экан-да бечора, деб ўйлади. Унинг бу ўйини Мўйлов сезиб турган экан, тушунтира кетди.

– Укагинам, бу кеннойингизга ЗАГСда патта кесилмаган. Биринчисидан тўққизта бола бор. Бечора герой бўламан деб роса туғди. Тўққизинчисини туғди-ю, ўзимизнинг тилда айтганда барака чиқиб қолди. Шунга қарашиб турар деб буни олганман. Парпивойнинг ўғай синглиси. Бахтимни қаранг, Ҳасан-Ҳусан туғиб берса бўладими! Кундошлар бир-бирига душман бўлади, деган гап бекор экан. Опа-сингилдек яшаш-япти. Бири молга қараса, бири менга қарайди. Биласизми, Усмонжон, худо севган бандасига Ҳасан-Ҳусан беради. Ҳасан-Ҳусанларни уриб бўлмайди, сўкиб бўлмайди. Шундоқ

қилсангиз худо қаҳрига олади. Сизга ҳам эгам Ҳасан-Ҳусан невараларни берсин.

Кеч кириб қолди. Болалар бир-бирига майиз отиб ўйнай бошлашди. Боссанг майиз гиламга сақичдек ёпишади. На ота ҳай, деди, на она. Мўйлов уст-устига уч марта эснади. Болалар мультфильм кўрамиз дейишса ҳам, бўлди, ётиш, деди. У ечиниб ётаркан Усмонжонга нимадир деди.

Усмонжон ошхонага кирди. Хотини иягига кафтини тираб қошлари чимирилганча ўтирарди. Усмонжон кўрқа-писа деди:

– Хотин, меҳмон, келин пайтавамни ювиб қўйсин, деяпти.

– Белини уқалаб қўйиш керак эмасмикин? Бир камим бижғиб кетган пайтавани ювишмиди. Э, меҳмонингиздан ўргилдим.

У шундай деди-ю, ётоқхонага кириб бир метр супр олиб чиқди. Қоқ ўртасидан тариллатиб йиртди. Эски пайтавани чўпга илиб ахлат челагига ташлади.

Меҳмон ёмонам хуррак тортаркан. Деразалар зириллайди. Хотини тинимсиз кекиради. Қизи қирт-қирт қилиб бошини қашлайди.

Усмонжон эрталаб туалетга кирса меҳмон сувини туширмай чиқиб кетган экан. Деразаларни очиб, хоналарни шамоллатди. Ҳаммаёққа анор доналари сочилган, билмай босиб олсанг фирт-фирт қилиб, қизил сув сачратади. Мўйлов кечаси билан йўлак бурчига нос туфлаб чиққан экан. Усмонжон ҳўл латгани оёғи билан суриб, артиб қўйди. Бир айланиб келса яна туфлабди. Бу гал туфламабди, пуфлапти. Деворлар сепкил бўлиб кетибди.

Қимизхон бугун вақтли ишга кетиб қопти. Усмонжон инқиллаб-синқиллаб сабзи тўғради, ош дамлаб, тоғорага солиб берди. Меҳмонлар ошни кўтариб турмага кетишди. Усмонжон уйларни шамоллатди. Гиламга ёпишган сақичдек қора майизларни эмаклаб юриб тирноғи билан кўчирди. Ёстиқ жилдларини, кўрпа филофларини чиқазиб, туғиб қўйди.

Меҳмонлар кечга томон қайтиб келишди. Эшик берк. Кўнғироқ тугмасини қанча босишмасин, ичкаридан садо чиқмади. Тўғридаги эшикдан пижама кийган бир киши чиқди.

– Келдинларми? Усмонжоннинг яқин одамини автобус уриб кетипти. Хотини билан жанозага кетишди.

– Қачон қайтишаркан? – деб сўради Мўйлов.

– Биратўласига етгисини ўтқазиб қайтишаров. Юкларингиз бизникида. Ҳозир опчиқиб бераман.

– Калитни ташлаб кетишмадими?

– Шошиб қолишганди, бундай пайтда калит эсига келадими. – Қўшни шундай деб иккита чамадон билан қопни опчиқиб берди. Меҳмонлар туриб-туриб пастга тушиб кетишди.

Усмонжон икки кунгача қайнатасиникида ётиб юрди. Замира деган қайнсинглиси келиб уйларни, идишларни қатрон қилди. Поччаси туғиб қўйган кўрпа филофларини энди кўтараман деб турганди қўнғироқ чалинди. Эшикни очиши билан ассалому алайкум, деб ўрта яшар эр-хотин икки ўғлини эргаштириб кирди. Улардан бири яқинда кўзини очган қопқора кучук боласини кўтариб турарди.

– Усмонжоннинг қадрдонлари бўламиз. Узоқдан йўқлаб келдик.

Замира нима қилишини, нима дейишини билмай серрайиб туриб қолди.

– Йўқмилар? – деди эркак меҳмон. – Бизларни Парпиво деган қадрдонлари юбордилар.

– Поччам билан опам Янгийўлга кетишган, – деди Замира.

– Поччангиз билан опангиз бўлмасалар, мана сиз борсизку. Икки кунгина турамузу кетамиз. Ахир, холодильникда у-бу бордур. Қуриб-қақшаб ётмагандир?

Икки бола балконга чиқиб, пастга қараб ким ўзарга чоптириш қилишди. Пастдан хотинларнинг чувиллашгани эшитилди. Бу шўр сув қайси қават болахонасидан тушаётганини билмай шовқин солишарди.

– Кечирасизлар, мен кетишим керак, – деди Замира.

– Бемалол кетаверинг, Усмонжон келгунча шу ерда кутамиз.

– Ҳали-бери келишмайди.

– Ундай бўлса, яна яхши. Шаҳарда ишларимизни хотиржам бажариб оламиз. Чайқов бозоридан бўлмиш келинга понбархит, парча, японча жемпер, ўзимга комсостав этик олишим керак. Манави болакайларни ҳайвонот боғига обориб, маймунларни кўрсатаман.

Замира нима қилишини билмай қолди. Охири қўшни уйдан опасига телефон қилди. Қимизхоннинг тили гапга келмас, фақат ҳиқилларди. Гўшакни Усмонжон олди.

– Почча, тўрт киши, Парпивой деган киши юборипти. Битта кучук бола билан икки юз граммча хандон писта олиб келишипти.

Қайнсинглиси меҳмонлар кучук бола олиб келишипти, деганидан кейин уни танигандек бўлди. Парпивой ака уни шаҳардаги дайди итларни аравага босиб олиб кетадиган бригаданинг «старший ит тутувчиси», деб таништирган эди. Ўшанда старший ит тутувчи унга, зотли бир ит топиб бераман, дегани эсига тушди.

Усмонжон узоқ жимиб кетгандан кейин тилга кирди.

– Қўшниларни чақириб, уларни уйдан чиқариб юборинг.

Боятдан бери телефон олдида Замиранинг гапларини эшитиб ўтирган қўшни шартта ўрнидан туриб, тўнани елкасига ташлади. Замирага эргашиб Усмонжоннинг уйига кирди. Меҳмонлар диванда ялпайиб ўтиришар, икки боланинг бири кийим шкафи устига чиқиб олган, яна бири оёғидаги тапочкасини ечиб пианино клавишларига урарди.

– Қани, марш! – деди қўшни. – Бир марта салом берган одамнинг уйига кўч-кўронингни орқалаб, бостириб кириб келаверасанми! Э, сендақа иззатини билмаган меҳмондан ўргилдим. Кўтар жийда халтангни!

– Ия, ия – деди старший ит тутувчи. – Тошкентликлар шунақа бўлишадими?

– Шунақа бўлишади, танимаган одамани уйга киритишмайди.

Ана шу воқеадан кейин Усмонжон тўрт хонали уйини шаҳар четигаги уч хонали уйга айирбош қилиб кўчиб кетди. Бу янги уйни, Усмонжоннинг тили билан айтганда, меҳмон экан-ку, ҳатто ОБХСнинг ити ҳам тополмасмиш.

Йўқ, у янглишган эди. Парпивой аканинг одамлари бу уйни ҳам топиб боришди.

ТОҒ АФСОНАСИ

Машина хўп яхши нарсаяю, унинг ҳам ўзига яраша нағмалари бор-да! Машина олган одамларнинг хотинлари ҳазил аралаш, бу машина эмас, кундошим дейишар экан.

Сабаби эр ишдан келибоқ овқатга ҳам қарамай, машинасининг тагига кириб кетганича ярим кечада мойга қоришиб чиқар, азонлаб яна машинага уннаб кетаркан.

Ваҳобжон райводхозда техник. Унинг ҳам ўзига яраша кўримсизгина «Москвич»и бор. Ўзи ҳайдайди. Эски машина минган одам яхши шофёр ҳисобланади. Ҳадеб бузилаверганидан кейин уёғини кавлайди, буёғини кавлайди, хуллас, ичида нимаси бўлса, барини билиб олади. Яхшиямки, Ваҳобжон ҳали уйланмаган. Уйланганда, албатта хотини чидамасди, ё мени дейсан, ё машинани дейсан, деб туриб оларди. Ростда, у бўш қолди дегунча машинани кавлайди. Уни гуриллатавериб кўни-қўшниларнинг жонига тегади. Қўшнилар, шу Ваҳобжон уйлана қолсайди, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишади. Аммо Ваҳобжоннинг ҳали-вери уйланадиган нияти йўққа ўхшайди. Ўзи мундоқ биронтасини топмайди, қариндош-уруғлар топганини ёқтирмайди. Кампир ойиси нолиб қолса, ҳазилга олади-да, яна машина тагига кириб кетади. Охири жонидан безор бўлган қўшнилар кампирга чиқиб ялинишади:

– Ўғлингиз машинани кечаси гаражга обориб қўйсин. Ухлатмаётибди.

Райводхознинг гаражи йўқ, қаёқда қолдиради. Ундан ташқари ўзингизга маълум, Ваҳобжонга кечалари ҳам уёқни сув уриб кетди, буёққа сув керак деб раислар телефон қилиб туришади. Шофёр олайлик, дейишса қайси шофёр бунақа шалоқ машинага — бунақа безовта ишга кўнади. Битта-яримта янглишиб келиб қолган шофёрлар ҳам икки кунга чидамай ташлаб қочишади. Хуллас, бу ишга Ваҳобжоннинг ўзидан бошқаси тўғри келмайди.

Мана шу Ваҳобжон баҳор тошқинида сув олиб кетиб, ҳалигача тузатилмаган канал тўғонини тузаттиришга бир ҳафтадан бери овора эди. Шу пайтгача раислар шох бостириб, буёғига шағал тўқдириб эплаб келишаётган эди. Шу алпозда пахта суғориб бўладими, ким қанча сув олаётганини билиб бўлмаса! Раислар бай-байлаб водхоз масаласини бюрога қўйиб қолишади-ку. Ана, водхоз бошлиғининг типирчилаб қолишини кўринг. Икки кунда цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди. Кечасию кундузи иш. Колхозлар одам ҳам топиб беришди. Доротдел йўлга «ўтилмасин!» деган

белги қўйиб, машина ва автобусларни вақтинча бошқа йўлдан қатнайдиغان қилиб қўйди.

Соч-соқоли ўсиб кетган Ваҳобжон иш бошида, прожектор ёнида турган монтер болага бақиради, шағал тўкаётган самосвалга чироқни тўғрила, кабелни торт, сув тегмасин, деб қичқиради. Орқасига тисарилиб шағалли машинага йўл кўрсатади. Иш қизигандан қизиб кетган. Ёз кечалари шунақа ишлашлик бўлади. Айниқса, бу томонларнинг оқшомига ҳеч нарса тенг келолмайди. Дарё шовуллайди, тоғ орқасидан осмонга сут пуркагандек бўлиб аввал ой шуъласи кўринади, кейин ўзи салмоқлаб осмонга кўтарилади-да, тоғ чўққисига айри миниб туриб қолади. Бирам чиройли, бирам ёқимли шабада эсади. Саратон дазмолдек қиздирган тошларни шу шабада пуфлаб совутади. Ўт-ўланларни силкитади. Жўжаси ҳали учирма бўлмаган она ўрдакларнинг аллага ўхшаш ғалати ғақиллашини узоқлардан олиб келади. Каналнинг бетўсиқ-бетўлқин суви ойдинда худди поёни йўқ яхлит ойнадек ялтирайди. Кулоқ бошида сув очаетган миробларнинг товуши эшитилиб қолади. Айниқса, биттаси эзиб-эзиб ашула айтади. Кечаси олисдан келган қўшиқ ғалати бўларкан. Одамнинг томир-томирига кириб кетаман дейди. Бетончи бола ҳам қўшиққа ишқивоз экан. Овози бирам дўриллаган. Қўшиқ сўзларини пойма-пой қилиб хониш қилиб қолади. Қурувчилар атайин уни майна қилиб «яна бўлсин», «дўст», деб қўйишади. Йигит ҳам уларнинг «илтимоси»ни ерда қолдирмай ашулага ашулани улаб кетади:

Тошга ёмғир қор қилурми
Муттасил ёққан билан...

- Дўст, бу Навоийданми?
 - Йўғ-е, Машрабникидир.
- Қийқириқ, кулги.

Шу зайлда кулги билан, қўшиқ билан иш давом этади. Ваҳобжон уёқдан-буёққа зир югуриб, ишни жадаллатади. Каттакон бак олдида чой дамланган тунука чойнакни чўққа қўйиб ўтирган чолнинг ёнига тушиб кетаётган эди, узоқдан машина чироғини кўриб тўхтади. Машина «ўтилмасин!»

белгиси қўйилган муйилишдан ўтиб, тўппа-тўғри келаверди. Ваҳобжон ижрокомдан биров келаётган бўлса керак, деб ўйлади. Тикилиб қараса, тангадек зангори чироғи бор. Нечук такси машинаси бу томонларга ўтди экан, деб йўлга чиқди-да, қўлини кўтариб уни тўхтатди.

— Мумкин эмас, белгини кўрмадингизми, қайтинг!

Шофёр кабинадан бош чиқариб, қўлини кўксига қўйиб узр айтгандек бўлди.

— Кўктошга кетаётган бўлсанглар, Хонимобод томондан айланиб ўтасизлар.

Хонимободдан айланиб ўтиш учун ортиқча ўн тўққиз километр йўл юриш керак. Ҳар қандай одамга ҳам таксида бориш жабр бўлади.

Шофёр кабинадан тушди. Икки қўлини белига қўйиб уёқ-буёққа қаради-да, ўтиб кетишнинг сира иложи йўқлигини билгандан кейин, ноилож орқа эшикни очиб, ичкарига қараб елкасини қисди.

— Иложи йўқ, онажон. Буёғи кўп қолмади. Пиёда йигирма минутда етасиз. Хонимободдан борсангиз қимматга тушади. Майли, десангиз, яна ўзингиз биласиз. Менга барибир.

Машинадан чамадон кўтарган бир аёл тушди. Ваҳобжон қоронғида унинг юзини аниқ кўролмади. Аёл шофёр билан анча вақтгача ниманидир гаплашиб туриб қолди. Кейин машина орқасига қайтди. Аёл битта-битта босиб Ваҳобжоннинг олдига келди. Кўктошга қайси томондан боришни сўради. Тавба, овози таниш. Қаерда эшитган бу товушни? Шу пайт шағал тўкиб бўлган самосвал кескин бурилган эди, унинг ўткир чироғида аёлнинг башараси бир дам ёришиб кетди.

Сочлари бошига чамбарак қилинган, лабларига билинар-билинемас қизил суртилган, йигирма-йигирма икки ёшлардаги келишган қиз. Ваҳобжон уни таниди. Бу қизни у бир марта, атиги бир марта кўрган. У билан ёнма-ён ўтириб чой ичган. Шу қизнинг ўзи унга чой қўйиб берган. Аммо Ваҳобжон, тўғриси айтганда, у қўйиб берган чойни қийналиб ичган; негаки бу қизнинг бир қўлида одамнинг калла суяги бор эди. Ваҳобжон ўтган йилнинг августида сиртқи институтга имтиҳон топширгани Тошкентга тушган эди. Консультация ўтказадиган ўқитувчининг тоби қочиб қолиб, институтга келолмай қолибди. Декан Ваҳобжонга ўқитувчининг уйига боришни

маслаҳат берган эди. Борди. У Чилонзордаги катта кўча бетидagi уйнинг иккинчи қаватида яшаркан. Кириб гаплашди. Билмаганларини сўраб олди. Ўқитувчи Ваҳобжонга имтиҳонга кирсангиз бўлади, деб маслаҳат берди. У хурсанд бўлиб чиқса машинасининг бир филдираги шалпайиб ётибди, камеранинг золотнигини биров бураб олиб қўйибди. Асфальт йўлкада чертак ўйнаётган қизчалар унга қараб туришарди. Уларнинг бири яқин келиб шивирлади.

– Акбар миннарсангизни бураб олиб қўйди.

– Қанақа Акбар?

– Ҳу анови уйда туради. Ҳозир қочиб чиқиб кетди.

Инобат опамларнинг укалари-да.

Ваҳобжоннинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Бу қандай гап! Запас филдирак бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Ваҳобжон бояги қиз кўрсатган уй эшигининг тугмасини босди. Жавоб бўлмади. Яна кўнғироқ тугмасини босган эди аёл кишининг: «Ҳой Акбар, эшикни оч, биров келди» деган товуши эшитилди. Ҳадеганда эшик очилавермади. Анчадан кейин шиппак товуши яқинлашди-да, эшик қарсиллаб очилди. Ваҳобжоннинг қаршисида одамнинг калла суягини ушлаган кўҳлик бир қиз турарди. Ваҳобжоннинг юраги орқасига тортиб кетди. Қиз қошларини кериб, кимда ишингиз бор эди, дегандек ҳайрон боқиб турибди.

– Акбарда ишим бор эди. Чақириб берсангиз.

Қиз эрмак қилаётгандек орқасига қараб қичқирди:

– Ҳой Акбар, ўртоғинг келдилар, буёққа чиқ.

Ичкаридан трусичан, олти ёшлардаги бир бола бурнини тортиб чиқди. У Ваҳобжонни кўриши билан тўхтаб қолди. Кейин Ваҳобжоннинг ўртоғи бирдан орқасига тирақайлаб қочиб қолди. Қиз нима гаплигига тушуна олмай ҳайрон. Ваҳобжон бўлган гапни айтиб берди. Қиз хижолат бўлиб, ундан узр сўради-да, ҳозир ўша буюмни олиб бераман, деб орқасига бурилди. Кейин тўхтаб қўлидаги калла суягини Ваҳобжоннинг қўлига тутқазди.

– Ҳозир, ҳозир олиб бераман.

Акбар ваннахонанинг ичидан беркитиб олган экан. Қиз ялинди.

Охири Акбар эшикни очди. Ваҳобжон қараса у ваннага сув тўлдириб минг ямоқ бўлиб кетган автокамерага насос билан ел бераётган экан.

– Бу ўлгурга чўмилишга керак-да. Сузишга ўрганаётганмиш. Қани, бер, ким ўргатди сенга бировнинг нарсасини олишни?!

– Магазинда йўқ-да, бўлмаса олармидим, – деди Акбар бурнини тортиб.

Шундай деди-ю, ваннадаги илма-тешик камера оғзидан золотникни чиқазиб берди. Ваҳобжон қизга раҳмат айтиб ташқарига чиқди. Уст кийимини ечиб машинага домкрат қўйиб филдиракни кўтарди, уни чиқариб олиб бошқатдан ел бера бошлади. То у ишини битқазгунча қора терга тушиб кетди. Анча кеч ҳам бўлиб қолган эди. Унинг қийналаётганини балкондан кўриб турган қиз:

– Кириб ювиниб олинг, – деди.

Ваҳобжон бир сўз демай қайтиб кирди. Қиз елкасида сочиқ, қўлида совун билан уни кутиб турарди.

У юзига совун суртаётганида ҳам, оппоқ, крахмалланган сочиққа артинаётганида ҳам бир ўй калласидан кетмасди.

«Қандай чиройли қиз-а, аммо қўлидаги одамнинг калла суяги нимаси».

– Чой дамлаб қўйдим, ичиб олақолинг, қорнингиз ҳам очгандир.

Ваҳобжон узр айтса ҳам қиз қўймади. Чой қуйиб узатди. Бола бечора ичишини ҳам, ичмасини ҳам билмай ҳайрон эди. Ичдию яна бояги каллани эслади. Охири у қизга раҳмат айтиб кетар экан, Акбарга золотник келтириб беришга ваъда қилди.

Ана шу воқеадан кейин Ваҳобжон қизни учратмади. Уйига Акбарга ваъда қилган нарсани олиб борганда қиз йўқ экан. Мана орадан бир йил ўтди. У ўша қизни эслаганида ниҳоятда кўҳлик бир қизнинг юзи, кўзи, келишган гавдаси кўз олдига келарди-да, зум ўтмай, бу гўзаллик ўрнини тиржайган калла суяги эгаллаб оларди. Шунинг учун ҳам Ваҳобжон уни эсламасликка тиришарди.

Мана бугун дарё шовуллаган, шағаллар қалдираган тоғ оқшомида иккови яна бақамти келиб ўтиришибди. Қиз уни танимаган бўлса керак. Негаки Ваҳобжоннинг соч-соқоли ўсиб кетган, кийимлари чанг, тупроқ эди.

Уларнинг ҳар иккови бир-бирларига қараб анча туриб қолишгандан кейин Ваҳобжон гап бошлади:

– Кўктошга кетаяпман денг. У ерда қариндошларингиз борми?

– Йўқ, – деди қиз. – Ишга шу ёққа тайин қилишди. Райздрав ихтиёрига...

Қизнинг овози бирам ёқимли, бирам жарангли. Ваҳобжон сесканиб кетди. Демак, бу қиз районга доктор бўлиб келяпти. У докторликни битирган. Одамнинг калла суягини бекорга кўтариб юрмаган экан у...

– Мени танияпсизми? – деди Ваҳобжон.

– Йўғ-а, – деди қиз елкасини қисиб.

– Уйингизга борганман. Акбарнинг кетидан ваннага кирганим...

Ваҳобжоннинг гапи оғзида қолди.

– А-аа, ўша сизмидингиз, буни қаранг-а, танимапман. Уйимизга яна бир келган экансиз. Йўқлигимни қаранг-а.

Бульдозерчи Ваҳобжонни чақириб қолди. У қизга: «Ҳозир келаман», деб чопганича кетди.

Алламаҳал бўлиб қолган эди. Ваҳобжон прорабга топшириқларни бериб қизнинг олдига қайтди.

– Қани, меҳмон, кетдик. Кўктошга ўзим обориб қўяман.

Қиз қаршилиқ кўрсатмай эшикни очди. Йўлга тушишди. Ой худди машина билан ёнма-ён кетаётганга ўхшайди. Соядек бўлиб кўринаётган тоғ тизмалари бирам ажойиб, бирам ажойиб.

Ваҳобжон руль бошқариб бораркан ўй ўйларди.

«Қани энди шу қизга уйлансам, менга тегармикин? Тегмас, балки севгани бордир».

Машина мотори бир-икки йўталиб ўчди. Ваҳобжон шошиб тушиб копотни очди. Вентеляция тасмаси узилиб кетибди. Запаси йўқ. Энди нима бўлади? Шу ерда тунаб қолишдан бошқа илож йўқ? Уларнинг иккови ҳам ҳафсалалари пир бўлиб тошга ўтиришди.

– Қизик бўлди-ку! – деди Ваҳобжон хижолат чекиб. Қиз индамади. У азамат тоғ тизмаларига, ҳў кўриниб турган учли қояга жиға бўлиб қўниб турган балдоқдек ойга жимгина қараб ўтирарди.

– Биласизми, мен ҳеч тоққа чиқмаганман. Буни қаранг, кечаси, айниқса, ойдинда жуда ғалати бўларкан. Бирам яхшики.

Қизнинг товушидан совуққотганлиги шундоққина билиниб турарди. Ваҳобжон машинани очиб олд суянчигини тушириб кетидагисига ёндоштириб қўйди.

– Сиз кириб бир оз мизғиб олинг.

Қиз аввалига кўнмай турди. Кейин совуқдан титраб ичкарига кириб кетди. Ваҳобжон радиони секинлаб бураб қўйди.

Тоғ ўнгирида ёқимли куй оқар, кичкинагина, кўримсиз машина ичида эса ҳуснда бир жаҳон бўлиб бир қиз ухларди.

Ваҳобжон унинг атрофида папирос чекиб айланиб юрди.

Бу унга худди азалий тошлар гердайган тоғ этагида туғилаётган янги достон, янги афсонага ўхшарди.

Ким билади, балки Ваҳобжон афсонавор бу оқшомда ўз бахтини, муҳаббатини қўриқлаётгандир.

Зора шундай бўлса! Кошки эди шундай бўлса!..

ТЎЗҒИБ КЕТГАН УМИДЛАР

Уруш бўлаётган жойлардан эвакуация қилинган ҳорғин одамлар Тошкент кўчаларида кўпайиб қолди. Техникум ётоғи зудлик билан ҳарбий госпиталга мослаштирилди. Эллик чоғли ярадор аскарни олиб келишди. Бирининг битта оёғи йўқ, бирининг битта қўли йўқ. Бошидан яраланганлар юз-кўзлари аралаш бинт билан ўраб ташланган.

Талабаларни фронтга жўнатиш олдидан ўғил болалар ҳарбий аэродромга олиб кетилди.

Курсдошларимиз билан эсдалик учун техникум боғида суратга тушган эдик. Саодат Турдибой Омоновнинг ёнида кулиб турган экан, суврати жуда тиниқ, чиройлик чиқибди. Энди ўша суврат талабалик йилларимиздан яхши бир эсдалик бўлиб қолади.

Медицина хизмати майори, ҳарбий врач қизларнинг тайёргарликларини кўриб яна бир ой жиддий машқ қилишлари кераклигини буюрди.

Шу кунларда Саодатни кам кўраман. Уларни саҳарлаб «тревога» билан «жанг майдонига» опчиқиб кетишади. Саодат ҳолдан тойиб, уйқусизликдан кўзлари киртайиб, ранг-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолди.

Бир ойда машқлар маромига етди. Фронтдан резерв сўраб чақирув келди. Олти санитар қиз зудлик билан фронтга жўнаб кетиши керак. Улар орасида Саодат ҳам бор эди. Бир кечада сочларининг тўрт-беш толасига оқ аралашиб қопти. Чап ёноғидаги кулдиргичи сал кенгайгандек. Узун киприклари

куршовида ноз билан сузилиб турадиган мастона кўзлари айрилиқ олдида жовдираб турибди.

* * *

Рустамжон болдиридан яраланган. Саодат уни елкасига олиб, окоп томонга ўрмалаб кетди. Уни окопга тушириб энди ўзи пастга энгашганида душман снайпери портловчи ўқ билан иккала оёғининг тиззадан пастини тилка-пора қилди. Этигининг ичи иссиқ қонга тўлди. Рустамжон эса болдирининг чидаб бўлмас оғриғига қарамай Саодатни елкасига олиб санчасть томон эмаклаб кетди.

Саодат дала госпиталларида, шаҳар шифохоналарида етти йил ўлим билан олишди. Энди оёқни тиклаш имкони йўқлиги маълум бўлди. Йигирма тўрт йил уни истаган жойига олиб борган оёқларини кесиб ташлашди.

Саодат билан Рустамжон иккови кўч-кўронини машинага ортиб, эртага Тошкентга жўнашади.

— Эрталаб йўлга чиқамиз, кечаси дадам билан ойим тушимга киришибди. «Болам, туғилган юртинга оёқсиз борма, дер эмиш дадам. Ойинг билан икковимиз эски окопларни титкилаб, иккала оёғингни ҳам топиб келдик. Энди уларни ўз жойига яхшилаб ўрнатиб берсам, чопқиллаб кетаверасан». Қарасам, ойим билан дадам биттадан оёғимни ушлаб туришибди.

Дод, деб уйғониб кетдим. Ёстигим кўзёшларимдан ҳўл бўлиб кетибди. Тошкентга келганимизга ҳам саккиз йилдан ошди. Етти йил жарроҳ столида кўзимни чирт юмиб «жаҳаннам азобига» чидаб ётдим. Мана, энди сал ўзимга келдим.

Шунча йил кўкка боқиб қимирламай ётиш осон иш эмас. Танимнинг ярмидан кўпи турли шифохоналарнинг жарроҳлик столларида қолди. Ётавериб диққат бўлиб кетдим. Талеимга шу Рустамжонгинам омон бўлсин. Нима демоқчилигимни кўзимга қараб билади. Куй эшитиб овунсин деб мени концерт залларига олиб боради.

Концертнинг асосий қисми энди бошланади. Томоша залини офтобдек чарақлаб ёритиб турган ҳашаматли қандил ўчиб, оркестр тепасидаги ожиз чироқлар ёниб атрофни намозшом нимқоронғилиги босди.

Саодат бутун вужуди билан куйлар бағрига сингиб кетган. Гўё у дарё бўлиб оқаётган оҳангларни симираётгандек маст эди. Жаҳон мусиқа салтанати тахтидан ҳамишаликка жой олган Ван Крестян Бетховен бугун Ўзбекистон меҳмони.

Бош муҳарриримизнинг кўнглига қил ҳам сиғмайди. Аяган кўзга чўп тушар дегандек, саҳифада хато ўтиб кетибди. Хрущевнинг чап кўкрагидаги «Олтин юлдузи» ўнг кўкрагига ўтиб қопти.

Нонушта ҳам, тушлик ҳам шу ерда бўлади. Масъул котибимиз Вали Алломов музлатилган чучварани қайнатиб, махсус рўйхат билан саккизтадан сузиб беради. Чақалоқнинг қулогидек бу чучваралар чап ичагимизга ҳам юк бўлмайди.

Трамвай бекатида гўшт комбинатининг дўкончаси бор. Унда комбинат махсус чиқарган «гўштли» сомса сотилади. Шу сомсадан қоғоз халтани тўлдириб олиб келамиз. Кимдир бу сомсаларга «ухо-горло-нос» деб ном қўйибди.

Бош муҳаррир мени чақириб: «Бугун кечки навбатчиликка келмай қўяқолинг. Колизейда олам-жаҳонга машҳур буюк Бетховен асарлари ижро этилади. Мана сизга «таклифнома», бир яхши репортаж ёзиб келинг. «Бетховен кечаси» маданий ҳаётимизда эсдан чиқмайдиган воқеа бўлиб тарих саҳифаларида қолади», деди.

— Мени кечиринг. Уч кундан бери ухламайман. Машҳур мусиқа арбобларининг кўзи олдида ухлаб қолсам, хуррак отиб юборсам шармандалик бўлмасмикин? Ўзимизнинг мусиқа назариячимиз Мирзо Тўрахоновга илтимос қилсам нима дейсиз?

— Майли. Мирзо ўзимизнинг фаол штатсиз мусиқа шарҳловчимиз. Кўпдан бери бирон нарсаси босилмаган. Менинг номимдан илтимос қилинг.

Ўша куниёқ муҳарриримизнинг илтимосини унга етказдим.

Бир аёл телефон қилавериб жонимдан безор қилиб юборди. Учрашайлик, ёшлигимизни, талабалик йилларимизни эслаб ўтирайлик, деб тинчлик бермаяпти.

— Сиз мени ким биландир адаштиряпсиз, — дейман унга.

— Қачондан бери одам танимайдиган бўлиб қолгансан? — деб менга таъна қолади.

— Рост айтяпман. Сизни мутлақо танимайман, — дедим қатъий қилиб.

– Танияпсан. Танимайман деб ёлгон айтяпсан. Мен билан учрашишга ор қияпсан. Майли, бир яқин дўстим бор эди, бошимга қора кун тушганда юз ўгириб кетди, деб қўлимни ювиб қўлтиққа уриб кетавераман, хайр...

Энди у билан телефонда эмас, очиқчасига юзма-юз ўтириб гаплашмасам бўлмайди.

Уни олиб келишди... Ногиронлар аравачасида.

– Мана, иккита оёғи йўқ хотинман. Бу оёқлар окопларда, жарроҳлик столларида қолиб кетган. Мен қидирган Турдибой Омонов сиз эмас. Мени кечиринг.

– Йўқ, шошманг. Мен сиз қидирган Турдибойнинг дўсти эдим. Сиз қидирган Турдибой билан бир ҳовлида яшаганмиз. Тасодифни қаранг, иккавимизнинг ҳам отимиз Турдибой, отамизнинг оти Омонбой эди.

Турдибой Омонов оғир, босиқ мулоҳазали йигит эди.

Саодат лабининг бир томони билан жилмайишга уринарди. Ичини қандайдир армон кемираётган одам шунақа қийналиб жилмаяди.

– Сиз ҳозир ёшлик шўхликлари окопларда тўкилиб қолган Саодатнинг сояси билан гаплашяпсиз, – деди у афсус-надоматлар билан.

У аравачасини орқага қайтара бошлади.

Саодатнинг кўзларида қандайдир бир умид, ёшлик қадрдонини топиш илинжи пайдо бўлаётгани сезилиб турарди.

– Айтинг-чи, унга шу алпозда кўринсам оғринмайдими? Икки оёғи йўқ нотавон аёл билан борди-келди қилишга ор қилмайдими?

– Синглим, энди ҳамма гапни очиқ айтиб беришга мажбурман. Шунча кўргиликларни бошидан ўтказган иродаси мустаҳкам аёл экансиз. Эшитинг, тақдирнинг яна бир аёвсиз зарбасига тайёр туринг.

Саодат сумкасини очиб ичидан ниманидир олмоқчи бўлар, тинимсиз титраётган бармоқлари қидирган нарсани топиб ололмасди. Охири у битта конвертни аранг ушлаб бизга узатди.

– Мана, мен қидирган мактабдошим қадрдоним Турдибой...

Конверт ичидаги суврат қўлма-қўл ўтди. Сувратдаги Турдибой Омонов ўз қўлим билан қабрга қўйганим Турдибой эди.

Бўстонлиқ тоғларининг сўқмоқларига қора кечада пусиб ўтган бир тўда «Ваҳҳобийлар» аҳоли хонадонларига ўрнашиб

олиб қилган ёвузликлари ҳали ҳеч кимнинг ёдидан чиқмаган. Турдивой Омонов мана шу газандалар билан бўлган жангларда кўрсатган қаҳрамонликларига ўзим шоҳидман.

Скамейкада ўтириб бугунги газетани ўқиётган эдим. Кимдир орқамдан келиб кўзларимни беркитди.

— Ким у? — дедим.

Кўзларимни беркитган нозик қўллардан энг қиммат «Шанель» деган духининг ҳиди келарди.

— Аввал айт, сен ёзувчимисан ё танқидчимисан? Агар танқидчи бўлсанг, туёғингни шиқиллатиб қол. Яхши китобни ёмон, ёмон китобни яхши дейдиганлардан зерикиб кетганмиз. Агар ёзувчи бўлсанг, Маликанинг кимлигини айт.

— Малика бирга ўқийдиган талабаларнинг ҳали унисини, ҳали бунисини лақиллатиб, фақат сени яхши кўраман, деб музқаймоқ олдириб стипендиясига қирон келтирадиган бир бетайин қиз. Топдимми?

— Топдинг! — У кўзларимдан қўлини оларкан шарақлаб кулиб юборди.

— Менга қара. Нима ишлар қилиб юрибсан? Касбинг нима? Ҳунаринг нима? — дедим қизиқиб.

Малика қўл силтади.

— Касбимни суриштирма. Бугун Лондонда бўлсам, эртага Токиода бўламан. Уйдан бир чиқиб кетганимча Италия дейсанми, Испания дейсанми бирон ой «санғиб» кетаман. Хрушчевни Америкага кузатиб борган журналистлар орасида мен ҳам бор эдим. Туфлиси билан минбарни тапиллатиб ураётганда яқингинасида эдим.

Гапларига ишонишимни ҳам, ишонмаслигимни ҳам билмайман.

— Бу юртларда кезиш учун кўп тилларни билиш керак. Ўзинг нечта тил биласан?

— Санамаганман. Мен билган тилларни санаган одам ҳисобидан адашиб кетади. Қадрдонларимиздан кимлар бор, кимлар йўқ. Билсанг айт.

— Ҳаммасини-ку билмайман, аммо сенинг энг яқин дугонангни айтишим мумкин. Саодатни эслайсанми?

— Бўлмасам-чи! Ахир у менинг энг қадрдон дугонам эди.

Ўрнимдан турдим.

– Қани, юр. Музқаймоқ олиб бераман.

– Ангинам бор. Текин музқаймоқ еявериб томоғимни расво қилганман.

У шундай деб қўлини кўксига қўйиб узр сўради.

Малика билан эрталаб соат тўққизларда шу ерда учрашамиз, деб ажралишдик.

Маликанинг машинаси айтган пайтида шундоққина ёнимга келиб тўхтади. Унда пардоз-андозни ўрнига қўйган Малика ўтирарди. Шофёр ўриндиғида лабининг тепасида мўйловга ўхшаброқ тук кўриниб қолган бир бола рулга иягини тираб ўтирарди.

– Танишиб қўй. Бу интернатда ўқийдиган ўғлим. Дадаси машина ҳайдашни ўргатган.

Бугун Малика суратдан ўзини танимади. «Наҳотки шунақа қилтириқ бўлганман. Бир пуфласа учиб кетадиган шапарак бўлган эканман-а! Қоматим бузилади, деб тўйиб овқат емасдим. Эрта саҳарлаб ич кийимда маҳалла кўчаларида бир соат югурардим. Эрталабки ошдан ёки бомдод намозидан қайтаётган оқсоқоллар саллаларининг пеши билан юзларини тўсиб «астағфирулло» деб тез ўтиб кетишарди. Саодат ўша пайтда ҳам оғир, босиқ қиз эди».

Курсдошларимиз билан эсдаликка сувратга тушаётганимизда Малика нимадир деди. Нима деганини ҳозир ўзиям эслаёлмайди. Фоточи, диққат, қимирламай турунглари, деб аппарат тугмасини босаётганда Малика бир қизиқ гап айтди. Ҳамма хахолаб кулиб юборди. Суврат ниҳоятда ажойиб чиқибди. Бировнинг кўзи юмилиб қолган. Бировнинг сочи тўзғиб, юзини беркитиб қўйган. Биров қулоғини қашлаяпти. Биров пешанасини уқалаяпти. Иккала қўлининг панжалари билан юзини бекитиб кулаётган одамнинг кимлигини билиб бўлмасди. Битгаси оғзини шундай катта очиб кулганки, ҳатто кекирдаги ҳам сувратга тушиб қолган.

Маликанинг ўзи кулмай, кулаётганларни эрмак қилиб бурнини қийшайтириб турибди.

Бу сувратнинг катталаштирилганини Саодат рамкага солиб ётоғининг деворига илиб қўйган. У бу сувратни кўрганда гоҳ йиғлар, гоҳ куларди.

Қошимга қўйган ўсма қуригунча ўн етти йилдан ортиқ вақт ўтиб кетибди. Қаердандир манавинақа мунгли бир қўшиқ эшитганман.

Ўтди даврон,
Кетди карвон,
Энди карвонлар
қайдадир...

Умримда биринчи марта Маликанинг кўзида ёш кўришим. Бу кўшиқ ҳаммавақт ўзи кулиб, бошқаларни ҳам кулдириб, кимгадир шумлик қилмаса, кимгадир тегажожлик қилмаса туролмайдиган Маликани кўз олдимга келтириб қўйди.

Залда одам кўп. Кирилмай ташқарида қолиб кетганлар ундан ҳам кўп. Киришнинг ҳам, чиқишнинг ҳам иложи йўқ. Мен ҳам чиқиб кетолмай қолдим. Бу тўс-тўполонда уйқум ҳам қочиб кетди. Одамлар ўз жойларини топиб ўтира бошладилар. Оркестр тепасидаги нури пастга қаратилган чироқлар ёниб офтобдек чарақлаб турган қандиллар ўчди.

Оркестр бирдан шиддат билан куй бошлади. Оҳанглар инграб, фарёд уриб тингловчилар юрагини кафтида кўтариб учиб юарди.

Колизей театрининг баланд пештоқида бутун зални офтобдек яшнатиб турган қандиллар бир ўчиб яна ёнди.

* * *

Ичкари ҳовлида чана тортиб қийқариб ўйнаётган болалар Рустамжон амакининг яп-янги «Волга» миниб келганидан хабар топиб кўчага чопиб чиқдилар.

«Вуй, вуй, зўр, қойил», деб машинани ўраб олдилар.

Рустамжон бу янги машинани синчковлик билан текшириб, эҳтиёт қисмларини бир-бир кўздан ўтказди. Машина ногиронларга мослаштирилган. Саодат учун барча қулайликлари бор эди.

Саодат машинани ўраб олган болалар бошидан бир ҳовуч ширинлик сочиб юборди. У, айниқса, қизларга ҳар хил ленталар, кўғирчоқлар совға қилиб, туғилган кунлари билан табрикларди.

У ёнгинасида кўзлари яшнаб турган қизни кўлидан тортиб бағрига босди: «Пучуғим, ўзимнинг яхши кўрган пучуғим», деб эркалатди.

Қизча унинг бағрида туриб «нега мени пучуқ дейсиз, мен пучуқ бўлсам, сиз...» У гапининг охирини айтолмай йиғлаб юборди. Кўзлари жиққа ёшга тўлди.

– Вой ўлмасам, иситманг бор-ку! Иситмада куйиб ёняпсан-ку! Ҳозироқ докторга обориш керак. Онасини чақиринглар.

Зум ўтмай қизнинг онаси «дом»дан ҳовлиқиб чиқиб келди. Қизининг аҳволини кўриб қўрқиб кетди. Ҳозир кийиниб чиқаман, деб югуриб кетди.

Саодат «Волга»да қизни онаси билан касалхонага олиб кетди.

Янги машинанинг биринчи қадами савобли ишдан бошланди.

Бир соатга қолмай қизчани докторга обориб келишди.

Рустамжон, нима бўлган экан, деб сўради.

– Бу аҳмоқ холодильникдан муз кўчириб еган экан, – деди қизнинг онаси.

Рустамжон кичкинагина, чалса бўладиган ўйинчоқ пианино совға қилди. Энди уни мазза қилиб чалаверади. Мусиқа мактабига кунора ўзим обораман. Нота ёзишни, ўқишни ҳам ўргатишади.

Қизча Саодатнинг бўйнига осилиб юзидан чўлпиллатиб ўпди.

Бир ҳафтага қолмай «дом» деворлари қинғир-қийшиқ нота ёзувларига тўлиб кетди.

– Деворга ёзма! Эртага ўзим сенга нота ёзадиган дафтар опкелиб бераман.

Қизча бахтиёр эди. Саодат уни пучуқ деса ҳам жаҳли чиқмасди. Маликани эри «Гойота» машинасида олиб келди. У совға-саломларни туширар экан, «Кечга қолсам хавотир олма, кўмондон чақирган, жиддий бир масала муҳокама бўлади шекилли», деди.

«Волга»ни ичида нимадир қилаётган Рустамжон шошиб келиб улар билан кўришди.

– Уйдаи, – деб сўради Малика ундан.

– Уйда, сизни кутиб ўтирибди.

«Кўришмаганимизга ўн саккиз йилдан ошган бўлса керак, деб кўнглидан ўтказди Малика. У ҳозир қанақа бўлиб кетган экан. Чиройли юзларига кексалик сояси тушиб, қаримсиқ қилиб юбормаганмикин. У ҳозир эри олиб кирган бизнинг совғаларимизни, гулдастани кўриб албатта, суюниб кетган.

Ҳозир югуриб чиқиб «дугонажон» деб бўйнимга осилади».

Малика уни бирпас кутди. У чиқавермади. Чиқиб бўйнига ҳам осилмади. Малика ҳайрон бўлиб ичкари уйга кирди. Саодат креслода хаёл суриб ўтирибди. Маликани кўрдию ғалати бир аҳволга тушди. Ҳозир унинг бутун вужудида қувонч, алам, ўкинч, тақдир зарбаларига исён, кулги, фарёд, чексиз изтироб ғалаён қиларди.

Маликага Саодатнинг ўрнидан турмагани назарига илмаганидек бўлиб туюлди. «Нима гап?» Ўзини жуда баланд тутяпти-ку!» Саодатнинг бу қилиғи Маликанинг нафсониятига тегди. «Ҳеч нарса демай ташқарига чиқиб уйимга кетиб қолайми», деган фикр кўнглидан ўтди. «Йўқ, нега унақа қилаётганини билай. Сал кам ўн саккиз йил кўришмаган, ниҳоятда соғинган дугонам бекорга бунақа қилмаётгандир»...

Маликанинг ўғли кириб бир жуфт аёллар туфлисини онасининг қўлига берди. Кийиб кўрсинлар, оёқларини сиқса, дарров бориб бошқасига алмаштириб келаман.

Негадир совуқ, жуда ҳам совуқ жимлик чўкди. Бу жимликни бузиш учун Малика «Андижон полка»сининг кассетасини магнитофонга қўйди. Шўх, қувноқ бу куй ҳам жимжит хонага файз киритолмади. Малика Саодатнинг тепасига келди.

– Турмайсанми. Нима қилиб таманно билан сузилиб ўтирибсан? Қани, тур! Икковимиз рақсга тушамиз.

У Саодатнинг икки қўлидан тортиб тургазмоқчи бўлди. Саодат: «Кўй, менга тегма, жоним... – дея орқага сурилди. – Ахир мен»...

Малика шундагина унинг икки оёғи йўқлигини сизди. Сиздию бутун борлиғи музга айланди. У бир телбамисол ўзини Саодатнинг бағрига ташлади.

* * *

Саодат машина моторига газ бериб қандоқ ишлаётганига эгилиб қулоқ тутиб: «Зўр ишляпти», деб жилмайди.

– Эҳтиёт бўл, – деди Малика. – Йўл ёмон. Тийғанчиқ.

– Хотиржам бўл. Биз Рустамжон акам билан машинада ўтган муз тўсиқлари олдида буни болалар яхмалак учадиган бир қаричгина жой деса ҳам бўлади.

«Волга» аста жойидан кўзгалди.

Оппоқ қор тўшалган оппоқ йўлда оппоқ «Волга» ногаҳон кўринмай қолди. Гўё бир чақмоқ оппоқ қандни оппоқ қор қуюнлари «қайноқ» бағрида эритиб юборган эди.

МУКОФОТ

Абдуқодир уйига босар-тусарини билмай кириб келди. У хотинига бир гапириб ўн кулади.

– Ҳа, нима бало, бўлар-бўлмасга илжайиб қолдингиз?

– Э, сўрама хотин. Иш йирик. Бугун приказ бўлди. Менга мукофот беришади. Ҳали кечқурун мажлисга борганда кўрасан. Чапаклар остида саҳнага чиқиб мукофот пулини директорнинг қўлидан олиб тушаман.

Хотиннинг ранги оқариб кетди.

– Нима бўлди, рангинг ўчиб кетди. Севинганингданми, ўзингни тут, мукофот олишимни энди кўряпсанми. Илгарилари ҳам олганман-ку. Ўзингни бос, хотин.

Хотин гапиришга чоғланди-ю, бўлмади. Лаби очилмади, жағи бир-икки силкинди, холос. Абдуқодир уни суяб диванга ётқизди. Юзига сув пуркади, ҳаво кўпайсин деб деразани ланг очиб юборди.

Абдуқодир ўзининг шошма-шошарлигидан хафа бўлди. Хотинининг юраги ёмонлигини билади. Нима қилиб мукофот олганини бирдан айтиб қўйди. Бунақа масалада шошилмаслик керак. Ётиғи билан гапириш керак.

Салдан кейин хотин ўзига келди. Кўзини очиб у ёқ-бу ёққа қаради. Тилга кирди. Ўрнидан турди.

– Менга қаранг. Мукофот чиққан бўлса, байрамга болалар ҳеч нарса кийишмас экан-да.

– Нега, хотин? Кеча маош олдим, бугун мукофот пулини олиб келаман. Болаларга нима керак бўлса олиб беравер. Ё кечаги пулни йўқотиб қўйдингми? Кўрқмай айтавер!

– Йўқотганим йўқ, дадаси. Эртага ҳаммасини бир қилиб йўқотамиз.

Абдуқодир ҳайрон бўлди. Хотинининг иситмаси бор гумон қилиб пешанасини ушлаб кўрди. Йўқ, иситмаси йўқ. Ё мияси айниб қолдимикан? Йўғ-е!

– Менга қара, хотин. Битта кук, дегин.

Хотинининг жаҳли чиқиб кетди.

– Бу нима жиннилик? Мени ичган гумон қиялпсизми? Кайф қилади деб менераль сув ичмайман-ку!

Абдуқодирнинг бу қилиғи хотинини ранжитди. Хотинининг кўзидан алам ёшлари қалқиб чиқди. Абдуқодир қилган ишининг нақадар аҳмоқона эканлигини пайқаб қолди-ю, дарров хотинидан узр сўради. Аммо хотини астойдил ранжиган эди.

– Тўғриси айт, хотин, нега эртага пул йўқотамиз?

Хотини тарс-турс қилиб уйдан чиқаркан, дўнғиллади:

– Пул йўқотишни эртага ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Шундоқ бўлди. Эр-хотин бу тўғрида кеча гаплашишган эди. Бугун анча пул йўқолди. Ишонмасангиз бирма-бир айтиб беришим мумкин.

Абдуқодир кеча мукофот олди. Бугун эрталабдан бошлаб мукофотни «ювиш» бошланди. Мукофот пули ўша мажлисдан кейинроқ буфетда қолди. Бугун эрталаб унинг мукофот олганини муборакбод қилгани ёр-биродарлар, қавм-қариндошлар йўқлаб кела бошлашди. Шу бугуннинг ўзида уч марта ош дамланди. Ароқ, вино деган нарса тинмай дўкондан ташиб турилибди.

Кечқурун директор, бошбух, завком раиси, цех бошлиғи, бош инженер, ҳаммаси хотинлари билан мукофот олган Абдуқодирни табриклагани келишармиш.

Шундоқ одамлар қадам ранжида қилишади, дастурхон дурустроқ ясатилмаса бўлмайди.

Абдуқодир «Москвич» оламан деб йиғаётган омонат кассадаги пулидан пича қарз олдириб келди.

Директор билан бош инженер коньяк ичади, қолганларга ароқ, хотинларга шампанский, вино...

Оббо кассадан олгани ҳам урпоқ бўлмайди-ку. Яна палон сўм керак. Ҳа, айтганча, икки машинанинг шофёри ҳам бор.

Узоқ-яқин қариндошлар бу гаплардан ҳали беҳабар. Кейин эшитишади.

Анча кунгача зиёфат.

Абдуқодир хотинининг кўзига қараёлмайди. Бир уйда туриб, бирга меҳмон кутиб кўз кўзга тушмай бўладими?! Икковининг кўзи учрашиб қолди. Абдуқодир ҳасипга қийма тикаётган хотинига гуноҳқорона боқаркан, йиғламсираб деди:

– Жон хотин, чехрангни оч. Энди мукофот беришса олмайман, ўлай агар олмайман.

Хотин илжайди.

Бу Абдуқодир учун чинакамига мукофот эди.

ЕЛИМ

Ҳаммом ҳаммани янги туғилгандек бир хил яланғоч қилиб қўядиган жой экан. Сен катта, сен кичик, сен семиз, сен ориқ деб ўтирмай бай-байлатиб кўзингга совун суртиб юборар экан.

Бу гапларнинг маънисини Мусахон поччадан сўранг. У кишини танимассиз, эҳтимол: бўйи пастгина, қўллари калтагина одам. Ўзи шу яқин ўртадаги разъездлардан бирида буфетчилик қилади. Қиламан десанг, калта қўл билан ҳам анча иш қилиш мумкин экан. Кичкинагина буфетнинг орқасидан бола-чақа боқиб, орзу-ҳавас кўриб, участка тиклаб, келин тушириб, қиз чиқариб юрибди-ку, бундан ортиги кимга керак!

Хўш десангиз, Мусахон почча яқинда ҳаммомга тушган экан. Ечиниб иссиқ хонада мазза қилиб терлабди-да, совуқхонага кириб чўмила бошлабди. Боя айтдим-ку, қўллари калта деб. Кимнинг қўли узун, кимнинг қўли калталигини билмоқчи бўлсангиз, ҳаммомга тушинг. Мана, Мусахон поччанинг нималиги ҳам билиниб қолди. Чўмилаяпти-ку, орқасига совун тегмайди. Икки курагининг ораси мағзава бўлиб турибди. У тосни бошига кийиб, хоналарни айланиб чиқди. Таниш йўқ. Бир ўрта яшар киши Қорбобога ўхшаб кўпикка беланиб ўтирибди.

– Ҳой ука, – деди Мусахон почча, – орқамни ишқаб қўйсангиз-чи, барака топкур.

У киши бошидан сув куйиб ўрнидан турди. Мусахон почча энгашиб турди, у боплаб ишқаб қўйди. Шундан кейин Мусахон почча яна тосни бошига кийиб, индамай кетаверди. Ишқалаган киши пичинг қилди:

– Ҳо, мулла ака, раҳмат қани?

Мусахон почча дўнғиллади:

– Ҳар бир тўққиз пулли нарсага ҳам раҳмат айтаверсанг, бутун тирикчиликни йиғиштириб қўйиб, раҳматдан бўшамай қоласан. Шунга ҳам раҳматми?

Мусахон почча шундан кейин бошидан уч-тўрт тос сувни шар-шар тўкди-ю, кийингани чиқиб кетди. Ўша куни у атир совундек ялтираб, қип-қизил бўлиб автобусда разъездга чиқиб кетди-да, буфетни очди. Одам боласи яхши ювинса, тоза кийинса табиати равшан бўлади. Мусахон почча бугун бир гапириб ўн кулади. Назарида савдо ҳам яхши кетаётганга ўхшайди. Хуллас, Мусахон почча бугун димоғида энг камида етти-саккиз қўшиқни хиргойи қилиб, ишни тамом қилди. Тушган пуллариани санаб ҳамёнга уриб, кундаги одати бўйича кеч олтидаги скорий билан станцияга келиб пул топширди. Бухгалтер: «Почча, янги хўжайин билан танишиб чиқмай-сизми?» деб қолди.

– Танишамиз, танишамиз. Қуруқ кирсак бўлаверармикин? Бу галча шундоқ бўлиб турсин.

У шундай деб, лабида эрталабдан қолган табассум билан директор кабинетининг эшигини очди.

Очди-ю, остонадан на у ёққа, на бу ёққа ўтишини билмай туриб қолди.

– Келаверинг, келаверинг, бемалол, – деди директор.

Мусахон почча бўшашиб олдинга юрди. У тамом ўзини йўқотиб қўйган эди. Бу, директор, эрталаб ҳаммомда Мусахон поччанинг орқасини ишқаб қўйган киши эди. Директор ҳам уни таниди.

Мусахон почча қани нима бўларкин деб, индамай бошини эгиб тураверди. Охири директорнинг ўзидан садо чиқди:

– Сиз ҳам бизнинг системада ишлайсизми?

Бу нима дегани? Бу системага тўғри келмайсан дегани эмасми?

– Ҳа, энди, бола-чақанинг насибаси экан, қимирлаб турибмиз.

– Жуда соз, – деди директор салмоқлаб.

Мусахон поччанинг бўладигани бўлиб қолди. Беихтиёр чўнтагига қўл солиб, буфетнинг калитини ушлади:

– Жон ука, бир аҳмоқлик қилдим, кечиринг. Мени кувманг. Сиздек одамга шундай итлик қилдим, жазомни худо берсин.

Директор ҳайрон бўлди:

– Сиз менга нима ёмонлиқ қила қолгандингиз?

– Бугун эрталаб, эрталаб ҳаммомда орқамни ишқаб қўйгандингиз.

Директор кулиб юборди:

– Э, ўша киши сизмидингиз? Бутунлай эсимдан чиқиб кетган экан. Хўш, нима қилибди?

– Раҳмат айтиш эсимдан чиққан экан. Атайлаб шуни айтгани келдим. Қуллуқ, қуллуқ ука, мартабангиз бундан ҳам баланд бўлсин. Энди бизга жавобми?

Директорнинг энсаси қотиб «жавоб», деди. Мусахон почча орқаси билан юриб чиқиб кетди.

У чиқиб кетгандан сўнг директор котибани чақириб, бу одам келса иккинчи олдимга киритманг, деб тайинлади. Аммо Мусахон почча кун ора келиб котибанинг бай-байлашига қарамай кабинетга кирар, шундоқ мартабали одамга орқасини ишқалатгани учун узр айтиб кетишни канда қилмасди.

Охири директор безор бўлиб кетди. Қандоқ қилсин. Иложи йўқ. Бу тоифа одамлардан қочиб қутулмасанг, бошқа йўл билан қутулиб бўлармиди. Елим-ку, елим, улар.

ТОШ

Гапдан гап чиқиб, одамзоднинг пасткаши қанақа бўлишига бориб тақалди. Шунда бир киши салмоқлаб гапга аралашди.

– Раҳмонали деган бир ошнам бор эди. Ўзи умрида бирор жойда ёлчитиб ишламаган. Аммо ҳар ойда бир марта, почтачи қирқ икки сўму йигирма тийин опкелиб беради. Аввалига пенсия олса керак, деб ўйладик. Ундоқ десак, қайси ишни қотирганига пенсия олади. Ўзи унча қари ҳам эмас.

У пенсия олишидан бир ойча олдин бошига салла ўраб юрган эди. Бир пиёнистага худо инсоф берибди, деб хулоса қилгандик. Кейин билсак, у пенсия эмас алимент оларкан. Яна ҳамма ёқасини ушлади. Тавба, эркак одам қандоқ қилиб алимент олади?

Дунёда сир деган нарса бир кун очилмай қолмас экан. Раҳмонали ресторанда бир одам билан муштлашиб қопти. У одам жаҳл устида Раҳмоналининг қулоғидан чўзган экан, шир этиб йиртилиб кетибди. Салла ўраб юриши шундан экан. Хулласи, Раҳмонали қулоғини йиртган кишини судга берибди, суд Раҳмонали меҳнат қобилиятини йўқотган, деб у кишининг мойнасидан йигирма процентини икки йилга Раҳмоналига ҳукм қилиб берибди.

Раҳмонали ҳар ой алиментни еб, самоварларда кариллаб юрибди.

Бу гап қизиқ экан-ку, аммо бошқа биров янгисини айтиб берди.

– Шу ҳам пасткашлик бўптими. Манавуни эшитинг. Идорамизнинг бошлиғи нотоб бўлиб касалхонага тушиб қолди. Докторлар текширишса буйрагига тош келган экан. Операция қилиб олиб ташлашди. Бир бўлим мудиримиз бор, ўлгудек лаганбардор. Ўша одам касалхонага бориб буйракдан чиққан тошни эсдалик учун бошлиғимиздан сўраб олибди.

Ҳозир ҳам бўлим мудирини ўша тошни дастрўмолга тугиб, ёнида авайлаб олиб юрибди.

Улфатлардан бири гапга суқулди.

– Қодиржонов деган завхозимиз бор эди. Қизиқ бўлди. Уч-тўрт кунгача одамларга чап қўлини тутиб кўришиб юриди. Нима гап, қўлингиз оғрияптими, десак, индамайди, гап бор, дейди, холос. Бир кунини ўзи айтиб берди.

У бошқармаимизнинг бошлиғи Райимқулов билан кўришиб қолган экан. Шундоқ табаррук қўл теккан бармоқлар уч-тўрт кун роҳат қилсин, деб бировнинг қўлига тегизмай асраб юрган экан.

Ана шунақа пасткашликлардан анчагина гаплашиб ўтирдик. Менга энг таъсир қилгани шу бўлди:

Бир идоранинг бошлиғи фарзанд кўради. Бола туғилганига икки ойдан ошса ҳамки, унга ном қўйилмайди. Дадаси ҳар кунини министрнинг олдида бориб кабинетига киролмай қайтиб келади. Шу хил ўн кун қатнагандан кейин энди кирадиган бўлганда министр командировкага кетиб қолади. У командировкадан ўн кунда қайтиб келиб, отпусмага чиқиб кетади. Отпусмага чиққан кунининг эртасига бояги идора бошлиғи унинг уйига боради. Министр курортга кетиб қопти.

Идора бошлиғи уни бир ой кутади. Отпусмадан келганда ахири қабулига киради.

– Хўш хизмат? – дейди министр.

Идора бошлиғи тавозе билан эгилиб гап бошлайди.

– Худо бизга бир ўғил берди. Шунга ном қўймоқчи эдик. Мен Шавкатжон деб ном қўйишни ният қилдим. Кейин билсам ўғлингизнинг номи Шавкатжон экан. Шу ўғлингизнинг номини ўғлимга қўйсам майлими, деб келган эдим.

Министр ҳайрон бўлди. Дунёда нима кўп, Шавкат отли бола кўп. Қўйса қўявермайдими?

– Майли, – деди министр, – бемалол. Хоҳланг Шавкатбек, хоҳланг Шавкатали, хоҳланг Шавкатхўжа қўйинг, менга барибир.

Идора бошлиғи кўзига ёш олди.

– Йўқ, йўқ, Шавкатжон деб қўйишга рухсат беринг. Шундоқ бўлсин. Ўтиниб сўрайман.

– Боринг, ана, Шавкатжон бўлақолсин.

Идора бошлиғининг кўзлари шодликдан порлаб кетди. Дарров ўрнидан туриб қуллуқ қилди.

– Мартабалари бундан ҳам зиёда бўлсин. Бу яхшиликларини сира унутмайман. Болагинамнинг оти ўзларидан абадий эсдалик бўлиб қолади.

Идора бошлиғи уйга келса, болага Худойберган деб ном қўйишибди. Дадаси қилди тўпалон, қилди тўпалон.

– Ҳей, нима деб ўтирибсан. Бу номни министр қўйиб берган. Министрнинг буйруғини бекор қилишга ҳаққим йўқ.

Ҳозир болани онаси Худойберган деб, дадаси Шавкатжон деб чақиради. Бола Шавкатжон деса ҳам қарайди, Худойберган деса ҳам қарайди.

Ўйлаб қарасам, пасткашликнинг катта-кичиги бўлмас экан.

ДЎЛЛАРБОП ҲАНГОМАЛАР

Саксонинчи йилларнинг бошларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси оғир аҳволга тушиб қолганди. Ўша кезлари Солженицин ва унинг тарафдорлари адабиётни издан чиқариш учун ҳали «данаги қотмаган», тушуниб тушунмай фарбга сажда қиладиган ёшлар кўпайиб қолганди.

Оқсоқол ёзувчиларимиз маслаҳатлашиб ягона адабиёт газетамизни синалган, ишончли ёзувчилар қўлига топширадиган бўлишди.

«Шарқ Юлдузи» журналининг бош муҳаррири Асқад Мухтор билан «Литературная газета»нинг Ўрта Осиё бўйича муҳбири Одил Ёқубов «Адабиёт газетасига» ишга юборилди.

Энди газета тўрт саҳифа эмас, саккиз саҳифалик қилиб чиқариладиган бўлди.

Шундан бир ҳафта ўтиб газетанинг янги раҳбарлари Саид Аҳмадни чақириб, редакцияга ёрдам беришни сўрашди.

– Сенга унақа қилиб ёз, бунақа қилиб ёз, деб инжиқлик қилмаймиз, қанча кўп ёзсанг шунча яхши. Бўпти. Эрталаб сени зўр ҳажвлар билан кутамиз. Саидага айтаман, дайди ошналаринг билан кетиб қолмаслигинг учун эшикни қулфлаб қўяди.

Устоз ваъдасида туриб, эрталаб бир папка тўла ҳажвиялар билан кириб келди.

Ўқидик, маза қилиб ўқидик. Кула-кула ўқидик. Саид Аҳмад ўзига хос юмор билан чиройли нарсаларни ёзиб келганди.

Маслаҳат билан газетанинг юмор ва сатира бўлимига «Асартарошлик» деб ном берадиган бўлдик. Саид Аҳмадни «Бош уста» қилиб тайинладик.

Хулласи, икки кундан кейин саккиз бетли газетанинг охириги саҳифаси тўла «Асартарошлик» хабарлари билан босилиб чиқди. Бироқ, корректор Раҳмат ака Саид Аҳмаднинг номини ёзишни унутиб қўйишти.

«Хафа бўлманг, кейинги сонга ёзиб берадиган ҳажвларга «Боши газетамизнинг ўтган сониди, бу эса унинг давоми», деб чиқаришимизни айтиб, муаллифни юпатган бўлдик.

Бир соатга қолмай газета сотилиб бўлди. «Буни ким ёзган?» деб телефон устига телефон қилишарди. Редакцияга газета сўраб келадиганларнинг кети узилмасди. Алоҳида хонада навбатчи келганларга учта газетани ўқитиб қайтариб оларди. Вилоятлардан, туманлардан телефон қилишиб ким ёзганини, давоми қачон чиқишини сўрашарди.

Азиз ўқувчилар! Газета саҳифаларида пешма-пеш чоп этиб борилган, гоҳида муаллиф имзоси билан, гоҳида муаллифи ошкор этилмай ҳукмингизга ҳавола этилган, аслида Саид Аҳмад қаламига мансуб, ўзи митти, тоши оғир асарлардан баҳраманд бўлинг!

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

АСАРТАРОШЛИК

Бош уста, қимматли ва ҳимматли Саид Аҳмад!

Худованди таоло қудрати ила 43 даража иссиғ ва юракимизда аёз кезган чоғ, июлнинг аввалинда олтмиш тўрт қоғозлик аноним хат пўштага солуб эрдук, шул вақтгача оқшом

мактабининг дириктору ишдан кетмайдур. Кетмаса кетмасун-ким, гапнинг пўст калласи унда эмасдур. Биродарумиз Фойибийнинг горочистка базасининг еттинчи филиалинда зимистон залинда «ижодига» қирқ, бибисмилло таваллудига олтмиш йил тўлғонини нишонлангани мендай ўрта ёш анонимчи ҳасадини қўзғади.

Гоҳ ўнг қўл, гоҳ чап қўл, гоҳ заифаи ҳалолим номидин рақам этгон битикларим шу кунгача икки кундузги мактаб дириктору, завичи, замдирикурини тилдан қолдуриб эрди. Ўн тўрт кишини инфаркт, олти кишини юрак ўйноғи, уч ветеран муаллимни тутқаноқ, икки олимни васвас хасталиғига мустаҳиқ айлағанман. Локигин оқшом мактабининг дириктору Имонбердиюп ва завичи Тўхлиюпнинг бир тукини тўколмай қийналиб юрибдурмен. Оқшом мактаби талабалари обший дафтарнинг саҳифаларини сидирғасига тўлдирурлар. Яъни, барча фанларни ўша бир дафтарга аралаш-қуралаш битишиб, этик кўнжига солиб келадиурлар. Яна улар артистот олғонларига куяйму?

Фойибийнинг юбилейини хронико қилғонингиздин ҳасадим қўзиб, юзлаб вароқни қорайтурдим. Давомли ҳайрон қолишларкум, биронта аноним битигим текширилмаётир. Фаолият кўрсатиб, «ижод» этмакдаманким:

Қайнамас ўчоқда сув, устида қумгон бўлмаса,
Яйрамас кўнглим букун, дирикур гумдор бўлмаса.

Чиқмагон жондин умид. Меним йигирма йиллик хизматларимни ҳисобга олиб, қирқи кўғирмоч кўрмагон таваллудимнинг қирқ йиллигини нишонлатиб берсангиз.

*Дуои салом ила
ҲАСАДУЛЛО*

МАСЛАҲАТ БЕРИНГ

Ўртоқ редактир! Газетангизни ўқиб боряпман. Аввал охиридан бошлайман. «Асаргарошлик» деган оделингизда тузик-тузик гаплар ёзиляпти. Аммо, шахсан менга Саид Аҳмад деган муаллифнинг чиқиши маъқул эмас. Бошим ғалвада қолди. Исми-шарифим Саид Аҳмедов. Баъзи ўртоқлар бу одам —

сенсан, деб ҳоли-жонимга қўймайди. Ёзиб туришимни билишади-да. Яқинда раис чақириб қолди. «Нега танқид ёзясан?» деди. Мен эмас, дедим. «Мен Саид Аҳмад деган ёзувчини танийман, — деди раис. — Бир ошнам китобини совға қилган эди туғилган кунимда. Хотинимнинг жаҳли чиқди, шуям совғами, деди. Варақлаб кўрдим «Упиқ» рўмани экан. Ҳа, сен бола бошимни айлантирма, Саид Аҳмад майда-чуйда нарсалар ёзмайди. Иппеялар ёзади. Сен эса айбни Саид Аҳмадга тўнкаясан».

Нима ҳам дердим?! Бош эгиб туравердик, катта одам-да. Ишдан бўшатворса... Э, худо сақласин, туфф, туфф. Касбим — қоровулчилик. Икки исминда ишлаймиз. Хотин ёз пайтлари далада повурлик қилади. Лекин бир йилга полнисти ҳақ олади. Бўшатворса, ана шулардан маҳрум бўламиз. Раис билан келишилган. Томорқасида ишлаб тураман-да. Мол-ҳолига ҳам қарашамиз.

Бекор қолган пайтларим илҳом париси бошга қўниб қолади. Поима, дoston ёзиб, қоғоз қоралаб қўямиз. Район газитида чиққан. Кичкина бўп чиққан. Бир укамиз бор. Фиш-пиш, тахта-махта бериб тураман. Шу укамиз «Ёза-веринг, Саид ака, талантингиз бор. Кўпроқ ўқинг, изланинг», дейди. Маслаҳат беринг. Раисга «ёзмайман» деб қасам ичайми ёки бўлмаса газитингиздаги Саид Аҳмад бошқа ишга ўтадимми?

*Дуои салом билан:
Саид АҲМЕДОВ*

УСТАХОНАДА АЙТИЛГАН ЛАТИФАЛАРДАН

Озиқ-овқат дўконининг сотувчиси харидорга қайтимини бермаган эди, харидор норозилик билдирди.

— Биродар, ўтгиз беш тийин қайтимини бермадингиз-ку.

— Э, кечирасиз, эсим пастроқ, баъзан шунақа адашиб кетаман.

— Эсингиз паст бўлса нега ортиқча бериб юбормайсиз?

— Ортиқча берадиган бўлсам сопсем жинни бўлиб қоламан-да.

* * *

Устахонага чамадон кўтарган бир одам соқол олдиргани кирди.

– Ўзлари нима иш қиладилар, меҳмон? – деди бош уста.

– Географиядан дарс бераман.

– Жуда соз, – деди уста. – Йўл бўлсин, қаёққа кетяпсиз?

– Бир Москвалани айланиб, ўшанақаси Наманганга ҳам ўтиб келмоқчиман.

* * *

Оғзидаги ҳамма тишларини қурт еган бир бемор тиш докторига келди. Доктор тишларини кўраркан, сўради.

– Бемор, қаерда ишлайсиз?

– Умрим бино бўлиб бирон жойда ишламаганман.

Доктор тишларини суғуриб ташлади.

– Ия, ия, – деди бемор. – Ўзи бешта тиш қолган эди, уларни ҳам олиб ташладингиз-ку.

– Хафа бўлманг. Энди сизга тишнинг кераги йўқ. Энди ишламаган тишламайди.

* * *

Бир маст ҳайвонот боғидаги бўри қамалган қафасга ёпишиб йиғлар эди.

– Тоғажон, қамалганингизни яқинда эшитдим, вақтида хабар ололмагани учун нодон жиянингизни кечиринг.

Унинг бу хил фарёд уришига ҳайрон бўлиб қараб турган томошабинларга бир одам тушунтирарди.

– Бу боланинг тоғаси қўй фермасининг мудури эди. Бир юз саксон қўйни гумдон қилгани учун қамалган. Бу бола бўрини тоғам, деб ўйляпти.

* * *

Бир одамга гўшт керак бўлиб бозорга борди.

– Менга икки кило сон гўшти керак эди.

– Мана сон гўшти, марҳамат, – деди сотувчи.

– И, бу сон гўшти эмас, қовурға-ку.
– Э, омон бўлинг, ака, сон гўшти деб шуни айтади-да.
Ахир, бунини шу бугун эрталаб гўшт комбинатидан сонга бойлаб олиб чиққанмиз.

ЧОРА КЎРИЛДИ

Ўтган галги «Асартарошлик» саҳифасида корректор айби билан газетага мутлақо алоқаси йўқ мақола босилиб қолгани сабабли корректор Раҳмат ака жазо тариқасида Ялтага жўнатиб юборилган эди.

Шундай оғир жазога дучор бўлганига қарамай корректор Раҳмат ака яна кечириб бўлмас хатога йўл қўйди. Худди ўша ўзи хато қилган «Асартарошлик» саҳифасида Саид Аҳмаднинг номини (бу саҳифадаги ҳамма материалларни Саид Аҳмад ёзган эди) атайлаб тушириб қолдирган.

Устахона маъмурияти корректор Раҳмат акани яна жазолади. У Ялтадан қайтиб келиши билан тагин бир ойлик жазо муддатини Сочи курортида ўтказишга ҳукм қилинди.

У яна хатога йўл қўяр экан, тўғридан-тўғри Кисловодск курортига махсус кузатувчи билан жўнатиб юборилади.

Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ!

Кўзингни оч, Раҳмат ака!

Кеча Раҳмат акани Сочига кузатиб қўйиш маросими бўлди. Шу муносабат билан аэропорт буфетида бош уста С. А. нонушта зиёфат берди.

– Мен, – деди Раҳмат ака ўз жавоб нутқида, – кечагина жазо муддатини Ялтада, Қора денгизнинг у қирғоғида ўтказган эдим, энди бу қирғоғида ўтказишга мажбурман. Начора!

Тақдир ана шундай шафқатсиздир. Энди олдимда бирдан бир йўл қолди. У ҳам бўлса Қора денгизнинг асов тўлқинларига тикилиб, ўз хатоларимни обдон ўйлашим, ўз қилмишларимни муҳокама қилишим керак. Шуни яхши билингки, ҳали олдимда қанчадан-қанча машаққатли йўллар бор. Рица кўли, Ботуми саёҳати, Новий Афон ғорига бориш мен каби «жазоланганлар» учун катта ибрат мактабини ўташи керак. Фақат чидам ва яна чидам керак.

Бутун иродамни жамлаб, бу жазоларга чидайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

ТУЛКИ ВА ҚУЁН

Оператив масала

Шалпанг қулоқ қуён Тулкининг чорбоғидан ҳар куни сабзи ўғирларди.

Тулки қанчалик пойламасин, барибир қуённи қўлга туширолмасди. Кунлардан бир кун Тулки ишхонасидан уйда тушлик қилгани келганда иттифоқо Қуённинг сабзи ўғирлаётгани устидан чиқиб қолди.

Битта барг шитирласа қулоғини динг қиладиган Қуён оёқ шарпасини эшитиб, урра қочди. Тулки қувлади. У етай деб қолганда Қуён йўлда ётган газ трубази ичига кириб кетди. Тулки ҳам трубага бошини суқиб, кирмоқчи бўлди. Аммо белигача қувурга кирганда гавдаси тиқилиб қолди.

Қуён трубанинг нариги учидан чиқиб қараса, Тулки тиқилиб ётибди. Ҳа, ана энди қасдимни оламан сен айёр Тулкидан, дедию кела солиб бор кучи билан Тулкининг орқасига бир тепди. Трубанинг нарёғидан худди карнай чалгандек Тулкининг додлагани эшитилди. Қуён бундоқ қараса, Тулки уриниб, трубадан тисарилиб чиқяпти. Яна қочди. Тулки қувлашини қўймади. Орқаси қаттиқ зарб еган Тулки энди унчалик қувлаёлмасди.

Қуён дарё бўйига келса, бир одам кийим-бошини бу қирғоқда қолдириб, нариги қирғоққа қараб сузиб кетяпти. Костюм, шляпа, кўзойнаклари уюб қўйилган жойда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ҳам бор эди.

Қуён костюмни елкасига ташлади. Бошига шляпани бостириб кийиб, кўзойнакни тақди. Узоқдан ҳаллослаб келаётган тулкини кўриши билан газетанинг саккизинчи саҳифасини ўқиётгандек ўтираверди.

Етиб келган Тулки ундан сўради:

– Шу ердан битта Қуён ўтмадими?

– Қайси Қуён? – деди у бошини кўтармай. – Тулкининг орқасига бошлаб бир тепган Қуёнми?

Тулки ҳанг-манг бўлиб қолди.

– Орқамнинг оғригани ҳали босилмай газетада чиқибдими?

дИММАТЛИ ТАШАББУС

Район марказидаги маданият уйининг клубида ёзувчи Мадорий билан ижодий учрашув бўлди.

Учрашувда Мадорий сўзга чиқиб, бундан буён китоб ёзмасликка ва умуман адабиётга аралашмасликка сўз берди.

Учрашув қатнашчилари унинг бу нутқи ва мажбуриятини қизғин ҳамда гулдурос қарсақлар билан кутиб олдилар.

Сўзга чиққан китобхонлар Мадорийнинг бу ташаббуси адабиётимиз ривожига жуда катта таъсир кўрсатишини таъкидладилар.

Учрашув охирида китобхонлар Мадорийнинг китобларига дастхатлар ёзиб, авторнинг ўзига қайтариб бердилар.

КИТОБХОННИНГ САЛОМАТЛИГИ

Марфилонлик китобхон Турдивой Алиқулов маҳалла меҳнаткашларига ёзувчи Абдурайим Наимнинг романини ўқиб чиқишга сўз берган эди. У ваъдасининг устидан чиқди. Икки кечаю тўрт кунда романни ўқиб бўлди.

Турдивой Алиқуловнинг соғлиғи бирмунча яхши. Томир уриши нормаллашмоқда. Қон қуйиш ва укол қилиш давом этмоқда. Кўзини очиб одам танийдиган бўлиб қолди. Мутахассис медикларнинг фикрича, Алиқулов тирик қолиши мумкин.

ПРЕМЬЕРА

Шаҳар театрида драматург Меҳмоновнинг «Жононим менинг» деган музыкали драмаси премьераси бўлиб ўтди.

Муҳокама мажлисида сўзга чиққан томошабинлар қизғин баҳсга киришдилар. Улар театрнинг ижодий коллективи ва драматургни театр фойесида ташкил қилинган янги буфет билан қизғин табрикладилар.

Сўзга чиққанлар буфетчи Ойша холанинг хушмуомалиги, сотилаётган моллар асортименти ниҳоятда рангбаранглигини алоҳида қайд қилдилар. Шунга қарамасдан, театрнинг ижодий коллективи буфетни янада яхшилаш,

сомса, чучвара, қатлама каби миллий таомлар хилини кўпайтириш, кўк чойни стаканда эмас, чойнакка дамлаш имкониятига эга эканини алоҳида уқдириб ўтдилар.

Меҳмононов томошабинларга миннатдорчилик билдирди.

ЧЕМПИОН КИТОБ

Кеча китобсеварлар жамияти район бўлимининг ташаббуси билан марказдаги китоб дўконида шоир Найзоний билан учрашув бўлиб ўтди.

Китоб савдоси ходимлари Найзонийни гулдасталар билан кутиб олдилар. Дўкон мудури Қайсаров ўз нутқида Найзоний ёзган китобларнинг босиб ўтган йўли ҳақида батафсил гапириб берди.

– Ўртоқлар, азиз китоб савдоси ходимлари, – деди у ўз нутқида. – Бугун биз, шу топда оддий бир шоир билан эмас, рекордчи шоир билан юзма-юз келиб турибмиз. Бу биз учун шараф. Чунки, ҳурматли шоиримиз Найзоний шоирлар ичида ўзига хос рекорд қўйган чемпиондир. У кишининг ёзган китоблари биз учун ниҳоятда қадрли. Мисолларга мурожаат қиламан. Бундан ўн тўрт йил олдин пенсияга чиқиб кетган китоб савдоси аълочиси Қодир отанинг муборак қўллари теккан «Ашъорим» китоби ҳали ҳам прилавкамиз пештахтасида ярқираб турипти. Бу «Ашъорим» тўпламини у киши ўн бир йил кўзларининг қорасидек сақлаган эдилар. Мана шу китоб бугунги кунда йигирма беш йилдан бери дўкон жавонини безаб турипти. Ҳурматли Найзоний, бу йил «Ашъорим» китобингиз дўконимизга келганига йигирма беш йил тўлишини юбилей қилиб нишонлаш ниятидамиз.

Дўкон аҳли бу маърузани гулдурос қарсақлар билан кутиб олди.

Дўкон месткоми юбилейга тайёргарлик ҳақида батафсил ахборот берди.

Учрашув охирида Найзоний янги шеърларидан ўқиб берди ва яқин орада «Ашъорим»дан ҳам зўр янги китоби чиқаётганини гурур билан хабар қилди.

ЭЪЛОН

Устахонада кимдир қўлёзмасини унутиб қолдирибди. Қўлёзма қирқ варақдан иборат. Яхши оқ қоғозга ёзилган. Авторнинг номи кўрсатилмаган. Ҳикояга «Жононим менинг» деб сарлавҳа қўйилган. Ташлаб юборай десам эгаси бир куни келиб даъво қилиши мумкин. Соқол олдиргани келган клиентларимга эрмак бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб турипти. Ҳар бир саҳифаси «Шуни ёзганнинг қўли синсин», «Дидинг курсин», «Шу ҳам ҳикоя бўлдими», «Танқидчилар, қаёққа қараб ўтирибсизлар», «Каллангга келганини ёзаверасанми?» деган ёзувларга тўлиб кетаяпти.

Агарда эгаси апрелнинг ўн бешинчи числосигача уялмай келиб олиб кетмаса, қўлёзмани қулуфнайфурушларга бериб юбораман.

*Адрес: Саккизинчи саҳифа,
Асартарошлик дўкони*

КОИНОТ ВА ОДАМЛАР

(XX аср четрлогияси)

Тўртинчи китоб

1 бўлим

Кимёхоннинг ой-куни яқин эди. Аммо Салимжон бундан беҳабар ва хабарсиз эди. У эрта билан юз-қўлини ювиб, кейин сочиққа артар, нонуштада эзилиб қулт-култ кўк чой ичарди. У ҳар гал чой ҳўплаганда кекирдаги бир дона ёнғоқ солинган халтадек ликиллаб турарди.

Кимёхон ўйларди: бола шунга ўхшаса, унинг ҳам кекирдаги ликиллайдиган бўлармикин? У шундай деб ўйлардию, аслида боланинг унга ўхшамаслигига ишонарди. Бунинг учун унда етарли асос (бир неча асослар) бор эди.

«Оҳ, Шобаротжон» деб энтикди Кимёхон ичида.

– Бир нима дедингми, хотин? – деди Салимжон оғзидаги чойни ғарғара қилиб.

Кимёхон хаёлдан уйғониб кетди. Қаршисида Шобарот эмас, Салимжон турганини кўриб, бир дам довдиради, кейин ўзини ўнглаб олди.

– Вой дадаси-ей, жуда ёшариб кетибсизми?!

Салимжон ёйилиб-силкиниб кулди. Силкинганида кекир-дагидаги ёнғоқ галстугининг тугунига тегди.

Оддий, ҳаётий, куёш чарақлаган ёзнинг жиддий бир куни ана шундай бошланган эди.

Ким билади, бу кун эр хотинига нималар ваъда қиларкин...

Ҳамма гап шунда...

(Боши ўтган сонларда. Давоми биронта келгуси сонларда босилиб қолар).

С. АЗОНОВ БАЁНОТИ

Ўтган галги саккизинчи саҳифада босилган интервьюни фақат сиз учун берганман. Аммо чет эл матбуотида интервьюни қайта-қайта кўчириб, гоҳо сохталаштириб боса бошлаганларидан ташвишланмоқдаман.

Жумладан «Вов-вов» газетасида айтилишича, мен гўё буюклигимни яшираётган эмишман. Бу фикрни гарбда чиқадиған «Де тентак» газетаси ҳам қувватлагандек бўлади. Жаноблар, шуни яхши билиб қўйсинларки, мен ҳеч қачон буюклигимни яширмаганман. Буюк эдим, буюкман ва буюклигимча қоламан.

«Коинот ва Одамлар» трилогиямни бундан кейин менинг рухсатимсиз чет эл нашриётларининг босиб чиқаришларини қатъий қоралайман. Акс ҳолда, трилогиямни чертлогия қилиб, уларнинг астар пахтасини ағдариб ташлайман.

Чет эл нашрларини кузатиб бориш масъулиятини бош уста С.Аҳмадуллога юкладим.

Беқиёс камтар, чидаб бўлмас даражада буюк, афсонавий хокисор.

С. АЗОНОВ

XX АСР ТРИЛОГИЯСИ МУҲОКАМАДА

Чексиз камтар ёзувчи С. Азоновнинг «Коинот ва Одамлар» трилогияси эълон қилинганидан буён бош уста номига минглаб миннатдорлик хатлари кела бошлади. Тўғри, хатларнинг ҳаммаси ҳам бир хил савияда эмас. Ҳатто асарнинг жузъий нуқсонлари танқид қилинган хатлар ҳам бор. Аммо буюк

ёзувчининг обрўсини сақлаш учун танқидий хатлар архивга топшириб юборилди. Ва фақат мақтаган хатларгина эълон қилинадиган бўлди. Бу тўғрида ўртоқ С. Азонов билан келишиб олинган.

ҲАЁТИЙ АСАР

«Коинот ва Одамлар»ни ўринбосаримга ўқитдим. Ўринбосарим Абдужаббор Назаров менинг хат ва нутқларимни ёзиб берадиган мулло йигит. Ҳар қандай катта китобни ҳам, агар топшириқ бўлса, икки-уч кунда ўқиб ташлайдиган азаматлардан. Азбаройи ишонганимдан, «Коинот ва Одамлар»ни ўқишни унга топширдим. Ойлиги сақланган ҳолда уч кун ишга чиқмаслиги қайд қилинган буйруққа имзо чекдим. Натижа ёмон бўлмади.

Шу уч кун ичида у ҳам трилогияни ўқиди, ҳам саккиз сотих огоротимни чопиқ қилди.

Кўл остимда ишлайдиган ходимларнинг маданий савиясини ошириш учун навбатма-навбат уч кундан, ойлиги сақланган ҳолда ишдан озод қиламан. Чунки боғдаги ўрикларим фарқ пишган, қоқиб туршак солиш керак, Қорадарё бўйига эккан шолিপоям ўтоқ қилинмай ётибди...

Хуллас, ўртоқ С. Азоновнинг китоби менинг ҳаётимда катта роль ўйнамоқда. XX аср трилогияси ҳаётий асардир.

САВОЛ-ЖАВОБ

С а в о л : Радио орқали тез-тез «Бу кўзларни қайдан олгансиз?» деган ашула эшиттирилади. Сиз шу масалага қандай қарайсиз?

Ж а в о б : Милиция органлари бу масала билан шуғулланаяпти. Яқин орада «Бу кўзларни қайдан олгани» маълум қилинади ва олган шахс жавобгарликка тортилади.

* * *

С а в о л : Янги ёзаётган шеъримнинг биринчи-иккинчи сатрида ориқни ёриққа қофия қилдим. Тўртинчи сатрига ориқни қофия қилсам бўладими?

Жавоб: Асло ундай қила кўрманг. Ариққа сув келиб қолса олдинги иккита қофиянгизни ҳам оқизиб кетади.

КОИНОТ ВА ОДАМЛАР

(XX аср трилогияси)

Иккинчи китоб

Салимжон бошга кийиладиган дўппини севиб яхши кўрарди. У ўзининг хотин рафиқасига қайта-қайта такрор гапириб сўзларди.

— Мен бу тубитейка дўппини угловойнинг бурчагидаги дўкон магазиндан 12 с. 60 т. га харид қилиб сотиб олганман. Дўст елкадан юқоридаги бошга, душман тиззадан пастдаги оёққа қарайди. Буни тушуниб билиш керак.

Кимёхон гўзал чиройли жувон хотин. У турмуш ўртоғи, эрига икки кўзи тепасидаги қошларини кериб кулиб, илжайиб табассум қилишга чоғланиб турганда радиодан мунгли, ғамгин ва юрак қалбни титратиб тебратадиган кўшиқ ашула янграб жаранглади.

Кел, деди, келгин деди,
Борсам ўзи жонон экан...

Бу кўшиқ ҳар икковининг ҳам хаёл ўйларини олис узоқларга олиб кетганди. Шунда бирдан ногихон кутилмаганда тасодифан эшик тарақлаб очилди ва пойгак остонада даҳшатли...

(Боши ўтган сонда. Давоми келгуси биронта сонда босилар.)

БАДИЙ ТИЛИМИЗНИНГ ЗАРГАРИ

...Ва ниҳоят, адабий оламимизда бенуқсон асар яратилди. Биз уни йиллаб кутдик. Сабру қаноат билан кутдик. Аммо бундай оламшумул асарни ким ёзади, қачон ёзади — билолмасдик. Менинг назаримда, мабодо бу асар бундан ўттиз йил кейин ёзилса, XX аср адабий ҳаёти кемтик бўлиб қоларди ва бу оламшумул асар XXI аср ҳисобига ўтиб кетарди. Аввало мен «Коинот ва Одамлар» билан асрдош бўлганимдан фахрланаман.

Баъзи адабиётшунос ўртоқларнинг фикрларига қатъий равишда қўшилмайман. Кўп мақолаларда бу асар гуманный асар дейилади. Бу мутлақо нотўғри. Гумон қилишга сира асос йўқ. Аксинча, мен ўша адабиётшуносларнинг ўзларини саводсизликда айблайман. Гуман эмас, гумон дейиш керак.

Ўртоқ С. Азонов тилни заргардек ишлайди, рассомдек аниқ бўёқларда, бастакордек сержило оҳангларда ишлайди. Очиғини айтсам, у архитекторлардек манзарани аниқ чизади. Масалан: «Тўртбурчак уй тепасидаги том орқасидан дум-думалоқ круглий офтобнинг қуёши чиқиб келарди...» дейди.

Қаранг, нақадар аниқ, тиниқ, рост манзара!

Ушбу китобдан саккиз дона сотиб олдим, бир кунимга яраб қолар...

Бадиий тилимизнинг заргари бўлмиш С. Азоновга чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

*К. РАҲМОНИЙ,
Санэпидемия станциясининг
сичқондори цехи мастери*

* * *

«Коинот ва Одамлар»ни йиғлаб-йиғлаб ўқидим. Чунки асарда номи зикр этилган Кимёхон бизга девор дармиён қўшнидир. Муаллипнинг таъкидлашича, у аёл киши бўлишидан ташқари чиройли жувон хотин экани алоҳида айтиб ўтилган. Унинг жондан азиз эри Салимжон почча гўшт кўмбинотида думба ёғ, гўшт каби арзимас нарсаларни сонларига боғлаб, қази учун ёғли ичакларни белбоғ қилиб чиқардилар. Худодан бўлдими, бандасидан бўлдими, ё чақувдан бўлдими — иштони тўла гўшт-ёғ, қора жигар, филнинг қорнидан беш марта айлантириб бойласа бўладиган ичак билан бир прастой ахрайнийни қўлига тушиб қолса бўладими. У қўйдек «ёввош» одам эди (яхшилаб қарасангиз чиндан ҳам қўйга ўхшарди). Кимёхон ахрайнийни қарғаб-қарғаб, қорнига бойлаган карт думба билан қора жигарни диркиллашиб кўчага чиқиб кетди.

Ахрайний бечоранинг қорнида боласи бор экан, қарғишга қолдим деб уни бундан буёқ тинтув қилмай ўтқазиб юбора-

диган бўлди. Салимжон почча уч йил «бекордан бекорга» азоб чекиб икки юзи қип-қизил бўлиб турмадан чиқиб келди.

БЕКАТ НАЗОРАТЧИСИ

«Дам олиш бекати»да спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, бедана уриштириш, карта ўйнаш каби қилиқлар қатъиян ман қилинганига қарамай, бекатимизга келган баъзи шоирлар бемаза шеърлар, баъзи ўқувчилар саёз ҳикояларини шу ерда ёзадиган бўлиб қолишди. Бекатимизда бундай ножўя ишлар такрорланмаслиги учун «БЕКАТ НАЗОРАТЧИСИ» постини ташкил қилдик.

Бекат назоратчисига халтурачи шоирлардан қаламини олиб қўйиш, отарчи ҳофизларга сурма ичириш каби жуда масъулиятли вазифа юклатилган.

Назоратчи ҳар гал кўрган чораси ҳақида бош уста Саид Аҳмадуллога ёзма равишда ахборот бериб туради.

БЕКАТ НАЗОРАТЧИСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Кеча оқшом дам олиш бекатининг орқа томонида бир чолни етаклаган олтмиш ёшлардаги киши қўлга тушди. Бекат назоратининг инспекторлари тергов қилганда ҳам, тинтиганда ҳам олтмиш ёшлар чамасидаги кишининг ёнидан бош уста С. Аҳмадулло ва буюк ёзувчи С. Азонов номига ёзилган шахсий хат топилди. Хатда шундай дейилган эди:

«Хурматли С. Аҳмадулло ва С. Азонов, сизлар мени танимасангизлар ҳам, мен сизларни яхши танийман. Бош уста неча марталаб соқолимни олган, С. Азоновнинг оламшумул китобларини ўқиганман. Сизлардан бир илтимос. Шу мактубни олиб борувчи поччамизга мурувват қилсангизлар. Жиянимизни филология факультетига ўқишга жойлаб қўйсангизлар. Хизмат ҳақи нақд. Поччамиз белларига тугиб олганлар. Яна қанча керак бўлса мана, мен бераман...»

Бош уста билан буюк камтар С. Азонов хат ёзган кишини танишмади. Хат топширган кишидан: «Ўғлингиз қани?» деб сўралганда ёнидаги чолни кўрсатиб, «Мана» деди. Бош уста унинг соқолларини олганда ўн саккиз яшар бола экани аниқланди.

Ҳозир йигитча ПТУга ўқишга киришга тайёрланмоқда. Отаси ўн беш суткани тугатай деб қолди. Хат ёзган тоғаси месткомда муҳокама қилиниб, пўстаги қоқилди.

ҲАЯЖОНИМНИ ЯШИРОЛМАЙМАН

Биз шундай бир даврда яшаяпмизки, янгилик эскилик устидан ғалаба қилмоқда. Эскилик мағлуб. Янгилик ғолиб.

«Коинот ва Одамлар»ни ўқиганимда мана шу давр нафаси димоғимга гуркираб урилди.

Асар қаҳрамонларининг номлари мана шу давр шиддатига мослаб қўйилган.

Ҳаммага маълумки, химия ва физика ҳозирги замон фанида авангард ролини ўтамоқда. Инсонни кўсмўсга олиб чиққан — физика. Уни чексиз фазода саломат сақлаган — химия.

Модомики шундай экан, четрлогияни ўқиш процессида Кимёхон образи орқали химияни тушуниб, ҳис қилиб турамыз. Салимжон ўз номи билан ўтмиш вакили эканини бир дақиқа бўлсин унутмаймиз.

Мана шу икки омил ўртасида кураш кескинлашгандан кескинлашиб, охири китобхонда Кимёхонга симпатия пайдо бўла бошлайди.

«Коинот ва Одамлар» менинг энг сеvimли китобим бўлиб қолди.

Лимторг лимонад цехининг лаборанти

НУҚСОНЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

«Коинот ва Одамлар» асосан менга маъқул. Ундаги ижобий пазилатларни инкор қилолмайман. Ўзим пилолог бўлганим учун асарнинг танқидчилар назаридан финхон қолган томонларини у ёки бу усулда айтиб ўтмоқчиман.

Ҳаммага маълумки, биз ўқийдиган газетани баъзилар газет дейди. Бу нотўғри. Ўртоқ С. Азонов ҳам газетхон деб ёзган. Аслида **газетахон** деб ёзиши керак эди (*курсив бизники*). Ундан ташқари, асар қаҳрамонларидан бирининг номини Кимёхон деб ёзган. Уни **Химияхон** деб ёзиши керак эди (*бу курсив ҳам бизники*). Асарда шундай жумла бор. «**Кимёхон паркет полда сирпаниб кетай деди**».

Паркет сўзига эътибор қилинг. Географиядан хабардор ҳар бир китобхон Тошкент областидаги Паркент районини яхши билади. Аммо ўртоқ С. Азоновнинг Паркентни тўғри ёзолмаганига ҳайронман.

Агар четрлогия юқоридаги каби нуқсонлардан тозаланса ниҳоятда яхши асар бўлишига имоним комил.

*М. НАСР,
психология панлари кандидати*

ҚЎЙ ТЕРИСИДАГИ БЎРИ ПОШ ҚИЛИНДИ

Фавкулудда қақирилган йиғилиш қароридан

КЎФИЯ

Шу йилнинг 28, 29, 30, 31-чи февраль иш кунлари қақирилган шошилиш-фавкулудда йиқилишда ташкилий масала ҳам кўрилди. С. Азоновнинг саводсизлиги тўла ва мутлақо пош қилинди. У вазифасидан бўшатилиб бошланғич мактабга қайта ўқиш учун жўнатиб юборилди.

Қарор аслига тўғри деп

Секретар-котиба Мужгоной Кифрикова.

Пилалогика панлари номзоти

*С. Тухумхўжаев, Чучвара сеҳининг
бош музлатувчиси. Халқ артисти
Ёқуб Аҳматовнинг қўшниси*

РАПОРТ

«Асартарошлик» дўконимизда ремонт тугади. Дўкон қайта жиҳозланди. Устахона четдан, яъни Қўқон, Ўратепа, Каттақўрғон, Шофиркон каби шаҳарлардан олиб келинган устара-қайроқлар билан бойитилди.

Ҳангома зали қайта жиҳозланиб, кўрғазмали плакатлар осилди.

БОШ УСТА

Илтимос, устахона олдида очилган кино залида «Бошсиз одам» бадийий фильми кўрсатилмасин.

ЯХШИ ТАШАББУС

Кейинги пайтларда мўйқалам усталари ўз ижодларини кенг омма ўртасида намойиш қилишни бир анъанага айлантирдилар. Улар яратган асарларини жамоат жойларида санъат мухлислари назаридан ўтказиш бошладилар.

Яқинда мўйқалам устаси, ҳали хизмат кўрсатмаган санъат арбоби рассом Н.Маллабоевнинг ижодий командировкадан қайтиши муносабати билан арқон тўқувчилар маданият уйида кўргазма очилди.

Шуниси диққатга сазоворки, томошабинлар асарни яхши тушунишлари учун ҳар бир картина олдида жонли прототиплар туради.

Масалан, натюрморт олдида ошқовоқ, нок, икки бош узум қўйилган. Томошабин бу нарсаларга қараб, асарда нима акс эттирилганлигини аниқ билади.

Айниқса, рассомнинг «Сут соғувчи аёл» картинаси олдида битта сизир бойланган бўлиб, полда сут тўла челақ ҳамда оқ халат кийган аёлнинг туриши асарнинг ҳаётийлигини таъминлаган.

Экскурсовод сувратлардаги акс эттирилган нарсаларни аниқ қилиб, бу — одам, бу — товуқ, бу — эчки, бу — шашлик, деб тушунтириши томошабинларга қулайлик туғдирмоқда.

Эскратма: Кўргазмага ўн олти ёшга тўлмаган ёшларнинг киритилмаслиги тарбиявий аҳамиятга эгадир.

ХРОНИКА

Анонимчи ижодкор Фойибийнинг олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан тантанали кеча бўлиб ўтди.

Юбилей кечаси горочистка базасининг еттинчи филиалида тўла қоронғи залда нишонланди. Минбарга тимирскиланиб чиққан докладчи юбилярнинг босиб ўтган йўли ҳамда «ижодий» фаолияти тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди.

— Азиз ҳамкасблар, биродаримиз, ветеран анонимчи Фойибий ўз меҳнат фаолиятини бундан қирқ йил олдин бошлади. Шундай қилиб, унинг туғилганига олтмиш йил, аноним ёза бошлаганига қирқ йил тўлди, десам хато қилмаган бўламан.

Шон-шарафларга тўлган шу қирқ йил ичида статистик маълумотларга қараганда, унинг фаолияти билан етмиш бир киши инфаркт, ўттиз олти киши юрак ўйноғи, етти киши тутқаноқ дардига йўлиқди. Саккиз киши ўлди. Йигирма киши ишдан бўшатилади. Ўттиз бир киши ҳайфсан олди. Ўн икки киши жиноий жавобгарликка тортилиб у ёққа кетди.

Ишламаган одам хато қилмайди, деган гапга қўшиламан. Ғойибий ишлади. Ҳалол ишлади. Шунинг учун ҳам баъзи хатоларга йўл қўйди. Юз саксон юмалоқ хати тасдиқланмади. Бу, албатта, унинг минус томонидир.

Азиз, дўстим, бугун шу ерга тўпланган ҳамкасб дўстларинг номидан, шахсан ўз номимдан сени олтимиш ёшинг билан қутлайман, ҳамма юмалоқ ишларингга каттадан-катта юмалоқ муваффақиятлар тилайман.

Тўғри, сен пенсия олишдан бош тортдинг. Бу ҳам сенинг ўз ишингга садоқатинг зўрлигини билдиради. Пенсия дафтарчасида сувратинг бўлиши керак. Биз анонимчилар ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ўз нусхамизни кўрсатмаймиз. Шу муносабат билан мен сиз азиз анонимчилар номидан юқори ташкилотларга бир таклиф билан мурожаат қилмоқчиман. Бизнинг пенсия дафтарчамиз сувратсиз бўлишини талаб қиламиз.

Докладчи давомли қарсақлар остида тимирскиланиб минбардан тушди.

Сўзга чиққан анонимчилар Ғойибийга турли совға-саломлар топширдилар.

Кеча охирида «Кўринмас киши» бадий фильми намойиш қилинди.

АСАРТАРОШЛИК ПОЧТАСИДАН

Бош едактой ўйинбосайига!

Ихтиёйингизга бий епойтаж ёзиб юбойдим. «Асайтаёшлик» юбийкаси остида босиб, юбойсангиз, хуйсанд бўлайдим.

Машинкамда бий дона энг заюй хайиф йўқлигига узий сўйман.

«Меҳнат-ёҳат» колхозининг илғой мажажўхойкойлайи ошийилган мажбуйият ҳисобидан ойтиқча қийиқ тонна мажажўхойи ғаямладилай.

Яйимбой Асқаев, Юстам Нойматов, Ёҳатой Яйимбейганава сингайи фидокойлай кахябо дон уюғи жамғайишда ҳам юқойи кўйсаткичлайга эйишмоқдалай.

*Яҳим ЙЎЗИЕВ,
Суйхандайё области,
Сайиосиё яйони*

* * *

Хурматли редакция!

Аввалги хатимда адабий танқидчи ўртоқларнинг газетада босилган мақолаларида бир қанча ёзувчи ва шоирларнинг номлари айтилиб, охирида «... ва бошқалар» дейишининг боисини, ва шу «ва бошқаларга» кимлар киришини тушунтириб беришингизни сўраган эдим. Олган жавобимда ана шу «ва бошқаларга» кирган ёзувчи, шоирлар орасида ўзимнинг йўқлигимга ҳайрон бўлдим. Бу ҳолда мен қайси рўйхатга кираман?

Салом билан шоир ШАВҚИЙ

Хурматли ўртоқ Шавқий!

Сиз шоир сифатида «ва бошқаларга» кирмайсиз. Ўзингизни «ва ҳоказолар» рўйхатидан қидиринг.

* * *

Дадам раҳматли газетага танқидий мақола ёзганда беш проценти тўғри бўлса бас, босилаверади, дегандилар.

Бугун юбораётган танқидий мақоламнинг олти проценти тўғри. Агар бир проценти ортиқчалик қилаётган бўлса бемалол қисқартиришларинг мумкин.

* * *

Поэзия секциясида Ашъорийнинг янги шеърлар тўплами муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар Ашъорийнинг бу тўплами турган-битгани хатолардан иборат эканини исбот қилиб бердилар.

Ашъорий муҳокама қатнашчиларига миннатдорчилик билдириб, шеър тўла халтасини бўйнига илиб, чиқиб кетди.

Уни кузатиб қолганлар: «Ашъорий умрида бир марта хатоларини бўйнига олди», деб баҳоладилар.

ШИКОЯТ ХАТИ

Етти йилдан бери «Навбаҳор» ресторанида ошпазлик қилардим. Аммо янги директор ишга келиб ғаламусларнинг гапларига ишониб «Тишларингиз протез экан», деб мени ишдан бўшатди. Унинг бу хатти-ҳаракатига норозилик билдираман.

Ошпаз ШОДМОНОВ

Ўр. Шодмонов!

Янги директорнинг сизни ишдан бўшатгани тўғри. Протез тишли одамнинг умумий овқатланиш тармоғида ишлаши мумкин эмас. Чунки акса урганда оғзидаги протез тиши отилиб чиқиб қозонга тушиб кетиши мумкин.

* * *

Бундан уч йил олдин Рамазон Рўзийнинг «Қайтиш» романини ўқиб касал бўлиб қолганимда, врачлар бир ойлик бюлетен беришган эди.

Шу авторнинг кейинги «Сахийлик» романини ўқиб тутқаноқ касалига мубтало бўлиб қолдим. Врачларга мурожаат қилган эдим, бюлетен беришмай мени пенсияга чиқариб юборишди. Мен бунга норозиман.

Б.БАРАКАЕВ

Хурматли Баракаев!

Сизни пенсияга чиқарганлари жуда тўғри. Агар шу авторнинг яна бир романини ўқийдиган бўлсангиз, албатта, васият ёздириб қўйинг.

* * *

Врачлар бир грамма никотин отни ўлдиради, дейдилар. Мен қирқ йилдан бери папирос чекаман. Ичимга энг камида

минг грамм никотин кирган бўлиши керак. Аммо ўлмадим,
бинойидек яшаб юрибман.

А.КАШАНДАЕВ

Ўр. Кашандаев!

*Врачлар бекор айтишипти. Сиз минг от кучига эга экансиз.
Энди туфли киймай оёғингизга тақа қоқтиринг.*

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

«Шикоят дафтари» босмадан чиқди

Йигирма еттинчи озиқ-овқат магазинининг мудирини Ҳотамов «Шикоят дафтари»ни талаб қилган харидорларга бир йилдан бери бермай босиб ётган эди.

Яқинда солиқ ходимлари уни жойидан қўзғатиб, босиб ётган жойидан турғизишди.

Шундай қилиб, «Шикоят дафтари» босмадан чиқди.

ЯНА ХРОНИКА

Район матлубот жамиятининг шофёри Маҳкамов мажлисда жамият раиси Турдиевнинг порахўрлигини аниқ фактлар билан фош қилгани учун ишдан олинди. Ҳозир Маҳкамов устидан жиноий иш қўзғатилган. Ўша куннинг ўзидаёқ бир хушмўйлов ОБХС ходими уни интизорлик билан кутиб турарди. Алвидо Маҳкамов!

ПАЗАНДА МАСЛАҲАТИ

Манти Ўрта Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган таом бўлиб, унинг тўрт хили мавжуд. Баҳор кезларида кўк манти, кузда қовоқ манти, йилнинг тўрт фаслида қийма манти тайёрланади. Бу, мантининг хонаки тайёрлаш усуллари дир.

Умумий овқатланиш тармоқларида, асосан пиёз манти кенг тарқалган бўлиб, хўрандаларга манзур бўлмоқда.

Хамир картон қоғози қалинлигида ёйилиб, блокнот шаклида қирқилади. Унга пиёз ёхуд қийма гўшт солиниб хамирнинг тўртта бурчагидан кўтариб бир-бирига ёпиштири-

лади. Ана шундан кейин парракларга териб сув қайнаб турган манти қозонга устма-уст қўйилади ва қопқоғи ёпилади. Қирқ минут вақт ўтиши билан қопқоқ очилиб, буғда етилган мантилар ликопчаларга тўрттадан солинади ва устига қатиқ, майдаланган кўкат ҳамда мурч сепилиб меҳмонлар олдига қўйилади.

Манти ўнг қўл билан ейилади. Мантидан кейин қимиз, пиво, пепси-кола ичиш ҳамда нос чекиш қатъий ман қилинади. Манти хушхўр овқат бўлиб, у асосан, ейилади.

СПОРТ

(Телефон орқали олинди)

Районимиз самбочилари область мусобақаларидан қайтиб келдилар.

Икки самбочи спортсменнинг аҳволи ёмон эмас. Уларга қон қуйиш ва укол қилиш давом этмоқда. Иккинчи спортсменимиз саҳар пайтида ўзига келиб одам танийдиган бўлиб қолди. Биринчиси ҳозирча кислород билан нафас олиб турипти.

Район касалхонасининг бош врачлари мухбиримиз билан қилган суҳбатида шундай деди:

– Ҳар икки спортсменни ҳаётга қайтариш учун бор куч, билим ва имкониятларимизни ишга соламиз.

* * *

Миллий кураш бўйича кеча бўлиб ўтган олишувда Абдурайим полвоннинг ютиб чиққани бекор қилинди. Йиқилган Карим полвон фойдасига ҳал қилинди.

Йиқилган Карим полвон раисполком раиси Ҳожихоновнинг ўғли экани кейинчалик маълум бўлди.

Биз спорт мухлислари ўртоқ Ҳожихоновни чемпион ўғил билан чин қалбдан табриклаймиз. Бўш келма, Карим полвон!

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Дириллама қишлоғидаги етти йиллик мактабнинг география ўқитувчиси Дарвешов бу йилги мавсумда биринчи марта дарсга соқолини олдириб кирди.

БИЛДИРИШ

Посёлка марказида рангли фотоателье очилди.

Портретлар, групповой оилавий сувратлар ҳамда эски сувратлардан кўчириб катталаштиришга заказлар қабул қилинади.

Ателье олинган сувратнинг олти ойгача эгасига ўхшашини гарантия билан таъминлайди.

Администрация

ЭЪЛОНЛАР

Ўт ўчириш командасига уйқусизлик дардига мубтало бўлган ўн етти ёшдан қирқ беш ёшгача бўлган эркаклар қабул қилинади.

Синов муддати ўн беш кеча.

* * *

Тўққизинчи туғуруқхона проходнойида кўзойнагини унутиб қолдирган гражданин ўн беш сутка давомида шаҳар ҳушёрхонасига келиб Фаёзов деган «меҳмон»га учрашсин.

(Тери қабул қилиш пункти деворига ёпиштирилган эълон)

* * *

Колхоз фермасидаги соғин сизирларни ўз болаларидан бошқа бузоқларнинг эмиши қатъиян ман қилинади. Эмиб қўйишда айбланган ферма ходимлари гўштга топшириб юборилади.

Перма мудири М. ХАЖАЙИП

* * *

Халтурачи қўшиқчи шоир Хониший «Асартарошлик» дўконида қўшиқ ёзадиган қаламини унутиб қолдирган. Топиб олганлар агар эгасига қайтариб берсалар, жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Бош уста

* * *

Ҳайвонот боғининг район филиалига қўй, сигир, эчки, от, туя, эшак каби уй ҳайвонлари келтирилди.

Коллектив бўлиб кўришга заявқалар қабул қилинади.

*(«Чорвадор» совхози марказидаги
симёғочга ёпиштирилган эълон)*

* * *

«Фунчаой» кинотеатрида янги мультфильмлар намоиш этилади.

Ўн етти ёшдан ошган ота-оналарнинг кириши қатъиян ман қилинади.

«АСАРТАРОШЛИК» АНКЕТАСИГА ЖАВОБЛАР

Институтни битириб кетган областлардаги собиқ студентларга устахона икки савол билан мурожаат қилди.

1. Диплом олиб юртингизга борганингиздан кейин қандоқ китоблар ўқидингиз?

2. Ҳозир қандай китоб ўқияпсиз?

Бу саволларга бухоролик, андижонлик, наманганлик ва тошкентлик собиқ студентлардан жавоблар олинди. Қуйида жавобларни эълон қиламиз.

Бухоролик. «Елвизак»ни ўқидим. Ҳозир «Юлдузли тунлар» деган катматта романни ўқиёпман.

Андижонлик. Аши китобларни аввал ўқиғанман. Вақтим бўғанда яна ўқийман.

Наманганлик. «Книга» деган дўконимизга яхши китоб келмутти. Ундан ташқари китоб ўқишга вақтим етмутти.

Тошкентлик. Дўконувзага яхши китоблар кевотти. Аммо бу китоблар прилавка остидан сотилвотти. Манам олган китобларимни тушунганимча ўқивомман.

МАЖНУНТОЛ

(Агроном маслаҳати)

Шарқнинг буюк алломалари, ғазалхон шоирлари мажнунтолни жуда кўп таъриф-тасвирлаганлар, куйлаганлар.

Мусаввирлар мажнунтол тасвирини ҳозирги кунда ноёб бўлиб қолган қўлёзмалар ҳошиясига нозик дид билан чизганлар.

Мажнунтол поэзияда интизорлик тимсоли бўлиб келган.

Хўш, у қандай дарахт? Қаерларда, қандай шароитда ўсади? Бу тўғрида ҳалигача бирон қўлланма ва ё илмий асар йўқ. Мажнунтол ишқибозларининг тобора ўсиб бораётган талабларини қондириш мақсадида бир неча амалий маслаҳатлар тавсия қилмоқчимиз.

Аввало, мажнунтол Ўрта Осиёнинг деярли ҳамма серсув ерларида ўсадиган беор дарахтдир. Аммо унинг салқини, кўриниши кўнгилни юпатадиган хоссага эгадир.

Мажнунтол эрта баҳорда экилади.

Оддий қоратолнинг пояси бир, бир ярим метр узунликда кесиб олиб майда шохчаларини бутаб ташлайсиз. Уч томонини қаламнинг очилган жойига ўхшатиб теша билан чопасиз. Кейин ана шу тарафини ерга йигирма, йигирма беш сантиметр узунликда санчасиз. Сал фурсат ўтмай, (етти-саккиз сутка) поя пастга қаратиб куртак туга бошлайди.

Сувга қониққан поя гуркираб ерга қараб новдачалар осилтиради ва мажнунтол бўлади.

Академик лицейнинг мухбир аъзоси

* * *

Ташкент — Каканд маршрути бўйича учадиган пассажирлар диккатига, пассажирлар учинчи юлдан чиказилмоқда.

Ташкент — Фергана маршрути бўйича учадиган самолётнинг учиши сагат ун туккизгача кечиктирилади.

(Тошкент аэропорти радиосидан бериладиган хабарлардан)

ШЕЪРИЯТ ШАЙДОЛАРИГА

Шоир Илҳомийнинг «Хаёлларим» тўплами кечаги газетада қаттиқ танқид қилингани муносабати билан бугун соат олтида Илҳомий билан бўладиган учрашув қолдирилди.

(Кутубхона деворидаги билдириш)

* * *

Ҳар куни чап тарафдан тушадиган пулларингизни уйдаги омонат кассаларда сақлангиз.

*(Шаҳар савдо бошқармаси
ревизорлар хонаси деворидаги плакат)*

ЯНГИЛИКЛАР

Муюлишдаги комисион магазинга тугилган — бир марта истеъмолда бўлган қофиялар келди. Махсус кимёвий моддалар билан реставрация қилиниб, деярли асли ҳолига келтирилган қофиялар сотила бошлади.

Ишлатилавериб яроқсиз ҳолга келган бу қофияларга қўли гул усталар янги ҳаёт бағишлаганлар.

Ўн етти ёшга тўлмаган шоирларга қофия сотилмайди.

Устахона маъмурияти

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

(Радио хабаридан магнит лентасига ёзиб олинган)

Эртага Ёзувчилар союзида асосан ҳаво очиқ бўлади. Куннинг иккинчи ярмида секундига тўрт-беш метр тезликда майин шамол эсиб туради.

Танқидчилар секциясида шамол-тўполон бўлиб, қорга айланади.

Драматургия секциясида ҳавонинг намлиги 99 процентни ташкил қилади.

Поэзия секциясида иссиқлик ҳарорати сояда 38 даражада бўлади.

Проза секциясида момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақади. Момақалдироқ пайтида қўзиқоринлар потирлаб чиқиши кутилмоқда.

Сатира секциясида...

(Эшиги берк бўлгани учун маълумот олиб бўлмади.)

Эътиборингиз учун раҳмат!

*Тойлоқ ТОШТЕМИРОВ,
илмий ходим*

ҲАҚЛИ ТАЛАБ

Шаҳар ҳушёрхонасида дам олувчи граждандан шикоят хати олган эдик. Текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди ва яна қўшимча талайгина камчилик ва нуқсонлар очиб ташланди.

Ҳушёрхонада «дам» олувчиларга етарли шароит туғдирилмаган. Эрталабки нонуштага бериладиган овқатга сарёф солинмайди. Қаймоқ, сметана, кефир келтирилмайди.

Тушлик олдидан қора ва қизил икра мутлақо берилмайди. Кофе, какао ҳамда лимон ва апельсинлар дастурхонга тортилмайди. (Қази-қарталарни, морозний ва пирожниларни гапирмасак ҳам бўлади.)

Дам олиш хоналари яхши жиҳозланмаган. Рангли телевизор йўқ. Спорт зали ишламайди. Чимён ва Оқтош саёхатларига олиб борилмайди. Бадий ҳаваскорлик тўғараги ишламайди. Дутор, танбур, най каби миллий чолғу асбоблари у ёқда турсин, ҳатто духовой оркестр ҳам йўқ.

Ҳушёрхона бошлиғидан олинган жавобда жумладан бундай дейилади:

«Танқидда кўрсатилган фактларга тўла қўшиламыз.

Биз сизга шуни мамнуният билан билдирамызки, шикоят ёзган собиқ «дам» олувчилар бизнинг доимий клиентларимиздир. Кўрсатган хизматларимиздан қониқмаган эканлар, навбатдаги «дам» олишларида намунали хизмат кўрсатишга тайёرمىз.

Шу муносабат билан қуйидаги тадбирларни амалга оширдик:

Ҳушёрхонага собиқ боксчи, каратэ ва самбо бўйича чемпион йигитларни ишга олдик.

Улар ўз мутахассисликларини намоиш қилиб, «дам олувчи»ларга намунали хизмат қиладилар.

Ҳушёрхонамизга марҳамат!»

ОҚЛОВЧИЛАР КЕРАК

Район юридик консультациянинг янги биноси битиш арафасида.

Юридик консультацияда вақтинча ишлаш учун оқловчилар (малярлар) керак.

Дирекция

ИЛМИЙ ФАНТАСТИКА ИШҚИБОЗЛАРИГА

Адабиётнинг илмий фантастик жанри кенг китобхонлар ўртасида ҳурмат ва эътибор қозонган оммабоп жанр экани ҳаммага маълум. Кундан-кунга илмий фантастикага қизиқишнинг ортиб бориши бу даъвойимизнинг исботидир.

Яқинда машҳур фантаст ёзувчимиз Ш.Ҳожиёв келаси асрнинг биринчи ярмида бўладиган воқеаларни тўла илмий ва фантастик фаразлар билан исбот қилувчи «Дўппи таги бўш» деган роман ёзди.

Автор ўзининг илмий фаразларини жумладан шундай тасдиқлайди:

«Икки минг ўттиз учинчи йилнинг тўкин кузи. Мевалар фарқ пишган. Тўйлар авжида. Раққоса хиром қилади. Ҳофиз ширали овоз билан хониш қилади.

Шу пайт бир ширакайф йигит қўлида йигирма беш сўмлик пул билан гандираклаб келиб раққосанинг чаккасига қистирмоқчи бўлади. Шунда раққоса бундай хўрликка чидамай, даврандан йиғлаб чиқиб кетади. Ҳофиз ҳам дўпписига қистиришмоқчи бўлган пуллари эгаларига қайтиб беради. У микрофонни қўлига олиб бундай дейди:

– Азиз биродарлар, артистларга пул қистириш ўтган асрдан қолган сарқитдир. Сарқитларга ўт очайлик.

У шундай деб пул қистирилмаган дўпписини тиззасига бир уриб даврандан аразлаб чиқиб кетади...»

Асар жуда равон ўқилади. Роман дўконларга чиқарилган. Отарчи ҳофизларга навбатсиз сотилади. Кеп қолинг!

ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАЛАРИГА ҲОЗИРЛИК

Ўн олтинчи туғуруқхонанинг бош дояси Ойна опанинг туғилганига саксон йил, шу роддомда ишлай бошлаганига олтимиш беш йил тўлиши муносабати билан юбилей ўтказилади.

Шу роддомда туғилган йигирма уч минг граждани юбилей тантаналарига қатнашиш истагини билдирди.

Юбилей «Пахтакор» стадионида ўтказиладиган бўлди.

ҲОДИСА

«Асартарошлик»нинг район филиали устаси Х. Ҳошимов сентябрнинг йигирманчи куни сочини олган клиентларга қон чиқазмай хизмат қилди.

МИННАТДОРЧИЛИК ТУЙҒУЛАРИ

Мен умуман уйланмоқчи эмасдим. «Союзпечать» ходимларининг айби билан уйланишга мажбур бўлдим.

«Ўзбекистон физкультурачиси» газетасига ёзилиш учун «Союзпечать» бўлимига мурожаат қилганимда газета ўрнига «Саодат» журналига обуна қилиб қўйибдилар.

Шундоқ яхши журнал хотинсиз уйда ўқилмай ётмасин, деган эзгу ният билан уйланишга мажбур бўлдим. Келинингиз журнални иштиёқ билан ўқимоқда.

Келгуси йилга «Гунча» журналига обуна бўлишга мажбурман.

Умуман олганда, газета ва журналларга обуна бўлиш бахт келтиради. Бунга менинг бахт ва роҳатга тўла оилавий ҳаётим гувоҳдир.

Ким эдим, ким бўлдим!

Яшасин обуна!

ТУЗАТИШ

Кечаги эълонда Ҳотам сўзи Мотам деб хато ёзилган. Шунинг Отам деб тузатиб ўқишларингизни ўтиниб сўрайман.

БИЛДИРИШ

«Асартарошлик» устахонасининг ноижодий коллективи «Саид Аҳмадулло» медалига номзодлар рўйхатини кўриб чиқди. Кенг ишқибозлар муҳокамасига қуйидаги номзодларни ҳавола қилади.

1. Неъмат Аминовга. Ҳали ёзмаган асари учун.

2. Марҳум Насриддин Афандига. Сатирамизнинг шу аҳволга тушганини кўрмай ўлиб кетгани учун.

3. С. Аҳмадуллога. Ўз номига медаль таъсис этишга розилик бергани учун.

4. Эргаш Каримовга (хизмат кўрсатган артист.) Ҳали хизмат кўрсатмаган Роза Каримованинг эри бўлгани учун.

5. Қашқир, бўри ва йўлбарсга. Масалчи С. Абдуқаҳҳорни шу пайтгача еб қўймаганлари учун.

6. Н. Акага (ёзувчилар союзининг ахраниги). Союз эшигидан халтурачиларни киритмаётганлиги учун.

«Асартарошлик» барча ҳажв ишқибозларида табаррук номлари зикр қилинган кишилар ва уларнинг асарлари тўғрисида ҳаппайи-ҳалол фикрларини ёзма ва ёки оғзаки, жуда бўлмаганда таниш-билиш, қариндош-уруғлар орқали хабар қилишларини сўраймиз.

Медаль голибларни кутмоқда!

АДАБИЁТ ВА МЕДИЦИНА ҲАМКОРЛИГИ

I. Муқаддима

Қурбон Донёрнинг «Шилта» романи босилиб чиққанига ҳам икки йилдан ошди. Аммо бу китоб тўғрисида на матбуотда, на ёзувчилар анжуманида гап бўлди. Зар қадрини заргар билар, дегандек бу китоб охир-оқибатда китобхон томонидан юқори баҳоланди ҳамда жуда машҳур бўлиб кетди.

Воқеа бундоқ бўлган эди. Асаб касалига йўлиққан Н. исмли беморга туғилган кун «Шилта»ни совға қилишади. Асабим кўзиган пайтларда эрмак қиларман, деб китобни бир ярим йил сақлаб юради. Иттифоқо бир кун «Шилта»ни қўлига олиб ўқий бошлайди. Тўрт саҳифа ўқиши билан уйқу босади. Ўзига игна тиқиб уйқуни қочириб, яна ўқишга киришади.

Шуни ҳам айтиб қўяйликки, Н. бир сўзли, ўжар одам эди. Айтган ишини қилмай қўймасди. У «Шилта»ни ўқимасдан бошқа иш қилмайман, деб ўзига сўз бериб қўйди. Шунинг учун ҳам китобнинг ярмига келгунча ўзига эллик икки марта игна тиқиб, уйқусини қочирди. Эртасига яна ўқишга тушиб кетди. Бу гал ўзига саксон марта игна тиқди. Тўқсон иккинчи игна сонига санчилганда «Шилта»нинг охириги саҳифаси тугаган эди.

II. Консюлиум

Н. ҳар йили шаҳар касалхонасининг асаб касалликлари бўлимида медицина кўригидан ўтар эди. Бу галги кўриқда унда асаб касаллигидан ном-нишон топилмади. Профессорлар, доцентлар бу кутилмаган ўзгаришдан ҳайрон эдилар. Бош невропотолог профессор Маннопов ўзи Н.га бир неча савол билан мурожаат қилди.

Савол. Кейинги ойларда қандай дорилар истеъмол қилдингиз?

Жавоб. Ҳеч қандай.

Савол. Бу йил қайси курортда дам олдингиз?

Жавоб. Уйимдан ташқарига чиқмадим.

Савол. Уйингизда нима билан шуғулландингиз?

Жавоб. Қ.Донёрнинг «Шилта»сини ўқидим.

Савол. Ўқиш процессида ўзингизни қандоқ сездингиз?

Жавоб. Уйқим келаверди. Тинмай ўзимга игна тикиб уйқумни қочириб ўқидим.

III. Хулоса

Невропотологлар узоқ мулоҳазадан кейин бемор Н. игна билан даволаш усулидан беихтиёр фойдаланган, ўзи сезмаган ҳолда бадий адабиёт ёрдамида касалликдан мутлақо қутилган деб хулосага келдилар.

Профессор Маннопов врачларга хос хуснихат билан блокнотига лотин алифбосида «Шилта» деб ёзиб қўйди.

IV. Сўнги сўз

Яқинда «Медицина» нашриёти «Шилта»ни ҳар саҳифасига игна қадаб босмадан чиқарди.

Роман кўш печатли махсус рецепт билан аптекаларда сотилмоқда.

ДРАМА САҲНАДАН ТУШДИ

Драматург Оппоқ Қораевнинг янги асари театрда ўқиладиган бўлди. Ижодий коллектив саҳнага стол-стул қўйиб О.Қораевнинг келишини кутарди. Ниҳоят, Қораев кўлтиғида пьеса билан саҳнага чиқиб кела бошлади. Иттифоқо декорация тахтасига қоқилиб, мувозанатини йўқотдию чалқанчасига йиқилди. Йиқилиб тушиш процессида кўлтиғидаги пьеса отилиб чиқиб саҳнанинг пастига, биринчи қаторига келиб тушди.

Шундай қилиб, Оппоқ Қораевнинг пьесаси биринчи куниеъ саҳнадан тушиб кетди.

УСТАХОНАГА ХАТ

Мен умримда бировга ҳасад қилмаганман. Ўзгаларнинг камчилигига куйиб ўртанаман. Бошқалар қилган хато мен учун ҳам хато дир. Айниқса, ҳасадгўйлик менга фирт бегонадир.

Агар мен ҳасад қиладиган бўлсам, Абдурахмон Муқимовга ҳасад қилардим. Чунки у олти хонали кооператив уй олди. Индамадим. Индаш қаёқда, мутлақо гаплашмай кўйдим. Куёви ишхонасидан виговор олганини эшитиб бирон оғиз сўз айтмадим, ичимда баттар бўл, деб қўя қолдим. Қизи йигирмага кирай деб қолди, ҳалигача остонасидан совчи ҳатламайди. Яхши бўлса йигирмага етай деган қиз уйда ўтириб қолармиди. Ўғли ишга ҳукуматнинг машинасида бориб, ўша машинада қайтиб келади. Бир оғиз сўз айтмайман. Қани, қачонгача машинада юраркин, бир куни келиб биз қатори автобуста чиққанини ҳам кўрарман. Хотинимнинг айтишига қараганда, Муқимовнинг хотини уйда ҳам саккиз тепки атлас кийиб юрармиш. Келини саҳнада оёғини кўтариб, ярим яланғоч балет деган ўйин қилармиш.

Ўтган ойда Муқимовникига тўрт марта меҳмон келди (таксида келганлар ҳам бор). Бу ой уч марта меҳмон келди. Тўққизта «Волга», ўн битта «Жигули», бешта «Москвич» эшиги олдида ярим кечагача кутди (келиб-кетган таксилар ҳисобга кирмайди).

Қудаларининг бири гўшт дўконида ишлайди, бири сартарош деб эшитаман. Аниғини кейин ёзиб юбораман.

Хуллас, гапларимнинг мазмунига қараб менинг ҳасадгўйликка мутлақо алоқам йўқлигига қаноат ҳосил қилган бўлсангиз керак.

Мабодо мени судга чақириб қолгудек бўлишса, тарафимни оларсиз деган умид билан:

М.М.

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

«Бир марта яхшилаб кулиш олтига тухум еганнинг кучини беради».

(Товуқ фермасининг тухум йиғувчиси айтган гап)

Ажойиб комедия намойиш қилинарди. Залда тинимсиз қулги. Қулгидан театр зали гумбирлаб ёрилиб кетаман дейди.

Аммо бир томошабин сира қулмас, саҳнага қараб қовоғини солганча миқ этмасди. Унинг бу қилиғига саҳнадаги артистлар ҳам ҳайрон, кулаётган томошабинлар ҳам.

– Бу одам нега қулмайди? – деб сўради бир томошабин ёнида ўтирган шеригидан.

– Қайдам, театрга келиш олдидан тўйиб тухум еб олган бўлса керак.

ЭЪТИРОФ

Атоқли мухбирларимизнинг муҳаббат тўғрисида ёзган ашула шиғирларини ўқиганман. Тўғриси айтиб гапирсам уларнинг «Муҳаббат битта бўлур» деган китобларига ишонмасдим. Ёшим палон жойга бориб ва ҳамда ўз бошимдан ўтқазганимдан кейин муҳаббатнинг битта бўлишига ишондим.

Икки боласи билан хотинимни қўйиб ёшгина қизга уйландим. Янги хотиним кўп қилиқлар чиқазиб мени қийнади. Ҳой, Муҳаббат, мунча қийнайсан, десам ҳам писанд қилмади. Ана шундан кейин аввалги хотиним Муҳаббатхонни эсладим. Мухбир шоирлар тўғри айтишган экан, муҳаббат битта бўлади, деб.

Ана шундан кейин кичик Муҳаббатни қўйиб аввалги Муҳаббат деган хотиним билан ярашдим.

Қилиб қўйган хатойим учун мухбир шоирлардан узр сўрайман.

Доимжон СУЯРБЕКОВ

«АСАРТАРОШЛИК»

Консультация бюроси

«Ҳар ким ўз мутахассислиги бўйича ишлаши шарт деган принцип амалга ошириляпти.

Менинг касбим ифвогарлик. Завхозликдан бўшасам ўз мутахассислигим бўйича ишга оладиларми?»

П.ФАЙИРОВ

Ўр. П. Файиров!

Иғвогарлик тан соғлиққа зарарли касб ҳисобланади. Бу касбдаги кишилар жуда тез пенсияга чиқарилади. Пенсия муддати ўтиб кетгани учун сизни иш билан таъминлаб бўлмайди.

* * *

Мен уруш йилларида халқимизга мадор бўлсин, деб тўрт йил сурункасига кечани кеча, кундузни кундуз демай, жонимни фидо қилиб нон дўконида ишладим. Ўша йиллари орттирган пулларим жонимга ора кириб йигирма йилча зорикмай бола-чақамни боқдим. Яқинда ўн бешта аёллар жемпери, ўн битта эркаклар импорт туфлиси билан қўлга тушиб қамалиб қолдим.

Суд пайтида менинг уруш йилларидаги нон дўконида фидокорона қилган хизматларим ҳисобга олинандими?

Иштаҳа КАРНАЙБЕКОВ

Хур. ўр. Карнайбеков!

Суд пайтида албатта уруш пайтидаги «хизматларингиз» ҳисобга олинади. Суд ўша йиллари қилган ишларингизни биладиган анчагина гувоҳларни сўроқ қилиб тайёр бўлиб турипти.

* * *

Олтинчи, еттинчи, саккизинчи декабрь кунлари ёмғир ёққани сабабли ишга боролмадим. Тўққизинчи куни заводга борсам, мени ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқибди. Шу тўғрими?

Темир ХЎЖАЕВ

Хур. Ўр. Темир Хўжаев!

Сизни ишдан бўшатишлари нотўғри. Ёғингарчилик пайтида ишга бормасликка тўла ҳаққингиз бор. Чунки исмингиз Темир бўлгани учун ёғингарчиликда занглаб қолишингиз мумкин. Айтиб қўямиз, буйруқ бекор қилинади.

ТАЖРИБА АЛМАШИШ

Ўз амалини суиистеъмол қилмасин, деб тулкини қўй фермасига, бўрини парранда фермасига мудир қилишди.

Бўри товуқни емади. Аммо товуқларнинг сони камаяверди. Тулки қўйни емади, аммо қўйларнинг сони кундан-кунга камаяверди.

Бунинг сирини ҳеч ким билмасди. Ҳамма гапдан хабардор зағизғон катта мажлисда сирни очиб қўйди.

– Азиз биродарлар, бўри қўй фермасига, тулки товуқ фермасига ҳар кун тажриба алмашишга бориб туришади. Тулкининг туғилган кунига товуқ юборилади, бўрининг туғилган кунига қўй юборилади.

Булардан ташқари, қўй фермаси кўп тармоқли бўлсин, деб йигирма-ўттизта товуқ боқилади, товуқ фермаси кўп тармоқли бўлсин деб ўн-ўн бешта қўй боқилади.

Бўри ҳам, тулки ҳам ўзларини оқлаш учун жиддий баҳона топишди.

– Азиз дўстлар, жамоат мулкига қўл тегизмаймиз. Директорский фонддан фойдаланамиз, холос.

– Манаву бошқа гап, – деди раислик қилувчи.

НОВАТОР ОТАРЧИ

Отарчи – яллачи Раҳмат Бакиров тўйларга хизмат қилишнинг янги усулини ихтиро қилди.

У шу йилнинг сентябрь ойидан бошлаб тўйларга борганда битта чирмандачи, битта раққоса ҳамда битта омонат касса ходими (ўз жияни) билан борадиган бўлди.

Тўйда энди пул қистиришларга барҳам берилди. Пул қистиришни истаган (истамай кўрсинлар-чи!) кишилар тўппат-тўғри Бакировнинг жияни – омонат касса ходими олдига келиб, Бакиров номига пул ўтқазадилар.

Новатор отарчининг бу ихтироси бошқа отарчилар томонидан кенг қўллаб-қўлтиқланмоқда.

ЙИҚИЛГАН ПОЛВОНЛАР ДИҚҚАТИГА

Район спорт қўмитаси «Спартак» стадионида йиқилган полвонларнинг анъанавий учрашувини ўтқазади.

Программада:

1. Район ёш спортчиларининг табриги.
2. Энг кўп йиқилган полвонга соврун топшириш.
3. Ветеран йиқилувчиларнинг стадион бўйлаб тантанали паради.
4. Йиқилган полвонларнинг область олимпиадасига вакиллар сайлаш.
5. Енгилганлар ва йиқилганлар уюшмасининг уставини тасдиқлаш.

ХИЗМАТ–БЕМИННАТ

Маиший хизмат комбинатининг илғор тандирчиси Х.Қорабоев билан Н.Турдиев давлатдан хом ашё олмай маҳсулот яратиб даромад келтирмоқдалар. Улар адирдан тупроқ олиб келиб, лой қориб, ўз жунларини қўшиб тандир ясаيدилар. Шу билан улар комбинатимизнинг молиявий аҳволини яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Б. ДОДАЕВ,

Комбинат технологи

(«Ҳурматли ўқувчилар! Ушбу мақола корректор Раҳмат аканинг айби билан нотўғри босилган. Газетамизнинг навбатдаги сониди бу мақола ўрнига бошқа мақола босиб сизни хурсанд қиламиз, деган умиддамиз. Хатога йўл қўйган корректор Раҳмат ака хатоларини тушуниши учун Ялтага юборилди).

ҚЎШАЛОҚ КАСБ ЭГАЛАРИ

Халқ куйларини қайта ишлайдиган композиторлар учун «Асаргарошлик» қошида самбо кураши тўғараги ташкил қилинди.

Тўғаракни битириб диплом олган композиторлар концертдан кейин уйларига бешикаст етиб олишлари мумкин.

ПЕДАГОГИК ПОЭМА

«Саккиз бошли аждаҳо кўзларидан учқунлар сачратиб, оғзидан ўт пуркаб она билан болага ҳужум бошлади. У бир зарба билан онанинг танини тилка-пора қилиб юборди. Қон

дарё бўлиб оқди. Энди саккиз бошли аждаҳо беланчакда ётган бола томон момақалдиروقдек гумбирлаб кела бошлади. Бола бечора юм-юм йиғлаб, зор-фарёд қиларди...» Энди бола-жонларим, жой-жойингизга бориб яхши тушлар кўриб ётинг. Эртақнинг давомини эрталаб айтиб бераман.

Лаънати аждарнинг одамхўрлигини ўз кўзингиз билан кўргандек бўласиз. Энди роҳат қилиб, яхши тушлар кўриб ухланг, болажонлар.

(Болалар учун эшиттиришдан)

НУ, ПОГОДИ, КАЛ ФОЗИЛ!

Ҳазилни билмаган кал Фозил.

Халқ гапи

Гап Носир Фозилов тўғрисида эмас. Носир ҳар қалай сариқ бўлса ҳам ҳазилга унча-мунча тушунади. Баъзан писиллатиб отиб ҳам қолади. Гап бутунлай бошқа ёзувчи тўғрисида.

Бу одам умр бўйи ёзувчилик қилган. Ишқилиб биров ўқиса-ўқимаса беш-ўнта китоб ёзган. Гап унинг ёзганлари тўғрисида ҳам эмас. Гап унинг ҳазилни ҳақиқат, ҳажвни тарих, деб тушунишида. У латифаларни иккига ажратади. Тўғри, нотўғри ёки мумкин, мумкин эмас.

Шу ҳамкасбимиз билан дам олиш уйида бирга бўлиб қолгандик.

Йўлакда сигарет чекиб ўтирсам, домла ичкаридан хуноб бўлиб чиқиб қолди.

— Тавба, киночилар жинни-пинни бўлиб қолганми. Рост билан ёлғоннинг фарқига боришмайди-я! Ҳозир ойнаи жаҳонда «Ну погоди!» деган расво бир кино бўлди, кўрмадингизми?

— Мен «йўқ, кўрмадим», — дедим.

— Муни қаранг. Битта бўри қўлига вилка, пичоқ ушлаб қуённи ейман, деб қувлаб юради. Шу ҳам гап бўлдимми?

Атайин унга норозилик билдирган бўлдим.

— Домла, кино ҳукуматники. Уни минг чийриқдан ўтказиб кейин телевизорда кўрсатишади. Нимаси ёлғон экан. Менимча, ойнаи жаҳонда фақат рост гапни айтишади.

— Э, суф сизга-е, — деди домла фиғони фалакка чиқиб. — Сиз бўрини кўрганмисиз? Кўрмагансиз. Мен кўрганман. Чўлда

қўй боқиб юриб ўҳ-хў, қанча бўрини кўрганман. Аммо вилка кўтариб юрган биронта бўрини кўрмаганман.

Чекишга чиққанлардан бири гапга аралашди.

– Министримиз ҳам нариги палатада дам оляптилар. Шу «Ну, погоди!»ни бирга кўрдик. Роса ҳузур қилиб кулдилар. Боплашипти. Жуда ақлли кино бўпти, дедилар.

Ёзувчи домла эсанкираб қолди.

– Ҳар жойнинг бўриси ҳар хил бўларкан-да. Аммо биз томондаги бўрилар қўйни вилкада емайди. Шундоқ ғажий-веради...

Ана шундан кейин дам олиш уйидагилар домлани «Кал Фозил», деб атадилар.

НАПОЛЕОН МАМАЖОНОВ

Бу воқеани ёшлигимда тушимда кўрганманми, ўнгимда кўрганманми, эсимда йўқ. Балки ёшлик пайтларимда ўз кўзим билан кўргандирман ё бировдан эшитгандирман. Лекин айтиб берса арзигулик воқеа.

Маҳалламизда Мамажон лўмбоз деган девдек киши бўларди. Бўйи унчалик дароз эмасди-ку, аммо энига қаричлаб ўлчаса икки газдан ошиқ чиқарди. Ўтирганда думбаси қуй-моққа ўхшаб ёйилиб кетиб уч газча доира ясарди. Қорни шу қадар осилиб кетгандики, ўтирганда ерга ёзса бир кўрпачалик жойга нари кетиб қоларди. Киндиги қичиганда қўли етмай оташкурак билан қашларди.

Унинг фарзандлари эсли-хушли, топармон-тутармон, тўкис, ҳамиятли бўлишди. Улар ўз оталарини сира ўкситиб қўйишмасди. Ювинтириб, кийинтириб туришарди. Чол ўрнидан туролмас, ташқарига чиқолмасди. Шунинг учун ҳам болалари у ўтирган полнинг тагидан тешик очиб, пақир осиб қўйишганди. Чол ортиқча қийналмай, азият чекмай, ўтирган ерида ишини битқазаверарди.

Бир куни ҳовлига ўзбекча биладиган битта ўрис билан Абдуллажон деган биолог олим кириб келди. Чол билан қуюқ кўришиб, ортиқча чайналмай, мақсадни айтиб қўяқолишди.

– Сизга бир илтимос билан ҳайвонот боғи маъмурияти номидан келдик. Африкадан олиб келган туяқушимиз овқатдан заҳарланиб, ўлиб қолди. Туяқушнинг бу хилидан

дунёда атиги иккитагина қолганди. Макиён бизда, хўрози Буюк Британияда. Яқинда уни Лондонга обориб хўрозига бостириб келгандик. Раҳматлидан икки дона тухум қолган. Уларни бостириб чиқаришга биронта ўзига мос парранда йўқ. Шу ой ичи бостирмасак палағда бўлиб қолади. У ҳолда тарих бизни кечирмайди. Агар шу тухумларни йигирма кун босиб берсангиз жаҳон фанига буюк ҳисса қўшган бўлардингиз. Номингиз тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиларди. Балки бирон илмий марказ ҳовлисига ҳайкалингиз қўйилиши ҳам мумкин. Йўқ деманг, агар муваффақият билан очиб чиқарсангиз сизни умрбод нафақа билан таъминлашни ёзма равишда расмийлаштирамиз.

Мамажон лўмбоз, кечирасизлар, Мамажон ота ўйланиб қолди. Нима деса экан? Модомики иш шу даражага етган экан, бу арзимаган иш бутунлай йўқолиб кетаётган парранданинг наслини сақлаб қолар экан, йўқ, дейиш гуноҳ-ку. Йўқ, деса, худонинг газабига учрамайдими! Чол ўзини уёққа-буёққа ташламай, дарров хўп, деди.

— Опке, туяқушнинг тухумини, ўзим яхшилаб босиб, очиб чиқариб берганим бўлсин.

Ўша кунни тушликка қолмай ҳайвонот боғидан усталар келиб уйларни оқлашди. Деразаларга оқ докалар тутишди. Полларни ярқиратиб ювиб чиқишди. Эшик ва дераза тутқичларини спирт билан артишди. «Хонага халатсиз кириш ман қилинади», деган ёзув осиб қўйишди.

Кечга яқин иккита пар ёстиққа эҳтиёт қилиб ётқизилган, ҳар бири Мирзачўлнинг қовунидек келадиган тухумларни усти очиқ «Волга»да милиса қўриқчилигида олиб келишди.

Отахоннинг кўпчиган хамирдек килкиллаб турган қорнининг киндик томони тагига патнис тиқиб аста кўтаришди. Ўрис олим қорин тагига эмаклаб кириб иккита тухумни қўйиб чиқди.

Шундан кейин айвонга иккита йиғма каравот қўйилиб, устига оҳорли оппоқ филоф кийдирилган кўрпа-ёстиқлар тўшалди.

Милисадан одам келиб кўча бошига мошин киришини таъқиқловчи белги билан «объезд» деган тахтача илиб қўйди.

— Отaxon, — деди ўзбек олим. — Менинг фамилиям Абдуллаев. Манавунинг фамилияси Соколов, билиб қўйганингиз яхши.

Икки олим унинг атрофида гирдикапалак бўлиб айланишар, сув деса сув, ош деса ош оғзидан чиқмай муҳайё қилишарди. Кунига уч-тўрт маҳал қўлтиғига филнинг иссиқлигини ўлчайдиган бир ярим газ ҳарорат ўлчагични қўйиб кўришарди. Йўталса, иккови баб-баробар сакраб туришарди.

Шу алпозда йигирма икки кун ўтди. Ҳамон жўжадан дарак йўқ эди.

Бир куни Абдуллаев отага, деди:

— Отахон, синглим қизини чиқазаётган эди. Бир кунга рухсат берасиз. Эрталабки ошни ўтказаман-у орқамга қайтаман, сизга Соколов қараб туради, — деди.

— Боравер болам, бемалол тўйингни ўтказиб келавер, — деб унга рухсат берди Мамажон ота.

Авжи саҳар пайти эди. Осмон тўла юлдузлар бирин-кетин кўз юма бошлаган фараҳли тонг палласида чолнинг киндиги тагида бир нима чирс этгандек бўлди. Сал ўтмай кетма-кет чирсиллаган товуш қайтарилаверди. Худди ўша ерида нимадир гимирлаётганга ўхшади. Ўхшади эмас, росмана гимирлади. Чол қўрқиб кетди. У ўрис тилини яхши тушунарди-ю, гапириши «твоя-моя» эди.

— Сакалўп, — деди у ташвишли бир товушда. — Моя жифўт землетресения делает.

Соколов аввалига чол нима деяётганига тушунмай серрайиб турди. Кейин бирдан ўйинга тушиб кетди. Шу ўйнаганича кўчага чиқиб, икки йигитни бошлаб кирди.

— Ну-ка, патсани, бабайский живўт поднимим.

Икки йигит чолнинг қорнини кўрпанинг қатини очаётгандек қилиб кўтариб туришди. Соколов қорин тагига эмаклаб кириб кетди-ю, сал ўтмай иккита лўмбоздек жўжани кўтариб чиқди.

— Айда маладес, айда Мамаджан, — деб қичқирарди Соколов. — Один петух, один маржа, айда маладес.

Агар йўлингиз тушиб қолса шаҳримиздаги ҳайвонот боғига бир кириб ўтинг. Албатта кириг, хўп, денг. Тепасига «Мамажон отанинг фарзандлари» деган ёзув илинган катакка қаранг. Унда иккита туяқуш жўжаси диконглаб ўйнаб юрипти. Бунга қарангки, гердайиб юрган биттаси худди Мамажон Лўмбознинг ўзгинаси бўпти. Тавба, бола дегани отага шунчалик ўхшайдими-я! Бир ўрис хотин унинг бошини силаб, «иш ти такой шустрый, Лумбазчик», деб эркалаб ўтиб кетди.

ШОШИЛИНЧ ТАДБИР

У дунёдан репортаж

Дўзахга тушган гуноҳкорларнинг деярли ҳаммаси куйдирилмай бемалол юрганликлари тўғрисида редакциямизга хабарлар келиб турипти. Шу муносабат билан мухбиримиз дўзахнинг ўтхона бўлими бош кочегари (гўлахи) билан суҳбатлашди.

– Албатта, – деди у сирот кўприги тагида милтираб ёнаётган шамдек оловга қараб, – ишларимизда нуқсонлар кўп. Бозор иқтисодиёти бизнинг фаолиятимизга ҳам ўз таъсирини ўтказяпти. «Дўзахтрест» кўмирни 40 фоиз, саксовулни 30 фоиз қисқартирди. Шунинг учун ҳам биз гўлаҳлар сонини 35 фоизга қисқартиришга мажбур бўлдик. Бир вақтлар алангадек ловуллаб ёнадиган олов шамдек липиллаб қолди. Шунда гуноҳкорлар ўтда куйиш ўрнига алангада пайтаваларини куритмоқдалар.

– Демак, ҳали-бери ишларингизда ижобий силжиш бўлмас экан-да.

– Йўқ, ундай эмас, катта ижобий ўзгаришлар арафасида турибмиз. Эртадан умидимиз катта. Шунинг учун ёш гўлаҳлар тайёрлаш масаласида жиддий ишлар бошлаб юборганмиз. Уч ойлик курсда ёш гўлаҳларга Дантенинг «Дўзах», Фитратнинг «Қиёмат» асарларини дарслик сифатида ўқитмоқдамиз.

Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, ўтда куйиши керак бўлган гуноҳкорлар ойлаб навбат кутмоқдалар. Бошқармадагилар бизга ёрдам қўлини чўзди. Яъни дўзахимизни табиий газ билан таъминлаш чораларини белгилади. Икки ярим км. масофада қувирлар тортилди. Яқин кунларда дўзахимизда зангори олов ёниб, гуноҳкорларимизнинг дилларини нурафшон қилади. Қанча гуноҳкор бўлса, икки сменалаб ишлаб куйдириб ташлаймиз.

– Жуда ёқимли, файзли, танни яйратадиган, руҳиятимизга майинлик бағишлайдиган суҳбатингиз учун чин дилдан раҳматлар айтамиз.

ИКИР-ЧИКИРЛАР

Кийимларки бор, битта ювсанг тортишиб (суви қочиб) кичкина келиб қолади. Баъзи романларни ҳам бир ювиб ташласангиз тортишиб ҳикоя бўлиб қолади. Бундан буёқ

ҳикоя босадиган бўлсангиз албатта тепасига «Ювилган роман» деб ёзиб қўйишни унутманг.

* * *

Филармонияда сурнайчи бўлиб ишлайман. Қачон местком мажлиси бўлса, мени муҳокама қилишади. Тўйларда кўчани бошига кўтарадиган карнайчи у ёқда қолиб, нега мен балога қолар эканман.

Ғат-ғат қилган карнайчию балога қолган сурнайчи экан-да!

* * *

Кеча туғуруқхонадан хотиним билан боламни ўринбосарим бориб олиб келди. Қарасам, бола сифатсиз, яъни 2 кг, 600 гр.

Ҳам тошдан, ҳам тороздан уриб қоладиган доя хотинлар текширилсин.

(Туғуруқхона «шикоят дафтари»даги ёзув)

* * *

Ўғлим имтиҳонга кирса, ўқитувчилари «Ия, стилига экансан-ку!» деган маънода илжайиб қўйишибди.

Нима! Стиляга одам эмасми? Уни ювиб-тараб, сочини олдириб, мўйловини қириб, бўйнидаги қасмоғини бензин билан яхшилаб артиб ташласа бинойидек одам бўлади.

(Ўғлини ўқишга киритолмаган ота ҳасрати)

* * *

Газетада ҳикоям босиладиган кечаси ухломмайман. Бутун Ўзбекистонда ўша тонгда мендан олдин турадиган одам бўлмаса керак.

Бўёқ ҳиди келиб турган газетани маза қилиб бир ҳидлаб кейин хотиржам бўлиб ёстиққа бош қўяман.

БИЛДИРИШ

«Дам олиш бекати»нинг орқа томонидаги хилватда (кўмирхонада) Маҳаллий анонимчиларнинг навбатдаги йиғилиши бўлади.

Кун тартиби:

1. Юмалоқ хатларнинг сифати ҳақида ўртоқ (?) нинг кириш-чиқиш сўзи.

Эслатма: Бизда ҳужжатларга исм ва фамилияларни ёзиш мутлақо мумкин эмас.

2. Қўлга тушган анонимчиларни хотирлаш (тик туриб). Ахборотчи (?)

3. Қўлга тушган анонимчиларнинг оилаларига гуманитар ёрдам кўрсатиш.

ИЖОДИЙ ПОРТРЕТ

Шоир Жаҳонийнинг оғирлиги 74 кг, ёзган китобларининг тирик вазни (яъни ичидаги сувидан ташқари) 6 миллиграмм. Қон босими сопсем йўқ. Рентгенга солиб кўрилганда ўпкаси йўқлиги маълум бўлди. Анализларнинг кўрсатишича, организмда фақат йодланмаган туз бор, халос.

Мутахассислар уни тузсиз китоблар муаллифи деб ташхис қўйдилар.

* * *

С а в о л : Аноним хатни шеърда ёзса бўладими? Жавобини сабрсизлик билан кутаман.

Ж а в о б : Умуман мумкин. Фақат ғазал шаклида ёзишга рухсат бор. Ғазал қоидасига биноан охириги икки байтнинг бирида асли исмингиз аниқ ёзилиши керак.

С а в о л : Хулласи бечора анонимчиларга кун йўқ экан. Устингиздан Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеясига ёзаман. Марказий Осиё анонимчиларини ООН махсус рўйхатдан ўтказмагунча тинчлик нималигини билмайман.

Ж а в о б : Вашингтондаги «бекорчиларнинг» шундан бошқа қиладиган ишлари йўқ. Хатингизни олишлари биланоқ ҳайкалингизни ясатиб, «Озодлик» монументи ёнига тик турғизиб қўйишади. Ҳар эҳтимолга қарши ён томондан олинган сувратингиз билан турмада қоғозга туширилган бармоқ изларингизни «телефото» орқали юборинг.

С а в о л : Кўп йиллардан бери ҳикоялар ёзаман. Аммо биронтаси матбуотда эълон қилинмаган. Ҳаммасининг тепа-

сига редакциядагилар, бўлмайди, деб имзо чекишган. Шунақа жавоб келган ҳикоялардан мингтаси уйимда кўз қорачиғидек сақланмоқда. Шуларни нима қилай?

Ж а в о б : Мақалатурага топширсангиз ҳар килосига биттадан талон беради. Шу талонларга китоб дўконидан яхши китоб олишингиз мумкин. Ёмон ҳикояга яхши роман олиш имкониятидан фойдаланиб қолинг.



**ЗАМОНДОШ АДИБЛАР САИД АҲМАД
ҲАҚИДА**

**Саида Зуннуова,
шоира**

САИД АҲМАДГА

Не қилай, дунёнинг ташвишлари кўп,
Не қилай, барига етмайди вақтим.
Кўйгин гиналарни, дея қолгин хўп,
Ёлғиз ўзингсан-ку шодлигим, бахтим.
Эркалаб кузатиб, эркалаб кутиб,
Нозу тавозе-ла чой тутиб қўлда —
Яшашга фурсат йўқ, аммо столда,
Қарагин, ярақлаб турибди кулдон.
Чекма деёлмайман, етмайди кучинг
Ва лекин хаёлан уни ўчириб
Хонангни тутундан поклаш дардида
Уйғоқ ўтираман сендан нарида.
Хатинг бор ҳар қоғоз бисотим менинг,
Беғараз кўнгилни кафтда тутгандай
Ортмоқлаб ўтганман бўрондан уни.
Йиллар бу дардларни энди ютгандай.
Ҳа, йиллар ўтмоқда қайрилмасдан ҳеч,
Мен эса йўқолган шодликлар изин —
Ахтариш, қайтариш дарди-ла нотинч,
Узайтмоқ бўламан умр тизгинин.
Ўйлар оташида бўлиб жизғанақ,
Тунларни тонгларга киприк бамисол —
Ҳар хил мақом билан улайди юрак.
Ўйлар гирдобида мен хаста, беҳол.
Аммо илғаб олар қулоғим аниқ,
Машинканг чиқиллар, тўхтайди баъзан:
Биламан, чекапсан, чекапсан улаб.
Кошки очиб қўйса деб деразани,
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб.
Хонангни тутундан поклаш дардида
Бедор ўтираман сендан нарида.

САИД АҲМАД

Йил бўшатар йилга навбатни,
Чархпалаги айланади арш.
Саидасиз Саид Аҳмадни
Фаришталар айлар парвариш.
Чорбоғ кезар чол, маъюс аммо,
Ниманидир қўмсаб, ахтариб.
Қайлардасиз Саида момо,
Сизсиз бу кун боғлар ҳам ғариб!..
Йўлчаларда йўлга эгилар,
Сувлар тиниб қолар сукутда.
Саидани сўраб беҳилар
Йиғлаб ётар ер билан битта.
Кетар кейин дарди бир тугун,
Йиғлай деса тушунмас даҳа,
Кулай деса, ўзидан олдин
Ажинлари отар қаҳқаҳа.
Бошига тош ёғилса агар,
Билдирмайди бу метин одам.
Ҳамма хурсанд, ўзи зерикар,
Латифалар айтганида ҳам.
Йил бўшатар йилга навбатни,
Чархпалаги айланади арш.
Саидасиз Саид Аҳмадни
Фаришталар айлар парвариш.
У жилмаяр, кўзда ёш қалқиб,
Шивирлайди лаблари бесас:
Саидадир фаришта, балки
Фаришталар Саида эмас!.

САИД АҲМАДНИНГ САНЪАТИ

Саид Аҳмад етмишга кирди. Шу етмиш йиллик умрининг эллик йилдан кўпроғида ҳикоялар, очерклар, фелъетонлар яратди, бир неча қисса ёзди, учта саҳна асари халқнинг оғзига тушди. «Уфқ» трилогияси, «Жимжитлик» романлари китобхонлар учун сеvimли бўлиб қолди.

Албатта, ярим аср мобайнида яратилган бу асарлари билан Саид Аҳмад шубҳасиз адабиёт танбурида минглаб одамларнинг кўнглини овлайдиган устоз санъаткор бўлиб етишди. Хўш, Саид Аҳмад санъатидаги энг яхши белгилар қайсилар? Буларнинг биринчиси — юқорида айтганим, Саид Аҳмад асарларини замонанинг машҳур шиорлари ёхуд оғизга тушган қурилишлар тўғрисида ёзгани йўқ. У планларнинг бажарилиши ҳақида ҳам, колхоз-совхозларнинг фаровонлиги ҳақида ҳам асарлар яратмади. Тўғри, Саид Аҳмад буларнинг барини аҳамиятсиз, ўткинчи нарсалар деб ҳисоблагани йўқ, аммо булар тўғрисида бошқа жанрда — публицистикада қалам тебратиш лозим дейди, бадиий адабиёт эса ўзининг объектига эга, унинг ўз йўли, ўз гапи бор. Бадиий адабиёт биринчи навбатда ва фақат инсоншуносликдир, у инсоннинг феъл-атвори, эътиқодлари, руҳий олами ҳақида баҳс юритади, унинг сийрати ва сувратини, юрагининг кардиограммасини, қалб манзараларини чизади. Саид Аҳмад энг яхши асарларида худди шу йўлдан борди, шунинг учун ҳам унинг асарларидаги одамлар «типик фазилатлар»нинг мажмуасидан таркиб топган «ижобий қаҳрамонлар» эмас, меҳнат қилувчи, изланувчи, муваффақиятларидан суюниб боши осмонга етувчи, кўпинча тақдир зарбалари остида изтироб чекувчи, лекин умидсизликни енгиб ўтишга қодир, самимий, ҳалол одамлардир. Улар «муайян ижтимоий гуруҳлар»нинг вакили эмас, умумбашарият элчиларидир. Худди шунинг учун мен ҳам, менга ўхшаган минглаб китобхонлар ҳам, Саид Аҳмад қаҳрамонларида ўзларига хос сифатлар инъикосини кўрадилар ва уларни ўз қариндошларидай ёқтириб қоладилар.

Саид Аҳмад танқидчиларнинг эътиборсизлигидан нолима-са ҳам бўлади – унинг тўғрисида китоблар ҳам, мақолалар ҳам, такризлар ҳам кўп ёзилган. Уларда Саид Аҳмад шаънига мақтовлар ҳам кўп айтилган. Айни чоғда, айрим асарлари ҳақида мунаққидлар хўп талашиб-тортишишган, хўп найзабозлик қилишган, Саид Аҳмаднинг «хатоларини» фош қилишган, уни «тўғри» йўлга солишга ҳаракат қилишган, қандай ёзса, асари янада салобатлироқ чиқишини уқтиришган. Ҳар қалай, адабиётимизнинг бахтига Саид Аҳмад бу «насиҳатлар»га бўй бермай, мунаққид «дўстларининг» ноғорасига ўйнамай, ўз қалбининг амри билан, ўз истеъдодининг раъйига қараб ижод қилишда давом этди. Иккита мисол келтираман: «Келинлар қўзғолони» янги қўйилган кезларда айрим мунаққидлар асарга теранлик етишмаслигини айтиб, у енгил-елпи масхарабозликдан, олди-қочди гаплардан иборат бўлиб қолганини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, ҳар қандай жиддий комедиянинг замирида салмоқли ҳаётий ҳақиқат, залворли ахлоқий-маънавий муаммо ётмоғи лозим. Бир қараганда, бу гаплар тўғрига ўхшайди. Аммо тўғри бўлса, «Келинлар қўзғолони» енгил-елпи асар бўлса, унинг муваффақиятини нима билан изоҳлаш мумкин? Ахир, асар театр сахналарида неча йиллардан бери узлуксиз қўйилиб келяти-ку?! Ахир, фақат Ўзбекистонда эмас, бир қатор қардош республикаларда ҳам муваффақият қозонди. Унча-мунча нарсани хушлаши мушкул бўлган Москва томошабинлари ҳам бир неча кун давомида гулдурос қарсақлар билан олқишлади. Ҳатто «Келинлар қўзғолони» асосида яратилган кинофильм Америка Қўшма Штатларида муваффақият билан намоёниш қилингани ҳақида матбуотимиз ёзди. Шунга қараб ҳукм қилсак, «Келинлар қўзғолони» эмас, асар ҳақидаги мунаққидларнинг мулоҳазалари саёзроқ чиқиб қолмасмикин? Биз бу асарни танқид қилганимизда комедия ҳақидаги бир томонлама, китобий тасаввурларга таянган эмасмикинми? Дарвоқе, «Келинлар қўзғолони»дан теранлик талаб қилганимизда қанақа «теранлик»ни назарда тутганмиз? Агар бу Достоевскийнинг «Телба»сига, Толстойнинг «Уруш ва тинчлиги»га ёхуд Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат»ига хос теранлик бўлса, яъни ахлоқий-маънавий ёхуд фалсафий муаммоларнинг қатини очадиган, инсоният тириклигининг

мангу «муаммолари»ни таҳлил қилишга хизмат қилувчи теранлик бўлса, бундай теранлик «Келинлар қўзғолони»да, албатта, йўқ. Асарда, адабиётда бундай теранлик бўлгани яхши албатта. Аммо бундай теранликни санъатнинг бирдан-бир белгиси деб қараб бўлармикин? Ҳамиша, ҳар қандай асардан, ҳамма ижодкордан бир хил даражада шундай теранлик талаб қилиб бўлармикин? Қолаверса, «теранлик»-нинг ўзи ҳам ҳамма даврлар учун, ҳамма муаллифлар учун бир хил, сира ўзгармайдиган нарса бўлармикин? Шундай саволларга таяниб мулоҳаза юритилса, кўринадики «Келинлар қўзғолони»да ҳам теранлик бор. Фақат бу теранлик ўзбек миллий турмушини тасвирлашдаги, миллий характер моҳиятини очишдаги теранликдир. Асардаги теранлик Фармонбиби типигаги ўзбек аёлларига, уларнинг фарзандларига, келинларига меҳрнинг теранлигидир. Асарни томоша қиласиз, генерал кампирнинг ҳуда-беҳуда қилиқларидан мириқиб куласиз, лекин спектакль охирида Фармонбибини ёмон кўриб, ундан нафратланиб театрни тарк этмайсиз. Аксинча, бу оилани ўзингизга яқин олиб, Фармонбибини ҳурмат қилиб, у туфайли ўзингизнинг ҳам турмушингизни, оилангизни ўйлаб, аҳилликни, иттифоқликни, меҳр-оқибатни, бир-бирига мурувватни ичингизда яна бир алқаб, театрдан кетасиз. Шунинг ўзи катта гап эмасми? Биз муаллифдан ҳам, театрдан ҳам сира шиорбозлик қилмасдан, сира бизни «тарбия» қилишга жон куйдирмай, фақат қувноқ ҳаракатлар билан, камалакдек турфа рангларда товланувчи ҳаётбахш юмор билан кўнглимизда бир олам олижаноб туйғулар, эзгу ҳислар уйғотганига миннатдор бўлмоғимиз керак эмасми? Ахир чинакам санъат деганлари айни шундай бўлмоғи зарур-ку!

Иккинчи мисол «Қирқ беш кун» романи билан боғлиқ. Бу роман ҳақида ёзилган мақолаларда ҳам баъзи мунаққидлар унинг асосий камчилиги сифатида конфликтнинг заифлигини айтишган эди. Уларнинг фикрича, Катта Фарғона каналининг қурилиши жуда катта кучларнинг кураши натижасида ҳал бўлган. Бу қурилишни авантюра деган, унга ишонмаган олимлар ҳам, давлат ва партия арбоблари ҳам кўп бўлган-у, фақат Усмон Юсупов қатъий ҳаракати туфайли масала ижобий ҳал бўлган. «Қирқ беш кун» романида

воқеаларнинг ана шу жиҳати муаллиф эътиборидан четда қолган. Бу ўринда ҳам мунаққидлар бир қарашда ҳақдек кўринади. Бироқ, роман Катта Фарғона канали қурилиши акс эттирилгани билан ёзувчининг асосий мақсади бу қурилишнинг ҳамма жараёнини босқичма-босқич ёритиб бериш эмасди-ку! Айниқса, муаллиф олий ҳокимият ва партия доираларида бу масала қандай қўйилгани ва қандай ҳал қилинганини кўрсатмоқчи ҳам бўлган эмас. Унинг бош мақсади канал қурилишининг умумий манзарасию, бу жараёнда ўзбек халқининг жўш урган ғайрат-шижоатини тасвирлаш бўлган ва бунга тўла муваффақ бўлган. Ҳақиқатан ҳам, Катта Фарғона каналининг қурилиши республикамиз тарихидаги, ҳатто ҳозир ҳам дафъатан ақл бовар қилмайдиган ғоят ноёб мўъжиза бўлган: бир неча юз минг халқ бир одамдай мислсиз аҳиллик билан бир ёқадан бош чиқариб, техникасиз, қуруқ кетмону замбил-ғалтак билан канал эмас, бутун бошли дарёни қирқ беш кунда қуриб битирган. Бунинг энг танг қоладиган жойи шундаки, бу мислсиз шижоат, дostonларда мадҳ этса арзийдиган меҳнат қаҳрамонлиги 1939 йилда содир бўлган. Яъни ўзбек халқи ҳам Сталин мустабиллигининг авжини 1937 йилда бошдан кечиргандан кейин, халқ минг-минглаб асл фарзандларидан жудо бўлганидан кейин содир бўлган.

Қандай қилиб мана шу ҳадсиз зулм шароитида, тарихда мисли кўрилмаган жаллодлик ҳар бир хонадонга талофатлар етказиб турган шароитда халқнинг бунчалик ғайрати, партияга ишончи, эртанги кунга умиди намоён бўлдийкин? Бу нима? Халқнинг овсарлигимиди? Ҳар нарсага кўнувчанлигимиди? Атайин фожиалардан ўзини олиб қочиб, уни пайқамасликка уриниб, ўзини шу билан овунтиришга, чалғитишга уринишими? Бу саволлар ғоят муҳим. Улар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Аммо унинг жавобини, албатта, Саид Аҳмаддан талаб қилиш тўғри бўлармикин?

Саид Аҳмад эса романда Азизхон характерини яратиб, ўша даврнинг бетакрор руҳини, бутун халқни яқдил қилган улуғворликни, меҳнат кўтаринкилигини тасвирлаб, катта иш қилди. Мен икки асар билан баъзи мулоҳазаларимни айтган бўлсам, буни Саид Аҳмадни ҳимоя қилиш мақсадида айтганим йўқ. Саид Аҳмад ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтож

эмас. Мен муайян даврларда биз — мунаққидларнинг адабиётни тушунишимиз қандай мураккаб кечганини кўрсатмоқчи бўлдим, халос. Биз кўп ҳолларда оғизда истеъдодларни қадрлаш зарурлигини эълон қилган ҳолда, амалда асарларни таҳлил қилганимизда уларга нотўғри ёндашиб, уларни измимизга солиб жиловлашга уринганмиз.

Яна Саид Аҳмадга қайтайлик. Гап адибнинг санъати ҳақида эди. Юқорида мен унинг энг яхши асарларида инсон характериға теран кириб борганини айтдим. Бу гапларға кўшимча қилиб, яна бир ҳолатни таъкидламоқчиман.

Биринчиси шуки, Саид Аҳмад асарлари ғоят бой миллий колоритға эга. У Ўзбекистон манзараларини ҳам, ўзбек миллий характерини ҳам шунчаки адиб кўзи билан эмас, зеҳни ўткир рассом кўзи билан кўради. Бунинг оқибатида ҳамма миллий ранглар жамики жилосини сақлаган ҳолда кўз ўнгимизда намоён бўлади ва бизни ошуфта этади, кўнглимизда ғурур уйғотади.

Мен таъкидламоқчи бўлган иккинчи ҳолат, Саид Аҳмад асарларида юмор билан лириканинг чатишиб кетганидир. Унинг биронта асари йўқки, бирор жиҳати юморға йўғрилмаган бўлсин. Саид Аҳмад юмори ғоят ҳаётбахш, у адибнинг донишмандлигидан туғилади. Шу маънода мен Саид Аҳмадни ҳаёт сабоқларидан дарс бераётган устозға қиёс қиламан. Гўё у ўз юмори билан одамларға: «Эй, биродарлар, мунча юракларинг тор бўлмаса, мунча серзарда бўлмасаларинг, ахир, сизларни хуноб қилаётган, кўнглингизға адоват солаётган нарсаларға бошқа жиҳатдан қараб кўринглар — улар бу ўтар дунёда ғоят арзимас нарсалар-ку! Феълингизни кенгроқ қилинг, ҳаёт мушкулотини кулги билан енгинг, донишмандроқ бўлинг!» деяётгандай бўлади.

Ҳа, энди айтганларимизға яқун қилайлик:

Хўш, Саид Аҳмад санъатини қандай таърифласа бўлади? Саид Аҳмад санъати инсон характериға, унинг руҳият оламиға чуқур кира боришдан, унинг миллий рангларини илғаб олишдан, уни эзгулик ва яхшилик, аҳиллик ва олижаноблик сари ундашдан, ҳажвийётни улуғлашдан таркиб топувчи санъатдир.

Адибнинг ярим асрлик ижоди давомида эришган марраси шу! Юксак марраси!

1990 йил, 15 июнь

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗФОЛONI» ОЛМАОТАДА

Мухтор Авезов номидаги қозоқ Давлат академик драма театри Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедиясини Олмаота томошабинларига кўрсатди. Асарни ёш қозоқ адиби Асқар Сулаймонов таржима қилган. Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Қозоғистон ёшлар мукофоти лауреати, қозоқ саҳна санъатининг таланти ёш режиссёрларидан бири Р.Сейметов асарни қизиқарли ва кўркем қилиб саҳнага кўйган.

Қозоқ томошабинлари ҳазилни, юмори жон-дилдан яхши кўради, кунимиз, давримиз ҳақидаги қизиқ ва кулгили асарларни юқори баҳолайди, турмушимизда учраб турадиган турли-туман иллатларни қамчилашга уста. Қозоқ халқининг бизники сингари «Афанди»лари, «Алдар кўса»лари, «Кўзи-кўрпеш»лари халқ донишмандлигининг нодир намуналарини берган, халқни беназир ҳазил ва кулгу бадиалари билан тўғри, ҳақиқий йўлга бошлаган, кўзидан ёшини артиб, чеҳрасидан кудуратини олган. Унинг кулгиси бизнинг сингари водийларни янгротиб, биёбонларни шодликларга тўлдирган. Биз томошабинлари тўлиб-тошиб ўтирган театр залида бу спектаклни қадрли кўшнимиз тилида тинглар, қозоқ қаҳқаҳасига кўшилар эканмиз, ана шуларни ўйладик.

Бу спектаклни Ҳамза номли театр талқинида Москва томошабинлари олқишлади, газета алқади, рус тилида бир неча саҳнада янгради ва бошқа қардош халқлар саҳналарида адабиётимиз кўркини кўз-кўзлади. Таланти ўзбек адибининг биринчи саҳна асари шу зайл жаҳон бўйлаб сафарга чиқди, муаллифини тагин бу жанрда қатор асарлар устида иш олиб боришга илҳомлантирди. Қозоқ саҳнасида бош ролни ижро этган Халқ артисти Сабира Майқонова спектаклдан сўнг муаллиф ва ўзбек адиблари билан суҳбатда муаллифга «дастлаб сиз менимас, мен сизни муборақбод этишим керак, шундай «ичакузди» асар билан, сиз бу асарингиз билан бизнинг «Алдар кўса»ларимизни эслатиб кўйдингиз, бизнинг санъатимиз ҳавосини ўзбек қадрдонларимиз санъати нафас

олаётган ҳаво билан учраштирдингиз. Менинг у сахнада севикли дўстларим бор, Фармонбибини ўйнар эканман, уларни кўриб тураман, ғойибона улар билан «беллашаман», деди.

Ҳақиқатан ҳам Сабира Майқонова беллашадиган зўр санъаткор. У қозоқ сахнасининг фахридир. Биз унинг талқинида кўрганимиз Фармонбиби ва у қатори ансамблини ташкил этган санъаткорлар бугунги қозоқ драма театрининг кўркидирлар. Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Нукетай Мишбаева ижро этган Соттихон, Нурзода Ташимова ижро этган Нигора образлари етти аёл орасида ажралиб туради, бу икки санъаткорнинг санъати кишини лол қолдиради, тили, воқеаларга муносабатлари кулги устига кулги тортади. Башорат (Жамол Холмуҳамбетова), Бўстон (Қозоғистон халқ артисти, Қозоғистон Давлат мукофоти лауреати Бикен Реимова), Лутфи (Сайра Қўжақова), Муҳайё (Рахила Машурова), Меҳри (Жумагул Мейрамова) сингари келинпошшалар образлари шу қадар муҳаббат билан талқин этилганки, санъаткорлар санъатларига беихтиёр офаринлар дейсиз.

Асар воқеаси талабига биноан спектакль ичида спектакль кўйилади. У асарнинг энг мураккаб томонларидан бири, Фармонбибининг «айблари» фош этилади, бу сахна, айниқса, режиссёр учун ниҳоятда мушкулликлар туғдиради. Лекин спектаклда бу яхши топилган, енгил ва табиий ҳал қилинган. Шунинг учун бу сахнада томошабин кулгидан чарчайди. Эркаклар оналари ва хотинлари ролларини жуда боплаб ўйнайдилар. Айниқса, Соттихон (қайнананинг «шпиони») роли унинг эри ижросида жуда ажойиб талқин топган. Асарда яна бир сахна бор. Бу сахна асар қаҳрамони Фармонбиби ва унинг оиласи образини яна ҳам ёрқинроқ очишда катта роль ўйнайди. Бу – Фармонбиби, Соттихон ва ноҳалоллиги билан жазоланган бир база мудирининг онаси келадиган сахна. Бу сахнада, айниқса, номаълум аёл (база мудирининг онаси) образини Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Ҳабиба Елебекова ўхшатиб ўйнаган.

Авезов номли театр «Келинлар кўзғолони»ни ўзининг энг яхши асарлари қаторида бир неча шаҳар ва қишлоқларда кўрсатди. Кентовда спектакль кўрсатилаётганда кутилмаган ҳодиса рўй берди: зал ҳар сафаргидек томошабинлар билан

лиқ тўла, ҳатто ортиқча тирбанд эди. Томошабинлар ерларда ҳам ўтиришарди. Кулги шу қадар зўр ва авжига чиққан эдики, томошабинлар орасида бирдан бола чинқириғи кўтарилди, томоша ярмида тўхтади, залда ўтирган ҳомиладор бир аёл қаттиқ кулганидан туғиб қўйган эди. Болани асар қаҳрамони ижрочиси Сабира Майқонова қабул қилиб олди, театр костюмери уни йўргаклади, бола ўғил эди, отини муаллиф номига қўйишди.

Шундай қилиб, «Келиндер кўтерилиси» қозоқ қардошларимиз орасида кулги ва хушчақчақлик уруғини сепаб юрипти, уларнинг чинакам меҳрига, олқишига сазовор бўлмоқда. Спектаклдан сўнг қозоқ санъаткорларига биз ўзбек адиблари номидан чексиз миннатдорлик билдирдик ва уларнинг янаги ишларида катта муваффақиятлар тиладик.

1979 йил, 6 апрель

Неъмат Аминов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

МАШҲУРЛИК

Бу тушунчанинг тўрт нуқтаси бор: истеъдод, камтарлик, ҳолислик ва ҳозиржавоблик. Ана шу хислатларни мукамал эгаллаган истеъдод соҳибигина том маънода машҳур бўла олади. Ҳар бир халқ ўзининг шу хил фарзандларига эга. Бу кишилар машҳурликнинг маълум бир даражасига кўтарилгач эл-юрт қамровида бўладилар. Уларнинг ҳар бир қилиғи, оғзидан чиққан ҳар бир калимаси, кулгию йўталигача, ҳатто сартарошнинг лунгисига тушган сочигача халқ орасида латифага айланиб кетади. Одамлар унинг юриш-туриши, овқатланиши, кийинишидан ўзларича маъно қидирадилар. Гоҳида бу хил маънони ўша машҳур зотнинг ўзи ҳам хаёлига келтирмаган бўлади.

Ана шундай машҳур ёзувчилардан бири Саид Аҳмад акадир. У кишининг ўзбек адабиётига қўшган ҳиссаси биринчи навбатда «Уфқ» романи ва «Келинлар қўзғолони» комедияси ва қатор ҳикоялар билан белгиланади. Мен бу асарларни таҳлил қилиб, ортиқча қоғоз қоралаб ўтирмайман. Чунки бу ишнинг

Ўз нуқтадонлари бор. Қолаверса, ҳозирги китобхонлар жудаям анойи эмас — «чайналган нон»ни хуш кўравермайди.

Яқинда Саид Аҳмад аканинг етмиш йиллик юбилейи муносабати билан сафарда бўлдик. Учрашувлардан бирида кимдир янгича фикр айтиб қолди: «Келинлар қўзғолони» асарида Фармонбиби ва унинг етти ўғил, етти келини образлари бор. Жами — 15 киши. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, Фармонбибини СССР деб олсак, унинг ўғил ва келинлари Иттифоқдош жумҳуриятлардир... улар ўз мустақилликлари учун курашадилар...» деди. Ҳайъатдагилардан бири «Литва ҳам кирадимиз?» дея луқма ташлади. Нотиқ ўзини йўқотмасдан «Ҳа, кичик келин-да» деган эди, ҳамма кулиб юборди.

Учрашувдан сўнг Саид Аҳмад акадан «Келинлар қўзғолони»ни ёзаётганда шу ғояни назарда тутганмисиз, деб сўрадим. «Қайдам, эсимда йўқ», деди у елка қисиб.

Зеро, машҳур кишиларда ўзи хаёлига келтирмаган Башорат туйғуси ҳам бўлади.

Аксар бошқалар билан рўй берган воқеалар ҳам шу машҳур кишиларга нисбат бериладикки, натижада ўша воқеа қанчалик жўн бўлмасин машҳур зотнинг шахси туфайли сайқалланиб, тарих саҳифаларига муҳрланиб қолади.

Саид Аҳмад ака билан кўп сафарларда бирга бўлиб, шу нарсага қаноат ҳосил қилдимки, унинг тасодифан айтган гапи ҳам одамларда ўзгача қизиқиш уйғотади. Даврадагилар тезда унинг энг яқин кишисига айланиб қоладилар.

Мана, куни кеча бўлиб ўтган учрашувда Саид Аҳмад ака оғзидан ёзиб олинган жумлалар:

«Бир пайтлар кадрлар бўлими анкета тўлдирганда «Нечта мачит бузгансан?» деган савол ҳам бўларди».

«Ёшлиқда бир композитордан:

— Бу танғур-тунғурингизга тушунмаяпман-ку, дўстим, — деганим эсимда. Шунда у капалакнусха бўйинбоғини ушлаб туриб:

— Бизнинг мусиқани тушуниш учун сизга камида эллик йил керак, — деган эди.

Шунга ҳам эллик уч йил бўлиб қолди. Унинг мусиқасини ҳамон тушунганимча йўқ».

«Қатағон йилларида 40 миллион киши қамалган, ўлдирилган бўлса, шунга камида 90 миллион киши гувоҳлик

берган. Энди ҳисоблаб чиқинг-чи, ўшанда 90 миллион киши аҳолининг неча фоизини ташкил қилади».

Юқорида машҳурликнинг холис нуқтаси ҳақида ҳам гап юритдик. Халқимизда «Ҳимматсиз ҳомийдан, ҳимматли ҳам-мол афзал» деган нақл бор. Саид Аҳмад ака бамисоли Абдулла Қаҳҳордек адабиёт оламида «йилл» этиб кўзга ташланган истеъдод борки, унинг бошини силашга ошиқади. У бировлардек «фалончилар менинг шогирдим, фалончига фалон вақт оқ йўл тилаганман», дея ҳадеб иззатталаблик қилавермайди. Ўз шогирдларини «болам», «укаларим» деб ардоқлайди. Шунинг учун ҳам бугунги ўзбек адабиётининг кўзга кўринган вакиллари Худойберди Тўхтабоев, Иброҳим Фафуров, Носир Фозилов, Умарали Норматов, Анвар Обиджон, Саъдулла Сиёев, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султонов, Тоғай Мурод, Анвар Эшонов ва яна ўнлаб ижодкорлар Саид Аҳмад акани устоз дея эътироф этганлар.

Бировлар назарида Саид Аҳмад айрим қусурлардан ҳам холи эмас. Начора. Беайб парвардигор. Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас. Оқ кўнгил, содда, мард ва кечиримли халқимиз ҳазрати Шоҳ Машрабнинг томдан туриб кўрсатган «эркалиги»ни ҳам машҳурлик фазилатига йўйган.

Саид Аҳмад ака ҳали томга чиққанча йўқ-ку...

1990 йил, 15 июнь

Ўткир Ҳошимов,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

НУРЛИ УФҚЛАР

Саид Аҳмад билан суҳбат

– Саид Аҳмад ака, бу ерга кела туриб, бир нарсани эсладим. Баҳорда бир неча нафар қаламкашлар Самарқанддан Қашқадарёга кетаётган эдик. Кеч қолиб кетдик. Шунинг учун Самарқанд билан Қашқадарё вилоятининг чегарасида жойлашган Жом қишлоғида тунаб қолишга тўғри келди. Нотаниш, оддий бир оилада меҳмон бўлдик. Мен тоқчада турган китобларга разм солдим. Оилада мактаб ўқувчилари анча экан шекилли, «Ўқиш китоби», «Математика», «Астро-

номия» сингари дарсликлар кўп эди. Улар орасида «Уфқ» романининг 1970 йилда нашр этилган нусхаси ҳам бор экан. Китоб қўлдан-қўлга ўтавериб, титилиб кетган, баъзи саҳифалари йиртилган эди. Мен бунга ажабланганим йўқ. Чунки, асарларингизнинг қўлма-қўл ўқилишига сабаб кўп. Тасвирингиз тиниқ, асар тили жозибали. Буларнинг ҳаммаси жуда муҳим. Лекин, ўзбек китобхони учун яна ҳам муҳимроқ бўлган бир сабаб бор. Менимча бу сабаб шундаки, сизнинг асарларингизда қандайдир кўнгилга яқин миллий руҳ аниқ сезилиб туради. Тасвирда ҳам, қаҳрамонларнинг ҳолатида ҳам шу нарса ярқ этиб кўзга ташланади.

Мана, баъзи манзаралар, «Қизиган тупроққа бағрини босиб ётган мусича эриниб кукулайди. Пахса деворга чап-ланган қовун уруғини ари талайди. Устига офтоб келиб қолган сигир орқага тисарилиб, арқонини узмоқчи бўлади». Ёки «Чап тарафдаги деворда лоп этиб олов сакрадио, зум ўтмай сўнди. Дарахт учлари, том бўғотлари бир дамгина ёришди. Биров тандирга ғўзапоя ташлади шекилли». Бунга ўхшаш «нақд ўзбекона» манзаралар «Уфқ»да ҳам, бошқа асарларда ҳам кўп. Фақат манзаралар эмас, қаҳрамонларнинг характерида ҳам миллий бўёқлар аниқ кўринади. Масалан, Азизхонни олайлик. У чапани йигит. Севган қизини бировга беришаётганида тўй айни қизиб турган пайтда келинни олиб қочади. Лекин ёлғиз қолганида никоҳсиз унинг билагидан ушлашга уялади. Азизхоннинг мутлақо тескариси, пул учун ҳеч нимадан тоймайдиган Иноят оқсоқолни олайлик. Ҳатто унинг зикналигида ҳам ўзига хослик бор. У кўчада тиланчини кўриб қолса, чўнтагини кавлашга тушади. Одамлар Иноят оқсоқол сахий бўлиб қолибди деб ўтиб кетишаверади. Ҳамма кетганидан кейин оқсоқол чўнтагидан носқовоғини чиқариб, бир чимдим нос отади-да, кетаверади. Тиланчи анграйиб қолаверади.

Бу мисолларни айтишдан муддаом асарларингиздаги шундай руҳ китобхоннинг дилидан дарҳол жой олишини эслатмоқчиман. Лекин, бундай руҳни кузатиш билан, дафтарчага ёзиб бориш билан асарга сингдириб бўлмайди. Менимча, буларнинг ҳаммаси ёзувчининг табиий бир заруратига айланган нарса бўлиши керакка ўхшайди. Шу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

– Менимча ҳам шундай. Китобхоннинг қўнглига жо бўладиган ҳолат ёки манзараларни чизишни машқ билан ўрганиш анча мушкул. Ҳозир бир нарса ёдимга тушди. 1947 йил март ойида ёш ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ биринчи семинар-кенгаши бўлганди. Ўшанда машҳур ёзувчи И.Эренбург менинг «Мастон буви» ҳикоямни ўқиган экан. У шундай деди: «Мен ҳам бир вақтлар «Ўзбеклар» деган ҳикоя ёзган эдим. Бу ҳикоя уруш ҳақида эди. Унда маълум бир миллатнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатиш қийин эди. «Мастон буви» ҳикоясида эса иккита, жумладан Ўзбекистоннинг ўзим кўрмаган жойларини кўргандек бўлдим. Бир жойда ҳикоя қаҳрамони конвертни ўрикнинг елими билан ёпиштиради, яна бир жойда севинганидан дўпписини осмонга отади».

И.Эренбургнинг ўша гапи мени кўп вақт руҳлантириб юрди. Мен шаҳарда яшаган бўлсам ҳам кўп қишлоқ кезганман. Ёз пайтини тасаввур қилинг. Қишлоқда олхўри кўп ейилмайди. Шунинг учун девордан мўралаб турган олхўри устига чанг ўтиравериб, тупроқ золдирга ўхшаб қолади. Ёки, чойхонага кирдингиз. Самоварчи олдингизга нон, қанд, чой келтиради. Ўзи бир пиёласини қуяди, ҳол-аҳвол сўрайди. Бурилиб кетаётганида қарасангиз, қулоғига ўн беш тийинлик танга қистириб қўйган бўлади. Мана шу деталь – қулоғидаги 15 тийинлик танга китобхоннинг кўз ўнгига дарров ярқ этиб келади. Лекин мен бу манзараларни алоҳида эслаб қолишга ёки ёзиб олишга ҳаракат қилмайман, улар қандайдир «автоматик» равишда хотирага ўрнашиб қолади. Қишлоқни кўп қўмсаганим учун ҳам дала манзараларини аниқ тасвирласам керак. Одатда шаҳарлик одам қишлоқ манзарасини аниқроқ ҳис қилади. Асарда миллий руҳнинг акс этиши ҳам доимий машқдан эмас, қандайдир табиий заруратдан келиб чиқади.

– Асар ёзилаётган пайтда қаҳрамонларнинг тақдири ўзгариб кетиши, ёзувчи кутилмаган муаммоларга дуч келиб қолиши мумкин. Тарихда бундай мисоллар кўп. Лекин аввал асарнинг кейинги қисмлари, кейин эса олдинги қисми ёзилиши камдан-кам бўладиган ҳодиса. Сизнинг трилогиянгизда худди шундай бўлди. Аввал «Уфқ»нинг дастлабки – иккинчи китоби ёзилди. Кейин эса трилогиянинг бош қис-

ми — «Қирқ беш кун» яратилди. «Уфқ»да Азизхон ҳақида бирмунча боблар бор. Лекин, Азизхоннинг ўзи кўп кўринмайди. «Қирқ беш кун»да эса Азизхон асосий қаҳрамон. Айтинг-чи, «Уфқ» ёзилаётганида «Қирқ беш кун»ни ёзишни, Азизхон бош қаҳрамон бўлишини ўйлаганмидингиз? Агар ўйлаган бўлсангиз нима учун аввал «Қирқ беш кун»ни ёзмагансиз?

— «Уфқ»ни ёзаётганимда «Қирқ беш кун» ёзилишини, бу асар трилогиянинг биринчи китоби бўлишини ўйлаган эмасман. Лекин умуман, канал қурилиши ҳақида асар ёзиш ниятим бор эди. Фақат бу ҳақда роман ёзиш ниҳоятда қийинлигини билар эдим. Негаки, канал қурилиши пайтида халқ оммавий жасорат кўрсатган. Бу иш байрамнамо ҳашар билан бўлган. Демак, бу ерда катта асар учун етадиган кескин конфликт йўқ эди. Шу сабабли, асарни қандай ёзишни билмасдим. «Қирқ беш кун» учун лозим бўлган бош йўналиш кейинчалик топилди. Бу — Азизхоннинг тақдири, баъзи характерларнинг тўқнашуви эди. Азизхон характери эса «Қирқ беш кун» учун жуда ўнг келарди. Шу сабабли «Қирқ беш кун» кейин ёзилди.

— Саид Аҳмад ака, трилогиянинг фазилатлари, ундаги қаҳрамонлар ҳақида кўп гаплар айтилган. Биз бу ҳақда алоҳида гаплашиб ўтиришимиз шарт бўлмаса керак. Менимча, китобхонларни ҳар бир ёзувчининг иш услуби жуда қизиқтиради. Ҳар бир қаламкашнинг ўзига хос ёзиш усули бўлади. Масалан, Толстой фақат эрталаблари ёзган. Достоевский кечалари ижод қилган. Хемингуэй доим тик туриб ёзишни яхши кўрган. Сизнинг ижод усулингиз қандай? Ёзаётганда қандай мушкулликларга дуч келасиз?

— Ҳали айтганимдек, ён дафтар, кундалик дафтар тутмайман. Хотирада қолган манзаралар, турли деталлар асар ёзаётганда ўзи қуйилиб келаверади. Лекин стол олдида ўтиришим ниҳоятда мушкул. Айниқса, катта асар ёзаётганда уни бошлаб олгунча, жуда қийналаман. Аввал биринчи жумла, кейин биринчи абзац, ундан кейин биринчи саҳифа минг машаққат билан ёзилади. Бу пайтда ўша жумла, ўша абзац, ўша саҳифанинг оҳанги топилса бас. У ёғи осон кўчади. Ундан ташқари, қаҳрамонларга исм қўйишга жуда қийналаман. Уларга иложи борича халқ орасида кенг тарқалган, оддий номлар қўйишга ҳаракат қиламан.

Асарнинг сюжет чизиқлари бошидан охиригача маълум бўлмайди. Фақат баъзи бир энг муҳим ҳолатларни олдиндан биламан. Масалан, Турсунбойнинг ўлими, Икромжоннинг ўлими олдиндан аниқ эди. Лекин улар қай тарзда нима ишлар қилади, бунисини ўзим ҳам аниқ билмасдим. Негаки, мени сюжетдан кўра кўпроқ қаҳрамонларнинг характери қизиқтиради. Асар қаҳрамонининг характери аниқ бўлганидан кейин, унинг ўз мантиқидан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатлари ҳам ўқувчини ишонтиради. Менимча, ёзувчи уни «қулоғидан чўзиб», судраб юрмаслиги керак.

Илгари ҳикояни қизиқ усулда ёзардим. Кечаси ҳикоя ёзиб, эрталаб бир ўқиб чиқардим-да, йиртиб ташлар эдим. Кейин эсимда қолганини қайтадан ёзиб чиқардим. Негаки – ўқувчининг эсида ҳам худди шуниси қолади.

Роман ёзишда баъзи нарсаларни тажриба қилиб кўришга тўғри келиб қолди. Эсингизда бўлса, бир ўринда қамишзорга ўт қўйишади. Болалик пайтимда қамишзорга ўт ёқиб кўрганман. Бўғотдаги қамиш чириб қолгани учун варракка ишлатиб бўлмасди. Шунинг учун Чорсу этагидаги сув бўйидан қамиш олиб келардик. Ўшанда қамишга ўт қўйганмиз. Лекин у ерда қамишлар кам эди. Олов ёққанимизда унинг тагидаги қуриб қолган ўтлар ёнар эди. Романда эса каттакон қамишзорга ўт қўйилади. Бу манзарани ўз кўзим билан кўриш учун Сирдарё бўйидаги бир колхозга бориб, тажриба ўтказиб кўрдим. Қамиш ғалати ёнаркан. Унинг учидаги попилтириғи энгил бўлгани учун олов аввало ўшани ёндиракан. У худди шамга ўхшаб ёниб тураркан. Ўшанда қамишзор орасидан шатир-шутур қилиб қочган жониворларни ўзим кўрганман. Романда ҳам шу манзара тасвир этилган...

Мени яна бир нарса қийнайди. Асарнинг хотимасини ёзишда кўп ўйланаман. Масалан, «Уфқ»нинг биринчи китобидаги хотимани юз мартага яқин ёздим десам ёлғон бўлмайди. Ўша ерда бир жумла бор. «Ҳар бир одам ўз ғами билан бўлса, ҳаётдан кўз юмиб кетганларга умр бўйи мотам тутиб ўтса, бу моддий олам шу кунларга етолармиди», дейилади. Ана ўша «етолармиди» деган сўзнинг бир неча вариантини ишлатиб кўрдим. Назаримда шу ерда оҳанг бузилаётгандек, асарнинг авж пардаси тушиб кетаётгандек туюлаверди. Ниҳоят, хотимани минг машаққат билан тугатдим...

– Саид Аҳмад ака, «Қирқ беш кун»да анча тарихий шахслар бор. Улар асарни ўқишган бўлса керак. Роман босилиб чиққанидан кейин асар ҳақида қандай фикр айтишди? Баъзи қаҳрамонлар улар хоҳлаганидан бошқачароқ чиқиб қолган бўлиши мумкин. Баъзи жойлари эришроқ туюлиши мумкин. Ўзингиз биласиз, бадий ҳақиқатда барибир умумлашмалар бўлади...

– Романда кўп тарихий шахслар бор. Уларнинг баъзилари ҳаёт, баъзилари оламдан ўтишди. Эсингизда бўлса романда — «Уфқ» қисмида Абдулла бақироқ деган одам бор. У баланд овози билан телефон вазифасини бажариб юради. Мен уни кўрган эмасман. Фақат эшитгандим. Яқинда бир қиздан хат олдим. Шу одамнинг невараси экан. Бобоси ҳақида фахрланиб ёзибди. Асардаги яна бир қаҳрамон Тўхтаўжаев деган одамнинг қизидан ҳам хат келди. У ҳам миннатдор бўлиб ёзибди. Мен Азизхон полвоннинг шунча кўп иш қилишига китобхон ишонармикин деб иккиланиб юрардим. Асар ёзилаётган пайтда Водилга бордим. Ўша ерда Алижон деган полвон йигит ҳунар кўрсатаётган экан. Устига машинани чиқаради, ақл бовар қилмас юк кўтаради. Ўзи ихчамгина бола. Шундан кейин Азизхоннинг қилиқларига ҳам бемалол ишониш мумкинлигини ҳис қилдим.

Ҳали айтганимдек, канал қурилиши оммавий қаҳрамонлик бўлган. Дўнан полвон, Жўра полвон, Тожимат Хидиров сингари кишилар планни икки юз-уч юз фоиз эмас, минг фоиз бажаришган. Ҳозир баъзи китобхонлар бунга ишонмаслиги мумкин. Лекин худди шундай одамлар бўлган. Бу аниқ. Негаки, канал қурилишининг ўзи жуда катта тантананага айланган. Одамлар баланд руҳ билан меҳнат қилишган. Биров айтмаса ҳам шаҳарликлар ҳордиқ кунлари аравага емишини ортиб каналга боришган. Кун бўйи ишлаб, қайтиб кетишаверган. 160 минг киши чинакам жасорат кўрсатган. Менинг мақсадим ҳам ана шу оммавий жасоратни тасвирлаш эди.

– Саид Аҳмад ака, романда бир қанча аёллар образи бор. Улар ўз даврининг вакили сифатида китобхоннинг хотирасида қолади. Ҳозир шуни ўйлаб туриб, сизнинг бошқа бир қаҳрамонингиз — «Келинлар қўзғолони»даги Фармонбиби эсимга тушди. Бу кампирда ҳам ўзига хос замонавий хислатлар бор. У жуда қаттиққўл. Ўғиллари, келинларининг бир тийин пулини анойи қилмайди. Лекин оиласига ҳаром

киришини хоҳламайди. Биров пора бермоқчи бўлганда ғазабдан ёниб кетади. Шу жиҳати билан томошабиннинг эсида қолади. «Келинлар қўзғолони» комедиясида бундай жонли одамлар кўп бўлгани учун ҳам асар катта шуҳрат қозонди. Ҳамза номли театрда бир йилда юз мартадан ортиқ кўйилди. Москва гастролларида ижобий баҳоланди. «Келинлар қўзғолони» сизнинг биринчи йирик драматик асарингиз. Ўзингиз биласиз, ёзувчи полвон эмас. Қани, мана бу соҳада ҳам кучимни синаб кўрайчи деб у ёки бу жанрга ўзини урмайди. Ёзиладиган асар материалнинг ўзи жанрни белгилаб беради. «Келинлар қўзғолони»ни қандай зарурат туфайли ёздингиз?

– Хабарингиз бор, мен кўп телевизион миниатюралар ёзганман. Уларда озми-кўпми характер яратилган. Саҳна асари учун эса характер жуда муҳим. Қолаверса, кампирлар ҳақида кўп ҳикоялар ёзишга тўғри келган. «Келинлар қўзғолони» комедияси ўша тажрибаларнинг синтези десаммикин... Умуман бу жанрда ҳам яна янги нарсалар ёзсам керак. Ҳар қалай режалар кўп.

– Режаларингиз амалга ошсин, ижодда ўзингиз тасвирлаган нури уфқларга етаверинг.

1977 йил, 15 август

Худойберди Тўхтабоев,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ҚАЙСИ ХИСЛАТИНИ ТАЪРИФЛАЙ...

Дарахтнинг томирлари қанча чуқур кетса, унинг танаси ҳам шунча бақувват, бўйи ҳам шунча баланд бўлиши ва узоқ умр кўриши томирларининг заминга қанчалик чуқур кириб боришида экан.

Яқиндан буён «карликовий» деган янги нав пайдо бўлди. «Пакана дарахт» деб аташяпти уни. Шўринг қурғур бу дарахтнинг томири ерга бор-йўғи бир, бир ярим метр боради, холос. Шунинг учун у бояқишнинг бўйи пасту томирлари қисқа экан.

Адабиётда ҳам бу қонуният айнан такрорланганини кўрамыз. Ёзувчи халқ орасига қанчалик чуқур кириб борса, эл-улус дард-ҳасратларига, қувончу шодликларига қанчалик кўп қулоқ тутса, яъни, ижодий қувватни халқнинг ўзидан олаётган бўлса, бундай ёзувчининг ижоди ҳамиша халқчил, асарларининг умри боқий бўлиб борар экан. Устоз ёзувчи Саид Аҳмад ана шундай халқ руҳини чуқур ўрганган, миллий руҳнинг барча тўлқин ва ахлияларини ўз қалбига жо қилган чин маънодаги улкан миллий ёзувчидир. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг қалби бу Ўзбекнинг қалбидир. Бу қалб ва ахлоқдаги Одамни севиш, улуғлаш, фидойилик, меҳр-шафқат, олижаноблик, юртни севиш, меҳнатга муҳаббат, гўзалликни ҳис қилиш ва қадрлаш, борингки, Ўзбекни ўзбек қилиб турган унинг ўзига хослигини таъкидлаб турган барча гўзал фазилатлар ёзувчи асарларига шундайлигича кўчирилганини кўрамыз. Қусур – фазилатнинг давоми, дейишади. Кундузнинг кечаси, узуннинг қисқаси, оқнинг қораси, яхшининг ёмони бўлганидек фазилатли инсон ҳам камчиликлардан холи эмас.

Саид Аҳмад миллий руҳнинг ифодачиси сифатида қусурларга ҳам аёвсиз ўт очганки, биз бунга қирқинчи-эллигинчи йилларда ёзган фельетонларида кўрамыз. Чинакам санъаткор халқининг дарди ва қувончига бир хилда муносабатда бўлади. Фақат кулги ёки фақат йиғидан иборат бўлган ижод мукамал эмасдир. Адиб ижодининг мукаммалиги шундаки, кулги билан йиғи, қувонч ифодаси билан ҳасрат баёни ҳамиша бири бирини тўлдириб борган. Зеро ҳаёт фақат кулги ёки фақат ҳасратдан иборат эмас.

Қирқинчи ва эллигинчи йилларда ёзилган беҳисоб фельетонлар, олтмишинчи йилларда яратилган «Чўл ҳикоялари», шу йилларнинг энг юксак асари деб баҳоланган «Уфқ» трилогияси, етмишинчи йилларда ёзилган юзлаб теле ва радиоминиатюралар ва ниҳоят «Келинлар қўзғолони», «Жимжитлик» каби нодир асарларда ўз даврининг ҳаёти, руҳияти, турмуш муаммолари қандай бўлса шундайлигича акс этганки, бу камдан-кам ижодкорга насиб бўладиган ҳолатдир. Устоз Саид Аҳмаднинг ижоди, у яратган мактаб тўлиқ ўрганилган ва таҳлил этилган эмас. Сўнгги авлод ижодкорлари учун сабоқ бўладиган ижод йўли тўла таъкид-

ланганича йўқ. «Уфқ» — Фарғона меҳнаткашлари, қўли қадоқ деҳқонлари, фидокор боғбонлари, зукко зиёлиларига бағишланган лирик поэмадир. Устознинг лирик кайфият уйғотувчи насри, руҳий тетикликка чорловчи юмори, янги тўлқин ва талқин олиб кирган драматургияси қилни қирққа ёрадиган нозик дидли адабиётшуносларимизни кутиб турибди.

Улкан чинорнинг шохларини санаб адо қилиб бўлмагандек, улкан санъаткорларнинг ҳамма фазилатларини кичик бир мақолада тўлиқ кўрсатиш ҳам мумкин эмас. Саид Аҳмад улкан ижодкоргина эмас, шу билан бирга саховатли, талабчан ва меҳридарё мураббийдир. У яратган мактабда ўнлаб ёш ижодкорлар камол топиб бормоқда. Шулардан бири — менинг ўзимдирман. Унинг менга кўрсатган меҳрибончиликлари ва йўл-йўриқларини ижодкор сифатида шаклланишимда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлганлигини хурсандчилик билан айтгим келади. Ўттиз йилдан буён у кишининг ижодини кузатаман, ўрганаман, маслаҳатларига кулоқ соламан. Гарчи болалар ва ўсмирлар оламида ишласам-да, сатира ва юморга оид кузатишлар ва хулосаларидан фойдаланиб келаман. Унинг фикрича, сатира ҳам, юмор ҳам гарчи одам боласининг камчилиги ва хатоларини кўрсатса-да, охир-оқибатда у инсонни улуғлаши керак. Ҳажвчининг кулгиси бу кулги эмас, балки унинг йиғисидир. Шу аянчли аҳволга тушиб қолган одам устидан кулаётганда кулги воситасида уни бу аҳволдан кутқариш ҳаракатида бўлади. Марк Твен, Гоголь, Салтиков-Шчедрин, Абдулла Қаҳҳор сингари улкан ҳажвчилар қаватида Саид Аҳмаднинг ҳам ўрни бор. Унинг юмори ҳаётбахш, қувноқ кайфият яратувчи, инкор қилиш орқали тасдиқловчи, инсонни улуғловчи юмордир. Унинг кулгиси эзиб ташловчи эмас, балки даволовчи шифобахш кулгидир. Устоз ўзининг ана шу хислати билан бошқа барча ҳажвчилардан кескин фарқ қилади.

Мен ўн беш йил давомида турли рўзномаларда фельетончи бўлиб ишладим. Адиб ўша йиллари «Муштум» журналида фельетон бўлимининг раҳбари эди. Ёзган ҳар бир фельетонимни ўқиб, у ёки бу маънода маслаҳатлар берар, сатира ва юморнинг сирли оламига киришимга кўмаклашарди. Унинг менга нафи теккан қатор йўл-йўриқлари ортимиздан келаётган ёш ижодкор авлод учун ҳам фойдадан холи эмасдир.

«Укам, фельетонга қўл уриб, умуман ёмон иш қилмагансан, дерди у киши. Жамиятда иллатлар бор экан, уни кимдир шу жамиятнинг ўзига эҳтиёткорлик билан эслатиб туриши ҳам керак. Лекин шуни унутмагинки, фельетон жарроҳнинг қўлидаги пичоққа ўхшайди. Озгина эҳтиётсизлик ҳам фожиа билан тугаши мумкин. Умрбод виждон азобида қоласан». Орадан уч-тўрт йил ўтгач, шундай деб қолдилар: «Қўлинг анча келишиб қолди. Энди фельетончиликни ташлаб ёзувчиликка ўт. Ёзувчи ўз халқига фельетончига нисбатан кўпроқ наф келтириши мумкин...»

Саид Аҳмад билан суҳбатда бўлган киши ундан жуда кўп нарсаларни ўрганеди. Чунки катта адабиёт, ёш талантлар, асар мавзуи, замон талаби, халқнинг маънавий эҳтиёжи ҳақида у киши жуда кўп — гоҳ яйраб, гоҳ куюниб гапиради. Унинг яна бир яхши одати шундаки, ўз шогирдларининг асарларини канда қилмай ўқиб боради, уларга талабчанлик билан ёндашади. Ҳозирда жаҳон бўйлаб севилиб ўқиладиган ва умумий тиражи 4 миллионга яқинлашиб қолган «Сариқ девни миниб» асарининг юзага келиши, навбатдаги бўлимларининг ёзилишида ҳам устознинг далдаси кўп бўлган. Агар шу китобнинг давомини ёзмасанг китобхонларингга ушлаб бериб, роса дўппослатаман, деб ҳазиллашганлари ҳамон ёдимда. Шунингдек, ўз ижодидан шогирдларини хабардор қилиб туриш, шу йўл билан ҳам озми-кўпми уларга сабоқ бериш ҳам назаримда, унинг фазилатларидан биридир.

Устоз бутун ҳаётини халқига, адабиётга бағишлади. Донишмандлар, кимки ўз халқини елкасига кўтарса халқ бундай кишини бошига кўтаради, деган экан. Саид Аҳмад ака ҳам халқига беминнат хизмат қилди, кўнгли чўкканнинг кўнглини кўтарди. Энг муҳими халқнинг маънавий юксалишига катта ҳисса қўшди. Халқ омон экан, ўзбекнинг маънавияти омон экан, унинг номи ҳамиша улуғланаверади, шуҳратига шуҳрат қўшилаверади. Чунки устоз Саид Аҳмад ўз халқининг шуҳратини кўтаришга бир умр ҳаракат қилди ва улуғлади.

ХАЛҚНИНГ КЎЗИДАГИ АДИБ

Яқинда бўлиб ўтган Партия пленумида «Шахсга сиғиниш ва турғунлик касофати туфайли адабиётимиз катта талофат кўргани, таниқли адиблар қатори ёзувчи Саид Аҳмад ҳам асоссиз равишда ГУЛАГ ороллари тузини татишга мажбур этилгани афсус-надоматлар билан эслаб ўтилди. Фақат Саид Аҳмаднинг ўзи эмас, унинг оила аъзолари ҳам жабр кўрди, турмуш ўртоғи — ажойиб лирик шоира Саида Зуннунова таъқиб остига олинди. «Уфқ» романининг жабрдийда персонажларидан бири айтган: «Дод, деб йиғласа бўладиган ишлар ўтди бошимиздан», деган сўзларни асар ижодкорининг ўзи ҳам айтиши мумкин. Аммо у ҳеч қачон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг шахсий дардини айтиб дод солган эмас, бошига тушган кулфатлар учун ҳар хил шубҳа-гумонларга бориб бировларнинг, ҳамкасб дўстларининг ёқасидан тутган эмас; бировларнинг устидан шикоят, бировларга арзи-дод қилиш унинг учун ёт. У ҳасратгўй, ҳасадгўй кимсаларни жинидан баттар ёмон кўради. Одам боласи дунёга нуқул ҳасрат, шикоят эмас, аввало бахт, шодлик, қувонч улашгани келади, деб ҳисоблайди у. Саид Аҳмад табиатан ниҳоятда қувноқ, ҳазилкаш одам. У кирган давраларда аския, ҳазил-мутойиба авжига чиқади, кулги-қаҳқаҳа янграйди. Унинг қаршисида ҳар қандай жиддий одам чехрасида ҳам табассум қалқийди...

Саид Аҳмадни кўча-кўйда, давраларда кўрганлар бу одам ўзига ғам-ташвишларни асло йўлатмаса керак, деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Неча бор сафарларда у билан бирга юриб кузатганман: кўпинча тун ярмида ҳамроҳлари уйқуга кетган кезлари уйғониб якка ўзи тиззаларига таяниб олиб папирос чекиб афтодаҳол ҳолда ғамга ботиб ўтирганини кўп кўрганман. Уйда ҳам шу аҳвол. Эҳтимолки, бундай дақиқаларда у етмиш йиллик ҳаётидаги сон-саноксиз мусибату йўқотишларни эсга олиб ўртанар... Шундай дақиқаларда биров унинг ҳолини кўриб гап қотиб қолса, дарҳол ўзига келади, ғамли ўйларни тарк этиб яна ҳазил-мутойибага ўтади. Шунда беихтиёр «Уфқ»даги бояги персонаж сўзининг давоми ёдга

тушади. У аламдийда дўстига дейди: «Қандоқ қилайликки, сен билан бизнинг йиғлашга ҳаққимиз йўқ. Биз милт этиб ёш чиқазсак, бошқалар фарёд уриб йиғи бошлашади. Халқнинг кўзидаги одаммиз». Бу гаплар аини пайтда адибнинг ўз сўзи, ҳаёт фалсафаси. Ҳа, у халқнинг кўзидаги одам эканини яхши билади.

Халқимизнинг азалий эзгу анъаналаридан бири шуки, халқнинг кўзидаги одам ҳамиша халқини деб яшайди, ўзгалар манфаати, бахти, шодлиги деб кўпинча ўз дардини ичига ютади. Ор-номус, инсонлик шаъни улар учун энг муқаддас туйғу. Буни таркидунёчилик деб атовчилар ҳам бор. Аслида унинг таркидунёчилиikka мутлақо алоқаси йўқ. Бундай бебаҳо инсоний фазилатларни ўзлари учун шахсий ҳаётда муқаддас эътиқод даражасига кўтарган, асарларида эса шу хислатларнинг юксак реалистик ифодаси намуналарини берган адибларимиз кўп. А.Қодирий ва унинг «Ўткан кунлар» романи. А.Қаҳҳор ва унинг «Асрорбобо» ҳикояси бу жиҳатдан, айниқса ибратли.

Саид Аҳмад шахсий ҳаётда ҳам, ижодда ҳам шу устозлар анъаналари йўлидан борди. Адибнинг эътиборга сазовор жамики асарларини — «Уфқ» трилогияси, «Кўклам чечаклари», «Турналар», «Ҳазина», «Онажонлар» ҳикояларини, «Келинлар қўзғолони» ва «Куёв» комедияларини эсланг, улардаги етакчи қаҳрамонларнинг барчаси ўша муқаддас туйғуларни эътиқод деб билган халқнинг кўзидаги одамлар.

Бу ерда тилга олинган жиддий асарларнинг аксарияти уруш даври воқеалари, уруш кулфатлари ҳақида баҳс этади. Бу асарларда ёзувчи уруш туфайли алоҳида шахслар, қолаверса бутун халқ бошига тушган қийинчилик, жудолик, дард-аламларни, фашизм ҳарбий жиноятининг мудҳиш оқибатларини рўй-рост кўрсатади. Асар воқеалари уруш майдонидан жуда олисда, республикаимизнинг турли бурчакларида, Фарғона қишлоқларида ўтса ҳам ҳар қадамда урушнинг қонли нафаси, порох ҳиди анқиб турарди. Уруш туфайли бола отадан, ота боладан, маъшуқа ошиғидан жудо бўлади, биров умрбод майиб бўлиб тўшакка қадалади, биров касби-коридан, севган санъатидан жудо бўлади, уруш тўзони ота билан болани бир-бирига рақиб этиб қўяди, муштипар она нобоп ўғил қилмиши туфайли уят, ор-номус исканжаси-

да қоврилиб оламдан ўтади, бошқа бир она жангда ҳалок бўлган ёлғиз ўғли доғида телба бўлиб қолади... Бу каби аламли лавҳалар, фожеий қисматлар орқали адиб урушнинг ғайриинсоний моҳиятини фош этар, гуманизм ғояларини илгари суради.

Ёзувчи нуқул уруш даврининг маломатли лавҳаларини, одамлар бошига тушган мусибату фожиаларини кўрсатиш билан чекланмай, ўз ақидасига таянган ҳолда қаҳрамонларидаги уруш туфайли юз берган мусибату кулфатларни енгишга қодир бўлган маънавий кучни зўр пафос билан мадҳ этади; унинг персонажлари фақат жабрдийда, аламзада, хўрланган кимсалар эмас, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзлигини, инсонийлик шаънини, қалб саховатини сақлаб қололган одамлар. Ёзувчи талқинича, бундай қалб саховати буюк ҳаётбахш кучга эга, чунончи вафодор ёр садоқати туфайли тўшакка қадалган уруш ногирони кўнглида чироқ ёнади: садоқатли эр далдаси билан урушда икки оёғини йўқотган аёл қаддини ростлайди; қўлидан ажралиб севган санъатидан жудо бўлган Уста ўз ҳиммати туфайли шогирдида йўқотган санъатини топади... Халқимиз характериға хос бундай олижаноб фазилатлар хусусан «Уфқ» романида ёрқин намоён бўлган. Абдулла Қаҳҳор «Уфқ»даги Икромжон, Тоға, Асрора каби персонажлар тақдири билан боғлиқ лавҳаларни назарда тутиб, шундай ёзган эди:

«Бу — соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир ва шу билан бирга гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини «тошдан» қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир...»

«Уфқ»да тасвир этилган қишлоқ ҳаётини, одамларини кўриб ҳар бир ўзбек катта ифтихор билан: «Биз ўзбеклар!» дейди, қардош халқлар ўзбекни меҳр билан «Ўзбек оғайним», деб атайти.

Шуниси муҳимки, адиб фақат жиддий асарларида эмас, юмористик ҳикояларида, комедияларида ҳам халқ характериға хос олижаноб фазилатларни улуғлайди. Унинг «Чўл бургути», «Ўрик домла», «Тўйбоши» каби юмористик ҳикоялари, қолаверса, «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедия-

ларининг қаҳрамонлари кўпгина зиддиятли, кулгили жиҳатларига қарамай, охир-оқибат, ўзларида халқимизнинг яхши удуму хислатларини ташувчи ёқимтой одамлардир. Биргина «Келинлар кўзғолони» ва унинг бош қаҳрамони Фармонбибини эслайлик.

Табиийки, «Келинлар кўзғолони»да ҳар қандай комик асарга хос танқид мавжуд, унга ҳаётдаги, одамлар табиатидаги айрим қусурларни чимдиб ўтиш бор: қаллоблар, енгил ҳаёт кечириш йўлига ўтган кимсалар, оилавий муносабатларда ҳамон сақланиб қолаётган, тараққиётимизга зид тушаётган қолюқ удумлар танқид остига олинади. Бироқ асардаги етакчи нарса — асосий кулги ҳалол, покиза одамларни, миллий ҳаёт тарзимизни улуғловчи кулги; одамга одамнинг меҳрини товлантирадиган, одамдаги ҳамдардлик тўғусини уйғотадиган, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган кулги. Биз сахнада Фармонбиби, унинг ўғил, келинлари хатти-ҳаракатини кузатиб кўздан ёш чиқар ҳолатда қаҳ-қаҳ отиб куламин ва театр залидан шу одамлар билан дўст-қадрдон тутиниб чиқамиз.

Бугина эмас. «Келинлар кўзғолони» кулдириб, ардоқлаб туриб сездирмай одамни ўйлатадиган асар. Бир қарашда асар шунчаки олди-қочди, ҳазил-мутойибалардан иборатдай туюлади. Шундай бўлса керак, айрим танқидчилар комедиянинг мақсади маршал кампир — Фармонбибини енгилгина танқид этишдан иборат, бу ҳол комик асар учун камлик қилади, деб чиқдилар. Ҳолбуки, синчиклаб назар ташланса, асарда бир комедия учун етарли жиддий асос мавжуд. Асар воқеалари асосан бир катта оила доирасида бўлиб ўтса-да, унинг маъноси кенгроқ. Қаранг, Фармонбибининг оиласи бир неча оилалардан таркиб топган, ҳар бир рўзгор эгаси катта оила анъаналарини ҳурмат қилган ҳолда ўзича яшагиси, мустақил бўлгиси келади, шу мақсадда ғалаён кўтаради; аммо мустақилликка эришиш, мустақил яшашнинг ҳам ўзига яраша ташвиш ва қийинчиликлари юзага чиқади. Фармонбиби катта оилада мустаҳкам интизом истехкоми яратган, унинг ўзи шу истехкомнинг посбони, сардори. Бу истехкомга гоҳо фирромлик, нопоклик, тартиббузарлик майллари хуруж қилади. Фармонбиби эса бундай хуружларни тадбиркорлик ва қаттиққўллик билан қатъий туриб даф этишга эришади.

Шу тариқа комедия муаллифи ҳодисалар замиридан муҳим ижтимоий маъно топа олган, кенг томошабинлар кўнглида ҳаётий муаммоларга фаол муносабат уйғотишга эришган. Зотан комедия яратилган пайт – 70-йилларнинг ўрталаридаёқ шундай оқил, ҳалол, меҳрибон ва қаттиққўл сардорларга ҳаётнинг ўзида чуқур эҳтиёж сезила бошлаган эди. Комедия, бир чеккаси, шу эҳтиёж меваси сифатида майдонга келган. Эҳтимолки, асарнинг ўзимизда, қардош республикаларда, ҳаттоки чет элларда катта шуҳрат топиш сабабларидан бири ҳам шундадир.

Кейинги ўн йил ичида Саид Аҳмад ғоят баракали ижод этди. Талай ҳикоя ва публицистик мақолалар, Ф.Фулом, А.Қаҳҳор, С.Зуннунова тўғрисида ўзига хос мемуар асарлар, «Гилдирак» ҳажвий қиссаси, «Куёв», «Фармонбиби аразлади» комедиялари, ниҳоят яқингинада китоб бўлиб чиққан «Жимжитлик» романи шу кейинги ўн йиллик меваси. Улар орасида «Жимжитлик» романи ажралиб туради. «Жимжитлик» – кечаги кунларимиз, турғунлик йиллари воқеалари ҳақида ҳикоя қилувчи асар. Етмиш ёшлик адибнинг бу романи шу мавзуда битилган, «Оққушлар, оппоқ қушлар», «Лолазор», «Унутилган соҳиллар» каби салмоқли асарлар билан бемалол беллаша олади.

Асар номи рамзий – киноявий маънога эга, ўша йиллар сиртдан жимжит-осойишта туюлса ҳам ички драмаларга, фожиаларга тўла. Бир томонда Мирвалидек ҳаддидан ошган қонунбузар, ҳаёт тарзимизни, ахлоқий ақидаларимизни оёқ ости қиладиган зўравон, унинг Расулбек сингари гумашталари иштирокида Раҳимов, Луқмонов сингари юқори мансабли масъул ходимлар мададида олиб борган қабиҳ ишлари, жиноятлари, шафқатсизликлари, улар орасидаги ўзаро ички низо, зиддиятлар...

Ёзувчи асарда мафия – уюшган жиноятларни ҳам фош этишга жазм этган. Иккинчи томонда ҳалол, камсуқум оддий меҳнат аҳли вакиллари – Толибжон, Эрали чавандоз, Равшанбек, Рисолат кампир, Бодомгул каби жабрдийдалар, қаллоб раҳномолар, турғунлик ақидаси яратган мудҳиш муҳит қурбонлари... Айниқса, асарда Эрали чавандоз билан Бодомгул фожиаси ўқувчини ҳаяжонга солади. Бутун умри эл-юрт хизматида, меҳнатда кечган, Ватан урушида от миниб

фашистларнинг додини берган, мард ва соддадил Чавандоз кексаликда Мирвали томонидан ҳақоратланади, ўша таъмагир кимса бу ғаройиб қариянинг жондан ортиқ отини тортиб олади; замон довуллари, ҳатто фашистлар қайира олмаган қанотлари бир умр хизматида ўтган ўша такаббур кимса томонидан қайрилгач, ақлдан озиб, саргардон юрганини кўрганда китобхон ўзини қўярга жой тополмай қолади... Худди ўша зўравон шафқатсиз кимса Мирвали қилмиши, жинояти туфайли ҳам ўғлидан, ҳам қишлоқ кўрки-файзи, булбули саналган келини Бодомгулдан айрилиб изтироблар ичида қоврилган, ўша мушкул мотамсаро дамларда ҳам мислсиз қалб саховатини сақлаб қололган Рисолат кампирнинг хатти-ҳаракатлари ўқувчига чуқур таъсир қилади. Қаранг, кампир келинини қаллоб Мирвали йўлдан урганлигини билади. Мирвалини ҳам, келинини ҳам тартибга, инсофга чақиради, улар эса сурбетлик билан кампирга дашном берганида қалби ўртанади, ғазабланади, аммо ўғлининг турмуши бузилмасин деб дардини ичига ютади. Диёнатли кампир алданган, ҳаром йўлларга кирган келинидан юз ўгиради, унинг қўлидан овқат емайди, аммо келин қилмишларидан пушаймон бўлиб ўз жонига қасд қилганда, ювилиб тобутга солинганда тобути ёнида туриб унинг гуноҳларидан ўтади, бу гўзал аёлнинг аччиқ қисмати учун ўртаниб фарёд чекади.

Республика олти миллионли «оқ олтин» хирмони кўтариб, довуруғ таратаётган бир кезларда Бодомгул учун кафанлик тополмай яқин кишилари сарсон бўлганини кўриб, кампир ўз ўлимлигига атаган кафанлигини мархумага инъом этади... Бундай ўринлар тасвири, умуман Эрали чавандоз, шунингдек, Рисолат кампир образлари ёзувчининг жиддий ютуғи.

Романда ҳозир яратилаётган талай асарларга хос газетчилик, публицистика излари, даврнинг ўткинчи довуллари таъсири ҳам йўқ эмас. Аммо ундаги халқчил руҳ романнинг асосий қимматини белгилайди.

Саид Аҳмад 70 ёшга тўлди. Ўша-ўша самимият, қувноқлик, ҳазил-мутойиба, ғайрат-шижоат ҳамон унга ёр. У халқнинг кўзидаги адиб эканини бир дақиқа бўлсин унутмайди, ҳамиша халқи билан бирга, халқи орасида, унинг ташивишу қувончларига доимо шерик.

1990 йил, 19 июнь

КЕКСАЛИК САОДАТИ

Яқинда Саид Аҳмад домла билан қўнғироқлашиб, ҳол-аҳвол сўрасам: «Етмиш йиллик қадрдоним билан шартта орани буздим-у, анча ўзимга кепқолдим, болам», дедилар. Гап қайси «қадрдон»нинг устида кетаётганини тахминлолмай, бирпас жимиб қолдим. Домланинг эски ошналаридан бир нечтасининг қиёфаси кўз ўнгимдан кинолентасидек шириллаб ўта бошлади. Бирон тўхтамга келолмадим. Зеро, устоз яқин орада улардан ҳеч бири ҳақида нолиброқ гапирмаган эдилар.

Хайрият, пича сукутдан сўнг, ўзлари ойдинлик киритдилар:

– Чекишни ташладим!

– Ие, зўр бўпти-ку! – қувониб кетдим мен. – Сигарет пулини энди нималарга ишлатасиз?

Яққол эшитиб турибман, домла чуқур тин олиб қўйдилар:

– Ёшроқ бўлсам-ку, нимага ишлатишни ўзим билардим-а... Ҳм-м... Шунақа...

«Ўрмалаш қийинлашиб», бу йил дала ҳовлига бориб яшашгаям юраклари бетламаётганидан сал изтироб чеккан бўлардилар-у, лекин гап-сўзда ҳануз руҳан тетик, ўша-ўша ўткиртил отахонимиз.

Кўпни кўрган кексалар: «Худо доим берсин-у, энг берадиганини қариганингда берсин», деб қўйишади. Бир эшитишда одмигина дуога ўхшаб кетувчи бу тилакнинг тагида жуда катта ҳикмат борлигини ёшинг ўтиброқ қолгандагина тушунар экансан. Домламизнинг кексаликдаги ҳаётига боқиб, доим кўзимиз қувонади. Ёзишда ёшларни қочиргудек, китоблари гуркираб чиқиб турибди, ихлосмандлари ҳамон беҳисоб, номи ҳукуматнинг ҳам, эл-юртнинг ҳам ардоғида, унинг ижоди, шахсияти ҳақида битилган, битилаётган мақоаллар, эсдаликлар, шеърий бағишловлар жамланса, қўлтиқлаганининг белини майиштирадиган катта бир китоб бўлади. Умрида амал курсисини кўрмаган ижодкорнинг ҳаётида бу камданкам учрайдиган ҳодиса.

Айниқса, ўзбекчилик нуқтаи назаридан қаралса, кексаликдаги энг муҳим нарсалардан бири оиладаги муҳитдир. Нимадир бежороқ тарақласа ҳам, қариянинг кўнгли ғашланиб, егани татимасдан тураверади. Ўзгаларга юк бўлиб қолганингни ҳис этиб яшашдан оғири йўқ. Домла бу жиҳатдан ҳам омади чопганлардан. Яккаю ёлғиз қизи ўнта фарзанднинг ўрнини босадиган даражада меҳрибон, отажонини худди гўдакни парваришлаётгандек папалагани-папалаган. Очиқ юз куёви эса, баъзи ўғиллардан аълороқ, домланинг нима демоқчилиги-ю, нима емоқчилигини кўз қарашиданоқ сезади. Набираларга келсак, улар доимий овунчоқ...

Саид Аҳмад домлага ўхшаганларни «худо берган одам», деб қўйишади. Бундай зотларга фақат ҳавас қилиш мумкин. Илойим ҳаммамизга ҳам шу кишининг йўлини берсин. Сабртоқат билан, яхши ният билан яшашнинг меваси бу.

Азиз устоз, мўътабар домла, табаррук 85 ёшингиз қутлуг бўлсин! Чинордек яшнаб тураверинг, соянгиздан ҳали узоқ-узоқ баҳраманд бўлаверайлик.

Мақсуд Қориев,
ёзувчи

ПАЙВАНД

Куз оёқлаб борарди. Дала ҳовлидамиз. Ариқ бўйларидоги олча ниҳолларига гилос пайвандламоқда эдик. Кутилмаганда Саид Аҳмад ака кириб келди. Кўлида иккита челақ.

— Анови қантак ўригингдан қолдимиз?

— Нимаиди?

— Яқинда Япон музлатгичи сотиб олдим, жуда зўр экан. Мевани солиб қўйсанг, келаси ёзгача дарахтдан энди узиб олгандек «свежий» сақлайди.

— Ўрик қолибдими, ўзингиз келаман-келаман дедингиз, мана ёз ҳам ўтиб кетди. Узум, олма керак бўлса марҳамат, олаберинг, — дедим.

— Ўша ўригинг зўр эди, олма, узум ўзимда ҳам бор.

Саид Аҳмад ака боғнинг уёқ-буёғига разм солиб, олчаларга гилос пайвандлаётган йигитга кўзи тушиб:

– Унинг ўриси? – деб сўради.

– Сашами, ҳа, ўрис, аммо ўзбекчани сувдек билади, – дедим.

– Қара, шипиллатиб улаб кетаяпти-я, пайвандга жуда уста экан.

– Бир тупини ўн тийиндан улайди.

– Қиммат экан.

– Унчалик эмас, ўнта уласа бир сўм бўларкан.

– Бир ош қилайлик, деб гўшт олиб келдим.

Газетага ўралган гўштни стол устига қўйди.

– Нечук, қаёқдан қуёш чиқди, – деб ҳазиллашган бўлдим.

Қозонга олов ёқиб юбордим. Саид Аҳмад ака енгини шимариб ошга уннаб кетди.

Саид Аҳмад аканинг ош қилиши ҳам қизиқ. Бирпасда гўшт, пиёз, сабзини қовуриб, бир чеккада сигарет тутатиб, сизга куни кеча бўлган қизиқ-қизиқ хангомаларини иштиёқ билан сўзлаб беради. Меҳр, эътибор билан ош қилаётганга ўхшайди. Кейин половни сузиб келганда, уни еб тўймайсиз.

– Боғимда ўзи чиққан ўрик кўчати бор, ўшанга қантагингдан улаб бермасмикин, – деб қолди Саид Аҳмад ака Сашага ишора қилиб. – Бунинг ўзбекчага жа-а уста экан-ку, адабий қилиб сўзлайди-я. Очиғи, Сашканг менга ёқиб қолди. – Саид Аҳмад ака, гўё менинг ёнимда унинг қадр-қимматини оширгандай бўлди.

Яна бир оздан сўнг Сашага юзланиб:

– Менинг ҳам ўригимни улаб берасанми? – деб сўради.

Мен бир чеккада қолиб, ўзлари бирпаста тил топишди. Борадиган кун ҳам белгиланди. Пайвандчини олиб бориш менинг чекимга тушди.

Қолган хангома ўша куни, ўрик пайвандлаш маросимида бўлди.

Боғдаги арча тагига жой қилиниб, қора қозон осилган. Саид Аҳмад ака пайвандчи билан банд бўлганлиги учун ошни мен ясайдиган бўлдим.

– Гўштингиз намунча кам, бир кило ҳам келмайди-ку, – дедим норози бўлиб.

– Шу-да уч кишига, ортиб қолса увол бўлади.

– Бирорта «ўйнашингиз» келиб қолар, – дедим ҳазиломуз.

– Ҳеч ким келмайди, кейин гўшт ҳам ошни бузади. Гурч пишмай қолади.

– Гўштингиз музлатгичдами, – дея уйга кириб кетаётган эдим ҳамки:

– Тўхта, ҳозир ўзим олиб чиқиб бераман, – деди Саид Аҳмад ака норози оҳангда. Кейин ичкарига кириб бир бўлак гўшт олиб чиқиб берди.

– Шўр гўштингиз йўқмиди?

– Нима кераги бор, шўр гўштни шу иссиқда!

– Менинг боғимда шўр гўштинг зўр экан, деб роса мақтаб еган эдингиз-ку!

– Шунинг учун сенга ош қилдирмайман, шунча исрофгарчилик нега керак, – деди Саид Аҳмад бу гал анча жиддий.

Ёғ қизиди, қозонга гўшт тушди. Хушбўй ҳид бутун боғга таралди.

Худди ошнинг ҳидини билгандай, Асқад ака, Неъмат Амин, кейин Саид Аҳмад аканинг «куёви» Фани Аъзамов бирин-кетин, узун-қисқа бўлиб кириб келишди.

– Айтдим-ку сизга, гўштни кўпроқ солайлик деб.

– Эзиб юбординг-да, ош ҳаммага етади. Ҳали ортиб ҳам қолади, – деди Саид Аҳмад ака.

– Ошдан олдин юзта-юзта қиламизми? – деди Саша елкасини қисиб.

– Овқат пишсин, кейин, кейин... ичсанг қўлинг титраб ниҳолни яхши улай олмайсан, – деди Саид Аҳмад ака.

– Аксинча, ичмаса қўли титрайди, – деди Фани Аъзамов гапга араллашиб.

– Бунинг олкоголми ўзи? – деди Саид Аҳмад ака имо қилиб менга.

– Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, Фани ака тўғриси айтдилар, ўша куни ҳам менинг боғимда яримта ичиб кейин ишлаган эди.

– Ўрик пайвандлаш ҳам қимматга тушадиганга ўхшайди, – деди-да Саид Аҳмад ака жаҳл билан ошни қовура кетди.

Пиёлаларга қуйилди. Ичинг қизимаса, ишинг қизимайди, деганларидек ана энди кулгу, аския бошланди. Саша ҳеч кимга сўз бермай, латифагўйликни бошлаб юборди.

– Латифаларингни соқоли ўсиб кетган-ку, – деди Саид Аҳмад ака аския қилиб.

– Айтабер, қизиқ экан, роса маза қиладиган бўлдик, ўзим «Муштум»га чиқараман, – деди Неъмат Амин кулгига олиб.

– Ўрикни тезроқ улатиб қолинг, кейин кайфи ошиб қолса бўлмайди, – деди Асқад ака ҳазил аралаш.

– Қўрқманглар, боплайман ўзим... Қани, қиттак... – деди Саша кайф билан.

– Қани турақол, олдин пайвандлаб бергин, кейин қанча хоҳласанг ичасан, – деди уй эгаси бу сафар ростакамига жаҳли чиқиб.

– Хўп, хўп... ака, ҳозир қойил қиламиз...

Саша гандираклаб, ариқ бўйига борди. Тўрвасидан дарахт пайвандлайдиган зарур нарсаларни олиб, эҳтиётлаб қўйган ўрик шохидан қаламча кесиб дарахт шохига пайвандлашга киришди.

Меҳмонлар пайвандчининг санъатини томошо қилиш учун атрофини ўраб олишди.

– Сағал нари туринглар... ахир, нафасим қисилиб кетди... – деди Саша зорланиб.

Шу вақт Сашанинг бир оёғи сирғаниб ариққа тушди. Қўлидаги пайвандлаш учун тайёрланган қаламча қаергадир йўқолди. Қанча қидирмасин тополмади. Кейин яна ўша қантак ўрикнинг шохчасидан бошқа қаламча кесиб ниҳоят ўрикни пайвандлади.

Маросим тугади. Сашанинг харидори чиқиб, Асқад ака «ош пишгунга қадар, олчамга гилос пайвандлаб берсанг», деб боғига олиб кетди. Асқад аканикидан Сашанинг кайфи яна ҳам ошиб қайтди.

Ош сузилди. Саша кўп ичиб юборган экан, кўнгли беҳузур бўлиб, ошни чала-чулпа еб ётоқчилаб Саид Аҳмад аканинг уйи томон юрди.

– Ошни ҳам тинчгина едирмади, ҳали қусиб-пусиб юрмасин, машинангга олиб бориб ётқизиб қўяқол.

Ҳеч ким индамай, ошни еяберишди. Саша бўлса уй томон гандираклаб кетмоқда.

– Қара, анавингга, тагин уйга кириб каравотимга ётиб олмасин.

– Бирпас уйга кириб мизғиб олсин, биз ҳам бафуржа ош ердик, – дедим секингина.

– Энди шуниси қолувди.

– Сашахон, ҳой Сашка анави машинага бориб ётақол, – деди Саид Аҳмад ака меҳрибончилик қилгандай бизнинг машинага ишора қилиб.

Саша қайтиб, ариқда шарқираб оқаётган сувдан ҳовучлаб ичди-да, кейин юз-кўзларини юйиб, гандираклаганча машина томон кетди.

– Ўн-ўн беш сўм бериб юборинг, – дедим секин.

– Битта кўчат пайвандлаш ўн тийин демабмидинг?

– Энди шундан-шунга келгандан кейин... Жуда бўлмаса яримта ароқ бера қолинг.

– Мени ароқ чиқарадиган заводим борми, ўзинг далангдан олиб берақол!

– Нега энди мен берар эканман, ўрик сизники-ю...

Саид Аҳмад ака индамади. Дастурхонга, лагандаги охирлаб қолган ошга икковимиз бараварига қўл узатдик.

Шу воқеадан бир йил ўтгач, Саид Аҳмад аканинг боғига йўлимиз тушиб қолди. Қайнатма шўрва пишиб турган экан.

Ўрик пайванди тутмадими, деб сўраб ҳам ўтирмадик. Аммо ўша олтин куз фаслидаги дўстлар давраси, қувончли, қайтарилмас, диллар-далларга пайванд дамлар ёдимиздан чиқармиди.

Эркин Аъзам,
ёзувчи

ПРОФЕССОР ВА «НАЗАРИ ПАСТ» ШОГИРД ҲАНГОМАСИ

Устоз Саид Аҳмад ҳақидаги ушбу мухтасаргина сўзимда мен у кишининг адабиётимизга кўшган ва кўшаётган ҳиссаси, нақадар машҳур драматурглигию романнависилиги, дилкаш, қувноқ инсонлиги, қутлуғ ёшга етиб ҳам топқирлигу ҳозир-жавоблик бобида бизга ўхшаганларни «биру нўлга уриб» кетиши, катта-кичик шогирдларига меҳрибонлиги, камина ҳам шу меҳрдан бебаҳра эмаслигим ва бошқа фазилатлари хусусида айтиб ўтирмайин – булар бари элга дoston. (Сезиб турибман, бу гапларни ўқиб устоз: «Ҳаҳ, нодон бола-я, ана шуларидан гапирмайсанми!» дейиши тайин.) Шунинг учун

гапни чўзмай, устознинг «ижодий ноз»ию ўзимнинг «башоратгўй»лигимга оид биргина ҳангома билан чеклансам. Чунки, қолгани Ўткир акамдан ортмайди...

Алқисса, бултур худди мана шу кезлар — «Тафаккур» журналининг дастлабки сонини тайёрлаш ташвишида юрган кунларим эди. Бирор нима ёзиб беришларини сўраб «домла Дўрмоний»га (бизга ўхшаш шаккоқроқ укалари орасида шунақа лақаблари ҳам бор устознинг) кўнғироқ қилдим.

— Болам, шу ишни бошқа бирортасига топшира қолсангчи, олим-полимами... — дея дарров «ижодий ноз»ни бошлади у киши. — Жўрналингнинг номидан қўрқади-я одам — «Тафаккур!» Манда бундай бир илмий унвон-пунвон йўқ, ниманиям ёзардим? Ёлғон-яшиқни тўқиб ўзини овутиб юрган прастой бир ёзувчи бўлсам...

Бунақа пайтда мажбуриятдан қутулиш учун ўзларини хору хасликка уришни ҳам қотирадилар!

— «Уфқ»дай катта-катта китобларни ёзиб қўйган одамга уч-тўрт қоғозлик мақола нима деган гап, домла!..

Яна бир баҳона тайёр:

— Сани жўрналингга ақлли гаплар керакдир-да, болам. Мени биласан, китобни кам ўқийман...

— Чаласаводлигингиз-ку маълум, — дедим ҳазиллашиб, — лекин Дўрмонда бекор ўтиравериб зерикиб кетмайсизми?

— Ҳей бола, мен ёзувчиман, ўқувчимасман!

Қарасам — гап топиб бериш қийин, мақола унмайдиган. «Эски усул»ни қўллашга мажбур бўлдим. Айтишларича, ёстикдек-ёстикдек китобларни раҳматли Саида опа устозни мақтай-мақтай ёздирган экан...

Бошладим: ундоқсиз, устоз, бундоқсиз, устоз, хуллас, сизнинг мақолангизсиз журнал чиқмайди — топшириқ шундай!

— Ҳаҳ, қўймадинг-қўймадинг-да, бола! — деди домла ниҳоят таслим бўлгандек. — Майли, бир-икки кундан кейин хабарлашарсан. Каллага дурустроқ бирор гап кепқолса...

«Каллага дурустроқ бирор гап келиши»дан умидни узай деганимда, иттифоқо, домланинг ўзи кўнғироқ қилиб қолди:

— Мақолангиз гатоп, ўртоқ муҳаррир! Келиб опкетсангиз бўлади. Ёки Набишқадан (Набижон Боқийни эркалаб шундай атайдилар) берворайми?.. Лекин-чи, айтиб қўяй, умрингда

бунчалик сўкиш эшитмаган бўлсанг керак. Одатим шунақа ўзи, мажбурлаб бирор нима ёздирган одамни сўкиб хумордан чиқаман.

Мақола чинакамига мағзи тўқ, Саид Аҳмаддек адибнинг қаламига муносиб эди.

Кўнғироқ қилдим:

– Офарин, устоз, бунақаси бўлмаган! Одамлар ҳам юрибди-да олимман, профессорман, деб!.. Менга қолса, шу бир мақолангиз учун сизга профессорликни берворардим...

Яқинда хушхабар эшитдик. Фарғона университети Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмадни фахрий профессорлик унвонига муносиб кўрибди!

Домлани қутлайтуриб, ҳув ўша «башорат»имни эслатган эдим, у киши нима деди, денг:

– Раҳмат-у, лекин назари пастроқ бола экансан. Раз шунақа ишлар кўлингда экан, биратўла каттароғини атавормайсанми!..

Бунақа ҳазилларни биз — эрка шогирдлари қиламиз, бунақа жавобларни устоз Саид Аҳмад айтади!

Адабиётимизда, адабий ҳаётимизда Саид Аҳмаддек меҳрибон устознинг борлиги бизга катта давлат!

Бор бўлинг, устоз!



МУНДАРИЖА

| | |
|---|---|
| <i>Ислом Каримов. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси</i> Саид Аҳмадга | 3 |
|---|---|

Адабий ўйлар

| | |
|--------------------------------------|----|
| Бешигини тоғлар тебратган шоир | 4 |
| Китоб дегани ана шундоқ бўлса | 8 |
| Жомдан чиққан ёзувчи | 14 |
| Атир бўйли шеърлар | 18 |
| Дунёни кафтига сиғдирган шоир | 25 |
| Нажот фариштаси | 27 |

Хотиралар

| | |
|---|----|
| Қаноатда Саида филча бўлурму, ҳай-ҳай | 33 |
| Тоғай Мурод – сўз заргари | 44 |
| Яхшининг ёди | 51 |
| Дилини Аллоҳ ёритган валий | 52 |
| Саҳна сеҳргари | 54 |
| Неъматнинг нузли излари | 58 |
| Кўшиқ сеҳри | 59 |
| Сўнги нафас | 63 |
| Иккинчи фронт | 67 |

Манзаралар

| | |
|------------------------------------|----|
| Тўй мавсуми | 71 |
| Ухлаётган йўлбарслар | 76 |
| Тиниқлик | 78 |
| Бўз бола дарё | 83 |
| Оқ сут ва оппоқ нур | 84 |
| Орзулар яратган аср | 88 |
| Олам раста бўлган фасл | 89 |
| Куз манзаралари | 91 |
| Соқчи турна | 93 |
| Уйғонган гул | 94 |
| Паркент тошларидаги битиклар | 95 |

Ҳикоялар

| | |
|------------------------------|-----|
| Бир сиқим хандон писта | 98 |
| Тоғ афсонаси | 104 |
| Тўзғиб кетган умидлар | 111 |
| Мукофот | 120 |
| Елим | 122 |
| Тош | 124 |
| Дўлларбоп хангомалар | 126 |

Замондош адиблар Саид Аҳмад ҳақида

| | |
|---|-----|
| <i>Саида Зуннунова. Саид Аҳмадга</i> | 171 |
| <i>Мўҳаммад Юсуф. Саид Аҳмад</i> | 172 |
| <i>Озод Шарафиддинов. Саид Аҳмаднинг санъати</i> | 173 |
| <i>Туроб Тўла. «Келинлар кўзғолони» Олмаотада</i> | 178 |
| <i>Неъмат Аминов. Машҳурлик</i> | 180 |
| <i>Ўткир Ҳошимов. Нурли уфқлар</i> | 182 |
| <i>Худойберди Тўхтабоев. Қайси хислатини таърифлай</i> | 188 |
| <i>Умарали Норматов. Халқнинг кўзидаги адиб</i> | 192 |
| <i>Анвар Обиджон. Кексалик саодати</i> | 198 |
| <i>Мақсуд Қориев. Пайванд</i> | 199 |
| <i>Эркин Аъзам. Профессор ва «назари паст» шогирд хангомаси</i> | 203 |

Адабий-бадиий нашр

Саид Аҳмад (Хусанхўжаев)

ТОШЛАРДА ҚОТГАН ҲАЙРАТ

Адабий ўйлар, хотиралар, ҳикоялар

Муҳаррир *Илҳом Зойир*

Мусаввир *Рустам Зуфаров*

Бадиий муҳаррир *Анатолий Бобров*

Техник муҳаррир *Татьяна Смирнова*

Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*

Компьютерда териб, саҳифаловчи *Зилола Маннопова*

ИБ № 4406

Босишга 24.04.06 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108^{1/32}. Таймс гарнитураси. Офсет босма. 10,92 шартли босма тобоқ. 12.0 нашр тобоғи. Жами.... нусха. ... рақамли буюртма. 34–2006 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129 Тошкент, Навоий кўчаси, 30//700128 Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.